


321.512  
C34



# Харобадан Чиққан Миллионер

Викас Сваруп

Викас Сваруп

# Харобадан чиққан миллионер



MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDA  
TOSHKENT AXBOROT  
Ифтихор ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
2022 413489  
MUSAVVIRLIK MARKAZI

УЎК 821.111(540)-31  
КБК 84(5Ҳинд)-44  
С 37

СВАРУП, Викас

Харобадан чиққан миллионер[Матн]: / Викас Сваруп,  
таржимон Қувонч Ғайратов. – Тошкент, 2022. – 340 б.

ISBN 978-9943-8321-1-4

*Инглиз тилидан*  
**Қувонч Ғайратов**  
*таржимаси*

Викас Сварупнинг “Харобадан чиққан миллионер” асари ўзида юқори савиядаги комедия, драма ва ишқий романни мужассам этиб, нафақат арзимас нарсалар ҳақида, балки ҳаёт тўғрисидаги билимларни қандай тўплаганимизни очиб беради. Инсониятнинг қашпоқликдан то шон-шуҳратгача бўлган йўлни босиб ўтишини кўрсатиш орқали Викас Сваруп эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг калейдоскоп тасвирини тақдим этади. Шу билан бирга, тирик қолишдан бошқа танлови қолмаган бола билан нималар содир бўлишини кўрсатади.

УЎК 821.111(540)-31  
КБК 84(5Ҳинд)-44

ISBN 978-9943-8321-1-4

©“Iftixor-Books” МЧЖ  
©Vikas Swarup 2005

# Пролог

Мени ҳибсга олишди. Викторинада ютганим учун.

Кеча тунда ҳатто дайди итлар ҳам уйкуга кетган маҳал мени олиб кетгани уйимга келишди. Эшигимни синдириб очиб, қўлимга кишан солишди-да, ташқарида қизил чироқлари ёниб-ўчаётган “Жип” томон етаклаб кетишди.

Ҳеч қандай шовқин-сурон ёки йиғи-сиғи бўлмади. Бирорта ҳам қўшни кулбасидан бош чиқармади. Мен ҳибсга олинганимда фақатгина тамаринд дарахтига уя солган бойўғли сайрарди.

Дҳаравида қамокқа олишлар маҳаллий поездларда кузатиладиган киссавурлик каби кенг тарқаган. Полиция бирор бахтикарони идорасига олиб кетмаган кун йўқ. Уларнинг айримларини миршаблар судраб, бақиртириб, йўл-йўлакай тепиб олиб кетади. Яна баъзилари эса уларга жимгина бўйсунди. Бундайлар полиция келишини сезади, эҳтимол, кутади ҳам. Улар учун кизил чироқлари ёниб-ўчиб турувчи “Жип”нинг келиши енгиллик бағишлайди.

Менинг ҳолатимга қайтадиган бўлсак, балки, миршабларни тепишим, бақиритим керакмиди?! Айбсизлигимни айтиб қаршилиқ билдиришим, шовқин кўтаришим, қўшнилариمنى уйғотишим. Аммо булардан фойда йўқ-да! Ҳатто қўшнилариمنى уйғонган тақдирда ҳам, мени ҳимоя қилиш учун бармоғини қимирлатмасди. Кўзларини ишқаганча нима бўлаётганини томоша қилар, “Яна биттасини олиб кетишди”, деган сийқаси чиққан гапни айтар, кейин эснаб, ухлагани кириб кетарди. Осиёнинг энг катта харобасидан кетишим уларнинг ҳаётида ҳеч қандай ўзгариш ясамасди. Яна аввалгидек тонгда сув олиш



## Харобадан чиққан миллионер

учун навбатда туришар, тонгги соат 7:30 да жўнайдиган маҳаллий поездга улгуриш учун шошишарди.

Менинг ҳибсга олинганим сабаби ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасдилар. Уйимга иккита миршаб бостириб кирганда ҳатто ўзим ҳам бу ҳақда ўйламадим-ку. Борлигининг ўзи “ноқонуний” ҳисобланиб, шаҳарнинг ташландиқ жойида фақирликда, бир қарич ер учун талашиб-тортишиб яшаб, ҳатто ҳожат чиқариш учун ҳам навбатда турганингдан кейин қамоққа тушиш муқаррар бўлиб қоларкан. Бир кун қизил чироқлари ёниб турган “Жип” исминг ёзилган ордер билан сени ҳибсга олгани келишига ишониб яшашга мажбурсан.

Бунинг ҳаммасини ўша викторинада қатнашиб, ўзимга ўзим тилаб олганимни айтадиганлар ҳам топилади. Улар бармоғини менга ниқтаб, Дхаравининг кексалари бойни камбағалдан ажратиб турувчи чегарани асло боса кўрма, деб айтган гапини ёдимга солади. Чиндан ҳам, чўнтагида ҳемири ҳам йўқ гиргиттонга заковатни синайдиган ўйинда қатнашишни ким қўйибди? Мия биз ишлатишга ҳақли бўлган орган эмас. Фақат оёқларимиз ва қўлларимизни ишлатишимиз талаб қилинади, холос.

Эҳ, улар саволларга жавоб берганимни кўришганида эди. Ўшанда мени бошқача ҳурмат қилган бўлишарди. Афсуски, викторина ҳали телевизорда кўрсатилмади. Аммо мен лотореяга ўхшаш нимададир ютганим овоза бўлди. Бошқа официантлар бу янгиликни эшитгач, ресторанда мен учун катта зиёфат уюштирди. Биз ярим тунгача куйлаб, рақсга тушиб, роса ичдик. Ўшанда биринчи марта Рамзининг мазасиз овқатларини емадик. Биз Марин Драйвдаги беш юлдузли меҳмонхонадан товукли бирьяни ва сих кабоб буюртирдик. Аҳмоқ бармен кизига уйланишимни таклиф қилди. Ҳатто жиззаки менежер ҳам менга кўнгилчан табассум қилди ва анчадан бери кечикаётган маошимни берди. Ўша тун у мени “ярамас аблах” деб ҳақорат қилмади. “Итвачча” ҳам демади.

Лекин ҳозир Годбол мени шундай, ҳатто ундан ҳам баттар ҳақоратлаяпти. Оёғимни чалиштирган ҳолда 3x2 метрли камерада ўтирибман. Унинг эшиги занглаб кетган. Панжарали кичик деразасидан ичкарига куёш нури тушиб турибди. Камеранинг ичи дим. Тошли полда пилчиллаб ётган манго қолдиқларини пашша талаяпти. Кўринишидан ғамгин суварак оёғимга ўрмалаб чикяпти. Қорним очишни бошлаяпти. Ошқозоним ғулдираяпти.

Қисқа фурсатдан сўнг мени ҳибсга олинганимдан бери иккинчи марта сўроқ қилиш учун тергов хонасига олиб кетишларини айтишди. Узоқ кутганимдан сўнг ва ниҳоят мени олиб кетгани инспектор Годболнинг ўзи келди.

Уни жуда ҳам қари деб бўлмайди, нари борса, қирк бешларда. Бошида бир тола соч қолмаган, юзи юмалоқ, яна шоп мўйлови ҳам бор. Оғир қадам ташлаб юради. Мешдай қорни эса мошранг шимининг устига осилиб туради. “Ярамас пашшалар” деб сўқиниб, юзи атрофида учаётган пашшани уриб ўлдиришга ҳаракат қилади. Лекин тутолмайди.

Бугун инспектор Годболнинг кайфияти яхши эмас. Ҳаво иссиқ ва пашшалар уни ҳоли-жонига кўймаяпти. Пешонасига тер доначалари маржон бўлиб терилган. Инспектор уларни кўйлагининг енги билан артиб ташлайди. Ҳаммасидан ҳам кўра уни менинг исмим безовта қиларди.

– Рам Муҳаммад Томас. Қандай сафсата бўлди бу? Барча динлар аралашиб кетган. Онанг отанг кимлигини билолмаганми?

У бу гапларни биринчи марта айтмаяпти. Ҳақоратга эътибор бермадим. Бу мен учун одатий ҳолга айланган.

Тергов хонасидан ташқарида икки миршаб хушёр турибди. Бу – ичкарида муҳим шахс бор дегани. Эрталаб улар паан чайнаб, бир-бири билан ҳазиллашиб ўтирганди. Годбол мени хонага итариб юборди. Ичкарида икки киши бу йил содир этилган бола ўғриликлари ва қотилликлар

## Харобадан чиққан миллионер

жадвали олдида турибди. Мен улардан бирини танидим. Сочи худди хотин кишиникидек ёки рок юлдузиникидек узун бўлган бу киши телевикторина суратга олинаётганда бошловчига кулоқчин орқали кўрсатмалар берганди. Иккинчи одамни эса танимадим. У – кал, оқ танли киши. Устига сиёҳранг костюм кийиб, бўйнига сабзиранг галстук тақиб олибди. Фақатгина оқ танлилар бу иссиқда костюм кийиб, галстук тақиши мумкин. У полковник Тейлорга ўхшаркан.

Шифтдаги вентилятор катта тезликда ишлаётганига қарамасдан, дераза йўқлиги сабаб хона жуда дим. Иссиқлик оппоқ деворлардан кўтарилиб, ёғоч шифтга бориб уриляпти. Узун ва қалин тўсин хонани иккига ажратиб туради. Гичирлайдиган стол ва унинг атрофига қўйилган учта стулни ҳисобга олмаса, у ер бўм-бўш. Металл чироқ ёғоч устундан столнинг шундоққина устига тушиб туради.

Цирк бошловчиси шерни оммага қандай таништиради, Годбол ҳам мени оқ танли кишига шундай таништиради:

– Бу Рам Муҳаммад Томас, сэр.

Оқ танли киши рўмолчаси билан пешонасини номига артиб қўйиб, менга худди янги маймун турини кўраётгандек қарайди.

– Демак, ўша машхур ғолибимиз шу экан-да! Мен ўйлагандан анча катта кўринаркан!

Мен унинг шеvasини аниқлашга ҳаракат қиламан. У Аграга Балтимор ва Бостондан келган сайёҳларга ўхшаб бурун товушлари билан гапиряпти.

Америкалик стулга ўтиради. Унинг кўзлари тўқ мовий, бурни эса пушти рангда. Пешонасидаги яшил томирлар дарахт шохларига ўхшаб кетган. У менга қараб:

– Салом, менинг исмим Нил Жонсон. Мен викторинага лицензия берувчи “NewAge Telemedia” компанияси вакилиман. Бу Билли Нанда, продюсер, – дейди.

Мен жим тураман. Ахир маймунлар гапирмайди-ку. Айниқса, инглиз тилида. У Нандага қараб,

– У инглизчани тушунадими? – деб сўрайди.

– Эсинг жойидами, Нил?! Қанақасига тушунсин?!  
У бўлмагур бир ресторанда ишлайдиган ақли калта  
официант-ку! Тавба!

Кўчадан бизга яқинлашиб келаётган сирена овози  
эшитилади. Миршаб хонага югуриб кириб, Годболнинг  
кулоғига пичирлайди. Инспектор ташқарига шопади ва  
хонага юқори мавқели, пакана, семиз полиция офицери  
билан бирга кириб келади. Годбол сариқ тишларини  
Жонсонга кўз-кўз қилиб, тиржаяди.

– Жаноб Жонсон, комиссар соҳиб етиб келди, – дейди.  
Жонсон ўрнидан туради.

– Келганингиз учун ташаккур, жаноб комиссар. Ме-  
нимча, сиз Билли билан танишсиз.

Комиссар бош силкиб,

– Ички ишлар вазири юборган хабарни олган захотим  
бу ёққа шошилдим, – дейди.

– Ҳа, айтганча, у – жаноб Михайловнинг кадрдон  
дўсти.

– Хўш, сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

– Комиссар, менга КМЮО борасида ёрдамнингиз керак.

– КМЮО?

– “Ким миллиард ютиб олмоқчи?” сўзларининг қис-  
қартмаси.

– Нима ўзи у?

– Бу бизнинг компаниямиз томонидан 35 та мам-  
лакатда йўлга қўйилган ўйин. Бутун Мумбай бўйлаб  
рекламаларимизни кўрган бўлсангиз керак.

– Аҳамият бермагандирман, лекин нега миллиард?

– Нега миллиард бўлмасин экан? “Ким миллионер  
бўлишни истайди?” викторинасини кўрганмисиз?

– “Каун Банега Крорепати”ни айтяпсизми? Бу те-  
лекўрсатув миллий васвасага айланганди-ку. Бизнинг  
уйда уни ҳамма кўрган.

– Нима учун кўргансиз?

## *Харобадан чиққан миллионер*

– Чунки... жуда ҳам қизиқарли эди.

– Агар мукофот пули миллион ўрнига ўн минг бўлганда ҳам қизиқ бўлармиди?

– Менимча, йўқ.

– Кўрдингизми? Дунёдаги энг қизиқ нарса жинсий майл эмас, балки пул. Пул қанчалик кўп бўлса, қизиқиш ҳам шунча кўп бўлади.

– Тушунарли. Кўрсатувингизда бошловчи ким?

– Прем Кумар.

– Прем Кумар? Иккинчи даражали актёрми? Лекин унинг машхурлиги Амитабх Баччаннинг чангида қолиб кетади-ку.

– Хавотир олманг, у машхур бўлади. Албатта, компаниямизнинг 29 фоиз улушига эгаллиги сабаб ҳам биз уни танлашга мажбур бўлдик.

– Тушундим. Энди мана бу йигит, исми нимаиди, ҳа, Рам Муҳаммад Томаснинг бунга нима алоқаси бор?

– У ўтган ҳафта суратга олинган 15-сон иштирокчиси.

– Хўш?

– Ва бир миллиард рупий ютиш учун талаб қилинадиган 12 та саволнинг барчасига тўғри жавоб берди.

– Нима? Ҳазиллашяпсизми?

– Йўқ, ҳазил эмас. Биз ҳам худди сиздек ҳайратдамиз. Бу болакай – тарихдаги энг катта жекпотнинг ғолиби. Бу сон ҳали эфирга узатилмади, шунинг учун бу ҳақда кўпчилик билмайди.

– Хўп, агар сиз у миллиард ютди десангиз, демак, у ростдан ҳам ютган. Муаммо нимада?

Жонсон бироз сукут сақлайди.

– Билли икковимиз сиз билан алоҳида гаплашиб олсак бўладими?

Комиссар Годболга хонадан чиқиб туришини ишора қилади. Инспектор менга қараб қўяди-да, чиқиб кетади. Мен хонада қоламан, лекин бунга ҳеч ким эътибор бермайди. Ахир мен оддий бир официантман, официантлар эса инглизча билмайди.

– Хўш, гапиринг энди.

– Муаммо шундаки, жаноб комиссар, Михайлов ҳозир миллиард рупий берадиган аҳволда эмас.

– Унда нега шунча пулни таклиф қилган?

– Ҳалиги... Бу тижорий ҳийла.

– Тушунмадим. Бу тижорий ҳийла бўлганда ҳам, кимдир асосий мукофотни ютиши викторина учун фойдали эмасми? “Ким миллионер бўлмоқчи?”да бир иштирокчи миллион ютганида кўрувчилар сони икки бараварга ошиб кетганди.

– Ҳаммаси режа асосида, комиссар. Бунга ўхшаш кўрсатувлар тасодиф ёки омад устига қурилмайди. Улар сценарий бўйича юритилади. Бизнинг сценарийимизга кўра, ҳали камида саккиз ой мобайнида ғолиб аниқланмаслиги керак эди. У вақтгача биз киритган пулларимизни рекламадан тушган даромад орқали чиқариб олган бўлардик. Лекин Томас режаларимизни барбод қилди.

– Хўп, унда мендан нима хоҳлайсиз?

– Томас викторинада фирромлик қилганини исботлашга ёрдам беришингизни хоҳлайман. У ўн иккита саволнинг барчасига кимнингдир ёрдамисиз жавоб топиши мумкин эмас. Шунчаки ўйлаб кўринг. У ҳеч қачон мактабга бормаган. Ҳеч қачон газета ўқимаган. У асосий мукофотни ютиб олиши мумкин эмас.

– Фикрингизга қўшилолмаيمان. Камбағал оилада туғилиб, кейинчалик даҳога айланган болалар ҳам бор. Эйнштейн ҳам қолоқ ўқувчи бўлмаганмиди?!

– Комиссар, ҳозир биз бу йигит ҳеч қанақасига Эйнштейн эмаслигини исботлашимиз мумкин.

У Нандага ишора қилади. Нанда менга яқинлашиб, хинд тилида гапиреди.

– Жаноб Рам Муҳаммад Томас, агар сиз викторинада ютадиган даражада ақлли бўлсангиз, биз яна бир викторина ўтказиш орқали ўзимиз учун буни исботламоқчи эдик.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Викторина жуда оддий саволлардан иборат бўлади. Ўртача ақлга эга ҳар қандай инсон буларга жавоб топиши мумкин.

У стулга ўтиради.

– Тайёрмисиз? Унда биринчи савол. Франциянинг пул бирлиги нима?

А) доллар

Б) фунт

В) евро

Г) франк

Мен жим тураман. Тўсатдан комиссар даҳанимга тарсаки туширади.

– Ҳароми, кармисан? Жавоб бер, бўлмаса, жағингни уриб синдираман!

Нанда атрофда телбадай гирдикапалак бўлишни бошлайди.

– Илтимос, бу ишни маданиятли одамлар каби бажарайлик, – деб илтимос қилади у комиссардан. – Жавобингиз?

– Франк, – дедим тўсатдан.

– Хато, тўғри жавоб эса евро. Хўп, иккинчи савол. Ойга биринчи бор оёқ қўйган одам ким?

А) Эдвин Олдрин

Б) Нил Армстронг

В) Юрий Гагарин

Г) Жимми Картер

– Билмайман.

– Бу Нил Армстронг эди. Учинчи савол. Пирамидалар қаерда жойлашган?

А) Нью-Йорк

Б) Рим

В) Қоҳира

Г) Париж

– Билмайман.

– Қоҳирада. Тўртинчи савол. АҚШ президенти ким?

А) Билл Клинтон

Б) Колин Повел

В) Жон Керри

Г) Жорж Буш

– Билмайман.

– Жорж Буш. Мени маъзур тутасиз, жаноб Томас, сиз биронта ҳам саволга жавоб беролмадингиз. Нанда комиссарга қайрилади ва инглизча гапиради. – Кўряпсизми? Бу йигит ғирт аҳмоқ. У саволларга фақат ғирром йўл билан жавоб топган бўлиши мумкин.

– У қандай қилиб ғирромлик қилган? – сўрайди комиссар.

– Айнан шунини мен ҳам тушунмаяпман. Мен сизга видео тасвирлардан иккита нусха олиб келдим. Мутахассислар бунини микроскоп билан текширди, лекин ҳозирча биз ҳеч нима топа олмадик. Барибир нимадир чиқиб қолса керак.

Ошқозонимдаги очлик томоғимгача етиб келади ва йўталаман. Жонсон менга кескин назар солади.

– “Ким миллионер бўлишни истайди?” кўрсатувида ғолиб бўлган майорни эслайсизми, комиссар? Бу бир неча йил олдин Англияда юз берган. Компания пул тўлашни рад этган. Полиция текширув олиб борган ва майорнинг айбини бўйнига қўйган. Шундай бўлиб чикдики, майор аудиториядаги профессордан тўғри жавобларни билиб турган. Профессор унга махсус йўталлар орқали тўғри жавобларни айтган. Бу ерда ҳам шунга ўхшаш нарсасодир бўлганга ўхшаяпти.

– Шунда биз аудиториядан йўталган инсонни излашимиз керакми?

– Йўқ, кимдир йўталгани бўйича далилимиз йўқ. У бошқа усулдан фойдаланган бўлиши керак.

– Телефон ёки пейжерчи?



## *Харобадан чиққан миллионер*

– Йўқ. Биз унда биронта ҳам қурилма бўлмаганига аминмиз ва бундан ташқари студияда на пейзаж, на телефон фойда бермаган бўларди.

Комиссарга тўсатдан бир фикр келиб қолади.

– Балки унинг миясида хотира чипи бордир?

Жонсон бошини сарак-сарак қилди.

– Комиссар, менимча, сиз илмий-фантастик фильмларни кўп кўриб юборгансиз. Бу нима бўлишидан қатъи назар, сиз бизга буни топишда ёрдам беришингиз керак. Унга ким ёрдам бергани номаълум. Қандай алоқа усули қўлланилганини ҳам билмаймиз. Шунга қарамасдан, менинг ишончим комилки, бу йигит фирибгар. Сиз буни исботлашга ёрдам беришингиз керак.

– Уни сотиб олиш ҳақида ўйлаб кўрмадингизми? – деб сўради комиссар умидвор оҳангда. – У ҳатто миллиардда нечта ноль борлигини ҳам билмаса керак. Ўйлашимча, унга бир неча минг рупий берсангиз ҳам, боши осмонга етади.

Комиссарга мушт туширгим келади. Тан олиш керак, викторинага қадар миллиард қанчалигини билмасдим, лекин бу энди тарих. Ҳозир буни биламан ва мен муқофотни олишим шарт. Барча тўққизта ноллари билан.

Жонсоннинг жавоби мени хотиржам қилади.

– Биз бундай қилолмаймиз. Бу бизни хавф остида қолдиради. Тушуняпсизми, у ёки ғолиб, ёки фирибгар. Шунинг учун у ё миллиард олади, ё қамокқа кетади. Бу ерда олтин ўрталик йўқ. Сиз унинг қамокқа жўнашини таъминлашингиз керак. Михайлов миллиард беришига тўғри келса, юраги дош беролмайди.

Комиссар Жонсоннинг кўзларига тик қаради.

– Сизни тушундим, лекин бундан менга нима фойда?

Жонсон унинг қўлидан тортиб, бурчакка етаклайди ва шивирлаб гапиришни бошлайди. Мен фақат иккита сўзни эшитаман: “Ўн фоиз”. Комиссарнинг кўзлари завқдан чакнаб кетади.

– Хўп-хўп, жаноб Жонсон, иш битди деб ҳисоблайверинг. Энди эса менга Годболни чақиришга рухсат берсангиз.

Инспекторни чақиришади. Комиссар Годболдан шу пайтгача оғзимдан қандай маълумот чиқара олганини сўрайди.

Годбол менга еб кўйгудек қарайди.

– Ҳеч қандай, комиссар соҳиб. У битта чўпчакни қайтаришдан чарчамаяпти. Шунчаки жавобларни билармиш. Бундан ташқари, ўзини омадли деб ҳам ўйлаяпти.

– Омадли? – кулимсиради Жонсон.

– Ҳа, сэр. Мен ҳозирча унга нисбатан “учинчи даража”ни кўлламадим, шундай қилганимда, у булбулдай сайраётган бўларди. Агар менга имкон берсангиз, ундан барча ҳамтовоқларининг исмларини суғуриб оламан.

Комиссар Жонсон ва Нандага савол назари билан қарайди.

– Бу сизга ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайдими?

Нанда кескин бош силкиди.

– Йўқ, қийноқ мумкин эмас. Унинг ҳибсга олингани аллақачон хужжатга тушган. Агар одамлар унинг қийноққа солинганини билиб қолишса, биз тамом бўламиз. Фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жин ургур ташкилотлар билан судлашишдан бошқа муаммоларимиз ҳам етарли.

Комиссар унинг елкасига кўлини кўйиб, сўзлай бошлади.

– Билли, сен америкаликларга ўхшаб қолибсан. Хавотир олма. Годбол профессионал. Унинг танасида ҳеч қандай из қолмайди.

Ошқозонимда оғриқ пайдо бўлади. Кўнглим айнишни бошлайди. Комиссар чиқиб кетишга тайёрланади.

– Годбол, эртага эрталаб исмлар ва қўлланган усуллар ҳақида барча маълумотларни кутаман. Уларни олиш учун барча зарурий воситалардан фойдаланишинг мумкин, лекин эҳтиёт бўл. Лавозиминг кўтарилиши айнан шу ишга боғлиқ.

## Харобадан чиққан миллионер

– Раҳмат, жаноб. Катта раҳмат, – деди Годбол сохта жилмайиш билан. – Хавотир олманг, бу болакай мен билан вақт ўтказгандан сўнг, керак бўлса, Маҳатма Гандининг қотиллиги учун ҳам жавобгарликни бўйнига олишга тай-ёр бўлиб қолади.

Мен Маҳатма Гандини ким ўлдирганини эшлашга уриндим. У ўлимидан олдин “Ё Рам!” деб қичқиргани маълум эди. Буни биринчи марта эшитганимда “Вой, бу менинг исмим-ку!” дегандим. Тимоти Ота эса бу 14 йилга ўрмонга бадарға қилинган ҳиндуийлик худоси Рам эканини тушунтирганди. Шунинг учун эсимда қолиб кетган.

Бу орада Годбол комиссар ва унинг ҳамроҳларини кузатиб қўйиб, қайтиб келади. У тергов хонасига шошиб киради ва эшикни қулфлайди. Кейин менга бармоқларини теккизиб, дейди:

– Қани, ҳароми, кийимларингни еч!

Танамнинг ҳар бир хужайрасида кучли оғриқ уйғонади. Қўлларим арқон билан тўсинга боғланган. Тўсин ердан 9 метр баланд, шунинг учун қўлларим ва оёқларим танамдан ажратиб ташлангандай туюляпти. Мени қип-яланғоч қилиб қўйишган. Қовурғаларим худди очликдан қийналаётган африкалик болаларникидай чиқиб турибди.

Годбол мени қийнаётганига бир соатдан ошди, лекин у ҳали ҳам тугатай демаяпти. Ҳар ярим соатда мени қийнаш учун янги қурол ишлятапти. Даставвал, у орқамга ёғоч тикди. Ёғочга қалампир суртилганди. Бу худди орқангда қизиб турган мих ҳаракатланаётганига ўхшарди. Оғриқдан чинқириб юбордим. Кейин у бошимни сув тўлдирилган челақка тикиб, ўпкам ёрилиб кетай дегунча ушлаб турди. Мен нафас чиқардим, бўғилдим ва деярли чўкиб кетдим.

Энди эса қўлида худди Дивалидаги учқун сачраткични тутиб тургандек токли сим ушлаб турибди. У атрофимда

маст боксчидай рақс тушиб, тўсатдан менга ташланади ва чап оёғимга очик симни санчади. Электр токи танамда қайноқ заҳар каби ҳаракатланиб, мени жазавага тушгандек силкитиб ташлайди. Годбол бақиритиб бошлайди.

– Сен ҳали ҳам менга қандай ҳийла ишлатганингни айтмайсанми, ҳароми? Ким сенга жавобларни айтиб турди? Жавоб бер. Шунда бу қийноқлар тугайди. Иссиқ овқат берамиз. Ҳатто уйга кетишинг ҳам мумкин бўлади.

Уй ҳозир жуда олисларда қолиб кетгандай туюлади. Иссиқ овқат эса кўнглимни айнитган бўларди. Агар узок вақт овқатланмасанг, очлик ўз-ўзидан ўтиб кетади ва ошқозонда бемаъни оғриқ қолдиради.

Кўнгил айнишининг биринчи тўлкини бошланади. Кўз олдим қоронғилашади. Қуюқ туманлар орасидан бўйи баланд, қорасоч аёл келаётганини кўраман. Шамол унинг орқасидан эсиб, сочларини олд томонга учиради ва юзини ёпишга уринади. Аёлнинг эғнида юпқа матодан оқ сари бор ва у худди варрак каби ҳилпиради. У кўлларини чўзиб, “Болам, болажоним”, деб йиғлайди. “Улар сени не кўйга соляпти?”

– Онажон! – деб қичкириб, туманлар ичидан унга интиламан.

Лекин шу пайт Годбол бўйнимдан бўғади. Мен эса югураману, сира олдинга силжимаيمان. У менга қаттиқ тарсаки туширади. Кўз олдимдаги қоронғилик тарқайди.

Годбол яна менга ручка тутқизади. Ручканинг ўзи қора, тумшуғи тилларанг. Учида эса кўк сиёҳ ярқираб турибди.

– Имзо қўй, – деб буюради у.

Қоғозда ҳаммаси жуда содда ёзилган: “Мен, Рам Муҳаммад Томас, ҳақиқатан ҳам 10 июль куни “Ким миллиард ютиб олмоқчи?” телевикторинасида қатнашдим. Ўйинда фирромлик қилганимни тан оламан. Мен ҳамма саволларнинг жавобини билмасдим. Шу сабабдан энг юқори мукофот ва бошқа ҳар қандай мукофотга бўлган

## Харобадан чиққан миллионер

даъвомдан воз кечаман ва мени кечиришингизни сўрайман. Мен бу иқрорни ҳеч қандай тазйиқсиз, ўзимни англаган ҳолда ёздим.

Имзо: Рам Муҳаммад Томас”.

Мен бу ҳужжатни имзолашим шунчаки вақт масаласи эканини билардим. Бу азобларга яна узоқ бардош қилолмайман. Бизга полиция билан жанжаллашмаслик доим уқтирилган. Менга ўхшаган кўча болалари куйи қатламдан келиб чиққан. Биздан юқорида жиноятчилар жойлашган. Ўғрилар. Ундан кейин товламачилар, қарз ундирувчилар ва улардан тепада донлар туради. Донлардан юқорида катта ишларни битирувчилар, лекин энг юқорида полиция. Уларнинг қўлида ҳокимият берган қурол бор. Уларни ҳеч ким текширмайди. Полицияни ким ҳам назорат қиларди? Шунинг учун мен аризага имзо чекаман. Балки ўн, ўн бешта шапалокдан сўнг. Балки беш ёки олтига шокдан кейиндир.

Тўсатдан эшик ортидан шовқин эшитилади. Миршаблар бақиряпти. Кимдир баланд овозда гапиради. Эшик тақиллайди. Хонага ўрта бўйли, нозик, ёш бир жувон югуриб киради. Тишлари маржондек, қошлари эса камондек. Пешонасининг ўртасига кўк рангда катта юмалоқ бинди кўйилган. Устига оқ шалвар камиз, кўк дупатга, оёғига чарм сандал кийиб олган. Қора сочлари ёйилган. Чап елкасида эса жигарранг сумка. Унда қандайдир ўзига хослик бор. Годбол шу даражада ҳайратга тушадики, кўлидаги симни ўзига теккизиб, қичқириб юборади. У нотаниш кимсани ушламоқчи бўладию, лекин унинг аёллигини кўриб, фикридан қайтади.

— Кимсиз? Бостириб киришга қандай ҳаддингиз сигди? Кўрмаяпсизми, мен бандман.

— Менинг исмим Смига Шох, — хотиржамлик билан жавоб беради аёл. — Жаъноб Рам Муҳаммад Томаснинг адвокатиман.

Шундай деб у менинг аҳволимга назар солади ва кўзларини олиб кочади. Годбол ҳайратдан ёқа ушлайди. У шу даражада ҳайратдаки, ҳатто менинг ҳайратга тушганимни ҳам сезмайди. Мен бу аёлни умуман танимайман. Менда таксига пул йўқ-ку, адвокат ёллашга қаерда бўлсин?!

– Нима дедингиз? Унинг адвокати?


– Ҳа. Ва сиз менинг мижозим билан қилаётган ишлар қонунга зид. Мен бу амалиётни ҳозироқ тўхтатишингизни талаб қиламан. У сизни Ҳиндистон Жиноят кодексининг 330-331-моддалари бўйича судга бериши мумкин. Уни ҳибсга олишга оид ҳужжатларни кўрсатинг. Мен бу ерда бирон ҳолат қайд этилаётганига исбот кўрмайпман. Ҳибсга олиш учун Конституциянинг 22-бандида кўрсатилган ҳеч бир асос йўқ ва сиз жиноят процесси қоидаларини бузаяпсиз. Ҳибс амалиётларини оширишга ҳақли эмас экансиз, мен мижозим билан холи гаплашиш мақсадида уни маҳкамадан олиб кетаман.

– Ҳалиги... Мен... Мен... Мен сўрашим керак... Комиссардан... Комиссардан сўрашим керак. Илтимос, кутиб туринг, – Годбол фақат шуларнигина айта олади.

У аёлга умидсиз назар солади ва бошини силкитиб, хонани тарк этади. Мен ҳамон ҳайратдаман. Адвокатлар полицияга бунчалик таъсир ўткази олишини билмасдим. Қатламлар қайта кўриб чиқилиши керак. Годбол хонага қачон қайтгани ёки адвокатга нима деганини билолмадим, чунки ҳушимдан кетиб бўлгандим. Очлик, оғриқ ва бахтдан.

\* \* \*

Мен чарм диванда кўлимда қайноқ чой қуйилган кружкани ушлаб ўтирибман. Тўғри тўртбурчак шаклидаги стол газеталар билан



## *Харобадан чиққан миллионер*

Хона деворлари пуштига бўялган. Жавонларга қалин китоблар терилган, уларнинг ён томонига зарҳал ёзувлар битилган. Деворларда сертификат ва дипломлар осиб қўйилган. Бурчакда пул дарахти жойлашган.

Смита ликопча ва стакан кўтариб қайтади. Димоғимга таом ҳиди урилади.

– Қорнингиз очлиги аниқ, шунинг учун چاپати, сабзавотлар ва кола олиб келдим. Музлаткичда бори шу экан.

Мен унинг кўлини сиқдим. Улар илиқ ва нам эди.

– Раҳмат, – дедим мен.

Унинг маҳкамага қандай ва нега борганини ҳали-ҳануз билмайман. У фақатгина мени ҳибсга олишгани ҳақида газетада ўқигани ва имкон қадар тезроқ келганини айтади. Ҳозир мен Бандрада – унинг уйидаман. Ундан бу ерга қачон ва нега келганимизни сўрамайман. Киши мўъжизага шубҳа қилмаслиги керак.

Мен овқатланишни бошлайман. چاپати, сабзавотлар ва кола – ҳаммасини паққос тушираман. Токи кўзларимни мудроқ босмагунча ейман.

Кеч тушди. Мен овқатланиб, ухлаб олдим. Смита ҳануз мен билан, лекин мен унинг ётоқхонасида, кўк матрас тўшалган каттагина каравотда ўтирибман. Унинг ётоқхонаси менинг собиқ хўжайиним, киноюлдуз Нилима Кумариникидан каттароқ экан. Улкан кўзгулар ва мукофотлар ўрнига жавонларга терилган китоблар ва мовий кўзли улкан тедди-айиқ турибди. Шунга қарамасдан, бу ерда ҳам Нилимадаги каби Sony телевизор ва DVD-плеер бор.

Смита каравот устида диск ушлаб ўтирибди.

– Мен викторина ёзиб олинган диск нусхасини топдим. Энди биз буни батафсил кўриб чиқишимиз мумкин. Сиз менга саволларга қандай жавоб топганингизни тусунтириб беришингизни истаيمان. Фақат тўғриси айтинг.

– Тўғриси?

– Агар ғирромлик қилган бўлсангиз ҳам, мен сизни ҳимоя қиламан. Менга айтган сўзларингиз суд залида ўзингизга қарши ишлатилмайди.

Юрагимда шубҳа пайдо бўлади. Бу аёл ростдан ҳам шунчалик яхши одамми? Балки уни тақирбош Жонсон жўнатгандир? Унга ишониш мумкинми? Бир қарорга келишим керак. Мен омад келтирувчи бир рупийлик тангамни олдим. Чикка бўлса, ҳақиқатни айтаман, пукка бўлса, валдирашни бошлайман. Тангани отаман. Чикка тушади.

– Альберт Фернандесни биласизми? – сўрайман мен.

– Йўқ, ким у?

– Унинг Дхаравида соат қисмлари ишлаб чиқарадиган ноқонуний заводи бор.

– Хўш?

– У матка ўйнайди.

– Матка?

– Ноқонуний қимор. Қартада ўйналади.

– Тушунарли.

– Шундай қилиб, Альберт Фернандес матка ўйнайди ва ўтган сешанба унинг роса омади келди.

– Нима бўлди?

– Унга кетма-кет 15 марта ютуқли қарталар тушди. Ишонасизми? Кетма-кет 15 та ютуқли қарта-я. Ўша кечада у 50 минг рупий ютиб олди.

– Бунинг нима алоқаси бор?

– Тушунмаяпсизми? Унинг қарталарда омади келди. Менинг эса викторинада омадим келди.

– Айтмоқчисизки, сиз 12 та саволга жавобни шунчаки омадга таянган ҳолда топдингиз?

– Йўқ, мен тахмин қилмадим. Мен жавобларни билардим.

– Билармидингиз?

– Ҳа, ҳамма саволга.

– Унда омаднинг бунга нима алоқаси бор?



## Харобадан чиққан миллионер

– Улар айнан мен жавобини биладиган саволларни сўраши омад эмасми?

Смита бунга умуман ишонмади. Юзидан шундок кўриниб турибди.

Мен ортиқ чидай олмайман, жаҳл ва хафалик билан сўзлай бошлайман:

– Нима ўйлаётганингизни биламан. Годбол каби сиз ҳам мен бу викторинада нима қилганимга қизиқяпсиз. Годболга ўхшаб фақат ресторанда ковурилган жўжа ва виски келтиришдан бошқа нарса кўлидан келмайди деб ўйляпсиз. Мен итдай яшаб, ҳашаротдай ўлиб кетишга маҳкумман. Шундайми?

– Йўқ, Рам. – У кўлимдан ушлайди. – Мен бундай фикрламайман. Лекин бир нарсани тушунишингиз керак. Сизга ёрдам беришим учун қандай қилиб миллиард ютганингизни билишим керак. Ростини айтсам, тушунолмаяман. Худо ҳаққи ҳатто мен бу саволларнинг ярмига ҳам жавоб тополмасдим.

– Эҳ хоним, биз камбағаллар ҳам саволлар бера оламиз. Гаров боғлайманки, агар камбағаллар викторина уюштира, бойлар бирорта саволга жавоб беролмайди. Мен Франция пул бирлигини билмайман, лекин Шалини Тай маҳалламдаги судхўрдан қанча қарз эканини биламан. Ойга биринчи бўлиб ким қадам қўйганини билмайман, лекин Дхаравида ким биринчи бўлиб ноқонуний DVD ишлаб чиқаришни бошлаганини биламан. Сиз бу саволларга жавоб бера олармидингиз?

– Рам, кўнглингизга олманг, сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Мен ростдан ҳам сизга ёрдам бермоқчиман. Бунинг учун жавобларни қандай топганингизни билишим керак.

– Буни тушунтириб беролмайман.

– Нега?

– Сиз нафас олганингизни сезасизми? Йўқ. Шунчаки нафас олишингизни биласиз. Мен мактабга бормаганман,

китоб ўқимаганман, лекин сизни ишонтириб айтаманки, жавобларни билардим.

– Балки жавобларни қандай топганингизни тушунишим учун бутун ҳаётигизни билишим керакдир.

– Балки.

Смита бош ирғади.

– Ўйлашимча, ягона ечим шу. Чунки викторина билимни эмас, балки хотирани синайди. – У кўк дупаттасини тўғрилаб, кўзларимга қаради. – Сизнинг хотираларингизни тинглашни хоҳлайман. Энг бошидан бошлай оласизми?

– Яъни туғилган йилимдан бошлабми?

– Йўқ, биринчи саволдан, лекин аввал, Рам Мухаммад Томас, менга фақат ва фақат ҳақиқатни айтишга ваъда беринг.

– Айтмоқчисизки, худди кинолардагидай ҳақиқат, бутун ҳақиқат ва ҳақиқатдан бошқа ҳеч нарса қабимми?


– Айнан.

Чуқур нафас олдим.

– Ваъда бераман, лекин онт ичадиган муқаддас китобингиз қани? Гита, Қуръон, Библия, фарқи йўқ.

– Менга китоб керак эмас. Мен сизнинг гувоҳингизман. Худди сиз менинг гувоҳим бўлганингиздек.

Смита кўлидаги ялтироқ дискни DVD-плеерга киритди.



1,000

## Қаҳрамоннинг ўлими

Учинчи кўнғироқ чалинди. Сиёҳранг пардалар кўтарилиш арафасида. Чироқлар секин-асталик билан сўнмоқда. Фақатгина қизил рангда ёзилган “чиқиш” белгиси кўринади. Попкорн ва яхна ичимлик сотувчилар аудиторияни тарк этишни бошлайди. Салим ва мен жойимизга ўтирамиз.

Салим ҳақида билишингиз керак бўлган биринчи нарса, у – менинг яқин дўстим. Иккинчидан, у ҳинд фильмларининг жинниси, лекин ҳаммасининг эмас. Фақат Арман Али роль ўйнаган фильмларни ёқтиради.

Айтишларича, биринчи бўлиб Ами табҳ Баччан юлдуз бўлган. Ундан кейин Шоҳруххон. Энди эса Арман Али. Такрорланмас киноқаҳрамон. Ҳинд-юнон худоси. Миллион қалбнинг ўғриси.

Салим Арманни ёқтиради. Арманга сиғинади, десам тўғрироқ бўлар. Унинг каталакдек хонаси Арманнинг турли хил суратлари билан тўлган. Арман куртқада, Арман мотоциклда, кийимси: Арман, тўппончали Арман, чавандоз Арман, ҳовузда соҳибжамоллар қуршовида қолган Арман...

## *Харобадан чиққан миллионер*

Биз Бандрадаги “Regal Talkies” кинотеатрининг бельэтажидаги энг биринчи қатор, А21 ва А22 жойларида ўтирибмиз. Аслида бу бизнинг ўрнимиз эмас. Чўнтагимдаги чипталарда “нархи 150 рупий, БЕЛЬЭТАЖ” деб ёзилмаган. Уларга “нархи 25 рупий, ПАРТЕР” деб ёзилган. Текширувчининг бугун кайфияти яхши экан, шунинг учун бизга илтифот қилди. У бизга ўрнимиздан туриб, балконга бориб, маза қилиб фильм кўришни айтди. Чунки партерда деярли ҳеч кимса йўқ. Ҳатто балкон ҳам бўм-бўш. Салим билан мени ҳисобга олмаганда, олдимиздаги қаторларда одамлар базўр йигирматага боради.

Салим билан кинога тушганимизда партерда ўтираемиз. Бу бизга қичқириш ва ҳуштак чалишга имкон беради. Салим экранга қанчалик яқин ўтирсанг, фильмга шунчалик шўнғиб кетасан, дейди. Айтишича, биз олдинга эгилиб, Арманга деярли тегинишимиз мумкин. У Арманнинг мушагидаги томирларни санаши, яшил кўзларида ялтिलाётган оқ рангни, иягидаги энди сабза урган соқолларни, ишлов берилган бурнидаги сезиларсезилмас холни ҳам кўриши мумкин.

Мен Арманга унчалик ишқибоз эмасман. У барча фильмда бир хил роль ўйнайди, деб ҳисоблайман. Бироқ мен ҳам олд қаторда катта экранга иложи борича яқин ўтиришни яхши кўраман. Бу ердан аёл қаҳрамонлар янада жозибалироқ кўринади.

Пардалар кўтарилди ва экранга жон кирди. Даставвал реклама қўйилади. Тўртгаси хусусий ва битгаси давлат компаниясига тегишли. Бизга нонуштага “Corn Flakes” ёрмаларини есак, мактабда ҳаммадан аълочи, крикет бўйича чемпион бўлишимиз айтилади. “Spice Cologne” ишлатиб, машинани тез ҳайдаш ва аёлларга эришиш ҳақида сўз боради. (Бу Арман ишлатадиган атир, деб қичқиради Салим). Рома совуни билан кийимимизни оппоқ қилиб ювсак, лавозимимиз кўтарилиши мумкин экан. Қизил ва

оқ виски ичиб, қироллардай яшашимиз мумкин эмиш. Шунингдек, сигарет чексак, ўпка саратонидан ўлишимиз ҳам айтилади.

Рекламадан сўнг плёнка алмашиши туфайли бироз пауза юзага келади. Биз йўталиб, томоғимизни сошлаб оламиз. Шундан кейин экранда сертификат пайдо бўлади. Унда фильм ўн икки ёшдан катталар учун мўлжаллангани, 17 та плёнкадан иборат экани ва узунлиги 4,639.15 метрлиги айтилади. Бу сертификат Фильмларни сертификатлаш марказий бошқармаси бошлиғи М. Кейн хоним томонидан имзоланган. У ҳамма сертификатларни имзолайди. Салим мендан бу аёл ҳақида кўп сўрарди. У бу аёлга ҳасад қилади. Чунки у Арманнинг картиналарини ҳаммадан олдин кўради-да.

Кейин экранда фильм ҳақида маълумотлар пайдо бўлишни бошлайди. Салим бу фильмдаги ҳар бир инсонни билади. Кийимларга ким жавоб беради, ким стилист, ким пардозчи. У ҳатто лойиҳа менежери, молиявий раҳбар, овоз ёзувчи ва, умуман, ҳамма ёрдамчиларнинг исмини билади. У инглизчада яхши гапиролмайди, аммо исмларни ўқий олади, ҳатто майда ҳарфда ёзилганларини ҳам. Салим бу фильмни саккиз марта кўрган ва ҳар сафар янги исмларни эслаб қолади. Лекин агар унинг қиёфасини кузатсангиз, қора бозордан чипта топиб, фильмни биринчи марта кўряпти, деб ўйлайсиз.

Икки дақиқа ичида Арман Али оқ-кўк вертолётдан сакраб тушиб, шонли тарзда кадрда пайдо бўлади. Салимнинг кўзлари чакнаб кетади. Бир йил олдин Арманни биринчи марта ҳаётда учратганида ҳам унинг кўзларида шундай шавқни кўргандим.

\* \* \*

Салим югуриб келиб, ўзини каравотга отади. Мен сесканиб кетаман.

– Салим... Салим! – деб бақираман мен. Нима бўлди? Нега бунча эрта қайтдинг?

## Харобадан чиққан миллионер

Мен унинг юзини ўзимга қаратаман. У кулади.

– Бугун ажойиб нарса бўлди. Бугун ҳаётимдаги энг бахтли кун, – деб эълон қилади у.

– Нима бўлди? Лотореяда ютдингми?

– Йўқ, ундан ҳам яхшироқ. Мен Арман Алини кўрдим.

У барчасини бир бошдан айтиб беради. Гаткопарда айланиб юрган маҳал Арман Алига қандай кўзи тушганини сўзлайди. Киноюлдуз ўзининг “Mercedes”ида беш юлдузли меҳмонхонага кириб кетаётган экан. Салим бу пайтда харидорга нонушта олиб кетаётган бўлган. У Арманни пайқаши билан велосипеддан сакраган ва машина уриб юборишига сал қолганига қарамай, эшикдан кираётган актёр томон чопган. Уни форма кийган новча соқчи тўхтатган. Салим киноюлдузнинг эътиборини тортиш учун “Арман” деб бақирган. Арман овозни эшитиб, бурилган. Унинг кўзлари Салимнинг кўзларига тушган. У номига жилмайган ва йўлида давом этган. Салим нонуштани унутган ва орзуси амалга ошгани ҳақида менга хабар беришга шошилган. Ўша куни Гавли нонушта хизмати харидорлари оч қолган.

– Арман экрандагидан фарқ қилармикан? – сўрайман мен.

– Йўқ, у ҳаётда экрандагидан-да яхшироқ, – дейди Салим. – Новчароқ, келишганроқ. Менинг ҳаётдаги мақсадим – унинг қўлини бир маротаба бўлса-да сиқиш. Қўлимни бир ойча ювмай юрсам керак ўзиям.

Ўшанда мен юлдуз билан сўрашишдек мураккаб-лашмаган, оддий орзулар қилиш қанчалик яхши экани ҳақида хаёлга толгандим.

\* \* \*

Экранда тўшпонча уч нафар полициячига қаратилган. Бу фильмда Арман босқинчи ролини ўйнаётганди. Довжурок талончи. У бойларни шилиб, улардан олган пулни камбағалларга тарқатади. Орада Прия Капурни

севиб қолади (Капур санъатга энди кириб келаётган актриса эди), олтита кўшиқ куйлайди, онасини Ваишно Девига зиёратга олиб бориб, унинг орзусини амалга оширади. Бу – биринчи қисм тугагунча бўлган ҳикоя.

Прия Капурнинг экранда пайдо бўлиши кичкириклар билан кутиб олинади. У – баланд бўйли, гўзал актриса. Бир неча йил аввал “Дунё гўзали” номига мушарраф бўлган. Унинг комати чинакам гўзаллик намунаси – хипча бел ва сийнадор. Шу кунларда у менинг севимли актрисам. У фильмда кўп маротаба лабларини чўччайтириб, ҳазилкашга қараб, “овозингни ўчир” дейди. Биз роса куламиз.

– Сенинг ҳаётдан мақсадинг Арманнинг кўлини сиқиш, – дейман Салимга, – лекин Арманнинг мақсади нима деб ўйлайсан? Унда ҳаммаси етарли – чиройли қиёфа, машҳурлик ва бойлик бор.

– Адашяпсан, – деб жавоб беради Салим. – Унда Урваши йўқ.

\* \* \*

Газеталар Арман ва Урвашининг 9 ой давом этган муҳаббати ва ажралиши ҳақида тинмай ёзарди. Арманнинг юраги чилпарчин бўлгани ҳақида миш-миш юрарди. У ҳеч нима емаётган экан. Қайғуга дош беролмай, ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли бор экан. Урваши эса моделликка қайтди.

Салим тинмай йиғлаганидан кўзлари қизариб кетган. У кун бўйи ҳеч нима емаяпти. Арман ва Урвашининг расми туширилган юрак шаклидаги шиша рамка (Салим уни маошининг ярмига сотиб олганди) ерда бўлақларга бўлиниб ётибди.

– Салим, ёш болага ўхшайверма. Кўлингдан ҳеч нима келмайди, – дейман унга.

– Қанийди Арман билан учраша олсам, унга ёрдам берардим. Кўлидан ушлаб, елкамга бош қўйиб йиғлашга

## Харобадан чиққан миллионер

ундардим. Айтишларича, одам йиғласа, анча енгил тортаркан.

– Бу нимани ўзгартиради? Барибир Урваши қайтиб келмайди-ку.

Тўсатдан Салим менга қарайди.

– Урваши билан гаплаша олармикинман? Балки уни Арманнинг ёнига қайтишга кўндирарман. Унга бу ҳаммаси хато экани, Арманнинг қанчалар қайғуда юрганини айттардим.

Мен бош силкитаман. Салимнинг бутун Мумбай бўйлаб Урвашини излашини хоҳламайман ахир.

– Бошқа одамларнинг ишларига аралашиш, уларнинг муаммосини ўзингники қилиб олиш яхши эмас, Салим. Арман Али – кап-катта одам. У муаммоларини ўзи ҳал қилади.

– Ҳеч бўлмаса, унга совға жўнатаман, – дейди Салим.

У бориб, елим сотиб олади ва синдириб ташлаган юраксимон рамкасини тузатишга киришади. Бунга бир ҳафта вақт кетади, аммо энди унинг “юраги” бутун ва қора чизиқлар шунчаки қилинган хатодан эсдалик эди.

– Энди мен буни Арманга юбораман, – дейди Салим.

– Бу парчаланган юрак ҳам тикланиши мумкинлигининг рамзи.

– Елим биланми?

– Йўқ. Меҳр-муҳаббат билан!

Салим уни матога ўраб, Арман Алининг уйига юборади. Бу Арманга етиб бордими ёки йўқ, билмайман. Балки уни почта хизмати майдалаб ташлагандир ёки қўриқчилар ахлатга ташлаб юборгандир. Буниси менга қоронғи. Муҳими шуки, Салим бу нарса унинг қаҳрамонига етиб борган ва ярасига малҳам бўлган, Арманни қайта тиклаган ва ҳозир биз кўриб тургандек фильмларда суратга тушишда давом этишга ундаган, деб ҳисоблайди. Бу фильмни мен биринчи марта, Салим эса тўққизинчи марта кўраётганди.



Экранда диний мусика кўйилади. Арман онаси билан Ваишно Деви зиёратгоҳига чиқяпти.

– Айтишларича, Мата Ваишно Девидан чин юракдан бирон нима сўрасанг, тилагинг амалга ошаркан. Сен нима сўраган бўлардинг? – дея сўрайман Салимдан.

– Сен нима сўраган бўлардинг? – деб такрорлайди у.

– Менимча, пул сўраган бўлардим, – дейман мен.

– Арман билан Урваши ярашиб олишини сўраган бўлардим, – дейди у иккиланмай.

Экранда қалин қизил ҳарфларда “Танаффус” деган ёзув пайдо бўлади.

\* \* \*

Салим билан мен ўрнимиздан туриб, керишамиз. Сотувчидан иккита сомса оламиз. Чанқоқбосди ичимликлар сотиб юрган бола бўш ўринларга маънос назар солади. У бугун фойда қилолмаслиги аниқ. Биз ҳожатхонага қараб юрамиз. Унинг оқ кафеллари, писсуарлари, раковиналари чиройли ва тоза. Бизнинг доимий жойимиз бор. Салим ҳар доим ўнг тарафдан энг охирига боради, мен эса чап девордаги бир кишилик писсуардан фойдаланаман. Қовуғимни бўшатиш мобайнида деворга ёзилган сўзларга кўзим тушади: “Мен ихтиёрингдаман”... “Бу ерда Тину бўлган”... “Шина бузуқ”... “Мен Приянкани севаман”...

Приянка? Бу ёзувни ўзгартирган одам қўлимга тушса борми?! Қўлимга туфлаб, ортиқча ҳарфларни ўчиришга ҳаракат қиламан, лекин улар ўчмайдиган қора маркерда ёзилган экан. Шундан кейин мен тирноқларим орқали уларни девордан кўчириб олишни бошлайман ва ёзувни асл ҳолатига келтираман. У тўрт ой аввал мен ёзган ҳолатга қайтади: “Мен Прияни севаман”.

Танаффус тугаб, иккинчи кўнғироқ чалинади. Фильмнинг давоми кўрсатилиш арафасида. Салим менга қолган қисмни қисқача айтиб беради. Арман ва Прия Швейцарияда биргаликда кўшиқ куйлайди. Ундан кейин

## Харобадан чиққан миллионер

Приянинг ҳаётига бир тўда душман зомин бўлади. Арман қасос олиш учун юзлаб ёмон одамларни ўлдиради, порахўр сиёсатчилар ва полициячиларни фoш қилади ва қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Биз жойимизга қайтамыз. Ҳаммаёқ яна қоронғилашади. Тўсатдан новча одам кириб келади ва Салимнинг ёнига ўтиради. А20 ўриндиғига. Икки юзта бўш ўриндик бор бўлса ҳам, у айнан А20 ни танлайди. Юзини кўриш имконсиз бўлса ҳам, мен унинг қари ва узун соқолли одам эканини сезаман. У патан<sup>1</sup> кийиб олган.

Мен бу одамга қизиқаман. Нега у фильмнинг ярмида келди? Чиптанинг ярим пулини тўладимикан? Салим эса хотиржам. Унинг диққати экрандаги Арман ва Прия ўртасида бошланадиган ишқий муносабатларга қаратилган.

Арман Швейцарияга гўё танишлар топиш мақсадида келган. Аслида эса Прия билан учрашиш ва кўшиқ куйлашни ният қилганди. Унга миллий либос кийган йигирмата оқ раққоса жўр бўлади. Уларнинг кийимлари совуқ тоғ об-ҳавосига мос эмас. Кўшиқ ва рақс тугайди. У ҳозир меҳмонхонанинг каминида чирсиллаб олов ёнаётган хонасида ўтирибди.

Прия эса бу пайтда ювиняпти. Биз сувнинг овозини ва Приянинг хиргойи қилаётганини эшитамиз. Кейин эса унинг ҳаммомда эканини кўрамыз.

Ва ниҳоят у пушти сочиққа ўранган ҳолда ҳаммомдан чиқиб келади.

Арман Прияни бағрига босади. Бизга Приянинг оғир нафас олиши, пешонасида тер доначалари пайдо бўлгани кўрсатилади. Залда хуштаклар чалинади. Салимнинг ёнида ўтирган киши оёқларини чалиштириб, ноқулай жойлашиб олади.

<sup>1</sup> Жанубий Осиёда эркаклар киядиган этник либос. У уч қисмдан – курта (узун кўйлак), шалвар ва нимчадан иборат бўлган мусулмонлар кийими ҳисобланади.

– Ёнингдаги қария ўзини ғалати тутяпти, – дейман Салимга.

Лекин Салим на менга, на қарияга этибор бергани йўқ. У экрандан кўз узолмайди. Камера камин томон қаратилади. Олтин-сарик рангли олов ўтинларни қамраб олади. Тасвир хиралашиб, кейин қоронғилашади.

\* \* \*

Бизнинг ошхонамизда ҳам шунга ўхшаш олов ёняпти. Фақат ўтинлар ўрнига Салим қоғоз ишлатяпти.

– Ҳаромилар! Итваччалар! – деб минғирлади қалин, ялтироқ қоғозни йиртаётиб.

– Нима қиялпсан, Салим? – деб сўрайман хавотирга тушиб.

– Арманни ёмонлаган ҳаромилардан ўч оляпман, – дейди у бир дунё варақларни оловга улоқтириб. Шунда Салим журнални йиртаётганига аҳамият бераман.

– Бу қайси журнал? Янгига ўхшаяпти.

– “Starburst”нинг охириги сони. Шу сонидан иложи борича кўпроқ олиб, қўлимга тушган ҳаммасини йиртиб, йўқ қилиб ташлайман. Ҳозирча матбуотдан ўнта сотиб олдим.

Ҳали йиртилмаган журналлардан биттасини оламан. Муқовасига Арман Алининг расми туширилган ва “БУ ОДАМ ҲАҚИДАГИ БАРЧА ҲАҚИҚАТЛАР” деб сарлавҳа ёзилган.

– Ия, журналда кумирингнинг сурати бор экан-ку! Нега йиртиб ташлаяпсан? – бақираман мен.

– Ичида Арман ҳақида ёзилган нарсалар учун.

– Лекин сен ўқишни билмайсан-ку.

– Сал-пал ўқий оламан. Кейин мен гаранг ҳам эмасман. Миссис Барве билан миссис Ширке мана шу сонда Арманни айблаб ёзилган нарсаларни гаплашаётганини ўз қулоғим билан эшитдим.

– Нима деб ёзишибди?

## Харобадан чиққан миллионер

– У эркакларни ёқтиргани учун Урваши уни ташлаб кетганмиш.

– Хўш, нима қилибди?

– Нима, менинг қахрамоним ҳақида хоҳлаган нарсасини ёзиб кетаверадими? Ёзилганларнинг ҳаммаси ғирт сафсата! Арманни кўролмайдиган ичиқоралар кўп. Буни ҳам ўшалар Арманнинг обрўсини тўкиш учун уюштирган. Улар мақсадига эришишига йўл қўймайман. “Starburst”нинг идорасига бориб, ўт қўйиб келаман.

Салим ғазабдан ёняпти. Сабаби маълум. Ахир у жинсий қарашлари ўзгача бўлганларни жинидан баттар ёмон кўради. Унинг қахрамонига бу каби тамғаларни ёпиштириш – у учун қаттиқ ҳақорат.

Мен ҳам ундай кимсаларни кўрганман. Улар ҳали эсини танимаган болаларга нималар қилишидан ҳам хабарим бор. Хилват жойларда, умумий ҳожатхоналарда, шаҳар боғларида, меҳрибонлик уйида.

Хайрият, “Starburst” кейинги сонида Арманга қўйган айбловни қайтариб олади ва даббаваллани<sup>2</sup> ўт қўйиш жиноятидан асраб қолади.

\* \* \*

Бу орада экрандан ташқарида ҳам эҳтирос жўш уряпти. А20 ўриндиғида ўтирган қария Салимга яқинлашади. Оёғини Салимнинг оёғига теккизади. Дастлаб дўстим бу ўзининг хатоси билан бўлди деб ўйлайди. Иккинчи марта текканда тасодифан бўлди деб ҳисоблайди. Учинчи мартасида эса қария атайин қилаётганини фаҳмлайди.

– Муҳаммад, – пичирлайди у менга. – Агар мана бу ярамас бас қилмаса, бир тепаман.

– Қариб ётибди-ку, балки оёғи титраса керак, – жавоб қайтараман мен.

---

<sup>2</sup> Даббавалла – Мумбай етказиб бериш тармоғида жойларга тушлик етказиб берувчи курьер

Экранда жанг сахналари бошланади ва Салим яна фильмга шўнғиб кетади. Арман ёвузларнинг уйига кириб келади ва ўз душманларининг таъзирини бериб қўйиш учун бокс, каратэ, кунг фудан фойдаланади.

Қариянинг қўллари ҳам ҳаракатга келади. У тирсагини ўриндикнинг қўлига қўйиб, Салимнинг тирсагига секин теккизади. Салим буни сезмайди, чунки фильм кульминацион нуктасига келаётган бўлади.

Кинодаги энг машхур сахна бошланиш арафасида. Унда барча ёмон одамларни ўлдиргач, Арман Алининг ўзи ҳам ўлади. Унинг майкаси қонга беланиб кетган. Бутун танасини ўқ жароҳатлаган. Шими чанг бўлиб кетган. У бор кучи билан судралиб, онасининг олдига боради.

Салимнинг кўзи ёшланади. У олдинга эгилиб, алам билан пичирлайди:

– Онажон, сизга яхши ўғил бўла олдим деб умид қиламан. Мени деб кўз ёш тўкманг. Бир умр қўрқоқ бўлиб яшагандан кўра қаҳрамонларча ўлган афзал.

Арман бошини онасининг тиззасига қўяди. У Салим айтган сўзларни такрорлайди:

– Онажон, сизга яхши ўғил бўла олдим деб умид қиламан. Мени деб кўз ёш тўкманг. Бир умр қўрқоқ бўлиб яшагандан кўра қаҳрамонларча ўлган афзал.

Бояқиш она ўғлининг қон оқаётган бошини ушлаб, йиғлаб юборади. Унинг кўзидан оққан ёшлар Арманнинг юзига тушади. У онасининг қўлидан ушлайди. Кўкси эса силкиниб кетади.

Мен ҳам ўзимни тутиб туролмайман. Кўз ўнгимда бошқа аёл пайдо бўлади ва боласини аравачага солишдан аввал юз-кўзларидан ўпади. Шамолнинг увиллаши эшитилади. Сиреналар чалинади. Полиция доимгидек жуда кеч етиб келади. Қаҳрамон уларнинг ўрнига ҳамма ишни қилиб бўлганидан кейин. Улар эса қаҳрамон учун ҳозир ҳеч нарса қилолмайди.

## Харобадан чиққан миллионер

Шу пайт соқолли киши чап қўлини Салимнинг оёғига секингина қўйганини кўраман. Салим ўлим саҳнасидан таъсирланиб кетгани боис буни пайқамайди. Қария кафти билан Салимнинг шимини силайди. Арман сўнгги нафасини олаётган чоғ қария ҳам Салимга босимни кучайтиради. Бу ҳол Салим ҳаммасини фаҳмлагунча давом этади.

– Онангни эмгур, бузуқи! Ўлдираман сени, аблах! – бақиради Салим ва ҳалиги кишининг юзига қаттиқ тарсаки туширади.

Қария шошганча қўлини Салимнинг оёғидан олади ва ўрнидан туришга уринади. Бироқ у туриб олгунча Салим унинг ёқасидан ушлайман деб, соқолидан ушлаб олади. Соқолни тортгани ҳамон у эркакнинг юзидан узилиб чиқиб, Салимнинг қўлида қолади. Қария бўғиқ овоз билан бақирадию, ўриндикдан сакраб, чиқиш эшиги томон қочади. Эшик ҳам биздан бор-йўғи олти метр нарида, холос.

Айни ўша вақт залда электр токи ўчиб қолади ва генератор ишга тушади. Экран ўчиб, оппок бўлиб қолади ва фавқулодда вазият чироқлари қоронғи залдаги одамларнинг кўзини қамаштиради. Қочаётган киши эса худди машина чироқлари ёруғида саросимага тушиб қолган кийикдек нима қиларини билмай қолади.

Тўсатдан электрдаги узилиш қайта тикланади. Бу фақат бир лаҳзалик узилиш эди. Экранда фильм яна давом этади, фавқулод чироқлари ўчади. Бояги киши қора парданинг ортига шошиб ўтади ва у ердан қизил рангдаги “ЧИҚИШ” белгиси томонга бориб, эшикни очади ва ғойиб бўлади.

Лекин ўша бир сония давом этган узилишда Салим иккимиз унинг қўнғир-яшил кўзларини кўришга улгургандик. Текис бурни ва иккига ажралган иягини ҳам. Экранда фильм ижодкорларининг номи чиқаётган пайт

Салим кўлида одиколон ва спиртли елим хиди келиб турган кулранг чигал сочни ушлаб туради. Бу сафар у дизайнер, чироқчи ва унинг ёрдамчилари, постановкачи ва операторнинг исмини кўрмайди. Чунки йиғлапти. Ахир у қахрамон ҳисоблаган Арман Али жон берганди.

\* \* \*

Смита менга шубҳа билан қараб турибди.

– Бу ҳодиса айнан қачон содир бўлган?

– Тахминан олти йил аввал. Салим билан мен Гхаткопардаги чоулда<sup>3</sup> яшаган пайтларимиз.

– Ҳозир айтиб берганларингиз қандай аҳамиятли нарсани биласизми?

– Қанақасига?

– Агар бу ҳодиса матбуотда эълон қилинса, Арман Алини синдириш ва унинг карьерасига нуқта қўйиш мумкин. Албатта, агар айтганларингиз рост бўлса.

– Менга ҳали ҳам ишонмаяпсизми?

– Мен бундай демадим.

– Шубҳаланаётганингиз кўзингиздан кўриниб турибди. Ўзингиз биласиз. Аммо DVDдаги далилни инкор этолмайсиз. Биринчи саволни кўраимизми?

Смита бош ирғайди ва пультадан “Play” тугмасини босади.

Студия чироқлари хиралашган. Атрофимда айлана бўлиб ўтирган томошабинларни зўрға кўряпман. Залнинг марказидаги фақат битта жой чироқ билан ёритилган, у ерда мен Прем Кумарнинг қаршисидаги чарм айланма курсида ўтирибман. Бизни бир-биримиздан яримайлана стол ажратиб турибди. Олдимда саволлар кўринадиган улкан экран бор. Томошабинларга қаратилган таблода “Тинчлик сақлансин” деган ёзув чиқиб турибди.

<sup>3</sup> Чоул – Жанубий Осиёда асосан ишчилар яшайдиган катта бино бўлиб, ичида кўплаб алоҳида арзон ижара уйлар бўлади.

## Харобадан чиққан миллионер

– Камералар тайёрми? Бир, икки, уч, бошладик!

Кўрсатув мусиқаси жаранглайди. Зални Прем Кумарнинг овози тўлдиради:

– Сизлар билан яна кўришиб турганимиздан хурсандмиз! Бугун биз Ер юзидаги энг катта ютукни кўлга киритиб, тарих саҳифаларига кирадиган инсонни аниклаш учун йиғилиб турибмиз. Хонимлар ва жаноблар, қани, ким миллиардерга айланаркан?!

Таблода “Олқишлар” деган ёзув пайдо бўлади. Томошабинлар қарсак чалади, хуштаклар ва кўллаб-қувватловчи овозлар эшитилади. Мусиқа секин ўчади.

– Бугун учта иштирокчи билан ўйнаймиз. Уларни компьютеримиз тасодифий равишда танлаб берган, – дейди Прем Кумар. – Учинчи рақамли иштирокчимиз Ғарбий Бенгалнинг Мальда шаҳридан Капил Чоудхари, иккинчи рақамли иштирокчимиз аҳмадободлик профессор Хари Парикх ҳамда биринчи рақамли иштирокчимиз, бугунги студиямиз меҳмони – ўзимизнинг Мумбайдан ўн саккиз ёшли Рам Муҳаммад Томас. Хонимлар ва жаноблар, келинлар, уни олқишлаб кўямиз.

Ҳамма қарсак чалади. Қарсак овозлари тингач, Прем Кумар менга юзланади.

– Исмингиз ниҳоятда қизиқ экан, Рам Муҳаммад Томас! Шубҳасиз, у Ҳиндистоннинг бойлиги ва хилма-хиллигини кўрсатади. Қани айтингчи, нима иш билан шуғулланасиз, жаноб Томас?

– Колабадаги “Жимми” ресторан-барида официант бўлиб ишлайман.

– Официант! Қизиқ-ку! Қани айтингчи, қанча маош оласиз?

– Тўққиз юз рупий атрофида.

– Бўлдимми? Хўп, бугун ўйинда ғолиб бўлсангиз, нима қиласиз?

– Билмадим.



- Билмайсизми?!
- Йўқ.

Прем Кумар менга жаҳл билан қараб кўяди. Чунки мен сценарийга амал қилмаяпман. Мен мазкур суҳбатни қизиқарли, қувноқ қилиб давом эттиришим керак эди. Ресторан ёки самолёт, керак бўлса, мамлакатни сотиб оламан дейишим керак эди. Катта зиёфат бераман дейишим мумкин эди. Ёки Ҳиндистон гўзалига уйланишим, Тимбуктуга саёҳатга кетишимни айтишим кутилганди.

– Майли, энди ўйин шартларини таништириб ўтсам. Сизга 12 та савол берилади ва ҳаммасига тўғри жавоб берсангиз, Ер юзидаги энг катта жекпот – бир миллиард рупий ютиб оласиз! Тўққизинчи саволгача исталган вақтингиз ўйинни тарк этишингиз ва ўшангача ютган пулингизни олишингиз мумкин, аммо тўққизинчи саволдан кейин ўйинни тарк этолмайсиз. Ундан кейин “Ўйна ёки Тўла” бошланади. Бу ҳақда кейинроқ тушунтираман. Агар саволга жавобингиз бўлмаса, ваҳимага тушишга ҳожат йўқ, чунки сизнинг иккита “Қутқарувчи кема”нгиз бор. Биринчиси, дўстингизга қўнғироқ, иккинчиси 50/50. Демак, 1,000 рупий тикилган биринчи саволни бошласак ҳам бўлади. Тайёрмисиз?

– Ҳа, тайёрман.

– Жуда яхши, демак, биринчи саволни тингланг. Жуда осон савол. Машҳур фильмлар ҳақида. Менимча, залдаги исталган томошабин ҳам жавоб бера олса керак. Ҳаммамизга маълумки, сўнгги пайтларда Прия Капур билан Арман Али катта экранларда муваффақиятли жуфтликка айланди. Лекин сиз Арман Али билан Прия Кумар ўйнаган биринчи фильмни айтишингиз керак.

- А) Ёнғин
- Б) Қахрамон
- В) Очлик
- Г) Хиёнат.

Орқа фондаги мусиқа ҳаяжонли куйга айланади. Худди соатли бомбанинг овози каби.

– Г) Хиёнат, – жавоб бераман мен.

– Кинога тушиб турасизми?

– Ҳа.

– Жавобингиз аниқлигига ишончингиз 100%


комилми?

– Ҳа.

Барабанлар тобора баландроқ гумбурлайди. Экранда тўғри жавоб пайдо бўлади.

– Мутлақо тўғри! – эълон қилади Прем Кумар. – Сиз минг рупий ютиб олдингиз! Ҳозир эса қисқа рекламага навбатни берамиз.

Таблода “Олқишлар” деган ёзув чиқади. Томошабинлар қарсак чалади. Прем Кумар табассум қилиб кўяди, мен эса йўқ.



2,000

## Рухонийлик юки

Агар Деҳлига поездда борган бўлсангиз, Паҳарганжга ташриф буюргангиз аниқ. Катта эҳтимол билан сиз сершовкин ва чанг бўлиб ётган Паҳарганж темир йўл бекатида тушгансиз. Вокзалдан чиқиб, чап тарафга бурилгансиз ва нархи келиштирилган меҳмонхоналар ва сайёҳлар учун арзон фойшалар турадиган гавжум бозорнинг ёнидан ўтиб, Коннот-Плейс томонга кетгансиз. Лекин ўнгга бурилганингизда “Mother Dairy” компанияси ва Аёллар касалхонасининг олдидан ўтган ҳамда катта оқ хоч туширилган қизил бинони кўрган бўлардингиз. Бу – Авлиё Мария черкови. Ўн саккиз йил аввал Исо мавлуди куни мен ўша ерда туғилганман. Ёки аниқроқ айтадиган бўлсам, 25 декабрнинг совуқ оқшомида мени ўша ерга ташлаб кетишган. Роҳибалар одамлар эски кийимларини ташлаб кетиши учун ташқарига қўйган катта идишга солиб кетишган. Аммо ким ва нега ташлаб кетгани ҳозиргача қоронғи. Ичимдаги бир шубҳа бармоғи билан Аёллар касалхонасининг туғуруқ бўлимини кўрсатади. Балки мен ўша ерда туғилгандирман, онам

## Харобадан чиққан миллионер

эса фақат ўзига маълум сабабларга кўра мени ташлаб кетишга мажбур бўлгандир. Кўпинча шундай манзарани кўз олдимга келтираман. Эгнига ок сари ўраган бўйи баланд, нафосатли аёл тун ярмидан ўтганда қўлига чақалоғини кўтариб, касалхонадан чиқиб кетади. Шамол қаттиқ эсади. Унинг узун қора сочлари олд тарафга учиб, юзини яширади. Оёқлари тагида хазонлар шитирлайди. Чанг кўтарилади. Чақмоқ чақади. Аёл чақалокни бағрига босиб, оғир қадамлар билан черков томон юради. Черков эшигига етганда металл ҳалқа билан эшикни тақиллатади. Лекин кучли шамол бу овозни ютиб кетади. Унинг вақти эса чегараланган. Кўзларидан дувиллаб ёш оққан ҳолида чақалоғининг юзини ўпичларга кўмиб ташлайди. Сўнг уни идишга солиб, совқотмаслиги учун эски кийимлар билан ўрайди. Гўдагига охириги марта яна бир қарайдию, кейин ундан кўзларини олиб, тун қаърига қочиб кетиб, экрандан ғойиб бўлади . . .

Авлиё Мария черкови роҳибалари Меҳрибонлик уйи ва фарзанд асраб олиш агентлигини бошқарарди. Улар мени бошқа етим гўдаклар билан бирга асраб олиш бўлимига олишган. Қолган ҳамма чақалокларни янги ота-оналари уйига олиб кетган, аммо мени ҳеч ким танламаган. Фарзанд истаб келган ота-оналар мени кўриб, бир-бирига қараб оларди. Кейин хиёл бош чайқаб, кейинги беланчакка ўтишарди. Негалигини билмайман. Балки жуда қора бўлгандирман. Ёки жуда хунук. Ёки жуда йиғлоқи, ёки касалванд. Балки фариштадек бегуноҳ табассум қилолмагандирман, ёки жуда кўп ғингшигандирман. Шундай қилиб, икки йил етимхонада қолганман. Лекин шу вақт ичида роҳибалар менга исм ҳам қўйишмагани ғалати. Мени шунчаки “Чақалок” деб аташган. Ҳеч кимга кераги бўлмаган чақалок.

Ва ниҳоят мени Филомена Томас хоним ва унинг турмуш ўртоғи Доминик Томас асраб олишган. Келиб

чиқиши Тамил Наду штатидаги Нагеркойл шаҳридан бўлган бу жуфтлик эндиликда Дехлида яшарди. Томас хоним Авлиё Жозеф черковида фаррош бўлиб, эри эса боғбон бўлиб ишларди. Уларнинг ёши қирққа етиб қолганига қарамай, бирорта ҳам фарзанди бўлмагани сабаб черков руҳонийси Тимоти Фрэнсис Ота уларга ҳаётидаги бўшлиқни тўлдириш учун бола асраб олишни насиҳат қиларди. У ҳатто жуфтликни Авлиё Мария етимхонасига ҳам жўнатган. Ҳойнаҳой, жаноб Томас мени кўргану, дарҳол кейинги чақалоқнинг олдига ўтгандир, аммо Филомена Томас хоним мени кўрган заҳоти танлаган. Мен унинг қора рангли терисига жуда мос эдим!

Эр-хотин Томаслар асраб олиш учун керак бўладиган ҳужжатларни икки ой йиғишган, лекин мени уйга олиб боришганига уч кун ҳам ўтмай (ҳали мени чўқинтиришга ҳам улгурмай), жаноб Томас рафиқасининг ҳаётидаги бўшлиқни аллақачон бошқаси тўлдириб бўлганини билиб қолган. Албатта, у мен эмас, балки калта юбкалар тикишга ихтисослашган, маҳаллий аёллар тикувчиси Мастон Шайх исмли мусулмон киши эди. Томас хоним собиқ эри ва эндигина асраб олган боласини ташлаб, тикувчи билан (одамларнинг айтишича) Бхопалга қочиб кетган эмиш. Унинг қаердалиги ҳозиргача маълум эмас.

Буни билиб қолгач, жаноб Томас ғазаб отига минган. У мени беланчагим билан кўшиб, руҳонийнинг уйига судраб борган ва ўша ерга ташлаб кетган.

– Ота, бу чақалоқ менга бахтсизлик келтирди. Уни асраб олишга сиз мажбур қилгандингиз. Энди бу болани ўзингиз бир ёқлик қилинг.

Тимоти Ота ҳатто “Омин” дейишга ҳам улгурмай, Доминик Томас черковдан чиқиб кетган. Охири марта уни одамлар Бхопалга поезд чиптасини сотиб олаётганда кўлида милтиқ билан кўрган экан. Шундай қилиб, Тимоти Ота мени истар-истамас ўз қарамоғига олган. У менга

## Харобадан чиққан миллионер

овкат, бошпана, ҳатто исм ҳам берган: Жозеф Майкл Томас. Ҳеч қандай чўкинтириш маросими бўлмаган. Ҳеч қандай руҳоний бошимни жомга солмаган. Ҳеч қандай муқаддас сув ҳам сепилмаган. Ҳеч қандай оқ матога ўралмаганман. Шам ҳам ёқилмаган. Лекин мен Жозеф Майкл Томасга айланганман. Бор-йўғи олти кунга.

Еттинчи кун Тимоти Отани кўргани икки киши келди. Бирини оқ курта пижама кийган семиз киши, иккинчиси шервани кийган соқолли озғин киши.

– Биз Умумдинлар кўмитасидан келдик, – деди семиз киши. – Менинг исмим Жағдиш Шарма. Бу киши Иноят Ҳидоятulloҳ. Учинчимиз – сикҳ дини вакили жаноб Ҳарвингер Сингх ҳам келиши керак эди, аммо бахтга қарши, Гурудварада ушланиб қолди. Демак, мақсадга ўтсак. Ота, бизга маълум бўлишича, сиз бир етим болани асраб олганмишсиз.

– Ҳа, бечора болани асраб олган ота-онаси уни менинг қарамоғимга ташлаб, ғойиб бўлди, – деди Тимоти Ота уларнинг кутилмаган ташрифини ҳануз тушуна олмай.

– Болага нима деб исм кўйдингиз?

– Жозеф Майкл Томас.

– Бу насроний исм эмасми?

– Ҳа, лекин ...

– Боланинг ота-онаси насроний эканини қаердан биласиз?

– Билмайман.

– Унда нега болага насроний исм кўйдингиз?

– Унга нимадир деб исм кўйишим керак эди-ку. Жозеф Майкл Томаснинг нимаси хато?

– Ҳамма қисми хато. Ота, наҳотки бу ерларда динини ўзгартиришга қарши ҳаракат кучли эканини билмасангиз? Черковларда оммавий равишда насронийлик динига ўтказиш кетаётганига ишонган оломон бир қанча черковларга ўт кўйган.

– Лекин бу динни ўзгартириш эмас-ку.

– Қаранг, Ота, нимадир кўзлаб шу номни бермаганингизни биламиз. Аммо одамлар орасида сиз ҳиндуий боланинг динини ўзгартирганингиз ҳақида гап тарқаган.

– Аммо қанакасига у ҳиндуий бўлади?

– Эртага келиб, черковингизга ўт кўядиганлар бунни аниқлаштириб ўтирмайди. Шувинг учун биз сизга ёрдам бергани келдик. Вазиятни юмшатгани.

– Нима қил, дейсиз?

– Боланинг исмини ўзгартиришингиз керак.

– Қандай исмга?

– Ҳўш... унга ҳиндуий исм бериш вазиятни юмшатиши мумкин. Уни сеvimли худоларимиздан бири Рам исми билан атасак-чи? – деди жаноб Шарма.

Жаноб Ҳидоятulloҳ оҳиста йўталиб қўйди.

– Кечирасиз, жаноб Шарма, лекин биз бир ёвузликни бошқаси билан алмаштирмаймизми? Айтмоқчиманки, бола ҳиндуий бўлиб туғилганига қандай далил бор? У мусулмон бўлиши ҳам мумкин-ку. Унга Муҳаммад деб исм қўйсақ нима бўлади?

Жаноб Шарма билан жаноб Ҳидоятulloҳ ярим соат Рам ва Муҳаммаднинг фазилатларини муҳокама қилишди. Охири Тимоти Ота таслим бўлди.

– Жаноблар, агар боланинг исмини ўзгартириш билан масала ҳал бўлса, шундай қилганим бўлсин. Мен икковингизнинг ҳам таклифингизни қабул қилиб, унга Рам Муҳаммад Томас деб исм қўйсам, нима дейсизлар? Шунда ҳамма хурсанд бўлади.

Яхшиямки, ўша куни жаноб Сингх келмаганди.

Тимоти Ота баланд бўйли, оқ танли ва ўрта ёшли одам эди. Черков ҳовлисида унинг катта уйи ҳамда мевали дарахтларга тўла боғи бор эди. Кейинги олти йил давомида у менга ҳам ота, ҳам она, ҳам хўжайин, ҳам устоз, ҳам руҳоний бўла олди. Мен учун шу инсонларнинг бари унда жамланганди. Агар ҳаётимда бахтга ўхшаш бирор нарса

## *Харобадан чиққан миллионер*

содир бўлган бўлса, ҳаммаси у билан ўтказган давримда бўлган.

Тимоти Ота асли Англия шимолидаги Йорк деб аталган жойдан, лекин Ҳиндистонда узоқ йиллар яшаган. Айнан у сабаб мен Қиролича сўзлайдиган инглиз тилида ўқишни ва гапиришни ўргандим. У менга “Она ғоз эртаклари” ва боғчада ёдланадиган шеърларни ўргатган. Мен “Twinkle Twinkle Little Star” ҳамда “Baa Baa Black Sheep” кўшиқларини даҳшатли овозим билан куйлардим, бу эса Тимоти Отани руҳонийлик ишларидан бироз чалғиб, кўнгил ёзишига сабаб бўларди.

Черков мажмуасида яшаб, ўзимни катта оиланинг бир қисмидек ҳис қилардим. Тимоти Отадан ташқари унинг содиқ хизматкори Жозеф ҳам биз билан бир уйда қоларди, оқсоч Гонсалес хоним ҳам яқинимизда яшарди. Яна кавшарловчилар, косиблар, супурувчилар ва машина ювувчиларнинг қўлида ишлайдиган бир дунё кўча болалари ҳам бўлиб, улар кўшни хонадонларда яшар ва ҳеч тортинмай черков майдонига келиб, крикет ва футбол ўйнардди. Тимоти Ота менга Исо, Адам ва Ева ҳақида гапириб берган, катта оиламнинг қолган аъзоларидан эса бошқа динлар ҳақида асосий нарсаларни ўргандим. Шу аснода Маҳобхорат ва муқаддас Қуръон ҳақида билиб олдим. Пайғамбарнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилиши ва Ланканинг ёнишини ҳам айтиб беришган. Байт-лаҳм ва Айодхья, Авлиё Пётр ва Ҳаж вояга етиш давримнинг бир қисми бўлди.

Аmmo бу мени художўй бола бўлган деган хулосани бермасин. Мен бошқа болалар каби учта асосий машғулот билан шуғулланардим: овқат ейиш, ухлаш ва ўйнаш. Кундузлари маҳалладаги тенгкурларим билан капалак тутардик ва Тимоти Отанинг боғидаги қушларни кўрқитардик. Қария Жозеф меҳмонхонадаги буюмларнинг чангини тозалашга кириб кетганида мен



пишган манголарни яширинча юлиб олардим. Кўлга тушгудек бўлсам, хиндчасига уни бошлаб сўкардим. Мен муссон ёмғирида яйраб рақсга тушардим, кичик лойқа кўлмаклардан балиқчаларни тутардим ва охири йўталиб, аксирардим ҳамда Тимоти Отани хавотирга кўярдим. Кўча болалари билан футбол ўйнардим, калтакланган ва ҳаммаёғим кўкарган ҳолда қайтиб келардим ва кейин тунни билан йиғлаб чиқардим.

Тимоти Ота жуда ғайратли инсон эди. Ҳар куни тонгда пиёда сайрга чиқарди, гольф, волейбол, теннис ўйнарди, кўп китоб ўқирди ва йилда уч марта таътил олиб, кекса онасини кўргани Англияга борарди. У, шунингдек, мохир скрипкачи ҳам эди. Оқшомлари боғга чиқиб, ой ёруғида ўтирар ва қалбни чертиб ўтувчи куйларни чаларди. Муссон пайти тунни билан ёмғир ёғиб чиқса, осмон унинг қайғули оҳанглари сабаб юм-юм йиғлаяпти, деб ўйлардим.

Черковга бориш менга ёқарди. У 1878 йилда қурилган кўхна бино бўлиб, деразалари витраждан, томи ёғочдан ясалган эди. Меҳроб эса ниҳоятда гўзал йўнилган. Унинг тепасида Исо Масих михланган катта хоч ва INRI<sup>1</sup> деган ҳарфлар бор эди. У ерда яна тахтга ўтказилган бокира Марям ва чакалоқнинг ҳамда атрофида кўплаб авлиёларнинг ҳайкаллари бор эди. Ўриндиклар тик<sup>2</sup> дарахтидан ясалган, лекин улар фақат яқшанба куни одамлар билан тўларди. Тимоти Ота минбардан туриб узоқ ваъз ўқирди, мен эса бу орада ухлаб қолиб, фақат ташриф буюрувчиларга вафли ва шароб бераётганда уйғонардим. Яна орган ва хор эшитиш ҳам менга ёқарди.

Пасха тухумлари, афсуски, йилда бор-йўғи бир марта келтириладиган арча ва барча фаслларда ҳам бўлиб турадиган никоҳ маросимларини жон-дилимдан

<sup>1</sup> Iesus Nazarenus Rex Iudaeorum. Маъноси: Носиралик Исо Яҳудийлар шоҳи.

<sup>2</sup> Субтропик иқлимда ўсувчи ниҳоятда мустаҳкам дарахт, одатда, кема ясашда фойдаланилади.

## *Харобадан чиққан миллионер*

севардим. Айниқса, Тимоти Отанинг “Энди келиндан бўса олишингиз мумкин”, дейишини кутиб турардим ва биринчи бўлиб зар сочардим.

Тимоти Ота билан муносабатларимизга ҳеч қачон аниқ изох бўлмаган. У менга сира ҳам мен унга ўғилманми ёки хизматкор, кемирувчиманми ёки севимли уй жонивори, айтмаган. Шунинг учун ҳаётимнинг дастлабки бир неча йилларида Тимоти Ота менинг ҳақиқий отам деган ёқимли сароб билан яшаганман. Аммо секин-аста нимадир ғалати эканини фаҳмлай бошлаганман. Биринчидан, якшанба кунни черковга келадиган одамларнинг барчаси уни Ота деб атарди ва у шунча одамнинг отаси бўлиши, менинг эса шунчалар кўп акаларим ва опаларим бўлиши ғалати туюлди. Яна унинг оппоқ, менинг қора эканим ҳам таажжубга солди. Шунинг учун бир кун ундан бу ҳақда сўрадим ва унинг жавоби ўша пайтгача яшаган хаёлий оламимни бузиб юборди. Имкон қадар мулойимлик билан у менга ташландиқ эканимни, онам Авлиё Мария етимхонасининг эски кийимлар учун қўйилган идишига солиб кетганини ва мана шунинг учун у оқ, мен эса ундай эмаслигимни тушунтирди. Ана ўшанда илк марта ота билан Отанинг фарқини тушундим. Ва ўша тун илк марта жисмоний оғриқдан эмас, балки қалб оғриғидан кўз ёш тўқдим.

Тимоти Ота билан биологик алоқам йўқлигини ва унинг сахийлиги туфайлигина черковда яшаётганимни билгач, унга қисман бўлса ҳам қарзимни қайтаришга қарор қилдим. У учун кичик юмушларни қила бошладим. Масалан, кир саватдаги кийимларни кир ювиш машинасига солардим. Машина қаршисида ўтириб, барабаннинг айланишини томоша қилардим ва кийимлар қандай қилиб сеҳрли тарзда тоза бўлаётганидан ажабланардим. Бир марта чанг босган китобларни ҳам кир ювиш машинасига солганман. Ошхонада идишларни ювардим. Чинни идишни синдириб қўйганман. Сабзавотларни тўғрардим.

Кўпинча бармоғимни ҳам кесиб олардим.

Тимоти Ота мени черковга мунтазам келувчилар билан кўп марта таништирган. Улардан бири Бенедикт хоним бўлиб, у токи бир куни йўлакда тойиб кетиб, зотилжамдан ўлмагунча ёмғир ёғса ҳам, дўл ёғса ҳам ҳар куни черковга келиб, ибодат қиладиган аёл эди. Яна отасининг юраги хуруж қилиб қолганида роса каттик йиғлаган Жессиканинг тўйида қатнашганман. Бир сафар Тимоти Ота мени Австралиянинг Дехлидаги мудофаа атташеси бўлмиш полковник Вонинг уйига чой ичишга олиб борган. Полковник Тимоти Ота билан буткул бошқа тилда гаплашадигандек туюларди. Жаноб Лоуренс билан эса балиқ овига борганман. У ҳеч нарса тутолмаган, кейин рафиқасини алдаш учун бозордан катта форель сотиб олган.

Мен танишган барча одамлар Тимоти Отани мақтарди. Уларнинг айтишича, бу епархияда ундан яхши руҳоний йўк эди. Ўзим ҳам унинг яқин кишиси вафот этганларга тасалли беришини, беморларнинг ҳолидан хабар олишини, муҳтожларга пул бериб туришини, ҳатто моховлар билан бирга овқатланишини кўрганман. У черковнинг ҳар бир аъзосига жилмайиб қарар, ҳар қандай муаммога ечим топар ва ҳар қандай вазиятда – хоҳ фарзанд туғилиши, хоҳ чўқинтириш, хоҳ хушбўй мой суртиш, хоҳ евхаристия, хоҳ никоҳ ёки дафн маросими бўлсин – Инжилдан иқтибос келтирарди.

\* \* \*

Бугун якшанба, черков ибодатга келган жамоатга тўла. Аммо мехробда Тимоти Ота бир ўзи тургани йўк. Унинг ёнида сутана кийган ва бўйнига оқ тасма таққан яна бир эркак бор. У руҳонийдан ҳам кўра боксчига ўхшаркан. Тимоти Ота уни бизга таништиряпти.

– ... ва Кичик Жон Отанинг Авлиё Жозеф черковига руҳоний ёрдамчиси сифатида кўшилиши биз учун

## *Харобадан чиққан миллионер*

катта кувонч бағишлайди. Кўриб турганингиздек, Жон Ота мендан анча ёш. Диний мартабага уч йил олдин тайинланган бўлса ҳам, тажрибаси анча катта. Аминманки, менинг ортимдан “қари тўнка” деб тилга олаётган ёшлар билан у яхши тил топишади.

Йиғилганлар ҳиқиллаб кулиб юборади.

– Ўша оқшом Тимоти Ота Жон Отани кечки овқатга таклиф қилади. Аслида Жозеф хизмат қилиши керак бўлса ҳам, Тимоти Отани хурсанд қилишни истаганим учун ошхонадаги шўрва солинган катта косани олиб, нотекис қадамлар босиб, дастурхонга шошаман. Етти ёшли нўнок бола бўлганим учун, кутилганидек, шўрвани стол устига кўяман деб, Жон Отанинг устига тўкиб юбораман. У сакраб ўрнидан туради ва оғзига келган биринчи сўзни айтиб юборади: “Жин урсин!” Тимоти Ота қошини кўтаради, аммо индамайди.

Орадан уч кун ўтиб, Тимоти Ота черков билан мени Жон Отага топшириб, Англияга таътилга кетади. Икки кундан сўнг Жон Отани черков зинапоясидан тушиб келаётганида учратаман.

– Хайрли оқшом, Ота, – дейман хушмуомалалик билан.

Жон Ота менга менсимамай қарайди.

– Сен анави куни устимга шўрва тўкиб юборган аҳмоқ етимчамисан? Тимоти Ота йўқлигида ўзингни яхши тутиб юр. Икки кўзим сенда бўлади.

\* \* \*

Жозеф қўлимга бир стакан сут бериб, мени Жон Отанинг хонасига юборади. У телевизорда кино кўриб ўтирган экан. Мени ичкарига таклиф қилади.

– Кирақол, Томас. Мен билан кино кўрасанми?

Телевизорга қарайман. Инглизча фильм. Экранда қора сутана кийган руҳоний оқ сутана кийган руҳоний билан гаплашаётганини кўрганим учун фильмни руҳонийлар

ҳақида деб ўйлайман. Жон Ота диний фильмлар кўришни ёқтиришини билиб, енгил тортаман. Аммо кейинги сахна бутун танамни музлатиб юборади, чунки мен тенги келадиган қизалоқ тўшақда ўтиргани кўрсатилади. У одатий қизларга ўхшамайди, чунки юзидаги ифода жуда кулгили, кўзлари эса ўйноқи. Қора сутана кийган руҳоний кўлида хоч кўтарганча қизчанинг хонасига киради. Хочни қизга қаратади, қиз эса мен эшитган энг ифлос тилда гапиради. Яна катта эркакнинг бўғиқ овозида гапиради. Мен бармоқларимни қулоғимга тиқиб оламан, чунки Тимоти Ота бундай ифлос сўзларни эшитмасликни буюрган. Қизча тўсатдан гапиришдан тўхтайди. Телбалардек кулишни бошлайди. Кейин оғзини очади ва руҳонийнинг устига яшил рангли шилимшиқ жирканч нарса (худди боғдаги қувурдан оққан каби) отилади. Кўнглим айнийди. Ортиқ кўролмайман ва югуриб, хонамга тушиб кетаман. Ортимдан Жон Отанинг чийиллаб кулгани эшитилади.

– Қайт, аҳмоқ етимча, ахир бу шунчаки кино-ку, – бақиради у.

Ўша тун алахсираб чиқаман.

\* \* \*

Уч кундан сўнг Жозеф билан бозорга бораман. Биз гўшт, тухум, сабзавотлар ва ун оламиз. Кечки пайт черковга қайтаётганда орқамдан мотоцикл келаётганини эшитаман. Ўгирилишим билан мотоцикл ҳайдовчиси бизга етиб олади. У бошимга бир уриб, бақиради ва чанг кўтариб учиб кетади. Уни фақат орқа томондан кўришга улгураман, холос. Кўринишидан барваста эркак, эгнига чарм камзул кийган, тор қора шимда, орқа ўриндиқда ҳам шундай кийинган киши бор. Фақат ҳайдовчи ким экани ва нега бошимга урганини тушунмайман. Бу Жон Ота бўлиши мумкинлиги хаёлимга келмайди. Ахир мен оддий бир аҳмоқ етимчаман-ку.

## Харобадан чиққан миллионер

Бир ҳафтадан кейин Жон Отага хат етказишим керак, аммо у ҳаммом қабул қилаётган бўлади.

– Хатни стол устида қолдир, – бакиради у ҳаммомдан.

Хонадан энди чиқиб кетмоқчи бўлганимда унинг чойшаби тағидан чиқиб турган нарсага кўзим тушиб қолади. Яхшилаб қарайман. Журнал. Тортиб, кўлимга оламан. Кейин чойшаб тагида бундай журналлар қалашиб ётганини кўраман. Улар қалин эмас, аммо муқоваси сифатли ва ялтироқ. Сарлавҳалари эса ғалати: “Мовий парад” ва “Бесоқоллар кучи”. Аммо муқовадаги эркакларнинг ранги мовий эмас, соқоли ҳам бор, яна яланғоч. Мен шошганча журналларни жойига кўяман. Эшик яқинига етганимда Жон Ота ҳаммомдан чиқиб қолади. Белига сочиқ ўраб олган. Аммо кўкси қора сиёҳ билан ишланган ғалати нақшларга тўла, қўлларига ҳам илонларнинг расми чизилган.

– Нима қиялсан бу ерда? – жаҳли чиқади унинг. – Туёғингни шиқиллат!

Жон Отанинг танасида нега ундай ғалати чизгилар борлигини ва нега ётоғининг тагида ғалати журналлар сақлашини тушунолмайман. Ахир нима бўлганда ҳам, мен оддий бир аҳмоқ етимчаман-ку.

\* \* \*

Кўпинча кўриниши ғалати йигитлар тунда черковга келиши ва Жон Отанинг хонасига киришини кўраман. Тўғри, Тимоти Отанинг ҳузурига ҳам баъзида вақт алламаҳал бўлганда одамлар келарди, аммо улар ҳеч қачон мотоциклда, чарм камзулда, бўйнига қалин металл занжир тақиб келмасди. Шундай ташриф буюрувчилардан бирини Жон Отанинг хонасига кузатиб чиқишга қарор қиламан. У эшикни тақиллатади, ичкарига киради, Жон Ота эшикни ёпади. Калит солинадиган тирқишдан мўралайман. Биламан, ёмон иш қиялман, аммо қизиқавериб, ўлиб

қолай деяпман. Тирқишдан Жон Ота ва чарм либосли йигит ётоқда ўтирганини кўраман. Жон Ота тортмасини очади ва оқ кукун солинган полиэтилен пакетни чиқаради. У кукунни чап кўлининг орқасига ингичка қилиб сепеди. Кейин дўстининг ҳам чап кўлига сепеди. Иккови бошини эгиб, кукунни чуқур хидлайди. Оқ кукун уларнинг бурнига учиб кириб, ғойиб бўлаётганга ўхшайди. Жон Ота худди фильмдаги телба қизга ўхшаб кулади.

– Бу зўр нарса-да, ўзи, – дейди дўсти. – Руҳоний учун ҳаддан ортиқ зўрлик қилади. Ўзи мана бу лаънати черковга қандай ўрнашиб олдинг?

Жон Ота яна кулади.

– Кийими ёқиб қолди, – дейди у ва ўрнидан туради. – Бери кел, – дейди дўстига ва кўлини чўзади. Мен шошиб ортга тисариламан.

Жон Ота нега бурнининг ичига упа қўйганини билмайман. Нима қилай, ахир бир аҳмоқ етимча бўлсам.

\* \* \*

Ва ниҳоят Тимоти Ота таътилдан қайтади ва мен уни яна кўрганымдан хурсанд бўламан. Жон Ота хусусида роса шикоятлар тушгани аниқ, чунки қайтганига икки кун ўтмай, хонада иккови қаттиқ жанжаллашади. Жон Ота хонадан ғазаб билан ҳовлиқиб чиқиб кетади.

\* \* \*

Мана, Пасха ҳам ўтди. Ҳамма Пасха тухумларимни еб бўлдим. Оқсоч Гонсалес хоним овозини чиқармасликка уриниб, ғалати кулади.

– Гонсалес хоним, нима бўлди? – сўрайман ундан.

– Хабаринг йўқми ҳали? – пичирлайди у. – Жозеф Жон Отани черковда бир эркак билан тутиб олибди. Аммо ҳеч кимга айтма, Тимоти Отага умуман чурқ этма. Акс холда, дўзахнинг кунини кўрасан.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Ҳеч нарсани тушунмайман. Жон Ота черковда бир эркак билан бўлса, бунинг нимаси ёмон? Тимоти Ота ҳам черковда доим эркаклар билан-ку. Уларнинг истиғфорини эшитади.

Бугун биринчи марта мен ҳам истиғфор бурчагига кираман.

– Ҳа, бўтам, менга нимани айтгани келдинг? – сўрайди Тимоти Ота.

– Бу менман, Ота.

Тимоти Ота курсисидан сакраб туради.

– Бу ерда нима қияпсан, Томас? Бу сенга ҳазил эмаслигини айтмаганмидим?

– Мен истиғфор айтгани келдим, Ота. Гуноҳ иш қилдим.

– Ростданми? – Тимоти Отанинг овози юмшайди. – Қандай айб қилдинг?

– Жон Отанинг хонасига калитнинг тешиги орқали мўраладим. Ва унинг рухсатисиз нарсаларини кўрдим.

– Майли, бўтам. Бўлар иш бўлибди. Бунини эшитишни хохламайман.

– Аммо эшитишингиз керак, Ота, – дейман ва унга чойшаб тагидаги журналлар, Жон Отанинг танасидаги нақшлар, чарм камзул кийган кишиларнинг тунги ташрифлари ва упани ҳидлашганини айтиб бераман.

Ўша оқшом хонада икки руҳоний даҳанаки жанг қилади. Эшик ортида эшитиб тураман. Қаттиқ бакиришади. Охири Тимоти Ота Жон Ота ҳақида епископга айтиб бериш билан таҳдид қилади ва жанжалга нуқта қўяди.

– Мен руҳонийман, – дейди у. – Руҳонийликнинг юки оғир бўлади. Қўлингдан келмаса, семинарияга қайт.

\* \* \*

Дехлини кезиб юрган инглиз сайёҳи бугун тонгда черковга кирди ва Тимоти Ота унинг Йорқдан келганини билиб қолди. Шунинг учун сайёҳни уйига олиб келади



ва бир неча кун қолишига рухсат беради. Уни менга таништиради.

– Иан, таниш. Бу – Томас. У шу ерда биз билан яшайди. Томас, бу – Иан. У ҳам йорклик экан. Сен доим мендан она шахрим хақида сўрадинг, энди ундан сўрашинг мумкин.

Менга Иан ёкиб қолади. У ўн беш-ўн олти ёшларда. Оқ танли, кўзлари мовий, сочлари тилларанг. У менга Йоркнинг суратларини кўрсатади. Катта соборни кўраман.

– Бу Йорк собори, – дейди у.

У менга сўлим боғлар, музейлар ва хиёбонларнинг суратларини кўрсатади.

– Тимоти Отанинг онасини кўрганмисиз? У ҳам Йоркда яшайди, – сўрайман мен.

– Йўқ, лекин қайтгач, учрашаман. Чунки унинг манзилени энди олдим.

– Ўзингизнинг онангиз-чи? У ҳам Йоркда яшайдими?

– Яшарди. Лекин 10 йил аввал вафот этган. Мотоцикл уриб кетган.

У ҳамёнидан онасининг суратини чиқаради ва менга кўрсатади. Суратда оппоқ, мовий кўзли ва сочлари тилларанг аёл бокиб турарди.

– Ҳиндистонга нега келдингиз? – сўрайман мен.

– Дадам билан учрашгани.

– Дадангиз нима иш қилади?

Иан иккиланиб туради.

– У Дехрадундаги католик мактабида дарс беради.

– Нега сиз ҳам Дехрадунда яшамайсиз?

– Чунки Йоркда ўқийман.

– Нега дадангиз сиз билан Йоркда яшамайди?

– Ўзига яраша сабаблари бор. Лекин у йилда уч марта мени кўргани бориб туради. Бу сафар эса мен уни кўргани Ҳиндистонга келдим.

– Дадангизни яхши кўрасизми?

## Харобадан чиққан миллионер

- Ҳа, жуда ҳам.
- У бир умр сиз билан қолишини истармидингиз?
- Ҳа. Ўзингнинг даданг-чи? Нима иш қилади?
- Менинг дадам йўқ. Мен бир аҳмоқ етимчаман.

Уч кундан кейин Тимоти Ота Иан билан кечки овқат қилишга Жон Отани ҳам таклиф қилади. Улар ярим тунгача овқатланиб, гаплашиб ўтиради ва Тимоти Ота ҳатто скрипка чалиб беради. Жон Ота тун ярмидан ошгач кетади, бироқ Тимоти Ота билан Иан суҳбатни давом эттиради. Уларнинг деразадан чиқаётган кулги товушларини тинглаганча ўрнимга ётаман. Ухлашга қийналаман.

Ойдин кеча. Кучли шамол эсяпти. Мажмуадаги эвкалипт дарахтлари чайқалади, барглари шитирлайди. Мен ҳожатхонага боргим келиб, ўрнимдан тураман. Ҳожатхонага кетаётганда Жон Отанинг хонасида чирок ёниқ эканини кўраман. Қандайдир овозлар ҳам эшитилади. Оёқ учида юриб, унинг эшиги олдига бораман. Ёпиқ. Шунинг учун калит тешигидан қарайман. Ичкарида кўрган манзарам даҳшат. Иан стол устига эгилган, Жон Ота унинг устига. Пижамаси ечилган. Мен гангиб қоламан. Аҳмоқ етимча бўлишим мумкин, аммо ёмон иш бўлаётганини биламан. Чопиб бориб, Тимоти Отани уйғотаман.

– Ота, уйғонинг! Жон Ота Ианга ёмон нарса қиляпти! – бақираман мен.

– Кимга? Ианга дейсанми?

Тимоти Отанинг шу заҳоти уйкуси ўчиб кетади. Иккаламиз Жон Отанинг хонасига чопамиз ва Тимоти Ота ичкарига отилиб киради. У мен яқинда кўрган манзарани кўради. Юзи докадек оқариб кетганидан ҳозир ҳушидан кетиб қолади, деб ўйлайман. Йиқилиб тушмаслик учун эшикни ушлаб олади. Кейин юзи ғазабдан қизаради. Оғзи кўпикланиб кетади. Мен кўрқиб кетаман. Унинг аввал сира бунчалик ғазабланганини кўрмаганман.

– Иан, хонангга бор, – бақиради у. – Сен ҳам, Томас. Мен буйрукни бажараман, ҳатто аввалгидан ҳам кўпроқ гангиб қолган бўлсам ҳам.

\* \* \*

Эртасига эрталаб черков томондан икки марта ниманингдир бонг урганидан уйғониб кетаман. Қандайдир ёмон нарса бўлганини кўнглим сезади. Ўша томонга шошаман ва мени ич-ичимдан сил кеткизган манзаранинг гувоҳи бўламан. Тимоти Ота меҳроб ёнида, шундоққина Исо Масихнинг хочга илинган ҳайкали остида қонга беланиб ётибди. Эгнига сутана кийган ва ибодат қиламан деб тиз чўккан кўринади. Ундан ўн кадам нарида Жон Ота танасига қон сачраган ҳолда ётибди. Кўринишидан унинг мияси чилпарчин бўлган, парчалари ўриндикларга ёпишиб қолган. У чарм кийимда. Қўлида қора илонларнинг тасвири бор. Ўнг қўли тўпсончани ушлаганча қотиб қолган.

Мен манзарани кўраман ва ўпкамдан чиқаётган ҳаво тиқилиб қолаётгандек бўлади. Бақираман. Бу тонгги сукунатни ўқдек тешиб юборадиган фарёд бўлади. У эвкалипт дарахтлари устида ўтирган қарғаларни чўчитиб юборади. У меҳмонхонада жиҳозларнинг чангини артаётган Жозефни ишидан тўхтаб, қулоқ солишга мажбур қилади. У Гонсалес хонимни душдан тезроқ чиқишга ундайди. У Ианни уйғотиб юборади ва черковга югуртириб олиб келади.

Мен Тимоти Отанинг устига эгилиб, ҳаётидаги ҳамма нарсасини йўқотган саккиз ёшли бола қандай дод солиб йиғласа, шундай йиғлайман. Иан келиб, ёнимга чўкади. Тимоти Отанинг жонсиз танасига қараб, у ҳам йиғлай бошлайди. Биз бир-биримизнинг қўлларимиздан тутиб, бирга қарийб уч соат йиғлаймиз. Ҳатто полициянинг қизил чироқлари ёниб турувчи “Жип”и келганда ҳам, ҳатто тез ёрдам машинасида оқ халат кийган шифокорлар

## Харобадан чиққан миллионер

етиб келгандан кейин ҳам, ҳатто улар жасадларнинг устига оқ мато ёпганда ҳам, ҳатто жасадларни тез ёрдам машинасига солиб олиб кетганларида ҳам, ҳатто Жозеф билан Гонсалес хоним бизни уйга олиб бориб овутишга уринганда ҳам йиғлайвераимиз. Кейинроқ, анча кейинроқ Иан мендан сўрайди:

- Нега бунча қаттиқ йиғладинг, Томас?
- Чунки бугун чинакамига етимга айландим, – жавоб қайтараман. – У менинг отам эди. Худди черковга келган барчага Ота бўлгани каби. Аммо сиз нега йиғладингиз? Жон Ота билан қилган ёмон ишингиз учунми?
- Йўқ, мен ҳам ҳамма нарсамни йўқотганим учун йиғладим. Мен ҳам сен каби етим қолдим.
- Аммо сизнинг отангиз тирик-ку. У Дехрадунда, – йиғлайман мен.
- Йўқ, мен ёлгон гапиргандим, – тагин хўнграй бошлайди у. – Энди ҳақиқатни айтаман. Тимоти Фрэнсис сенинг Отанг бўлган бўлиши мумкин, аммо у менинг дадам эди.

\* \* \*

Смитанинг юзини қайғу эгаллаган.

- Қанчалар фожиавий ҳикоя, – дейди у. – Тимоти Ота руҳонийнинг юки ҳақида гапирганда нимани назарда тутганини энди тушунапман. Шунча йиллар давомида иккита ҳаётда яшагани, ҳам руҳоний, ҳам пинҳоний оилали одам бўлгани ҳайратланарли. Ианга кейин нима бўлди?
- Билмайман. У Англияга қайтиб кетди. Қандайдир амакисининг ёнига, менимча.
- Сиз-чи?
- Мени болалар колониясига топширишди.
- Тушунарли. Энди иккинчи саволни кўриб чиқамиз, – дейди Смита ва пультадаги “Play” тугмасини босади.

\* \* \*

Бизда ҳали ҳам тижорий танаффус давом этяпти. Прем Кумар олдинга эгилиб, менга пичирлайди:

– Кейинги савол қандай бўлишини айта қоламан. ФҚБ қайси сўзлар йиғиндиси эканини айтишинг керак. Бу ташкилот ҳақида эшитгандирсан?

– Йўқ, – бош чайқайман мен.

У афтини буриштиради.

– Билгандим. Хўп, қара, биз сенинг сал кўпроқ пул ютиб олишинг тарафдоримиз. Мен саволни ўзгартиришим мумкин. Бирор қисқартма билсанг, тез айт.

Жавоб беришдан олдин биров ўйлаб тураман.

– ФҚБни билмайману, лекин INRJни биламан.

– Нима у?

– Хочнинг тепасига ёзилган ҳарфлар.

– Яхши, маълумотлар базасини текшириб кўраман.

Танаффус тугайди. Кўрсатув мусиқаси янграйди. Прем Кумар менга бурилади.

– Жаноб Рам Муҳаммад Томас, сизнинг эътиқодингиз мен учун қизик. Исмингизда барча динларни бирлаштирган кўринасиз. Айтинг-чи, ибодат қилгани қаерга борасиз?

– Ибодат қилиш учун, албатта, ибодатхона, черков ёки масжидга бориш шартми? Мен Кабирнинг<sup>3</sup> гапларига ишонаман. Ҳари Шарқда, Аллоҳ Ғарбда. Қалбингга назар солсанг, Рам билан Каримни кўрасан.

– Жуда пурмаъно сўзлар, жаноб Томас. Афтидан, барча динлар бўйича мутахассис бўлиб кетгансиз. У ҳолда кейинги саволимиз сиз учун осон бўлиши аниқ. Демак, пул мукофоти икки минг рупий бўлган иккинчи савол. Хочда ёзилган ҳарфлар кетма-кетлигини айтинг. Жавоблар:

<sup>3</sup> Ҳинд шоири (тахминан 1440-1518 йиллар). У Худо олдида барча баробар, деган диний таълимот тарғиботчиларидан бири.

## *Харобадан чиққан миллионер*

А) IRNI

Б) INRI

В) RINI

Г) NIRI

Савол тушунарли бўлдими, жаноб Томас?

– Ҳа, – жавоб қайтараман мен.

– Яхши, унда аниқ жавобингизни эшитсак.

– Аниқ жавоб: Б. INRI.


– Ишончингиз комилми?

– Ҳа.

Дўмбиралар чалинади. Тўғри жавоб экранда пайдо бўлади.

– Мутлақо, юз фоиз тўғри! Икки минг рупий ютиб олдингиз.

– Омин, – дейман мен.



5,000

## Укалик ваъдаси

“Бирор қарор қабул қилишдан олдин муаммонинг барча томонларини яхшилаб кўриб чиқишингиз керак. Фавқулудда ҳолағларда бирор нарсадан воз кечишга тайёр тулинг. Янги кўшнилар ўзи билан қувонч олиб келади. Уйингизда кичик муаммо бўлиши мумкин, аммо сиз уни тезда ҳал қиласиз. Ўзлари сўрашмагунча ҳеч кимга маслаҳат берманг”.

Менга ўхшаб декабрь охирида туғилган тоғ эчкиларига “Махараштра Таймс” газетасининг мунажжимлар башорати шундай ёзибди.

Ўзи “Махараштра Таймс” газетасини ўқимайман. Умуман, ҳеч қандай газета ўқимайман. Лекин баъзида жаноб Барвенинг ахлат кутисидан газета ўғирлаб тураман. У ошхонада олов ёқишга асқатади ва гоҳида қиладиган ишим қолмаса, газета ёниб қулга айланмасидан олдин варақларига кўз югуртириб чиқаман.

Мунажжимлар башоратига ишонмайман. Ишонганимда, Пандит Рамашанкар Шастри башорат қил-

## Харобадан чиққан миллионер

ганидек, ҳозир ўлган бўлишим керак эди. Бирок бугунги башорат ҳақиқатга яқинга ўхшайди. Ёнимиздаги уйга ҳақиқатан ҳам янги кўшнилар кўчиб келяпти, уйда ҳам кичик муаммо бор.

Ҳозиргина “Regal Talkies” кинотеатридан қайтдик ва Салим кўр-кўрона ғазаб отига минган. У қарийб уч йил давомида кичик хонамизнинг деворларини безаб турган Арман Алининг суратларини йиртиб ташлаяпти. Арманнинг чарм камзул кийган сурати майда бўлақларга бўлинди. Мотоциклда кетаётган Арман пичок билан парчаланди. Кийимини ечиб, кўксидаги ёлларини кўрсатган Арман ҳозир ахлат кутисиди. Қурол кўтарган Арман йиртиб ташланган, Арман ва унинг отлари оловда ёнди. Барча суратлар йўқотилгач, бор-йўғи иккита ётоқ эгаллаган хонамиз аввалгидан ҳам бўшаб қолгандек кўриняпти. Оқланган девордаги доғлар ҳам энди кўзга ташланиб турибди.

Кундалик мунажжимлар башоратига қарамай, Салимга маслаҳат бермасдан туролмайман.

— Сенга тўққиз ой олдин айтган гапимни энди тушуняпсанми? Ўшанда Арман билан Урвашининг муносабатларини тиклашга уринаётгандинг. Сенга бошқаларнинг ишига бурнингни суқма, муаммосини елкангга ортиб олма, дегандим. Бу сенга дарс бўлсин.

Салим гапларимни маъюс ҳолда, Арманнинг ҳовузда беш-олтита соҳибжамоллар қуршовида тушган суратини оёқлари билан босиб тинглайди. Ташқаридан оёқ товушлари ва кишиларнинг гаплашаётгани эшитилади. Гўё янги ижарачилар ёнимиздаги хонага кўчиб киришганга ўхшайди. Мени ҳаяжон босади. Янги одамлар билан танишиш менга доим қувонч бағишлайди. Янги ижарачиларнинг мен тенги ўғиллари борлигига умид қиламан. Пугул билан Дханеш яхши ўртоқ, лекин уларнинг яқшанба кuni мен билан ўйнашига ота-оналари ҳадеб рухсат беравермайди. Қолган кунларда мен ўйнолмайман,



ишлайман-да. Ажай эса ғирт мактанчок, нукул асабимга тегади. Металл цехига ишга кирганимни айтганимда у бутун чоул олдида мени калака қилганди. Тўғри, металл цехида ишлаш фильм юлдузи бўлишдек қизиқ эмас, аммо кўчада бекорчи бўлиб ўтиргандан яхшироқ-ку.

\* \* \*

Актриса Нилима Кумарининг уйида яшагандан сўнг чоулдаги ҳаёт ҳақида деярли унутдим. Куйи ўрта синф вакиллари билан тўлиб-тошган бир хонали ижара уйлардан иборат чоуллар “Мумбайнинг бадбўй қўлтиғи” деб ҳам аталарди. Бу ерда яшайдиганлар Дхарави каби харобаларда яшайдиганлардан бироз фарқ қилади, холос. Жаноб Барве менга бир сафар айтганидек, тўртта ётоқхонаси бор мрамар ва гранит уйларда яшайдиган бойлар ҳаётдан завқланиб яшайди. Булғанган, увадаси чиққан кулбаларда яшайдиган хароба аҳли азиат чекиб яшайди. Бизга ўхшаб ҳаддан ортиқ зич бўлган чоулда яшайдиганлар шунчаки яшайди.

Чоулда яшашнинг ўзига яраша афзал томонлари ҳам бор. Нилима Кумари билан содир бўлган ҳол бу ерда бўлмайди, чунки чоулда бирор нарса юз берса, ҳамма бундан хабар топади. Чоул аҳли бир том остида яшайди. Ҳожат чиқарадиган ва ювинадиган жойи ҳам умумий. Чоулда яшайдиганлар бир-бирини тўю-маросимда кўрмаса ҳам, ҳожатхонага навбатда турганда кўради. Айтишларича, жаноб Гокхале рафиқасини ҳожатхонага навбатда турганда учратиб, севиб қолган экан. Орадан бир ой ҳам ўтмай, улар турмуш қуришган.

Мен чоулда ҳеч бир қизни севиб қолмасам керак. Уларнинг бари семиз, хунук, севимли актрисам Прия Капурга ҳатто узоқдан қараганда ҳам ўхшамайди. Бундан ташқари, уларнинг барчаси кўғирчоққа ўхшаган аҳмоқона нарсаларга ўч, бокс ва кабадди сингари савияли ўйинларни билмайди. Ўзим ҳам бу ўйинларни ўйнашга кўп вақт

## Харобадан чиққан миллионер

ажратолмайман. Кун бўйи цехда ишлайман, кечки пайт олтида уйга қайтаман. Металл эритиш – жуда қийин иш. Эритилган темирнинг иссиғи одамни бўғади, олов эса кўзларингизни нақ кўр қилай дейди.

– Томас!

Бу – биз яшайдиган чоулнинг маъмури жаноб Рамакришнанинг овози. У – жуда нуфузли одам. Қачон чироқ ўчиб қолса ёки сув босими камайса, ҳамма жаноб Рамакришнанинг олдига чопади. Ижара ҳақини тўлашга пулимиз етмаса ҳам, унга ялинамиз. Биз биринчи қаватдаги лопиллаб қолган ва ҳозирда хавф туғдириши мумкин бўлган ёғоч тўсиқни таъмирлаш учун унинг ортидан югуриб юрибмиз.

Хонамдан чиқиб, жаноб Рамакришна бўйи паст, ўрта ёшли, қовоғи солинган, кўринишидан узоқ вақтдан бери ҳожатхонага киролмаётган одам билан турганини кўраман.

– Томас, таниш, бу – Шантарам. У янги ижарачимиз. Сенинг ёнингдаги хонага жойлашади. Шантарамга сенинг ақлли ва масъулиятли бола эканингни айтдим. Шунинг учун унга рафиқаси ва қизи билан уйга кўчиб киришига ёрдамлашиб юборгин, хўпми? Майли, Шантарам, мен кетдим.

“Эҳ, ўғил бола йўқ экан-ку”, ўйладим мен. Унинг рафиқаси ва қизини кўришга ҳаракат қиламан, лекин тезгина қараб, сочлари оқарган аёл билан мендан катта, узун қора сочлари орқага йиғилган ҳолда каравотда ўтирган қизни кўраман. Шантарам унинг уйига мўралаётганимни сезиб, эшикни ёпади.

– Нима иш қиласиз, Шантарам? – сўрайман мен.

– Астроном олимман. Сен тушунмайсан. Лекин шу кунларда таътил олганман. “Вимал” викторинарумида савдо менежери бўлиб ишляпман. Бу хонада вақтинча яшаймиз. Тез орада Нариман Поинтдаги данғиллама хонадонга кўчиб ўтамыз.

Ёлғон гапиряпти. Нариман Поинтда яшашга қурби

стадиган одамлар ҳеч қачон чоулда қолмайди, ҳатто вақтинча ҳам.

Чоулдаги хоналарнинг деворлари жуда юпка. Агар қулоғингизни ёки зангламайдиган пўлат стаканни деворга қўйиб, диққат билан тингласангиз, қўшни хонадаги гапларни эшита оласиз. Салим иккимиз кўпинча ошхонамизга ёндош бўлган чап томондаги қўшниларимизнинг уйига шундай қулоқ соламиз. Жаноб Бапат билан Бапат хонимни янги турмуш қурган жуфтлик деб бўлмайди. Миш-мишларга қараганда, жаноб Бапат рафиқасини ҳатто урар экан, лекин улар тунда ярашиб олиши аниқ. Чунки Салим билан мен уларнинг оғир нафас олишини ва ҳарсиллашини эшитиб, кулиб ўтирамиз.

Мен зангламайдиган пўлат стаканимни деворга қўйиб, қулоғимни тутаман. Шантарамнинг гапираётгани эшитилади.

– Бу жой худди қора туйнукнинг ўзи. Бу ерда қолиш иззат-нафсониятимга умуман тўғри келмайди, аммо тайинли иш топгунимча бу хўрликка иккингиз учун чидайман. Қулоғингизга қўйиб олинг, бу ерга бирорта кўча боласи киришини истамайман. Худо биледи, улар қайси тешиқлардан чиқиб келган. Ёнимизда шундайлардан иккитаси яшайди. Менимча, энг учига чиққан муттаҳамлар. Гудия, агар чоулдаги бирорта бола билан гаплашганингни билиб қолсам, камарим билан савалайман, тушундингми? – бақиради у.

Кўрққанимдан қўлимдаги стакан тушиб кетади.

Кейинги икки ҳафта мобайнида Шантарамни бир-икки марта кўраман, холос. Рафиқаси билан қизини эса умуман кўрмайман. Қизи, эҳтимол, коллежга ҳар куни қатнар, аммо мен ишдан келгунимча у уйига келган ва эшиклари маҳкам ёпилган бўлади.

Салим янги қўшни келганини пайқамайди ҳам. У миждозларга тамадди етказиб беришдан ортмайди. Эрталаб соат еттида уйғонади, кенг оппоқ қўйлаги, пахта

## *Харобадан чиққан миллионер*

пижамасини кийиб, бошига оқ қалпоғини кўндиради. Қалпоқ Мумбайдаги даббавалларнинг формаси хисобланиб, шаҳарда уни беш мингга яқин одамда учратишингиз мумкин. Кейин икки соат ичида йигирма бешта хонадонга кириб, уйда пиширилган таомларни йиғиб чиқади. Ундан сўнг уларни Гаткопар маҳаллий вокзалига олиб боради. Бу ерда таомлар етказиб бериш манзилига қараб ҳар бирининг қопқоғига рангли нукталар, чизикчалар ва хочлар чизиб сараланади, кейин Мумбай бўйлаб турли бошлиқлар ва ишчиларга тушлик вақтига кечикмасдан етиб бориши учун махсус поездларга юкланади. Салимнинг ўзи бошқа поездда келган таомларни қабул қилиб олиб, нукталар ва чизикчаларга кўра Гаткопардаги манзилларга таркатади. У ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши керак, чунки битта хато қилса, ишидан айрилади. Масалан, ҳиндуийга мол гўшти солинган идишни, мусулмонга чўчка гўшти солинган идишни, жайнизмга эътиқод қиладиган вегетарианга эса саримсоқ ёки пиёз солинган идишни асло тутқазмаслиги керак.

Соат кечки тўққиз. Салим журнал varaқлаб ўтирибди. Мен каравотимнинг устида тиззамга таянганча деворга зангламайдиган стаканимни тираб, кулоқ солиб ўтирибман. Шантарамнинг қизига гапираёгани эшитилади.

— Ҳей Гудия, телескопни созладим. Кел, мана бу окулярдан қарагин. Ўртадаги қизил нарсани кўряпсанми?  
У – Марс.

— Тез стакани ол. Сен ҳам эшитишинг керак, – пичирлайман Салимга.

Салим ҳам кулоғини деворга ёпиштиради. Кейин ўттиз дақиқа давомида биз осмон ҳолати бўйича қизиқ шарҳларни эштамиз. Юлдуз туркумлари, галактикалар ва кометалар ҳақида. Катта айиқ ва Кичик айиқ, Сомон йўли ва Кутб юлдузи, Сатурн ҳалқалари ва Юпитернинг ойлари ҳақида.

Шантарамни тинглаб, қалбимни ғалати орзиқиш

эгаллайди. Қанийди, менинг ҳам сайёралар ва юлдузлар ҳақида сабоқ берадиган отам бўлса! Шу пайтгача мен учун катта зулмат бўлиб келган тунги осмон тўсатдан мўъжизалар масканига айланади. Шантарамнинг сабоқлари туғаши билан Салим иккаламиз биринчи қаватнинг деразасидан бошимизни чиқариб, у айтган осмон жисмларини топишга ҳаракат қиламиз. Телескопимиз бўлмагани сабаб қоронғи осмонда фақат кичкина оқ нуқталарни кўрамиз. Аммо Катта айиқнинг еттита юлдузини топганимизда ҳатто Ой юзидаги қора шакллар аслида доғ эмас, балки денгизлар ва кратерлар эканини биламиз. Кейин гўё коинот сирларини очгандек хурсандчиликдан кичқирамиз.

Ўша тун оппоқ сариси ҳилпираётган аёл тушимга кирмайди. Мен Сатурн ҳалқалари ва Юпитер атрофидаги ойлар ҳақида туш кўраман.

\* \* \*

Бир ҳафтадан сўнг Шантарамнинг хонасидан буткул янги овоз эшитилади.

– Миёв!

Мен қўлимдаги зангламайдиган тинглаш воситам билан деворга ошиқаман.

Гудия отасига гапираётганини эшитаман.

– Дада, қаранг, мушукча. Ёқимтойлигини қаранг. Дугонам Роҳинининг мушуги болалабди. Шундан бирини менга берди. Уни боқсам майлими?

– Бирорта ҳам ҳайвонга тобим йўқ, – минғирлайди Шантарам хоним. – Бу ерда одамга зўрға жой етяпти-ку, ҳайвонни қаерга сиғдирамиз?

– Илтимос, ойижон, у ахир миттигина-ку. Дадажон, илтимос, рози бўла қолинг, – ялинади у.

– Майли, Гудия, – дейди Шантарам. – Уни боқишинг мумкин. Аммо қандай исм қўясан?

– Раҳмат, дадажон. Уни Томми деб чақирмоқчиман.

– Йўқ, бу ном кенг тарқалган. Бу мушук астроном-

## *Харобадан чиққан миллионер*

нинг оиласида яшайди, шунинг учун уни бирор сайёра номи билан аташимиз керак.

– Қайси сайёра? Юпитер деб атаймизми?

– Йўқ. У оиламиздаги энг кичкинаси, шунинг учун уни фақат Плутон деб аташимиз мумкин.

– Ажойиб. Менга бу исм ёқди, дада. Қани, Плутон, кел, сенга сут бераман.

– Миёв! – овоз чиқаради Плутон.

\* \* \*

Мана шундай кичик ҳолатлар Шантарам ҳақидаги фикрларимни қайта кўриб чиқишга мажбур қилади. Балки у умуман ёмон одам эмасдир. Нима бўлганда ҳам, мен яна бир бор ташқи кўриниш алдамчи эканини ҳамда яхши ёки ёмон одамлар орасидаги чизик ниҳоятда ингичка бўлишини билиб оламан.

Бир куни окшом пайти Шантарамнинг буткул маст ҳолда уйга келаётганини кўраман. Ундан виски ҳиди анқийди. Зинадан гандираклар чиқади. Эртаси куни ҳам, ундан кейин ҳам шу ҳол такрорланади. Тез орада жаноб Шантарамнинг пиёниста экани чоулдаги ҳаммага маълум бўлади.

Ҳинд фильмларида пиёнистлар ҳамisha кулгили қаҳрамон қилиб кўрсатилади. Кешто Мукхержининг шиша кўтариб олганини кўз олдингизга келтирсангиз, дарров кулиб юборасиз. Лекин пиёнистлар ҳаётда кулгили эмас, балки кўрқинчли бўлади. Шантарам уйига ширакайф бўлиб келганида бизга эшитиш мосламаларининг ҳам кераги бўлмайди. У бор овози билан сўкинади, Салим билан мен эса гўё у бизга бақираётгандек кўркувдан дағ-дағ титраймиз. Унинг сўқинишлари шунчалик одатга айланиб қолганидан ҳар куни ухлашдан аввал унинг хуррак овози эшитилишини кутамиз. Шантарамнинг ишдан қайтиши ва ётоққа ағдарилиши ўртасидаги вақт биз учун даҳшатли ўтади. Мана шу оралиқ биз учун кўркув онларидир.

Биз бунинг бари ўткинчи ва Шантарам охири ичкиликни ташлайди, деб ўйлаймиз. Аммо аҳвол оғирлашгандан оғирлашади. Шантарам яна ҳам кўпрок ичадиган ва нарсаларни отадиган бўлиб қолади. Даставвал, пластмасс стаканларни ва китобларни нафрат билан деворга улоқтиради. Кейин қозон-товоқларни синдиришга ўтади. Унинг шовқин кўтариши қўшни хонадагиларнинг ҳам тинчини бузади. Аммо жаноб Рамакришнага шикоят қилиш ножоиз эканини биламиз. Ахир ижара пулини доим кечиктириб тўлайдиган ўн уч ва ўн бир ёшли болаларнинг гапини ким ҳам инобатга оларди. Шунинг учун улоқтирилган нарса бизнинг деворимизга келиб урилганда ва чинни идишлар синганини эшитганимизда кўрқувдан қаравотимиз остига яшириниб оламиз.

Ҳатто мана шу давр ҳам узоқ чўзилмайди. Шантарам энди одамларга нарса отадиган бўлади. Асосан, оила аъзоларига. Энг кучли ғазабига хотини сазовор бўлади.

– Ярамас ит! Сен оёғимга болта ургансан. Мен қора туйнуклар бўйича тадқиқот қилишим мумкин эди, лекин ўрнига қаёқдаги хотинларга сари сотиб юрибман. Сендан нафратланаман! Нега ўла қолмайсан? – деб кичқирар, мурчдон, шиша стакан, ликопчани отарди. Хотинига, қизига, мушукка.

Бир куни кечаси у ҳаддан ортиқ қуюшқондан чиқиб кетади ва қайноқ чой солинган чашкани хотинига қараб отади. Гудия онасига қалқон бўлмоқчи бўлади. Чой унга сачраб, юзини куйдиради. У оғриқдан чинқириб юборади. Шантарам шунчалар мастлигидан нима қилиб қўйганини англамайди ҳам. Мен Шантарам хоним қизини касалхонага олиб бориши учун такси тутиб келишга шошиламан. Икки кундан сўнг у олдимга келиб, Гудияни кўришга бирга боришимни сўрайди.

– У ниҳоятда ёлғиз. Балки сен қизим билан гаплашиб кўрарсан.

## Харобадан чиққан миллионер

Шундай қилиб, Шантарам хоним ҳамроҳлигида биринчи марта касалхонага бораман.

У ерга кирганингизда сезгиларингизга таъсир қиладиган биринчи нарса ҳид экан. Исқирт бўлиб ётган палаталарнинг ҳар бир бурчагига сепилган дезинфекцияловчи воситаларнинг ўткир ҳидидан кўнглим айниydi. Сизни ҳайрон қолдирадиган иккинчи нарса эса у ерда бирорта ҳам бахтли инсонни учратмаслигингиздир. Яшил каравотларда ётган беморлар инграйди, ҳатто шифокорлар билан ҳамширалар ҳам бераҳм кўринади. Аммо энг ёмони – бепарқлик. Сизга ҳеч ким чиндан жонини койитмайди. Мен Гудиянинг атрофида шифокорлар ва ҳамширалар парвона бўлади, деб тасаввур қилгандим, аммо у куйганлар бўлимида ёлғизланиб ётибди, ҳатто навбатчи ҳамшира ҳам йўқ. Унинг юзини бинт билан тўлиқ ўраб ташлашган, фақат қора кўзлари кўриниб туради.

– Гудия, қара, сени кўргани ким келди, – дейди Шантарам хоним менга қараб.

Уялиб, қизнинг ёнига яқинлашаман. У мендан катта экани аниқ. Мен унинг ҳаёти ҳақида оз-моз эшитган, уни деярли билмайдиган одамман. Лабларини кўрмайману, аммо кўзларидан табассум қилаётганини сезаман ва бу орамиздаги музни эритиб юборади. У билан уч соат гаплашиб ўтираман.

– Нега сенга ноодатий исм қўйишган? – деб сўрайди Гудия.

– Бунинг тарихи узун. Тузалиб кетганингда айтиб бераман.

Гудия менга ўзи ҳақида гапириб беради. У ўрта мактабни битириб, университетга кириш арафасида экан. Орзуси – шифокор бўлиш. У мен ҳақимда сўрайди. Мен унга Тимоти Ота ёки унинг вафотидан кейин менга нима бўлгани ҳақида айтмайман, фақат чоулда бошимдан кечирганларимни сўзлайман. Металл қуйиш цехида



ишлайдиган одамнинг ҳаёти қандай ўтишини айтиб бераман. У мени диққат билан тинглайди, мен эса ўзимни муҳим ва керакли деб ҳис қиламан.

Шифокор Шантарам хонимга “Қизингизнинг омади бор экан! Унда фақат биринчи даражали куйиш бўлган ва у доимий чандиқ қолдирмайди. Бир ҳафтада касалхонадан чиқади”, – дейди.

Гудия билан ўтказган уч соатим унинг отаси ҳақида кўп нарсаларни билиб олишимга имкон беради.

– Эрим машҳур олим, аниқроғи, олим эди, – дейди Шантарам хоним менга. – У Ариабхата космик тадқиқот институтида ишларди. У ерда катта телескоплар ёрдамида юлдузларни ўрганарди. Биз институт кампусидаги катта уйда яшардик. Уч йил аввал у янги юлдузни кашф қилди. Бу жуда муҳим илмий кашфиёт эди, аммо шуҳрат тожи унинг бошқа бир ҳамкасбига кийдирилди. Бу нарса турмуш ўртоғимни буткул синдирди. Ичкиликка ружу кўйди, ҳамкасблари билан урушадиган бўлди ва бир кун институт директоридан жаҳли чиқиб, уни ўласи қилиб дўппослади. Эримни ўша заҳотиёқ институтдан ҳайдашди, мен уни қаматиб юбормасликлари учун директорга ялинишимга тўғри келди. Институтдан кетгач, яхши бир мактабга физика ўқитувчиси бўлиб ишга кирди, аммо ичкиликни ва зўравонликни ташлолмади. У болаларни арзимаган хатолари учун дўппосларди, шунинг учун олти ойдан кейин мактабдан ҳайдалди. Шундан бери у офисда ошхона мудирди, заводда ҳисобчи бўлиб ишлади. Ҳозир эса либослар салоида сотувчилик қилади. Биз жамғариб кўйган ҳамма пулимизни ишлатиб бўлганимиз учун чоулда яшашга мажбурмиз.

– Жаноб Шантарам ичишни ташлай олмайми? – сўрайман ундан.

– Эрим ичкиликка қайта кўлимни ҳам теккизмайман деб қасам ичганди. Мен ҳаммаси ортда қолди, деб умид

## Харобадан чиққан миллионер

қилгандим. Аммо у ваъдасида туrolмади. Мана, оқибатда нима содир бўлганини ўзинг кўриб турибсан.

– Рам Муҳаммад Томас, сендан бир нарса илтимос қилсам бўладими? – сўрайди Гудия. – Илтимос, уйга қайтгунимча Плутонга қараб тур.

– Албатта, қараб тураман, – ваъда бераман мен.

Тўсатдан у қўлини чўзиб, менинг қўлимни ушлайди.

– Сен менга насиб қилмаган укамсан. Тўғрими, ойи? – дейди у.

Шантарам хоним бошини қимирлатиб тасдиқлайди.

Нима дейишни билмайман. Бу – мен учун янги муносабат. Олдинлари ўзимни кимнингдир ўғли деб тасаввур қилардим, аммо ҳеч қачон кимнингдир укаси бўлиш ҳақида ўйламаганман. Шунинг учун Гудиянинг қўлини ушлаб, ўртамизда кўринмас ришталар пайдо бўлаётганини ҳис қиламан.

Ўша тун қўлларида чақалоқ кўтарган оқ сарили аёлни тушимда кўраман. Шамол унинг ортидан ғувиллайди, сочларини учириб, юзини тўсади. У чақалоқни кийим қутисига солади ва кетади. Шундан кейин бошқа аёл келади. У ҳам новча ва латофатли, аммо унинг юзи бинт билан ўралган. У чақалоқни қутидан олиб, юзларидан ўпади.

– Укам, – дейди у.

– О-п-а, – ғўлдирайди чақалоқ.

– Миё-о-о-в! – Мушукнинг тўсатдан қичқириши тунни ларзага келтиради.

Мен уйғониб кетаман ва эшитган фарёдим тушимда бўлдимми ёки қўшни хонадан эшитилдимми, англашга уринаман.

Эртаси куни эрталаб Плутоннинг мажақланган танасини жаноб Барве “Махараштра Таймс” газеталарини ташлайдиган ахлат қутисидан топаман. Мушукнинг бўйни синган, момикқина жасаидан виски ҳиди келади. Шантарам хотинига мушук қочиб кетди, деб айтади.

Ҳақиқат эса менга аён, аммо буни айтишдан наф йўк. Плутон ҳақиқатан ҳам қочиб кетди. Бошқа, яхшироқ дунёга.

\* \* \*

– Мен Гудияни жуда яхши кўраман, – дейман Салимга. – Шантарам қайта уни қийнамаслигига ишонч ҳосил қилишим керак.

– Аммо қўлингдан нима келади? Бу – унинг оиласи.

– Бу бизнинг ҳам ишимиз. Ахир биз қўшнимиз-ку.

– Менга бир пайтлар айтган гапинг эсингдан чиқдими? Бошқаларнинг ишига бурун суқиш яхши эмас, бировларнинг муаммосини бўйнингга олма, дегандинг.

Бунга жавоб қайтара олмайман.

Гудия уйига қайтади, лекин уни кўргани чиқмайман, чунки Шантарам уйига ўғил бола киришига рухсат бермайди. Шантарам хоним эри нима қилиб қўйганини тушунгани ва энди яхши томонга ўзгаришини айтади, гарчи калбининг туб-тубида эрига инсоф кирмаслигини билса ҳам. Лекин аслида ҳатто у ҳам кейинчалик эри қай даражада тубанликка боришини билмайди.

Гудия касалхонадан чиққанига бир ҳафта ҳам тўлмай, отаси унга яна нимадир қилади. У қизига тегинмоқчи бўлади. Аммо ота сифатида эмас. Бошида тушунмайман. Қулоғимга чалингани фақат Гудияга отаси “мен учун ойсан” дегани, кейин Шантарам хонимнинг йиғлагани ва Гудиянинг қичқиргани бўлади:

– Дада, менга тегманг! Дада, илтимос, менга тегманг!

Гудиянинг ўтинчли фарёдини эшитганимда миямда нимадир чирс этиб синади. Уларнинг хонасига югуриб чиқиб, Шантарамни ўз қўлларим билан ўлдиришни хоҳлайман. Аммо журъатимни йиғишга ҳам улгурмай, унинг баланд овозда хуррак отганини эшитаман. У ерга йиқилганди. Гудия эса ҳамон йиғлаяпти. Унинг пиқиллаётганини эшитиш учун стаканнинг ҳожати йўк.

## Харобадан чиққан миллионер

Унинг йиғлаётгани менга ғалати таъсир қилади. Ука опасининг қайғусини эшитганда ўзини қандай тутиши кераклигини билмайман, чунки ҳали укалик қилиб кўрмаганман. Аммо ҳозир уни қандайдир қилиб овутишим кераклигини биламан. Афсуски, орадаги девор қанчалик юпқа бўлмасин, унинг нариги тарафидаги одамни юпатиш осон эмас. Қарасам, деворнинг тагидаги бошқа хонадонга кувур ўтадиган жойда қўл сиғадиган даражада кичик айлана тешик бор экан. Мен каравотдан сакраб тушаман ва ерга ётиб, тешикка кўлимни тикаман.

— Опа, йиғламанг. Мана, кўлимдан ушланг, — бақираман мен.

Кимдир кўлимдан тутади. Бармоқлар кўлимни, тирсагимни, билагимни силайди. Гўё кўр одам кимнингдир юзини пайпаслаётгандек. Кейин бармоқлар менинг бармоқларим билан бирлашади ва мен қудрат, қувват, меҳрнинг (хоҳлаганингизча атанг) мўъжизавий кўчишини ҳис қиламан. Ўша он мен Гудия билан бир одамга айланаман ва унинг оғриғини ўзимникидек ҳис қиламан.

Бу пайт Салим менинг ҳаракатларимни ажабланганча томоша қилиб, ҳамон каравотида ётади.

— Тентакмисан, Муҳаммад? Нима қилаётганингни билияпсанми? — дейди у. — Кўлингни тикаётган тешигингдан хонамизга каламушлар ва сувараклар киради-ку.

Аммо мен Салимни ҳам, бошқа нарсаларни ҳам увутганман. Гудиянинг кўлини қанча вақт ушлаб турганимни билмайман, бироқ эртаси куни эрталаб уйғонганимда кўлим ҳали ҳам тешикка тикилганча ерда ётган эканман. Сувараклар эса кўйлагимнинг чўнтагига оилавий кириб олиб, бемалол ухлаб ётишган экан.

Эртаси куни тунда Шантарам уйга яна ичиб келади ва Гудияга шилқимлик қилади.

— Сен барча юлдузлар ва сайёралардан ҳам гўзалроқсан. Сен менинг ойимсан. Сен менинг Гудиямсан,

кўғирчоғим. Кеча мендан қочдинг, лекин бугун сени кўйиб юбормайман, – дейди у.

– Бас қилинг! – бақиради Шантарам хоним. Лекин эри эътибор бермайди.

– Хавотир олма, Гудия. Сенга бўлган муҳаббатимда хатолик йўқ. Ҳатто буюк император Шоҳжаҳон ҳам ўз қизи Жаҳон Арони севиб қолган. Ўзи эккан дарахтнинг мевасини татиб кўришни истаган эркакка ким қаршилиқ қилади?

– Сиз иблиссиз, – бақиради Шантарам хоним.

Шантарам уни уради. Шиша бутилка синганини эшитаман.

– Йўқ! – Гудия бақиргани эшитилади.

Миямни гўё пармалагич тешгандек, юрагимга эса эритилган металл қуйилгандек ҳис қиламан. Ортиқ чидай олмайман. Жаноб Рамакришнанинг хонасига югураман ва унга Шантарам хотини билан қизига ёмонлик қилаётганини айтаман. Лекин Рамакришна ўзини худди мен об-ҳаво ҳақида гапираётгандай тутади.

– Кулоқ сол, – дейди у менга. – Уйнинг тўрт девори ичида нима содир бўлса ҳам, у ўша оиланинг шахсий иши ҳисобланади ва биз бунга аралашолмаймиз. Сен ҳали жуда ёшсан-да, етимча. Ҳали ҳаётни кўрмагансан. Лекин мен ҳар куни бутун Мумбайдаги чоулларда хотинини урган, ҳақоратлаган, яқин қариндоши билан қўшилган, зўрлаган ҳолатларни биламан. Аммо ҳеч ким ҳеч нарса қилмайди. Биз ҳиндистонликларда атрофимиздаги оғриқ ва қайғуни кўриш, аммо унга аҳамият бермасликдек улуғворлик бор. Шундай экан, атоқли Мумбайкарга ўхшаб кўзларингни юм, кулоқларингни юм, оғзингни юм, шунда менга ўхшаб бахтли бўласан. Энди эса борақол, менинг ухлайдиган вақтим бўлди.

Мен хонамга шошаман. Шантарам хуррак отаётганини, Гудия эса ўзини ифлос деб бақираётганини эшитаман.

– Менга тегманг! Ҳеч ким менга тегмасин! Менга яқинлашган одамни касал қиламан.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Менимча, у ақлини йўқотяпти. Мен ҳам ақлимни йўқотяпман.

– Мени касал қилақол, – дейман ва қўлимни девор тагидаги тешикка тикаман.

Гудия қўлимни ушлайди.

– Мен узоқ яшамайман, Рам Муҳаммад Томас, – йиғлайди у. – Ўзимни отамга топширгандан кўра жонимга қасд қилганим яхши.

Унинг изтироби тешикдан сизиб ўтади ва мени кучоғига ўраб олади. Йиғлай бошлайман.

– Бунга ҳеч қачон йўл қўймайман, – дейман унга. – Бу укалик ваъдаси.

Салим менга шундай қарайдики, худди ваъда бериб, жиноят қилаётгандекман. Аммо мен учун тўғри ёки нотўғри деган нарса йўқ шу он. Гудиянинг озгин бармоқлари, кафтидаги тафтини сезарканман, иккимиз ҳам қўлга тушган хайвонлар, иккимиз ҳам жинойи шериклар эканимизни биламан. Менинг жиноятим шуки, етим бола бўла туриб, бошқаларнинг ташвишини бўйнимга олишга ҳаддим сифгани. Аммо Гудиянинг жинояти нима эди? Шунчаки қиз бола бўлиб туғилгани ва Шантарам унинг отаси эканими?!

\* \* \*

Эртаси куни Шантарам ишдан қайтиб, биринчи қаватга чиқиш учун зинага етганида ваъдамни бажараман. У секин, оғир қадам босади. Ҳатто кийимларидан ҳам виски ҳиди анқиб туради. У тўсиқнинг ҳали жаноб Рамакришна таъмирлатишга улгурмаган жойидан ўтаётганида мен унга орқасидан ҳужум қиламан. Орқасига ураман, у эса ёғоч тўсиққа бориб урилади. Шундоқ ҳам чириб кетган тўсиқ уни кўтаролмайди ва синиб кетади. Шантарам мувозанатини йўқотиб, ерга юзтубан йиқилади.

Фильмларда юқоридан пастга йиқилган ёвуз одамлар гўё ҳавода сузаётгандек кўрсатилади; улар оёқ-қўлини

силкиб, “Аааааааа!” деб кичкиради. Ҳаётда эса умуман ундай бўлмас экан. Шантарам худди тошдек қулайди. Оёқ-қўлларини силкишга ҳам улгурмайди. Ерга юзи билан тушади ва қанотларини ёйган бургут каби оёқ-қўли чўзилган ҳолда ётади.

Шантарамнинг ерда ётган жонсиз танасини кўрганимдагина нима қилиб кўйганимни тушунаман. Кейин қилмишимнинг оқибатини тасаввур қиламан. Воқеа жойига қизил чироғи милтиллайдиган “Жип”да полиция етиб келади ва бўр билан жасад атрофига чизик тортади. Суратларга олишади ва:

– Жасад мана шу ердан йиқилган, – дейишади.

Кейин юқорига қарашади ва биринчи каватда мени кўришади. Инспектор қўли билан мени кўрсатади.

– Анави бола итариб юборган. Уни ҳибсга олинг!

Мени қамокқа олиб кетишади ва у ерда ечинтириб, калтаклашади. Кейин суд бошланади. У ерда ҳиссиз юзли судья қора рибо кийиб ўтиради, тепасида эса вентилятор айланади. Орқасидаги деворга зарҳал ҳарфларда ёзилган Satyameva Jayate – “Ҳақиқат доим ғалаба қозонади” сўзлари чанг босиб, кўринмай кетган. Судья менга назар ташлайди-да, ҳукмини ўқийди.

– Рам Муҳаммад Томас, суд сизни жаноб Шантарамни қасддан ўлдиришда айбдор деб топади. Ҳиндистон Жиноят кодексининг 302-моддасига биноан сизни осиб ўлдиришга ҳукм қиламан.

– Йўқ! – деб бақираман ва қочишга ҳаракат қиламан.

Аммо оёқларим ва билакларимга кишан солинган бўлади. Кўзларимни боғлашади-да, жазони ижро этиш камерасига олиб кетишади. Бўйнимга арқон боғланиб, тутқичи тортилади. Мен азобдан чинқириб юбораман, оёқларим ҳавода депсинади, нафасим бўғилади. Кўзларимни очаман ва ўзимни жаннатда кўраман. Аммо жаннат худди чоулдек кўринади ва мен пастга қараб, ерда чўзилиб ётган Шантарамнинг танасини кўраман.

## Харобадан чиққан миллионер

Атрофига одамлар тўпланади. Кимдир бакиради:

– Полиция чакиринг!

Ортиқ бир сония ҳам кутолмайман. Зинадан пастга тушаман-да, югуриб кетаман. Дарвозадан, сут дўконидан ва кўп қаватли бинонинг олдидан ўтаман. Ва ниҳоят маҳаллий вокзалга етиб келаман. У ерда Виктория станциясигача элтувчи экспресс поездга ўтираман. Ҳамма платформани излаб чиқаман ва охири ўзимга керакли поездни топгач, юриб кетаётганида сакраб чикиб оламан.

Мен Мумбайни тарк этдим. Мен Гудияни ва Салимни тарк этдим ва ўзим билган бошқа ягона шаҳарга қочиб кетдим. Дехлига.

\* \* \*

Ҳикоямни эшитар экан, Смига лом-мим демасдан ўтиради. Қаттиқ таъсирлангани кўриниб туради. Кўзининг бурчагида ёш томчиси пайдо бўлганини пайқайман. Эҳтимол, бир аёл сифатида у Гудиянинг изтиробларини ҳис қила олгандир.

Кўлимга пультни оламан.

– Учинчи саволни кўра қолайлик, – дейман ва “Play” тугмачасини босаман.

\* \* \*

Прем Кумар курсисини айлантириб, менга мурожаат қилади.

– Жаноб Томас, иккита саволга тўғри жавоб бериш орқали икки минг рупий ютиб олдингиз. Қани кўрайликчи, беш минг рупий ютуқ қўйилган учинчи саволга ҳам жавоб бера олармикансиз? Тайёрмисиз?

– Тайёрман, – жавоб қайтараман мен.

– Яхши. Демак, учинчи савол. Савол ...

Шу пайт прожектор ўчиб қолади ва Прем Кумар билан мен зулматда қоламиз.



– Вой! Хьюстон, бизда муаммо бор, – дейди Прем Кумар.

Томошабинлар кулиб юборади. Мен бу хазилни тушунмайман.

– Нима дедингиз? – сўрайман Прем Кумардан.

– Ия, бу “Аполлон 13” фильмидаги машҳур ибора-ку. Ҳа, инглизча фильмлар кўрмаслигингиз аниқ. Тўсатдан катта муаммо пайдо бўлса, шу ибора ишлатилади. Бизда ҳам ҳозир катта муаммо чиқиб қолди. Прожектор тузатилмагунча кўрсатувни суратга ололмаймиз.

Техниклар прожекторнинг симини текширишни бошлаганида Прем Кумар қулоқчинидан келган овозни эшитади. Кейин мен томонга энгашиб, қулоғимга пичирлайди:

– Хўш, жинқарча, олтин давринг ниҳоясига етиб қолди. Кейинги савол жуда қийинлик қилади, айниқса, официант учун. Сенга ютишинг учун жон деб ёрдам берган бўлардим, аммо продюсер ҳозиргина кейинги иштирокчи – математика ўқитувчиси билан ўйин бошлашимизни хабар қилди. Афсусдаман болакай, омадинг келмади! У шундай деб, лимонаддан хўплайди.

Прожектор тузатилади. Таблода “Олқишлар” деган сўз кўринади.

Қарсақлар тингач, Прем Кумар менга қарайди.

– Жаноб Томас, дастлабки иккита саволга тўғри жавоб бериб, икки минг рупий ютиб олдингиз. Энди кўрайлик-чи, учинчи саволга ҳам жавоб бериб, беш минг рупий юта олармикансиз. Тайёрмисиз?

– Тайёрман, – жавоб қайтараман мен.

– Яхши. Демак, кейинги саволимиз астрономиядан бўлади. Айтинг-чи, жаноб Томас, Куёш тизимимизда нечта сайёра борлигини биласизми?

– Вариантлар борми?

– Йўқ, бу ўйин саволи эмас. Шунчаки Куёш тизимидаги сайёралар сонини билишингизни сўраяпман.

## Харобадан чиққан миллионер

– Йўк.  
– Йўкми? Ҳар ҳолда биз яшаётган сайёра номини биларсиз, деб умид қиламан.

Томошабинлар кулиб юборади.

– Ер, – жавоб бераман маъюсланиб.

– Яхши. Битта сайёранинг номини биларкансиз.

Хўш, учинчи саволга тайёرمىсиз?

– Тайёрман, – жавоб қайтараман.

– Яхши. Демак, учинчи савол. Куёш тизимидаги энг кичик сайёра қайси? Жавоблар:

А) Плутон

Б) Марс

В) Нептун

Г) Меркурий

Мушиқа бошланишидан ҳам олдин лабларимдан “Миев!” деган товуш чиқиб кетади.

– Кечирасиз, нима дедингиз? – дейди Прем Кумар ажабланиб. – Қулоғимга мушукнинг миевлагани эшитилди деб ўйладим.

– “А” дедим.

– А?

– Ҳа. Тўғри жавоб “А”. Плутон.

– Тўғри жавоб “А” эканига ишончингиз комилми?


– Ҳа.

Ноғоралар садоси эшитилади. Экранда тўғри жавоб кўринади.

– Тўппа-тўғри! Куёш тизимимиздаги энг кичик сайёра чиндан ҳам Плутон. Жаноб Томас, сиз беш минг рупий ютиб олдингиз!

Томошабинлар билимимга қойил қолади. Баъзилари ўрнидан туриб қарсак чалади.

Аммо Смита ҳамон бир оғиз сўз демайди.



10,000

## Мажруҳлар ҳақида ўйлар

Куёш заифроқ нур сочади, кушларнинг чуғури ҳам сўниб қолган, ҳаво ифлосланган, осмон ҳам қорароқ тус олган.

Сизни сўлим боғини куёш эркалаб ёритадиган катта ҳовлидан юлқиб олиб, вайронага айланган тор уйга ташлашса ва ўнлаб болалар билан гавжум ётоқхонада тикилиб яшашга мажбур бўлсангиз, ҳаётни сарғиш тусда кўрадиган бўлиб қоласиз.

Агар шундоқ ҳам сариқ касал бўлсангиз, бунинг сизга фойдаси йўқ. Сариқ касал ёқимли бўлмаса ҳам, лекин яхши томонлари бор. Масалан, сизни лиқ тўла ётоқхонадан ажратиб, бир ўзингизни алоҳида хонага қўйишади. Ётоғи металлдан, пардалари яшил бўлган бу катта хона изолятор деб аталади.

Икки ҳафтадан бери тўшакка михланганман. Аммо ўзимни Тимоти Отанинг ўлимидан сўнг черковдан чиқаришгандан бери касалдек ҳис қиламан. Мени олиб кетгани қизил чироқлари милтиллайдиган “Жип”да келишмади. Аксинча, деразалари тўр сим

## *Харобадан чиққан миллионер*

билан ўралган кўк фургонда келишди. Одатда, бундай машинадан кўчадаги дайди итларни тутиб олиб кетишда фойдаланишади. Фақат бунисида дайди болаларни олиб кетишди. Агар кичкина бўлганимда, мени Фарзанд асраб олиш ағёнтлигига топшириб, сотувга кўйишган бўларди. Лекин ёшим саккизда бўлгани учун Туркман дарвоза мавзесидаги Деҳли болалар колониясига топширишди.

Ўғил болалар учун мўлжалланган колония етмиш беш кишилиқ сифимга эга бўлса ҳам, унда 150 нафар вояга етмаган бола яшайди. У жуда тор, шовкинли ва ифлос. Шунча болага бор-йўғи иккита хожатхона қурилган. Ювиниш кранидан сув томиб туради, хожатхонаси қачон қарама исқирт бўлиб ётади. Коридорлари ва ошхонасида қаламушлар югуриб юради. Биттагина синфхонасида парталар чириб кетган, доскасида ёриқлар бор. У ердаги ўқитувчилар йиллар давомида дарс ўтмай келади. Спорт майдонида ўтлар одам бўйи барабар ўсиб кетган ва эҳтиёт бўлиб юрмасангиз, футбол тўпидек келадиган тошларга оёғингизни уриб оласиз. Пахта матодан оқ кўйлақ ва стрелкали шим кийиб юрадиган спорт мураббийи крикет ва бадминтон жиҳозларини чиройли шиша идишда сақлайди ва унга қўлимизни тегиздирмайди. Овқатланадиган хонамизга арзон пол ва узун ёғоч столлар қўйилган. Аммо бош ошпаз бизга аталган гўштларни ресторанга сотиб юборади, бизга эса ҳар куни димланган сабзавот билан қорайиб, қотиб қолган чапати беради. У нуқул бурнини кавлаб юради ва кимдир қорни тўймай, яна озгина овқат сўраса, бақириб беради. Колония раҳбари жаноб Агнихотри – меҳрибон, кекса одам. У доим пахта матодан тикилган курта кийиб юради. Аммо асосий қудрат унинг ўринбосари, “Туркман дарвоза даҳшати” лақаби билан танилган жаноб Гуптанинг қўлида эканини ҳаммамиз биламиз. У ёмон одам, бўйи паст, куни бўйи паан чайнаб юради ва ундан тер хиди анқийди. Бўйнига иккита қалин тилла занжир тақади ва юрганида у занжирлар овоз

чиқаради. Қўлида доим бамбукдан ясалган хивчин бор, истаган пайтида бизни савалайди. У тунда ўғил болаларни хонасига чақирishi ҳақида турли миш-мишлар юради, аммо ҳеч ким буни муҳокама қилмайди. Биз яхши нарсалар ҳақида гаплашишни хоҳлаймиз. Масалан, ҳар куни кечаси умумий залда икки соат телевизор кўришга рухсат тегиши ҳақида. Биз 21 дюймли “Duapoga” телевизори қаршисига йиғилиб олиб, 5-каналда ҳинд кўшиқларини эшитамиз, “Doordarshan” каналида сериаллар кўрамиз. Айниқса, якшанба кунлари кино кўриш ёқади.

Албатта, ёқади-да, чунки уларда хаёлот дунёсини кўриш мумкин: болаларнинг ота-онаси бўлади, туғилган кунлари нишонланади, катта уйларда яшашади, катта машиналарда саёҳат қилишади, катта совғалар олишади. Биз буларни кўриб завқлансак ҳам, ундай оламда яшашга ҳеч қачон умид қилмаймиз. Ҳаётимиз ҳеч қачон Ами табх Баччан ёки Шохруҳхонники каби бўлмаслигини ҳам биламиз. Биз интилишимиз мумкин бўлган энг баланд дор устимиздан назорат ўрнатадиганлардан бири бўлиш, холос. Шунинг учун ўқитувчимиз биздан “Катта бўлганингизда ким бўлишни хоҳлайсиз?” деб сўраса, ҳеч ким учувчи, бош вазир, банкир ёки актёр бўламан, деб жавоб бермайди. Биз ошпаз, фаррош, спорт мураббийи ёки, энг яхшиси, колония раҳбари бўлишимизни айтамиз. Болалар колонияси бизни шу қадар ерга уриб қўйган.

Бу ердаги болаларнинг кўпи билан яқиндан танишдим. Мендан кичиклари ҳам бору, аммо кўпчилиги мендан катта. Мунна, Каллу, Пьяре, Паван, Жашим ва Ирфон билан дўстлашдим. Тимоти Отанинг уйидан болалар колониясига жўнаш мен учун худди жаннатдан дўзахга тушишдек бўлди. Аммо кўп болалар билан танишганимда бу ер улар учун жаннат эканини англадим. Уларнинг орасида Деҳли ва Бихарнинг искирт харобаларидан, ҳатто Непалдан келганлар бор эди. Гиёҳванд оталар ва фоҳиша оналарнинг фарзандлари... Бахил амакилари ва

## *Харобадан чиққан миллионер*

золим келинойиларидан калтак еявериб, чандик бўлган жойларини кўрдим. Мажбурий меҳнат ва оилавий зўравонлик нима эканини тушундим. Ва полициядан кўркиб қолдим. Айнан ўшалар болаларни шу ерга жўнатишга масъул экан. Йўл бўйидаги растадан нон ўғирлаётганда ёки қора бозордан театрға билет олаётганда кўлга тушган ва миршабга пора бера олмаган болаларни шу ерга сургун қилишар экан. Ёки кўпинча инспектор уларнинг юзини ёқтирмагани учун шу ҳол юз берар экан.

Бу болаларнинг кўпчилиги Вояга етмаганлар ижтимоий кенгашидан кимдир уларни ўз васийлигига олиб кетганидан кейин ҳам қайтиб келишар экан. Мунна ўгай онасининг ёмон муносабатидан кейин қайтган. Жашимни бешафқат укаси қувган. Паванни эса бир қариндошининг мажбурлови билан ишратхонада ишлаётганида полиция кўлга олиб, қайтаргай. Шунча кўргиликларга қарамай, кўп болалар маълум дўзахдан номаълум дўзахга қайтиб бўлса ҳам, “ҳимоя” топишга зор эди.

Гарчи бунга уринмасам ҳам, мени уларга сардор қилиб қўйишди. Жуссам каттароқ бўлгани ёки жаҳлим тезроқ бўлгани учун эмас, балки инглиз тилида гапирганим учун. Мен етимча ана шу сеҳрли тилда ўқишни ва гапиришни билардим ва бу расмийларга ўзгача таъсир қилди. Колония раҳбари вақти-вақти билан мендан ҳол-аҳвол сўраб турарди. Спорт мураббийи олд ҳовлида вақтинчалик крикет майдончасини ташкил қилишимга рухсат берди. У ерда тўрт-беш марта ўйнашга улгурдик, кейин Мунна раҳбарнинг дерзасини синдириб қўйди ва ҳар қандай спорт ўйини тақиқланди. Бераҳм ошпаз аҳён-аҳён менга қўшимча овқат берадиган бўлди. Гупта мени ҳеч қачон тунда хонасига чақирмасди. Шифокор мени доимий кечиктиришларсиз дарҳол изоляторга жойлаштирарди ва бутун ётоқхонага касал тарқашининг олдини оларди.

Изоляторда икки ҳафтадан ортиқ маза қилиб ётганимда хонага яна битта ётоқ олиб кирилди. Айтишларича,

янги бола келибди, аҳволи жуда оғир эмиш. Уни тушдан кейин замбилда кўтариб киришди. Эгнига йиртилган оловранг майка билан кир ва титилиб кетган шортик кийган, бўйнига сариқ тавиз<sup>1</sup> осилган эди. Салим Илёсий билан илк учрашувим мана шундай юз берди.

Салим менинг буткул аксим. У бугдойранг, юзи малакларникидек думалоқ ва бегуноҳ. Сочлари қоп-қора ва жингалак, жилмайганида кулгичлари кўринади. Эндигина етти ёш бўлса ҳам, зехни ўткир. Бошидан ўтганларини менга қисқа қилиб, тутилиб-тутилиб айтиб берди.

У Биҳардаги бир қишлоқда ўта қашшоқ оилада туғилган. Унинг қишлоғида асосан камбағал дехқонлар истикомат қилган, аммо бир нечта бой ер эгалари ҳам бўлган. Аҳолининг кўп қисми хиндуизмга эътиқод қилган, бироқ Салимнинг оиласидек бир-иккита мусулмон оилалар ҳам бўлган. Салимнинг отаси мардикор, онаси уй бекаси бўлган, акаси чойхонада ишлаган, ўзи қишлоқ мактабига қатнаган. Улар заминдор ҳовлисининг чеккасидаги похолдан ясалган кичик кулбада яшаган.

Ўтган ҳафта аёзли январь ойида қишлоқдаги Ҳануман ибодатхонасида нохуш ҳодиса рўй берибди. Кимдир ярим тунда ибодатхонага кириб, маъбуд маймун ҳайкалини булғаб кетибди. Ибодатхона руҳонийси ўша атрофда мусулмон йигитлар беркиниб турганига кўзи тушганини айтган. Бас, шу гапнинг ўзи етган! Ҳиндуийлар буни эшитиши биланок ғазаб отига минган. Улар қўлига ханжар, найза, таёк, машъалалар кўтариб, барча мусулмонларнинг уйига бостириб кирган. Тўдалар хужум қилган пайт Салим ташқарида ўйнаётган бўлган, ота-онаси билан акаси эса ичкарида чой ичаётган эди. Салимнинг кўз олдида унинг кулбасига ўт қўйишган. У отасининг фарёдини, онасининг чинқириғини, акасининг йиғисини эшитган, аммо тўда бирор ким қочишига йўл қўймаган. Унинг бутун оиласи

<sup>1</sup> Тавиз – Куръон оятлари ёки сеҳр-жоду ва касалликдан асрайдиган дуолар ёзилган тумор. Жанубий Осиёда кенг тарқалган.

## Харобадан чиққан миллионер

ёнғинда куйиб ўлган. Салим вокзалга қараб чопган ва кўзига кўринган биринчи поездга чиқиб олган. Поезд уни қорни оч, кийимсиз ҳолда бирорта ҳам таниши бўлмаган Дехлига олиб келган. У икки кун платформада оч-наҳор, совқетиб, иситма ва қайғудан азобланиб ётган. Кейин бир миршаб уни кўриб, болалар колониясига топширган.

Салим тунлари босинқирашини айтади. Ўша тўдаларнинг овози эшитилаверар экан. Онасининг қичқиряғи қулоғида жаранглайверади. Акасининг аланга ичида ғижимланаётгани кўз олдига келиб, болани титроққа солади. Шу-шу барча ҳиндуийлардан нафратланиб, кўрқиб қолганини айтади. У мендан исмимни сўрайди.

— Муҳаммад, — дейман мен.

\* \* \*

Вақт ўтгани сари Салим яқин дўстимга айланади. У билан умумий томонларимиз кўп. Иккимиз ҳам етиммиз, иккимиз ҳам мрамар тўп ўйнашни ҳамда фильм томоша қилишни яхши кўрамыз. Изолятордан ётоқхонага кўчиришганида ўз таъсир доирадан фойдаланиб, унга ёнимдаги ётоқдан жой олиб бераман.

Оқшомларнинг бирида Гупта Салимни хонасига чақиради. Гупта бева, ҳовлида бир ўзи яшайди. Салим хавотир олади.

— Нега мени чақиряпти? — сўрайди у.

— Билмайман, — жавоб қайтараман. — Мен ҳеч қачон унинг хонасига кирмаганман. Аммо бугун билиб оламиз.

Салим Гуптанинг хонасига қараб кетади, мен орқасидан оёқ учида эргашаман.

Салим эшикни тақиллатганда Гупта ғижим бўлиб ётган курта пижамасини кийиб ўтирган бўлади.

— Кел... келақол, Салим, — дейди у хириллаган овозда.

Кўлида тилларанг суюқлик қуйилган бокал бор.



Ундан қултумлаб ичади ва оғзини артади. Кўзлари катта тугмага ўхшайди. Мен эшикка осилган иккита парданинг орасидаги кичик жойдан кузатиб тураман. У Салимнинг юзини силайди, бармоқлари билан бурни ва юпқа лабларини сийпалайди. Кейин тўсатдан буйруқ беради:

– Иштонингни еч!

Салим гангиб қолади.

– Айтганимни қил, ҳароми. Акс ҳолда, бошлаб савалайман, – дағдаға қилади Гупта.

Салим унга бўйсунди. Ноилож иштонини тушира бошлайди. Мен кўзларимни олиб қочаман. Гупта Салимга орқа тарафдан яқинлашади, унинг тилла занжири жиринглайди.

– Яхши, – ғўлдирайди у.

Мен унинг шалварини бўшатиб, пастга туширганини кўраман. Унинг юнг босган орқасини ҳам кўраман. Салим ҳалигача нима бўлаётганини тушунмайди, аммо мен учун ҳаммаси равшан. Ўша тунда Жон Отанинг хонасида нима содир бўлганини кутилмаганда фаҳмлайман. Эртаси куни нима содир бўлганини ҳам.

Тун сукунатини ўкдек тешиб юборадиган овоз билан қичқираман. Бу қичқирик ётоқхонада тинчгина ухлаб ётган болаларни, ошхонада хуррак отаётган ошпазни, тўшакда уйқуга кетган раҳбарни, қўйингки, кўчадаги дайди итларни ҳам уйғотиб юборади ва улар тинмай акиллаб бошлайди.

Гупта саросимага тушиб, шошиб иштонини кўтаради ва Салимни ҳайдайди. Аммо ошпаз, раҳбар ва қоровуллар аллақачон Гуптанинг хонасига қараб келаётган бўлади. Улар ўша оқшом Гуптанинг ифлос сиридан бохабар бўлади (гарчи бунга қарши ҳеч қандай чора кўришмаса ҳам). Аммо Гупта ҳам парда ортидан мўралаганимни билиб қолади. Шундан кейин у менинг ашаддий душманимга айланади. Бўлиб ўтган воқеа Салимга руҳан

## Харобадан чиққан миллионер

таъсир қилади, аммо унга жисмоний зарар етмайди. У ҳиндуийларга бўлган нафратидан аллақачон халос бўлган эди, бироқ унга нисбатан қилинган зўравонлик олдидаги кўрқув умрининг сўнгигача муҳрланиб қолади.

\* \* \*

Ўзи шундоқ ҳам гўзал бўлган баҳор бугун колониядан ташқарига чиққанимиз учун яна ҳам гўзалроқ кўринади. Қандайдир халқаро нодавлат ташкилот бизни бир кунлик саёҳатга олиб чиқади. Биз кондиционерли автобусда бутун Дехлини айланамиз. Тушликни ҳайвонот боғида қиламиз, у ерда ҳайвонларни ҳам кўрамыз. Умримизда биринчи марта бегемот, кенгуру, жирафа ва ялқовни учратамиз. Пеликан, фламинго ва ўрдакбурунларни томоша қиламиз. Кейин бизни Ҳиндистондаги энг баланд минора бўлмиш Қутуб Минорга олиб боришади. Хиринглашиб, бир-биримизни туртиб, зиналарга тирмашиб кўтариламыз ва иккинчи қаватнинг айвонидан ташқарига қараймыз. Пастда кетаётган одамлар чумолига ўхшаб кўринадилар. Биз “Э-ҳе-ҳе-е-е-ей” деб бақирамыз. Овозимиз ерга етиб бормай, йўқолиб кетади. Охири бизга катта карнавални кўрсатгани Ҳиндистон дарвозасига олиб боришади. Ўзимиз истаган арғимчокда учишимиз учун ҳар биримизга 10 рупийдан пул берилади. Мен улкан ғилдиракда учгим келади, аммо Салим енгимдан тортиб, бошқа томонга судрайди. У кўрсатган жойда “Дунёга машҳур фолбин Пандит Рамашанкар Шастри. Кафтингизни ўқиш бор-йўғи 10 рупий” деб ёзилган. Ичкарида дхоти курта кийган кекса бир киши ўтирибди. Мўйлови оқ, пешонасига қизил тилак<sup>2</sup> суртилган, кўзига қалин кўзойнак таққан. Бошининг орқасидан ўрилган қора сочи кўринади.

– Қўлимни кўрсатмоқчиман, – дейди Салим. – Атиги 10 рупий экан.

<sup>2</sup> Ҳиндуизмда пешонага гил, кул ва бошқа модда билан суртиладиган, кишининг қайси оқимдан эканини кўрсатувчи белги

– Аҳмоқлик қилма, – дейман унга. – Бундайлар ғирт ёлғончи бўлади. Улар келажагингни билмайди. Инданкейин, бизнинг келажагимизда билишга арзигулик нарса ҳам йўқ ўзи.

– Барибир кўлимни кўрсатгим келяпти, – қайсарлик қилади Салим.

– Хўп, майли, кўрсатақол. Аммо мен 10 рупийимни бундай бемаънигарчиликка сарфламоқчи эмасман.

Салим пулини беради ва чап қўлини чўзади. Пандит бош чайқайди.

– Йўқ, чап қўл эмас. Қизлар чап қўлини кўрсатади. Ўғил болалар ўнг қўлини кўрсатиши керак.

Салим тезда ўнг кафтини узатади. Фолбин унга лупа билан қарайди ва кафтдаги чизикларни худди кўмиб қўйилган хазинага олиб борувчи харитани ўқиётгандек синчиклаб ўқийди. Охири у лупани туширади ва мамнун холда хўрсинади.

– Сенинг қўлинг ажойиб экан, болам. Илгари ҳеч ҳам бундан-да яхшироқ тақдир чизигини кўрмаганман. Келажагинг жуда порлок бўлади.

– Ростданми? – қувониб кетади Салим. – Мен ким бўламан?

Жаноб Шастри афтидан бу ҳақда ўйламаган кўринади. У кўзларини юмиб, 10 сониядан кейин очади.

– Сенинг чехранг жуда чиройли. Келажакда жуда машҳур актёр бўласан.

– Арман Алига ўхшабми? – чийнллайди Салим.

– Ундан ҳам машҳурроқ бўласан, – дейди пандит ва менга юзланади.

– Сенинг ҳам кафтингни кўриб қўяйми? Атиги 10 рупий.

– Йўқ, раҳмат, – дейман ва кетишга чоғланаман, аммо Салим йўлимни тўсади.

– Йўқ, Муҳаммад, қўлингни кўрсатишинг керак. Мен учун шундай қил, илтимос.

## Харобадан чиққан миллионер

Итоаткор нигоҳ билан 10 рупийимни чиқараман ва ўнг кўлимни пандитга кўрсатаман. Пандит кўзойнагини тўғрилаб, кафтимни кўздан кечирар экан, орада менга қовоғини солиб қараб кўяди. У кафтимга беш дақиқадан ортиқ синчиклаб қарайди. Гоҳ-гоҳ нималарнидир қайд қилади, ҳисоблайди.

– Нима гап? – ташвишланиб сўрайди Салим.

Фолбин бироз қовоқ уяди ва бошини чайқайди.

– Ақл чизиғи кучли, аммо юрак чизиғи нимжон. Энг аҳамиятлиси, умр чизиғи калта. Юлдузлар жойлашуви яхши эмасга ўхшайди. Сайёралар ҳам ўнғайсиз туриб олган. Юпитер тоғи яхши, аммо Сатурн уни йўққа чиқаряпти. Бу тўсиқлар ва қийинчиликларга учрашингни англатади. Уларни олиб ташлашим мумкин, фақат унинг учун яна тўлов қилишинг керак.

– Қанча?

– 200 рупий. Отангдан сўрай қолсанг бўлмайдими?

Анави катта автобус уники шекилли.

– Ҳаҳ-ҳаҳ, Пандитжи! – куламан мен. – Келажагимизни кўришдан аввал ўзимиз ким эканимизни текширишингиз керак эди. Биз бойнинг боласи эмасмиз. Биз Туркман дарвозадаги Дехли вояга етмаган болалар колонияси тарбияланувчиларимиз, бу автобус бизники эмас. Лекин сиз 20 рупийимизни бошлаб шилиб олдингиз.

Салимнинг кўлидан тортаман.

– Юр, Салим, кетдик. Бу ерда кўп вақтимиз беҳуда кетди.

Оргимдан пандит чакиради.

– Шопма, сенга бир нарса бермоқчиман.

Унинг ёнига қайтаман. Пандит менга бир рупийлик эски танга беради.

– Бу нима, Пандитжи?

– Омад келтирадиган танга. Ёнингда олиб юр. Сенга керак бўлади.

Уни муштим орасига оламан.

Салимнинг музқаймоқ егиси келади, аммо бизда фақат бир рупий бор. Унга ҳеч нарса олиб бўлмайди. Бошқа болалар арғимчоқларда маза қилиб учаётганини томоша қиламиз. Мен беихтиёр тангани чертаман ва у бармоқларим орасидан сирғаниб тушиб, думалаб кетади ва ўриндиқнинг тагида тўхтади. Уни олиш учун эгиламан. Чикка. Ёнида эса ўн рупийлик купюра ётибди. Кимдир тушириб қўйган. Мўъжизага ўхшайди. Салим иккимиз музқаймоқ сотиб оламиз. Мен тангани авайлаб чўнтагимга солиб қўяман. Чиндан ҳам у менга омад келтирар экан.

Салим менинг келажагим уникачилик ёрқин эмаслигидан хафа, лекин ўзи фильм юлдузи бўлишини ўйлаб, орзиқиб кетади. Қаршимизда янги чиққан фильмнинг катта афишасига дуч келамиз. Унда ёрқин рангларда қўлида қурол кўтарган, кўкси қон бўлган, бошига қора банданна боғлаган қаҳрамон, шум табассум қилган ёвуз одам ва сийналари бўлиқ аёл қаҳрамон тасвирланган. Салим ҳаяжон билан унга тикилиб қолади.

– Нимага қараяпсан, Салим? – сўрайман мен.

– Бошидаги қора тасма менга ярашармикан? – жавоб кайтаради у.

\* \* \*

Биз синфхонадамиз, аммо тўладан келган, кекириш ва бурнини кавлаш бўйича мутахассис ўқитувчимиз жаноб Жоши дарс ўтмаяпти. У қўлида ушлаб турган дарслик ичига амаллаб яширилган романи ўқияпти. Биз эса қоғоздан самолётлар яшаш, ёғоч парталарга ўйиб нақш чизиш ва ухлаш билан вақт ўтказамиз. Тўсатдан Мунна югуриб киради. Унга йўлакка қараб туриш вазифаси топширилганди.

– Устозжи, устозжи! – дейди у ҳарсиллаб, – Раҳбар соҳиб келяпти.

Жаноб Жоши жуда хунук кекиради ва китобни улоқтиради. Бармоқларини қирсиллатади ва ўрнидан туради.

## Харобадан чиққан миллионер

— Шундай қилиб болалар, нима ҳақида гаплашаётгандик? Ҳа, эсладим. Сизлар менга келажакда ким бўлишни хохлашингиз ҳақида гапириб бераётгандингиз. Хўш, ким давом эттиради?

Салим қўлини кўтаради. У умрида биринчи марта бу ишни қилаётганди.

— Қани, Салим, ким бўлмоқчисан?

— Машхур актёр бўламан, устоз. Мунажжим шундай башорат қилди, — дейди ўзгача иштиёқ билан у. Бутун синф кулиб юборади.

\* \* \*

“Катта одам” ким экани ҳақида икки хил фараз бор. Баъзи одамлар уни жуда ҳам бой олмос савдогари, аммо фарзанди йўқ, дейди. Вақти-вақти билан у колонияга келади ва бола асраб олади. Сўнг ўзининг Мумбайдаги катта уйига олиб кетади. Бошқалар эса унинг Мумбайда мактаби бор ва у келажаги порлоқ болаларни ўша ерда таълим олишлари учун олиб кетади, дейди. Ҳар икки ҳолатда ҳам бир нарса аниқ. Агар сени Сетҳжи танласа, ҳаётинг ўзгаради. Салимга Сетҳжининг ким экани умуман кизиқ эмас. Унга “Катта одам”нинг Мумбайдан — кино саноат марказидан келгани муҳим. Сетҳжи уни танлаши ва Болливудга олиб боришига иймони комил. Бу — унинг тақдири. Ахир фолбин шундай башорат қилган-ку.

Мана, бизни Сетҳжига кўрсатиш учун палапартиш бўлиб ётган ошхонага олиб чиқишди. Салим ювиниб чиқди, аниқроғи, у танасидаги ҳар бир кирни кетказиш учун қайта-қайта уч марта ювинди. Ўзининг энг яхши кийимларини кийиб олган. Сочлари чиройли қилиб таралган. Шу кун у — колониядаги энг покиза бола. Агар уни танлашмаса, руҳан синиб қолишини ўйлаб ташвишланаман.

Ва ниҳоят, Сетҳжи ёнида икки киши билан етиб келади. Кўринишидан у олмос савдогарига ўхшамайди.

Кўпроқ бандитларга ўхшайди. Лекин биз ҳеч қачон олмос савдогарини кўрмаганмиз, балки улар бандитлардай кийинишар. Сетҳжи қорачадан келган, худди Вираппандек<sup>3</sup> мўйлови бор. Устига оппоқ костюм-шим кийган. Бўйнига тақилган узун ва қалин тилла занжир иккинчи тугмасигача тушиб турибди. Ҳар бир бармоғига турли рангдаги қимматбаҳо кўзли узуклар тақилган. Қизил, яшил, ҳаворанг... Ёнида кинолардагидай иккита югурдаги бор. Кейинчалик уларнинг исми Мустафо ва Паннус эканини билиб оламан. Гупта уларга йўл бошлаб келган. Унинг иккита тилла занжири Сетҳжиникига қараганда арзонроқ экани сезилиб туради.

– Сетҳжи, келмаганингизга анча бўлди, бизни эсдан чиқариб қўйдингиз, шекилли. Охирги ташрифингиздан кейин бу ерга жуда кўп янги болалар келган. Сизга ёқадиганлари чиқишига ишончим комил.

Сетҳжи ҳар бир болага бошдан оёқ назар солиб чиқади. Мен у нима излаётганини билмайман, чунки у умуман савол бермайди. Шунчаки юзимизга қарайди. У бир марта тўлиқ текширувни амалга оширади ва яна қайта бошлайди. Бу сафар у менга киё ҳам боқмайди, лекин Салимга келганда тўхтайди.

– Исминг нима? – деб сўрайди жанубий ҳинд шеvasида.

– С... Салим Илёсий, – деб жавоб беради у ҳаяжонланиб.

– У қачон келди? – деб сўрайди Гуптадан.

– Чамаси, 11 ой бурун, Бихарнинг Чҳапраси деган жойидан.

<sup>3</sup> Куси Мунисвами Вираппан – Ҳиндистонда 1980-йиллардан 2004 йилгача фаолият юритган йирик жиноий гуруҳ раҳбари. Унинг гуруҳи қимматбаҳо дарахт навларини ноқонуний равишда кесиш, ёғоч контрабандаси, браконьерлик ва одам ўғирлаб, пул талаб қилиш билан шугулланган. Гуруҳ томонидан юзлаб қотилликлар содир этилган, уларнинг кўпини шахсан Вираппаннинг ўзи амалга оширган. Айрим манбалар уни Ҳиндистоннинг афсонавий жиноятчиси деб атайди.

## Харобадан чиққан миллионер

- Неча ёш?
- Саккиз.
- Яқинлари борми?
- Йўк, Сетҳжи. Бутун оиласи ижтимоий тартибсизлик пайти ҳалок бўлган.
- Бояқиш, – дейди Сетҳжи. – Лекин менга айнан шундай бола керак. Хужжат ишларини тинчита оласанми?
- Бир оғиз сўзингиз, Сетҳжи. Истаган болангизни танланг, бир зумда тайёрлаб бераман ҳаммасини. Бу бола учун Мустафони тоға қилиб кўрсатамиз. Фаровонлик кенгаши муаммо қилмайди шунда. Аслида, улар имкон борича кўпроқ болалардан қутулишни хоҳлайди.
- Яхши, бугунги ташрифимиз учун шу боланинг ўзи етарли.
- Гупта Салимга қарайди, кейин унинг ёнида турган менга назар солади.
- Бу-чи? – деб сўрайди менга ишора қилиб.
- Сетҳжи кўзимга қарайди ва бош силкийди.
- Унинг ёши жуда катта.
- Йўк, Сетҳжи, у бор-йўғи ўн ёшда. Исми Томас ва инглиз тилида булбулдай сайрай олади.
- Бунинг менга фарқи йўк. У менга керак эмас. Биринчисини оламан.
- Бу иккови эт билан тирноқдек. Салимни олсангиз, Томасни ҳам олишингиз шарт.
- Сетҳжининг жаҳли чиқади.
- Гупта, мен сўзимни айтдим. Менга ҳеч қандай Томас-Помас керакмас. Фақат битта болани олиб кетаман. У ҳам бўлса, Салим.
- Мени маъзур тутасиз Сетҳжи, лекин ўтинаман. Агар Салим керак бўлса, Томасни ҳам олишингиз керак. Бу – пакет битими.
- Пакет битими?
- Ҳа, биттасини сотиб олсангиз, иккинчиси текинга берилади. Томас учун пул сўрамайман.



Гупта паан доғи қолган тишларини кўрсатиб тиржаяди. Сетхжи югурдаклари билан пичирлашади.

– Майли, – жавоб беради у. – Бу иккисининг хужжатларини тайёрла. Уларни душанба куни олиб кетаман.

Салим мени қаттиқ қучоқлаб олади. У еттинчи осмонда учади. Хурсандчиликдан туни билан ухламай чиқади. У Мумбайдаги ҳаёти ҳақида хаёл суради. Амитабх Баччан билан Марин Драйв бўйида кузатадиган қуёш ботишларидан тортиб, Шоҳруххон билан Чопаттида кутиб оладиган алвон тонгларгача. Мен ҳам ўша тун яхши ухлолмайман. Туни билан у ёқдан бу ёққа ағдарилиб чиқаман, лекин тушимда жаннат ёки юлдузларни кўрмайман. Кўчада мева сотаётган савдогар эканим тушимга киради. Қорачадан келган одам мендан манго сотиб олмоқчи бўлади. Унинг бўйнида тилла занжир осилиб туради. У менга бироз пул ташлайди. Мен унинг сумкасига чиройли, серсув манго соламан, кейин орқасидан жимгина чириган бананни ҳам қўшиб қўяман. Текинга.

\* \* \*

Мумбайга поезддаги саёхатимиз саргузаштсиз кечади. Салим ва мен иккинчи классда Мустафо ва Паннус билан кетамиз. Сетхжи эса, бизга айтишларича, самолётда кетибди. Мустафо билан Паннус устиларига лунги кийиб олишган, нукул чекади ва ухлайди. Улар бизга Сетхжи ҳақида бироз гапириб беради. Эмишки, унинг ҳақиқий исми Бабу Пиллай, лекин ҳамма уни Маман деб чақираркан. Малаялам тилида бу сўз “тоға” дегани экан. У асли Кераланинг Коллам деган жойидан, лекин анчадан бери Мумбайда яшаркан. Ўзи жуда меҳрибон одам ва ногирон болалар мактабини юритаркан. Унинг мақсади бундай болаларга ҳаётини ўзгартиришда ёрдам бериш экан. Маман ногирон болалар Худога яқинроқ деб

## Харобадан чиққан миллионер

Ўйларкан. У колониямизни қамоқдан бошка нарса эмас деб ҳисоблагани учун у ердан болаларни озод қилишга интиларкан. Агар Маман бизни қутқармаганда, биз бутун умр чорраҳада машина ойналарини ювишга ёки хусусий мактаб полларини артишга маҳкум бўлардик. Энди эса бизга фойдали нарсаларни ўргатишади ва биз ҳаётда муваффақиятга эришишимиз аниқ. Мустафо билан Паннусдан ажойиб сотувчи чиқади, макташга уста экан. Сафар охирига етгунча Маман мени танлагани ҳаётимдаги энг яхши воқеа эканига ва энди ҳаммаси ўзгаришига амин бўлдим.

Вақти-вақти билан поезд харобалардан ўтиб, темир йўлнинг четида исқирт лентадек из қолдиради. Ярим яланғоч, қоринлари катталашган болаларнинг бизга қараб қўл силтаб турганини, уларнинг оналари канализация сувида идиш юваётганини кўрамиз. Биз ҳам уларга қўл силкиймиз.

\* \* \*

Мумбай чироқлари ва товушлари бизни ларзага солади. Чёрчгейт вокзали худди “Бомбейдаги муҳаббат” фильмидагидек экан. Салим сал қолса черков ёнида Говинда кўшиқ куйлаб турганини кўраман деб ўйлайди. Мустафо Марин Драйвдаги соҳилни кўрсатади. Мен океанни биринчи марта кўриб турганим учун ҳайратланаман. Айниқса, улкан тўлқинларнинг харсангларга урилишидан кўз узолмайман. Салим мўъжизавий океанни кўрмайди. У ичимлик ва егуликлар сотаётган расталарга қарайди.

— Айнан шу ерда Говинда билан Равина бхелпури еганди, — дейди у завқ билан.

Биз Ҳожи Али даргоҳидан ўтамиз. Салим мақбарани кўриши билан “Кули” (“Ҳаммол”) фильмидаги Амитабх Баччандай қўлларини дуога очади. Бундан кейин биз Ворли, Дадар ва Моҳим туманларидан ўтамиз. Мустафо билан Паннус бизга асосий жойларни кўрсатиб кетади.

Моҳим кўрғонига етганда Салим такси ҳайдовчисидан тўхташини сўрайди.

– Нима гап? – деб сўрайди Мустафо.

– Ҳеч гап йўқ, шунчаки “Мафия” фильмидаги контрабандачилар юкларини олиб ўтадиган жойни томоша қилгим келди.

Бандра, Жуху, Андҳерига яқинлашганимизда кинно юлдузларининг деворлари баланд, атрофида форма кийган кўриқчилар турган ҳашаматли уйларига қараганда Салимнинг кўзларидан ёш чиқиб кетади. Худди шаҳарга биринчи марта келган кишлоқликларга ўхшаб такси деразасидан қиммат, верандалари уйларга суқланиб қараймиз. Мумбай кўз олдимизда худди рангли линзадан кўринаётгандек гавдаланади. Куёш ёрқинроқ, ҳаво салқинроқ, одамлар ёқимлироқ ва, умуман, шаҳар Болливуд мегаюлдузларига жой берганидан бениҳоя хурсанд туюлади.

\* \* \*

Биз манзилимиз Горегаонга етиб келамиз. Маманнинг уйи биз ўйлагандай дабдабали эмас экан. Эски бир катта уй, иккита пальма экилган кичик боғи бор. Уйнинг атрофи тиканли симлар ўрнатилган баланд девор билан ўралган. Иккита қорачадан келган, рангли лунги кийиб олган бақувват одамлар верандада биди чекиб ўтиради. Қўлларида қалин бамбук таёқлар бор. Улар оёғини чалиштирганда йўл-йўл ички кийими кўринади. Улардан арок ҳиди бурқсиб туради. Паннус улар билан малаялам тилида гаплашади. Мен фақатгина Маман сўзини тушуна оламан, холос. Улар жаноб Бабу Пиллаининг кўриқчилари экани аниқ. Уйга киришимиз билан Мустафо ҳовли ортидаги улкан шийпонларга ўхшаган темир иншоотларни кўрсатади.

– Мана шу – Маманнинг ногирон болалар учун очган мактаби. Болалар шу ерда яшайди.

## Харобадан чиққан миллионер

- Нега бу ерда битта ҳам бола йўк? – сўрайман мен.
- Уларнинг ҳаммаси амалий машғулотга кетган. Хавотир олманглар, кечаси улар билан кўришасизлар. Юринглар, сизларга хонангизни кўрсатай.

Хонамиз кичкина, унда иккита каравот ва девордаги ойнадан бошқа ҳеч нима йўк. Салим юқоридаги каравотни олади. Ювинишимиз учун ертўладаги ҳаммомдан фойдаланамиз. Унда бир дона ванна ва парда бор. Бу ер кино юлдузлари яшайдиган жойлар каби ҳашамдор эмасу, лекин келажакда шундай бўлади. Бу ерда яшайдиган болалар фақат биздан иборатга ўхшайди. Оқшом пайти Маман бизни кўргани келади. Салим унга Мумбайга келганидан қанчалар бахтиёрлиги ва машҳур киноюлдуз бўлишни истабини айтади. Маман бу гапларни эшитиб жилмаяди.

– Машҳур кино юлдузи бўлиш учун, аввало, қўшиқ айтиш ва рақсга тушишни билиш керак. Сен куйлай оласанми?

– Йўк, – дейди Салим.

– Майли, ўйланма. Сенга энг яхши мусиқа устозини топиб бераман. Ҳаш-паш дегунча Кишор Кумардай бўласан-қоласан.

Салим Маманни кучоқлаб олишдан ўзини зўрға тияди.

Тунда кечки овқатга мактабга борамиз. Ошхона колониядаги билан бир хил. Линоеум билан қопланган пол, узун ёғоч столлар ва худди колониядаги ошпазга ўхшаган одам. Салим билан мени Мустафонинг ёнига, айлана столга ўтқазишади. Бизга бошқа болалар келишидан олдинроқ қарашади. Овқат иссиқ ва мазали, буни Деҳли билан солиштирганда ҳақиқий ижобий ўзгариш деса бўлади.

Болалар секин-аста кириб келишни ва дўзах ҳақидаги тасавурларимизни ўзгартиришни бошлайди. Мен ўз йўлини ҳасса орқали топаётган сўқир болаларни, ўзини столга судраб келаётган оёқ-қўллари акашак болаларни,

оёқлари ўрнига иккита ёғоч қўйилган ва ҳассага таяниб юрадиган болаларни, беўхшов оғизли, қийшиқ бармоқли, нонни тирсақлари билан ушлаётган болаларни кўраман. Уларнинг баъзилари масхарабозга ўхшайди, лекин улар кулдириш ўрнига йиғлатади. Яхшиямки, Салим билан мен овқатимизни еб бўлганмиз.

Баногоҳ бурчақдан бошқаларнинг овқатланишини томоша қилиб турган уч болага кўзимиз тушади. Уларга овқат берилмайди. Улардан бири лабини ялайди.

– Анавилар ким? – сўрайман мен Мустафодан. – Нега улар овқат емаяпти?

– Улар жазоланяпти, – дейди Мустафо. – Яхши ишламагани учун. Ташвишланма, кечроқ овқатланади.

\* \* \*

Эртаси кун мусиқа муаллими келади. У ёш, чўзиқ юзли, соқоллари тозалаб қиртишланган, шалпангқулоқ, бармоқлари озгин одам экан. Ўзи билан фисгармония олиб келган.

– Мени Устозжи деб чақиринглар, – дейди у бизга. – Энди эса мени диққат билан тингланглар.

Биз полга ўтирамиз. Иккала қулоғимизни динг қилиб, тинглашни бошлаймиз.

– *До, Ре, Ми, Фа, Соль, Ля, Си, До.* – Кейин тушунтиришни бошлайди. – Булар ҳар бир композицияда мавжуд бўлган асосий еттита нота. Энди оғизни катта очиб, ноталарни баланд овозда такрорланг. Овоз лабингиз ёки бурнингиздан эмас, балки бўғзингиздан келсин.

Салим томоғини қиради ва такрорлашни бошлайди.

– *До, Ре, Ми, Фа, Соль, Ля, Си, До.*

У бор овози билан куйлайди. Унинг товуши хонада сузади, ноталар соф ва беғубор жаранг сочади.

– Ажойиб, – деди устоз қарсақ чалиб. – Сенда табиий, Худо инъом этган овоз бор экан. Ишончим комилки, мунтазам машқ қилиб турсанг, бемалол октавалар билан

## Харобадан чиққан миллионер

ишлай оласан. – Кейин у менга қарайди. – Қани, сен ҳам ҳаракат қилиб кўр-чи.

– До, Ре, Ми, Фа, Соль, Ля...

Мен куйлашга ҳаракат қиламан, лекин гўё овозим синиб кетиб, бўлаклари бир сиким мраммар мисол ерга сочилади. Муаллим бармоқларини қулоғига тикади.

– Ҳаре Рам ... Ҳаре Рам ... Сен букага ўхшаб куйлаяпсан. Сен билан қаттиқ ишлашим керак.

Салим мени ҳимоя қилади.

– Йўқ, Устозжи, Муҳаммаднинг ҳам овози яхши. У зўр бақиради.

\* \* \*

Кейинги икки ҳафта давомида Устозжи бизга бир нечта диний кўшиқларни айтишни ва фисгармония чалишни ўргатади. Биз Кабир доҳаларини<sup>4</sup>, Тулсидас<sup>5</sup> ва Миробай<sup>6</sup> бҳажанларини<sup>7</sup> ўрганамиз. Устозжи – яхши мутахассис. У нафақат кўшиқларни ўргатади, балки улардаги мураккаб рухий ҳақиқатларни содда тилда тушунтириб беради. Менга, айниқса, Кабир ёқади, унинг мана бундай мисралари бор:

*Маала пҳерат жуғ бҳая,  
Мита на ман ка пҳер,  
Кар ка манка чҳод де,  
Ман ка манка пҳер.*

Маъноси:

*Бир асрким, тасбеҳ ташлайсан,  
Лек шуур саркашлиги тўхтамас,  
Қўлингдаги тасбеҳни қўй,  
Қалб тасбеҳин ташласанг бас.*

<sup>4</sup> Диний руҳдаги байтлар

<sup>5</sup> Ҳинд шоири ва файласуфи

<sup>6</sup> Ҳинд шоираси, Кришна поэзиясининг ёрқин намояндаси

<sup>7</sup> Ҳиндуизмнинг бхакти оқими шоирларининг диний қасидалари

Салим мусулмон экани Устозжи учун заррача ҳам қизик эмас, шунинг учун унга ҳиндуий бҳажанларини ўргатади. Салимнинг ўзи ҳам муаммо ясамайди. Амитабх Баччан мусулмон ҳаммол ролини, Салмон Хон ҳиндуий император ролини ўйнай олгани каби Салим Илёсий ҳам бҳажанни ибодатхона руҳонийсидек куйлай олади.

\* \* \*

Бу вақт давомида биз ногиронлар мактабидаги бошқа болалар билан танишиб оламиз. Гарчи Мустафо ва Паннус сезилар-сезилмас даражада бунинг олдини олишга уринган бўлса ҳам. Биз бу болалар билан юз берган қайғули ҳикояларни эшитамиз, шунда шафқатсиз қариндошлар ва полициячилар борасида Мумбай Дехлидан фарқ қилмаслиги аён бўлади. Болалар билан яқиндан танишганимиз сари Маманнинг асл юзи ҳам очилишни бошлайди.

Илк марта 13 ёшли кўли майиб Ашок билан дўстлашганимизда ҳайратга тушамиз.

– Биз мактаб ўқувчилари эмасмиз. Биз тиланчилармиз. Маҳаллий поездларда гадойлик қиламиз. Баъзилар ҳатто ўғрилик ҳам қилади, – дейди у.

– Топган пулингларни нима қиласизлар?

– Уларни Маманнинг одамларига берамиз. Овқат ва бошпана эвазига.

– Яъни Маман бандитми?

– Сен нима деб ўйлагандинг? У фаришта эмас, лекин бизга кунига икки маҳал овқат беради.

Маманга бўлган ишончим чилпарчин бўлади, лекин Салим ҳали-ҳануз унинг бегуноҳлигига ишонишда давом этади.

10 ёшли сўқир Ражу билан гаплашамиз.

– Нега сени жазолашди?

– Етарлича пул топмадим.

– Ҳар кун қанча пул бериш керак?

## Харобадан чиққан миллионер

– Топган ҳамма пулингни, лекин 100 рупийдан камроқ пул берсанг, жазоланасан.

– Кейин нима бўлади?

– Овқат беришмайди. Оч ухлайсан. Ошқозонингни каламуш кемиради.

– Мана, мана бу чапатини ол, сенга олиб қўйгандик.

Радҳи билан гаплашамиз. Унинг ёши 11 да, бир оёғи йўқ.

– Сени нега жазолашди? Ҳар доим пул олиб келасан-ку...

– Тшшш... Бу сир.

– Хавотирланма, ҳеч кимга айтмаймиз.

– Майли, фақат бошқа болалар билмасин. Жуху Вил Парлда бир актриса яшайди. Кам пул топган пайтим доим унинг ёнига бораман. У менга нафақат таом, балки пул ҳам беради.

– Исми нима?

– Нилима Кумари. Айтишларича, у бир пайтлар анча машҳур бўлган экан.

– Кўриниши қандай?

– Ёшлигида соҳибжамол бўлган бўлса керак, лекин ҳозир қариб қолган. У менга уй ишларида ёрдам кераклигини айтганди. Агар бир оёқли бўлмаганимда, бу ердан қочиб кетиб, ўша уйда хизматкор бўлиб ишлардим.

Ўша тун тушимда Жуху Вил Парлга бораман. Кўнғирокни босаман ва кутаман. Эшикни бўйи баланд аёл очади. Эгнида оқ сари. Кучли шамол эсиб, унинг узун ва қора сочларини олдинга учиради ва юзини тўсади. Мен гапириш учун оғиз жуфтлайман ва унинг пастга қараётганини сезаман. Мен ҳам пастга қарайман ва оёқларим йўқ эканини кўраман.

Сесканиб уйғониб кетаман. Пешонам терлаб кетибди.

Кўли протезланган 13 ёшли Мулай билан танишамиз.

– Ҳаётим ўзимга ёқмайди, – дейди у.

– Қочиб кетсанг бўлмайдимми?



– Қаерга? Бу ер Мумбай, кишлоғим эмас. Бу шаҳарда яширинишнинг иложи йўк. Ҳатто бирор қувурда ухлаш учун ҳам сенга танишлар керак бўлади. Бундан ташқари, ўзингни бошқа тўдалардан ҳимоя қилишинг ҳам керак.

– Бошқа тўдалар?

– Ҳа. Ўтган ой иккита бола қочиб кетганди. Уч кун ўтиб қайтиб келишди. Иш топа олишмабди. Бҳиқуниинг тўдаси уларни ўз ҳудудида ишлашга қўймаган. Бу ерда ҳеч бўлмаса овқат ва бошпана бор. Маман билан ишлаганимиз учун колган тўдалар бизни безовта қилмайди.

– Биз ҳеч қайси тўдага қўшилмоқчи эмасмиз, – дейман унга ва баланд овозда доҳа такбир қиламан: “Қабира кҳара базаар меин, Манге сабки кҳаир, На каху се дўсти, На каху се баир. Кабир бозорда, ҳаммага фаровонлик тилайди; У кимгадир дўсту, кимга душман бўлишни истамайди”.

Искандар билан танишамиз. Уни Покистондан келтиришган. Тартибсиз ошхона завқ-шавқ билан тўлиб-тошади. Мустафо янги болани етаклаб киради ва биз унинг атрофига тўпланиб оламиз. Ҳаммадан ҳам кўра Мустафо хурсанд.

– Биз уни Шакил Рано юклари орасидан олиб келдик, – деб боланинг елкасига қоқиб қўяди Мустафо.

Бола 12 ёшлар атрофида. Биз унга қафасдаги ҳайвонга тегингандай тегинамиз, лекин у ҳайвонга ўхшмайди. У кўпроқ биз телевизорда кўрган Британия бисквитлари рекламасидаги ўзга сайёраликларга ўхшайди. Боши овал, кўзлари қисик, бурни катта ва лаблари ингичка.

– У Шоҳ Давла мақбарасидан,<sup>8</sup> – дейди Мустафо Паннусга. – Бундай болалар каламуш болалари деб аталади.

<sup>8</sup> Бефарзанд аёллар фарзанд тилаб зиёрат қилгани борадиган жой. Таомилга кўра, зиёратчи биринчи фарзандини дунёга келтириши биланок мазкур даргоҳга тақдим қилиши шарт.

## Харобадан чиққан миллионер

– Бунақа бошни қаердан олишаркан?

– Эшитишимча, улар чакалокнинг боши ўсишдан тўхташи учун темир халқа кийдиришаркан. Қарабсанки, ноёб бошга эга бўласан.

– Менимча, у анча қобилиятли, – дейди Паннус. – Маман хурсанд бўлади.

– Ҳа, – тасдиқлайди Мустафо. – Ҳақиқатан ҳам, юқори баҳога эга буюм.

Негадир каламуш бола Коннот-Плейсда Тимоти Ота билан бирга кўрган айиғимни эслатади. Унинг бўйнига тор бўйинбоғ тақилган, тумшуғи қора ниқоб билан беркитилган эди. Эгаси учли таёқ билан уни қаттиқ урар, айиқ эса икки оёқда туриб, атрофига йиғилганларга салом берар эди. Одамлар унга танга отишарди. Эгаси пулни олиб, айиқни бошқа томоша учун олиб кетарди. Айиқнинг кўзлари эътиборимни тортганди. Улардан кучли қайғу зоҳир эди. Шунда Тимоти Отадан “Айиқлар ҳам йиғлайдими?” деб сўрагандим.

Тасодифан Житунинг хожатхонага яшириниб олганини кўриб қоламан.

Ичига оқ-сарик модда солинган полиэтилен халтачани ушлаб олган. У халтачани очиб, бурни ва оғзини тикади ва чуқур ҳидлайди. Унинг кийимларидан бўёқ ва эритувчи хиди келади. Бурнининг атрофига тошмалар тошган. Оғзининг атрофини ёпишқоқ тер қоплаган. У халтачадан фойдалангандан кейин қалтирашни бошлайди.

– Житу! Житу! – деб уни силтайман. – Нима қияпсан?

– Мени тинч қўй, – дейди у қалтироқ овозда. – Мен учяпман. Булутларда ухляяпман.

Юзига шапалоқ тушираман. У йўталади, оғзидан қора балғам тушади.

– Мен елимга ўтириб қолганман, – дейди кейинроқ. – Уни косибдан сотиб оламан. Елим очликни ва оғриқни

унутишга ёрдам беради. Кўзимга ёркин ранглар ва баъзида ойим ҳам кўринади.

Ундан елим сўраб, мен ҳам ҳидлаб кўраман. Ҳидлагач, бироз бошим айланади, оёқларим остидаги пол кўтарилгандек туюлади ва кўзимга ҳар хил нарсалар кўринишни бошлайди. Мен оқ сари кийиб, кўлига чақалоқ кўтарган баланд бўйли аёлни кўраман. Шамол унинг сочларини учуриб, юзини тўсади. Лекин гўдак жажжи кўлчалари билан унинг сочларини четга олиб, юзини очади. Қаршисидаги аёлнинг кўзлари киртайиб кетгани, бурни қирғийбурун экани, ўткир учли тишларида қон йилтиллаётгани, жағида осилиб турган ажинли териси бурмаларида личинкалар ўрмалаётганини кўради. У дахшатдан қичқиради ва аёлнинг кўлидан тушиб кетади.

Энди ҳеч қачон елим ҳидламайман.

\* \* \*

Бу орада мусиқа дарсларимиз ҳам ниҳоясига етиб қолади. Устозжи Салимнинг натижасидан жуда мамнун.

– Сен куйлаш санъатини ўзлаштирдинг. Бор-йўғи яна битта дарс қолди.

– Қайси?

– Сурдаснинг бҳажанлари.

– Сурдас ким?

– У энг машҳур бҳакти куйчиси. Кришна маъбуди учун минглаб кўшиқлар яратган. Бир куни у ташландиқ қудуққа тушиб кетиб, қайтиб чиқолмаган. У ерда олти кун қолиб кетган. Қудуқда тинимсиз ибодат қилган ва еттинчи куни бир болакайнинг овозини эшитган. Овоз ундан кўлини чўзишини сўраган. Болакайнинг ёрдами билан у қудуқдан чиқиб олган, лекин бола шу заҳоти ғойиб бўлган. У аниқ Кришна эди. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Шундан сўнг Сурдас ҳаётини Кришна учун кўшиқ яратишга бағишлаган. Бир торли эктара<sup>9</sup> билан у

<sup>9</sup>Бир торли мусиқа асбоби

## Харобадан чиққан миллионер

Кришнанинг болалиги ҳақида куйлай бошлаган. — Устозжи куйлашни бошлайди. — “Акҳиян ҳари даршан ки пясси. — Кўзларим сенга муҳтож, ё Кришна”.

— Нега муҳтож? — сўрайман мен.

— Ие, айтмаганмидим? Сурдаснинг кўзлари кўр бўлган.

Сўнгги дарс куни Устозжи Сурдаснинг бҳажанларини мукамал ижро этгани учун Салимни мактовларга кўмиб ташлайди. Менинг эса диққатим бўлинган. Маманнинг кўлидаги болалар билан суҳбатлашганимдан бери хавотирдаман. Бизнинг барчамиз кўксига шамол тегмаган болалар бўлсак-да, Маманнинг ногиронлари дунёдаги энг шўри қуриган болалар эди.

Паннус Устозжи билан гаплашгани келади. Улар паст овозда суҳбатлашишади ва Паннус ҳамёнини олиб, пул санашни бошлайди. У мусиқа муаллимига бир даста пул тутқазди, устоз эса шодланиб, уларни чўнтагига солади. Кейин иккови хонадан чиқиб кетади.

— Дехлидан кетмаслигим керак эди, — дейман Салимга. — Сен ҳеч бўлмаса кўшиқчи бўлдинг, лекин мен бу саёҳатдан ҳеч нима олмадим.

Хиёл ўтмай, ерда ётган юз рупийлик купюрага кўзим тушади. Паннус пул санаётганда тушиб қолган бўлса керак. Мен уни олган захотиёқ чўнтакка солишни ўйлайман, лекин Салим кўлимга ёпишиб, пулни қайтаришга ундайди. Шундай қилиб, йўлакдан пастга тушиб, Маманнинг хонасига борамиз. Хонага яқинлашганимизда ичкаридан Маманнинг Паннусга гапираётган овози эшитилади.

— Шундай қилиб, Устоз нима деди? Нархини жуда ошириб юборяпти.

— У каттасидан умуман фойда чиқмайди, лекин кичкинанинг келажаги порлок, деди. Шу пайтгача бунчалик қобилиятли болани кўрмаган экан.

— Демак, у кунига камида 300 руний олиб кела олармикан?

– 300 нима бўпти? Унинг куйлашида сеҳр бор. Юзи-чи, юзи? Бирам ёқимтой. Ҳеч ким бефарқ ўтиб кетолмайди. Мен унинг осонгина 400 ёки 500 топишига ишонаман. Биз жекпот ютиб олдик, Маман.

– Наригисини нима қиламиз?

– Кимга қизиқ у? У ҳароми ўз аравасини ўзи тортишга мажбур бўлади. У ёки ҳар куни 100 олиб келади ёки оч қолади.

– Яхши, кейинги ҳафтадан уларни поездга чиқаравер. Бугун кечки овқатдан сўнг ишни пиширамиз.

Бу сўзларни эшитиб, эгим жимирлаб кетади. Салимнинг қўлидан ушлаб, хонамизга югураман. Салим эшитган суҳбатимиз ва айтилган рақамларни унча тушунмайди. Мен миямдаги жумбоқнинг жавоби топилганини фаҳмлайман.

– Салим, биз бу ердан қочишимиз керак. Ҳозирок.

– Нега ахир?

– Чунки кечки овқатдан кейин қандайдир нохушлик бўлиши аниқ.

– Тушунмадим.

– Мен ҳаммасини тушундим. Бизга нега Сурдас бҳажанларини ўргатишганини биласанми?

– У буюк шоир бўлгани учунми?

– Йўқ, у кўр бўлгани учун. Бугун кечаси бизни ҳам кўр қилишади. Кейин маҳаллий поездларда тиланчилик қилишга жўнатишади. Бу ердаги барча болаларни Маман ва унинг йигитлари атайин майиб қилганига ҳеч қандай шубҳам қолмади.

Бу даражадаги ваҳшийликни Салим тасаввур қилолмайди. У қолишни хоҳлайди.

– Бир ўзинг қочавер, – дейди у.

– Сенсиз кета олмайман.

– Нега?

– Чунки мен сенинг ҳимоячи фариштангман

## Харобадан чиққан миллионер

ва сен пакетимнинг бир қисмисан. Бекорга биз бирга сотилмаганмиз.

Салим мени кучоклайди. Чўнтагимдан 1 рупийлик тангани чиқараман.

– Қара, Салим, – дейман, – тақдирга ишонасан-ку, тўғрими? Кел, унда келажагимизни шу танга ҳал қилсин. Чикка тушса кетамиз, пукка бўлса, қоламиз.

Салим рози бўлади. Тангани отаман. Чикка. Салим ниҳоят кетишга кўнади, лекин уни шубҳалар чулғаб олган.

– Қаерга борамиз? Нима қиламиз? Шаҳарда ҳеч кимни танймаймиз-ку.

– Қаерга боришни мен биламан. Радҳи айтган актриса Нилима Кумари эсингдами? Унга хизматкор керак эди. Менда унинг манзили бор. У ерга қайси поезд боришини ҳам биламан.

– Полицияга борсак-чи?

– Эсинг жойидами? Дехлида яшаб, аклинг қирмаганми? Нима қилсанг ҳам, қаерга борсанг ҳам, ҳеч қачон полицияга борма. Ҳеч қачон.

Биз ертўладаги ҳаммомдамиз. Тешик жўмракдан муттасил сув томиши эшитилади. Салим елкамга чиқиб олган ва кўлидаги пичоқ билан дераза болтларини ечишга ҳаракат қилади.

– Тезроқ бўл, – деб пичирлайман мен.

Юқорида Маманнинг одамлари хонамизга кириб, жавонларни титкилашни бошлайди. Бақир-чақир, сўқишлар эшитилади. Шиша сингани бизнинг асабимизни янада таранглаштиради. Салим дахшатга тушади. Нафас олиши тезлашади. Менинг юрагим хапrikaди ва охири унинг гупурлаётганини эшитаман. Қадам овозлари тобора яқинлашади.

– Битта қолди, – дейди Салим. – Лекин у қаттиқ қотирилган. Очолмасам керак.

– Илтимос... илтимос, яна бир уриниб кўр, – деб ундайман мен. – Ҳаётимиз шунга боғлиқ.

Салим болтни бор кучи билан бурай бошлайди. Ва ниҳоят, у бўшашади. Салим тўртта болтни олиб ташлайди ва панжарани кўтаради. Ташқарида насим тебратаётган пальмалар кўринади. Кўчага эмаклаб чиқиб олиш учун жой бор. Салим деразадан ташқарига чиққанда Маманнинг одамлари зинадан ертўлага тушаётгани эшитилади. У менга кўлини узатади ва чиқишимга ёрдам беради. Биз хансираб, шағал тўкилган тепаликка эмаклаб чиқиб оламиз. Тўлин ой чиққан, тун сукунатга чўмган. Тоза ҳаводан тўйиб нафас оламиз. Ундан кокос иси келади.

Биз Горегаондан шаҳар марказига кетаётган поездга чиқиб олганмиз. Туннинг бу пайтида поездда одам кам. Борлари ҳам газета ўқийди, қарта ўйнайди, ҳукуматни танқид қилади ва бадбўй ҳаво чиқаради. Вагонга ичимликлар сотувчи бола чиқади.

– Кола, Фанта, Тамс Ап, Лимка, Севен Ап! – деб бақиради у.

Ичимликлар муздек, бутилканинг юзасида майда томчилар маржондек терилган. Салим ичимликларга қарайди ва куруқшаган лабларини ялайди. Кейин чўнтақларини пайпаслайди, сотувчи унга умид билан қарайди. Салим бош чайқайди, сотувчи ўтиб кетади.

Бироз ўтиб, вагонга бошқа сотувчи кириб келади. Буниси думалоқ кўзойнак тақиб олган, бўйнига патнис осиб олган соқолли одам. Патнисда занглаган тунука идишчалар, ичи хира суюқлик билан тўлдирилган шиша бутилкалар ҳамда турли хил ғадир-будир илдизлар, қуритилган барглар, куқунлар ва уруғлар солинган кичик пакетлар бор.

– Юсуф Фаҳим, дарбадар Ҳаким, – деб эълон қилади у. – Ҳар қандай дардни даволайман. Қорин дам бўлишидан

## *Харобадан чиққан миллионер*

тортиб саратонгача. Шунчаки сизни нима қийнаётганини айтсангиз бас.

Аксига олиб, вагонда бирорта ҳам дардман одам йўқ экан. У ортидан куркума ва занжабилнинг ўткир хидини қолдириб, вагонни тарк этади.

Поезд стадионлар ва уйлар ёнидан ўтар экан, биз шаҳар чироқларини томоша қиламиз. Уйларда телевизор кўраётган, овқатланаётган ва жой солаётган одамларга кўзимиз тушади. Манзилимизга икки бекат қолганда йўлак охиридан оёқ товушларини эшитамиз.

Вагонга 7-8 ёшлардаги жуда ҳам нимжон бола киради. Устига кўк майка ва чанг иштон кийиб олган. У таёққа таяниб юради, қўлида эктара кўтариб олган. Биз уни танимаймиз, у Маманнинг болаларидан эмас.

У биздан 15 қадам нарида туриб, Сурдаснинг энг машхур муножотларидан бири – “Кришна мазлумларга ёрдамга келади”ни бор овозда куйлашни бошлайди. Унинг оҳангдор овози бутун вагонга тарқалганда беихтиёр танамизни енгил титроқ босади. Кўз олдимиздан Маманнинг мажруҳ болалари бирма-бир ўта бошлайди: Ражу, Ашок, Радхи, Мулай...

Салим пинжимга киради, мен эса бурчакка сиқилиб қоламан, лекин кўшиқчининг овози бизга тинчлик бермайди. У сўқир кўзлари билан бизни айблаб қараётгандай туюлади. У кўшиқ айтган беш дақиқа биз учун азобли ўтади. Кўшиқ тугагач, халтасини очиб, садақа сўрай бошлайди. Вагонда одам кўп эмас ва ҳеч ким пул беришга чоғланмайди.

Кўллари бўм-бўш кўшиқчи ёнимиздан ўтган пайт Салим чўнтагидан нимадир олади. У маҳкам сиқилган муштини кўрсатиб, менга айбдорона қарайди. Мен жимгина бош ирғайман. Ўзгача кайфият билан Салим кўлини кўшиқчига узатади ва халтага ғижимланган юз рупий тушади.



\* \* \*

Смита беихтиёр қалтирайди.

– Ҳозирги кунда ҳам болаларга бунчалар ваҳший муносабатда бўладиган одамлар мавжудлиги тасаввуримга сиғмаяпти.

– Қайғули, лекин ҳақиқат, – дейман мен. – Агар ўша куни Салим иккимиз қочиб кетмаганимизда, ҳозир ўша кўзи ожиз кўшиқчидай поездда куйлаб, тиланчилик қилиб юрган бўлардик.

– Хўш, Нилима Кумари хизматчиликка ишга олдимиз?

– Ҳа, мени олди.

– Салимга нима бўлди?

– Нилима Кумари унга Гатхкопардаги чоулдан уй топиб берди.

– Лекин охирги хикоянгизда сиз цехда ишлаб, чоулда яшаётгандингиз-ку.

– У мен Нилима Кумарини ташлаб кетганимдан кейин ёки, аниқроғи, у мени ташлаб кетганидан кейин эди.

– Яъни?

– Тез орада тушуниб оласиз.

Смита бош чайқаб, DVD-плеерни ёқади.

Экранда Прем Кумар пайдо бўлади.

– Энди навбат 10,000 рупий тикилган тўртинчи саволга келди. Агар диний кўшиқларни билсангиз, бу савол сиз учун жуда осон бўлади. Жаноб Томас барча динларга ишонишини айтганди. Умид қиламизки, у бҳажанларни билади. – У менга қайрилади. – Тайёрмисиз?

– Ҳа.

– Яхши. Демак, тўртинчи савол: кўзлари ожиз шоир Сурдас ўз ижодини қайси Худого бағишлаган?

А) Рам

Б) Кришна

В) Шива

Г) Брахма

## *Харобадан чиққан миллионер*

Муסיқа янграйди.

– Б. Кришна.


– Жавобингиз аниқми?

– Ҳа.

Дўмбиралар овози янграйди. Тўғри жавоб экранда кўринади.

– Тўшпа-тўғри! Сиз ҳозиргина 10,000 рупий ютиб олдингиз! – деб қичқиради Прем Кумар.

Мухлислар қарсак чалади. Прем Кумар жилмаяди, мен эса йўқ.



50,000

## Австралия лаҳжасида гапириш

– Исмингиз, жинсингиз ва ёшингизни айтсангиз, сэр, – дейди эшик олдида қалин, қора гардишли кўзойнак таққан, тортинчоқлиги кўриниб турган, аҳолини рўйхатга оладиган ходим.

У қўлида бир даста сўровнома кўтариб олган ҳамда кўк ручка билан уларни тўлдиради.

Полковник Тейлор саволларга жавоб берар экан, юзидан асабийлашаётгани кўринади. Унинг зиғир рангли сурп матодан кийган костюм-шими баланд бўйига жуда ярашади. Аслида, у кишин-ёзин костюм-шимда юради. Юзи чўзинчоқ, лаблари ингичка, ёноқлари қип-қизил, яна шоп мўйлови ҳам бор. Малла сочлари орқага таралган. Бутун Тейлорлар оиласи ва уларнинг хизматкорлари худди суратга тушаётгандек айвонга терилиб олишган.

– Мен полковник Чарлз Тейлорман, жинсим эркак, ёшим қирқ олтида. Бу хотиним Ребекка Тейлор, аёл, қирқ тўрт ёш, – дея озгин, малласоч ва узун юбка кийган аёлини

## Харобадан чиққан миллионер

кўли билан кўрсатади. – Бу ўғлимиз Рой, эркак, ўн беш ёш.

Эгнига савдо белгиси ўчиб кетган жинси, футболка ва кроссовка кийган дароз бола – Рой телефони билан овора.

– Бу кизимиз Мэгги, аёл, ўн етти ёш.

Мэггининг бўйи у қадар баланд эмас, аммо ўзи ёқимтой қиз. Юзи думалок, кўзлари мовий, сочлари бамисоли тилла. Калта юбка кийиб олган.

Полковник Тейлор гавдасини тик тутади ва овозига янада қатъият кўшиб гапиради.

– Мен Австралия мудофаа атташесиман. Биз дипломатмиз, шунинг учун бизни рўйхатга олишингиз шарт эмас деб ўйлайман. Бу уйдан фақат хизматкорларимизни рўйхатга киритсангиз етарли. Дарвоза ёнида турган киши Бҳагвати. У ҳам ҳайдовчилик, ҳам боғбонлик қилади. Эркак, эллик икки ёш. Оқсочимиз ҳам бор. Шанти, аёл, менимча, ўн саккиз ёш. Аини пайтда уйда эмас. Анави – ошпазимиз Раму, эркак, йигирма беш ёш, бу эса Томас, эркак, ўн тўрт ёш. Бўлдимиз?

– Йўқ, сэр, хизматкорларингиздан сўрайдиган нарсаларим бор. Охирги сўровномага жуда кўп саволлар кўшилган. Масалан, “Қайси теледастурларни кўрасиз?”, “Қандай таомларни тановул қиласиз?”, “Қайси шаҳарларга боргансиз?” ва ҳатто, – қикирлаб кулади у, – жинсий ҳаёти ҳақида ҳам савол бор.

Миссис Тейлор эрига пичирлайди:

– Чарлз, Раму билан Томас бундай бемаъни нарсага вақт сарфлашини истамайман. Бу кушчага жавоб бериб юбора олмайсанми?

Полковник Тейлор чўнтагидан бир қути сигарет чиқаради.

– Менга қаранг, жаноб, хуллас, исмингиз нима бўлса ҳам, хизматкорларимнинг сўровномангизга жавоб беришга вақти йўқ. Мана бу “Marlboro”ни олинг-да,

кейинги уйга ўтаверинг. Рўйхатингиздан тўрт кишини чиқариб ташласангиз, ҳеч нарса қилмайди.

Аҳолини рўйхатга олувчи одам сигаретга қаради-да, лабини ялади.

– Жуда илтифотли экансиз. Лекин мен чекмайман, сэр. Аммо “Black Label”... ёки жиллақурса, “Red Label” виски топилса, сиздан бениҳоя миннатдор бўлардим. Умуман олганда, уммондан тўрт томчисини олиб ташласак, ким ҳам сезарди? Миллиардлаб одам турганда, тўртта одам ҳақида ҳеч ким ўйламайди! – деб асабий кулиб кўйди.

Полковник Тейлор унга ўқрайиб қарайди. Кейин меҳмонхонадан бир шиша “Johnny Walker Red Label” олиб чиқади.

– Мана, ол ва даф бўл. Қайтиб қорангни кўрмай.

Ходим полковник Тейлорга ҳест беради.

– Хавотир олманг, сэр. Шу билан ўн йилгача мени умуман кўрмайсиз.

У хурсанд бўлиб нари кетади.

Тейлор хоним ҳам хурсанд.

– Ярамас хиндлар, – деб жилмаяди у. – Уларга бир шиша виски берсанг, айтган ишингни қилади.

Бҳагвати дарвоза ёнида туриб тиржаяди. У нима бўлаётганини билмайди, лекин ҳар доим Соҳиб ва Мэмсоҳиб табассум қилса, у ҳам табассум қилади. Раму ҳам жилмайиб турибди. У ҳар сафар Мэггини калта юбкада кўрса, жилмаяди.

Табассум қилмайдиган ягона одам менман. Биз хизматкорлар уйда шундоқ ҳам одам ўрнида кўрилмаймиз, байрамларда овозимиз чиқмаслиги керак. Аммо мамлакат аҳолиси рўйхатидан ҳам тушиб қолиш ҳаддан ортиқ хўрлик. Тейлорлар бизни оёқ учида кўрсатиб, “ярамас хиндлар” дейишни бас қилишини ҳам хоҳлайман. Шу хонадонга келганимдан бери эллингинчи марта шу сўзни

## *Харобадан чиққан миллионер*

эшитишим. Ҳар эшитганимда қоним қайнайди. Хўп, почтачида, электрикда, телефон устасида ва миршабда, ҳаттоки аҳолини рўйхатга олиш ходимида ҳам вискига мойиллик бор. Лекин бу ҳиндларнинг ҳаммаси пиёниста дегани эмас. Шунинг билан бир кун Тейлор хонимга тушунтиришни хоҳлайман. Лекин тушунтирмаслигимни билман. Дехлининг энг бадавлат даҳасида ҳашаматли уйда яшасангиз, уч маҳал иссиқ овқат, бир ярим минг рупий, ҳа, бир ярим минг рупий ойлик беришса, ғурурингиздан кечини ўрганасиз. Соҳиб ва Мемсоҳиб жилмайганда, жилмайишни ҳам.

Лекин Тейлорларни ёмон дейиш адолатдан бўлмайди, улар менга кўп яхшилиқ қилишган. Тўсатдан кимдир Мумбайдан остонасига келиб иш сўраса, ҳамма ҳам ишга олавермайди. Бундан ташқари, мен керак бўлмаган одамлар билан ўзимни таништирдим. Полковник Во полковник Тейлордан олдин ишлаган ва икки марта ишдан олинган эди. Тейлорларнинг Англиканлар сифатида Ота Тимотининг католик черковига ҳам алоқалари йўқ. Мендан олдинги ёрдамчи кувиб юборилгани ва уларга зудлик билан хизматкор керак бўлгани менинг омадим эди.

Ўн беш ойдан бери шу хонадонда ишлайман. Бу вақт мобайнида яна беш нафар хизматчи ишдан бўшатилади. Ҳаммаси полковник Тейлор туфайли. У ер тагида илон қимирласа билади. Тепада ҳамма нарсани билгувчи Худо бор бўлса, пастда полковник бор. Боғбон Жағдиш омбордан ўғит ўғирлаганди, буни полковник Тейлор билиб қолди. Эртаси куни ишдан ҳайдалди. Оксоч Шила Тейлор хонимнинг хонасидан билагузук олганди, полковник Тейлор билиб қолди. Оқибатда эртаси куни ишдан бўшатилади. Ошпаз Ражу тунда ичкиликлар сақланадиган жавондан виски олиб ичганди. Шу сабаб калтак еган ва эртаси куни ишдан бўшатилаган. Янги ошпаз Ажай пул ўғирлашни режа қилган ва бу ҳақда телефонда ўртоғига айтган. У ҳам

эртаси кун ишдан бўшатилади, дўсти икковини полиция хибсга олди. Янги оқсоч Басанти Мэггининг либосларидан бирини кийиб кўрди. Тахмин қилганингиздек, эртаси кун у ишдан бўшатилади. Полковник Тейлор атрофда ҳеч ким йўқ пайт – ярим тунда эшик ёпиқ ҳолда бажарилган ишлар ёки телефонда айтилган гаплардан қандай хабар топиши ҳалигача сир.

Ҳаммасидан омон қолган ягона одам менман. Тан оламан, баъзан менинг ҳам Тейлор хонимнинг столида сочилиб ётган тангалардан билдирмай чўнтагимга солиб олгим ёки музлаткичдаги Швейцария шоколадини татиб кўргим келади, лекин мен бундай истакларимни назорат қиламан. Чунки полковник Тейлор бунинг тагига етишини биламан. Боз устига, Тейлорлар оиласи менга ишонади. Менга насронийларнинг исми қўйилгани ва инглиз тилида гапира олишим ҳам фойдамга ишлайди. Икки ой аввал ишга олинган Шантидан ташқари, мен оиланинг шахсий ҳудудларига кириш ҳуқуқига эга ягона хизматкорман. Мен барча ётоқхоналарга кира оламан ва фақат менга телевизор кўришга ва гоҳ-гоҳида Рой билан Нинтендо ўйнашга рухсат берилган. Лекин полковник Тейлорнинг “ин” деб номланувчи офисига киришга ҳатто менга ҳам рухсат йўқ. У хона мўъжазгина бўлиб, хўжайиннинг ётоқхонасига туташган. Унинг мустаҳкам жигарранг ёғоч эшиклари қалин темир панжара билан ҳимояланган. Темир панжарада учта қулф бор: иккита кичик ва битта катта олтиндан қилинган. Унда “Зирҳланган қулф. Йелл.” деб ёзилган. Қулф ёнидаги деворда электрон панель бор. Унга бош чаноғи ва иккита суяк тасвири, шунингдек, худди телефон тугмалари каби нолдан тўққизгача бўлган рақамлар туширилган. Қулфни фақат кодни терганингиздан кейин очишингиз мумкин. Агар мажбуран очишга ҳаракат қилсангиз, сизни 440 вольт кучланишга эга ток уради ва сиз асфаласофилинга равона бўласиз. Хона ёпиқ пайти панелдаги кичик чироқча қизил

## Харобадан чиққан миллионер

бўлиб ёниб туради. Полковник Тейлор хонага кирганда эса чироқ яшил рангга ўзгаради. Уйдаги бирор жон бу хонага кириши мумкин эмас. Ҳатто Тейлор хоним, Мэгги ёки Рой ҳам.

Тейлорлар билан ўтказган вақтим менга Мумбайдаги даҳшатли воқеаларни унутишга ёрдам берди. Шантарам билан Нилима Кумари оғриқли, аммо узоқ хотирага айланди. Биринчи ойлarda мен полиция “Жип”и қизил чироқларини ёқиб ўтишидан кўрқиб яшадим. Вақт ўтиши билан мени кимдир қуваётгандек ҳис қилишни тўхтатдим. Гудия ҳақида ҳам кўп ўйлардим, унга нима бўлганига қизиқардим, лекин юзини эслолмаслигим хотираларни тиклашимга халақит қиларди. Аста-секин у менинг ўтмишим қаърига чўкиб кетди. Лекин Салимни унутолмадим. Уни ташлаб кетганим учун айбдор ҳис қилардим ўзимни. Қандай яшаётгани ҳақида, ҳали ҳам даббавалла бўлиб ишлаётганмикан ёки йўқми деб кўп ўйлардим, лекин у билан боғланишдан ўзимни тиярдим. Чунки полиция менинг қаерда эканимни билиб қолишидан кўрқардим.

Тейлорлар билан яшаб, мен барбекю ва фондю<sup>1</sup> пиширишни ўргандим. Ичкиликларни аралаштириш ва вискини пегда<sup>2</sup> ўлчаш бўйича мутахассисга айландим. Тўғридан-тўғри Канберрадан келтирилган кенгуру гўштидан стейк ва тимсоҳ гўштидан мантини татиб кўрдим. Регби, теннис ва Рой билан кўрадиганим – Австралия футболининг мухлисига айландим. Аммо шунча вақт ўтса ҳам, мен ҳали-ҳануз Австралия лаҳжасида гапиришга қийналаман. Ҳар оқшом хонамда австралияликлардек гапиришни машқ қиламан. “Қалайсан оғайни, соат саккизга Ҳиндистон Дарвозасига келгин”, дейман-да қиқирлаб куламан.

Мен, айниқса, Тейлор хоним билан бозорга боришни

<sup>1</sup> Швейцария миллий таоми.

<sup>2</sup> Ҳиндистон яриморида суюқлик миқдорини ўлчаш учун ишлатиладиган ҳажм бирлиги. Одатда, 60 мл.га тенг.



ёқтираман. У озиқ-овқатнинг кўп қисмини Австралиядан олади. Лекин вақти-вақти билан импорт қилинган маҳсулотларни Супербозор ва Хон бозоридан сотиб олади. Биз испанча Чоризо колбасасини, Рокфор пишлогини, тузланган бодринг ва зайтун ёғидаги қизил қалампирларни сотиб оламиз. У Мэгги ва Ройни ўзи билан дунёдаги энг катта болалар дўкони бўлмиш “Kids Mart”га олиб борган кунлар – энг зўр кунлар. У ерда кийимлар, ўйинчоқлар, велосипедлар ва кассеталар сотилади. Мэгги ва Рой свитер, жинси шимлар сотиб олади ва мен каруселда бепул учаман.

Рой ва Мэгги ҳар ой “Australian Geographics” журналини олади. Менимча, бу – Ер юзидаги энг яхши журнал. Унинг барча саҳифаси дунёдаги энг гўзал жойларнинг фотосуратларига тўла, яна барчаси Австралиядя. Олтин куми бор соҳиллар, чиройли пальма дарахтлари билан ўралган ороллар, кит ва наҳангларга тўла океанлар, осмонўпар бинолар билан гавжум шаҳарлар, лава отадиган вулконлар, осойишта яшил водийлар қаршисида қор билан қопланган тоғлар. Ўн тўрт ёшдаги ягона мақсадим мана шу гўзал жойларни кўриш. Ўлишимдан олдин Квинслендга, Тасманияга боришни ва Буюк тўсиқ рифини кўришни хоҳлайман.

Тейлорларнинг уйида ҳаётим анча осон, чунки қиладиган ишим кўп эмас. Актрисанинг уйида бўлганимдан фарқли ўлароқ, мен ягона хизматкор эмасман, яна учта хизматкор ишлайди. Раму ошпаз ва ошхона бутунлай унинг қўл остида. Шанти кўрпа-тўшақларни тўғрилайди ва кир ювади. Мен фақат чангюткич билан хоналарни тозалашим ва чангларни артишим керак. Вақти-вақти билан мен ҳам кумуш идишларни артишга, полковник Тейлорнинг кутубхонасидаги китобларини йиғишга ва Бҳагватига тўсиқ ўтларини текислашга ёрдам бераман. Ҳаммамиз бизга берилган уйда яшаймиз. Бизга битта катта ва иккита кичик хона ажратилган. Бҳагвати катта уйда рафикаси

## *Харобадан чиққан миллионер*

ва ўғли билан яшайди. Шанти иккинчисида ёлғиз яшайди. Мен учинчи хонани Раму билан бўлишаман. Хонада икки қаватли каравот бор. Мен тепадагисида ухлайман.

Раму – яхши йигит. У Тейлорлар хонадонига тўрт ой бурун келган, қўли ширин ошпаз. Моҳирлигининг асосий сабаби, у аввал француз оиласида ишлагани сабаб француз таомларини тайёрлашни билади. У *gâteau de saumon*<sup>3</sup>, *crêpes suzette*<sup>4</sup> ва *cervettes au gratin*<sup>5</sup> (бу менинг севимли таомим) пиширишни қойиллатади. Раму – келишган йигит, юзидаги чўтирларни айтмаса, ёқимтой. У ҳинд киноларини яхши кўради. Унинг севимли киноларида бой қиз камбағал йигит билан қочиб кетади. Негадир Шанти Рамуни яхши кўради, деган гумоним бор. Унинг Рамуга қарашлари, вақти-вақти билан кўз қисиб қўйиши худди ҳислари ҳақида белги беришга уринаётгандек туюлади. Аммо Раму Шантига парво қилмайди. У бошқа бировни севиб қолган. У мени ҳеч кимга айтмайман деб қасам ичишга мажбур қилди. Шунинг учун мен исмини ошқор қила олмайман. Лекин у кўзлари мовий, сочлари тилларанг чиройли қиз эканини айтсам бўлар, менимча.

Хизматчилар уйида яшасам ҳам, Тейлорлар менга деярли оила аъзосидек муносабатда бўлади. “McDonald’s”га айланишга боришса, менга доим болалар овқатидан олиб келишади. Рой ва Мэгги Скрэббл<sup>6</sup> ўйнаганда, мени ажратишмайди. Рой хонасида крикет томоша қилиб ўтирган пайти, мени ҳам чақиради (гарчи Австралия мағлубиятга учраса, унинг ғазаб отига минишига қарамай). Тейлорлар таътилда Австралияга саёҳат қилишади ва доим менга кичик совға – “МЕН СИДНЕЙНИ СЕВАМАН” деган ёзувли брелок ёки қизик

<sup>3</sup> Лососли пирог

<sup>4</sup> Мевали блинчик

<sup>5</sup> Пишлоқ сепилган ва нон бўлакчалари билан қовурилган криветкалар

<sup>6</sup> Иккитадан тўрттагача ўйинчи ҳарф ёзилган ёғоч доначалардан сўз тузиш учун беллашадиган ўйин. Сўзлар доскада худди кроссворддаги каби чапдан ўнга, юқоридан пастга ўқилиши керак.

сўзлар туширилган футболка олиб келишади. Баъзан мен бу меҳрибонликдан йиғлаб юбораман. Мен Эдам пишлоғини еб, илдизли пиво ичиб ўтирган пайтим беш йил олдин шу ерга яқин жойдаги болалар колониясида хазм бўлмайдиган суюқ овқат ва қорайиб кетган, қалин чапатти еган етим бола бўлганимга ишонгим келмайди. Баъзида мен ўзимни мана шу Австралия оиласининг бир қисмидек ҳис қиламан: Рам Муҳаммад Тейлор. Лекин хизматкорлардан бири танбеҳ эшитса, ишдан бўшатиб ёки полковник Тейлор бармоғи билан кўрсатиб, “лаънати ҳиндлар” деган пайти орзумдаги дунё вайрон бўлади ва ўзимни ойнанинг нариги тарафидан мана шу меники бўлмаган экзотик дунёга мўралаётган кўппакдек ҳис қиламан.

Лекин кўрмаган ва ушламаган бўлсам ҳам, меники бўлган бир нарса бор – йиғилиб бораётган маошим. Қўли эгри хизматкорларни кўргандан сўнг кичкина бўлганим учун полковник ойлигимни қўлимга бермасликка қарор қилди. Фақат ойига элик рупий чўнтак пули беради. Қолган пулим ишдан кетаётганимда берилади. Шунда ҳам, агар ўзимни яхши тутган бўлсам. Акс ҳолда, Ражу ва Ажай каби мен билан ҳисоблашмай хайрлашишади. Мендан фарқли ўлароқ, Раму ҳар ой маошини қўлига олади. Нақ икки минг рупий. У аллақачон саккиз минг рупий тўплаб кўйган. У пулларни матрасининг яширин тешигига солиб, ўша ерда хавфсиз сақлайди. Чўнтагимда бор-йўғи юз рупий бор, лекин мен ҳар ойлигимни қизил кундалигимга қайд этиб бораман. Бугунги кунда Тейлорларнинг мендан 22 500 рупий қарзи бор. Фақат бу пулларнинг барчасига эгалик қилиш фикри мени асабийлаштиради. Ҳар кеча мен “Australian Geographic”да кўрган жойларга боришни орзу қиламан. Рамунинг мақсадлари каттароқ. У оқ танли чиройли қизга уйланишни ва асал ойини Сиднейда ўтказишни, кийик гўшти ва *крем-брюле*<sup>7</sup> пиширадиган

<sup>7</sup> Карамелли шакар қопламига эга десерт.

## Харобадан чиққан миллионер

француз ресторанлар тармоғини очишни орзу қилади.

Маҳалладаги эски нарсалар билан савдо қиладиган киши ёки кабаривалла ҳозир уйимизга келган. Тейлор хоним унга биз сўнгги олти ой ичида тўплаган барча газеталарни сотмоқда. Уларни сотиб олишга камида ўн минг рупий сарфланган бўлиши керак. Лекин биз уларнинг килосини ўн беш рупийдан сотаяпмиз. Раму билан мен *“Times of India”*, *“Indian Express”*, *“Pioneer”* ва *“Hindu”*нинг оғир тўпламларини кўтариб олиб чиқамиз. Яна йиғиб қўйилган *“India Today”*, *“Femina”*, *“Cosmopolitan”* ва *“The Australian”* нусхаларини ҳам чиқарамиз. Кабаривалла уларни чанг босган тарозисида тортади. Тўсатдан Рой келиб онасидан:

- Нима бўляпти? – деб сўрайди.
- Ҳеч нарса. Шунчаки барча кераксиз газеталардан халос бўляпмиз, – деб жавоб беради у.
- Ҳа, шундайми? – дейди у ва ичкарига кириб кетади.

Беш дақиқадан сўнг *“Australian Geographic”*нинг ўттиз нусхасини кўтариб чиқади. Ҳайратдан оғзим очилиб қолади. Рой бу журналларни сотиб юборишни қандай қилиб хаёлига келтирдийкан?

Лекин мен бирор сўз айта олишга ҳам улгурмасимдан кабаривалла ялтироқ журналларни тортишни бошлайди.

- Олти килограмм чикди. Тўқсон рупий бераман, – дейди у.

Бола рози бўлади ва пулни олади. Мен жонҳолатда хонамга югураман.

Кабаривалла уйдан чиқиб кетиши билан орқасидан етиб олиб,

- Кечирасиз, лекин Мэмсоҳиб бу журналларни қайтариб олишни хохлаяпти, – дейман.

– Афсус, – дейди у елка қисиб. – Мен уларни ҳозиргина сотиб олдим. Уларнинг сифати яхши ва яхши нархга пулласа бўлади.

Алал-окибат “Australian Geographic”ни қайтариб олишим учун мен унга 100 рупий беришимга тўғри келади. Улар энди меники. Ўша окшом барчасини каталакдек хонамга ёяман ва тоғлару сохиллар, медузаю лобстерлар, кукабарра ва кенгуруларнинг расмларини томоша қилиб ўтираман. Бугун негадир бу экзотик жойларга қўлим етадигандек туюлади. Эҳтимол, энди бу журналларга эгаллик қилганим учун хаёлимда бу қитъанинг юрагимдаги митти қисми ҳам гўё меникидек туюлаётгандир.

Бу ойда содир бўлган яна бир муҳим ҳодисалардан бири “Star TV” каналида илк марта “Жосус изидан” берилди бошлайди. Бу сериал бутун Австралия эътиборини тортганди. Воқеалар 1980-йилларда айғокчиларни тутиб юрадиган австралиялик полициячи Стив Ноланнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Полковник Тейлор бу сериалга муккасидан кетади. Ҳар окшом хонасида ишлаб, фақат кечки овқатга чиқадиган полковник чоршанба куни кечкурун телевизорли хонага қўлида пиво билан киради ва Стив Ноланнинг КГБ деб аталадиган рус ташкилотига сир етказадиган ярамас хориж агентларини тутишини томоша қилиб ўтиради. Менга эса бу сериал автомобиль таъкиблари, ўлим билан тик келадиган трюклар, кичик камера вазифасини ўтайдиган ручка, пистолетга айланадиган магнитофон каби ажойиб гаджетлари тўфайли ёқади. Шунингдек, Стив Ноланнинг кўчалар бўйлаб ракетадек учадиган кизил “Ferrari”си ҳайратимни оширади.

\* \* \*

Тейлорларнинг боғида ҳар ёз мунтазам равишда зиёфат бўлади, лекин бугунгиси ўзгача. У Австралиядан ташриф буюрган генерал шарафига ўтказиляпти ва ҳатто Олий комиссар ҳам қатнашади. Раму ва мен, ҳатто Бҳагвати умримизда биринчи марта доғи йўқ оппок, тилларанг тутмалари бор форма кийдик. Қўлқопимиз ок,

## Харобадан чиққан миллионер

пойабзалимиз эса қора. Бошимизга оқ салла кийволганмиз. Худди куёвлар тўйида кийганидек. Лекин биз куёвга ўхшамаймиз. Шунчаки ҳашаматли базмда ҳашаматли кийинган официантлармиз.

Меҳмонлар кела бошлади. Полковник Тейлор уларни яхши ишлов берилган майсазорда кутиб олади. У оч кўк рангли костюм кийган. Раму товук, чўчка, балик ва қўй гўштидан барбекю тайёрлаш билан банд. Бҳагвати кумуш патнисда меҳмонларга коктейллар тарқатяпти. Мен барни бошқаряпман. Фақат мен меҳмонлар сода аралаштирилган кампари<sup>8</sup> ёки қонли мэри<sup>9</sup> сўрашса, тушунаман. Шанти ошхонада ёрдам беряпти. Ҳатто у ҳам доимий сарисини эмас, классик юбка кийиб олган.

Меҳмонлар, асосан, оқ танли ва бошқа элчихоналардан ташриф буюришган. Оз бўлса-да, ҳиндлар ҳам келган – бир нечта журналист ва Мудофаа вазирлиги ходимлари. Оқлар Кингфишер пивоси ва коктейль, ҳиндлар эса доимгидек фақат “Black label” вискисидан ичишади.

Боғдаги суҳбатлар иккига бўлинади, ҳиндлар крикет ва сиёсат ҳақида гаплашишса, дипломат ва экспатриятлар хизматкорлари ҳамда ҳамкасбларини ғийбат қилади, шунингдек, жазирамадан нолийди.

- Бирам иссиғе-ей, таътил берилса, яхши бўларди.
- Иккаласининг маошини оширганимдан кейин эртаси куни хизматкорим боғбон билан қочиб кетди.
- Шундай, ҳозирги кунда яхши ёрдамчи топиш қийин. Ярамас хизматкорларнинг кўпчилиги ўғри.

Айтишларича, Олий комиссар билан келган киши – генералнинг ташрифи шов-шув кўтариб юборади. Тейлор хоним саломлашишга шошилиб кетаётган пайти йиқилиб тушишига сал қолади. Ўпичлар ва қўл қисишлар бўлади. Полковник Тейлор мамнун кўринади. Байрам яхши ўтмоқда.

<sup>8</sup> Ўт ва мева ҳиди билан бойитилган қизил тусли аччиқ ликёр. Сода кўшилганда, таркибида 10% алкоголь бўлади.

<sup>9</sup> Ароқ ва помидор шарбатидан тайёрланган спиртли коктейль.

Соат ўн биргача барча меҳмонлар кетишди. Фақат иккита ҳинд журналист ва Живан Кумар исмли Мудофаа вазирлиги ходими ҳали ҳам ўнинчи қадаҳни ичиб ўтирибди. Тейлор хоним уларга нафрат билан қаради-да:

– Чарлз, нега бу лаънати журналистларни таклиф қилдинг? Улар ҳар доим охириги бўлиб кетишади, – дейди эрига.

Полковник Тейлор хайрихоҳ овоз чиқаради. Мудофаа вазирлиги ходими – корамағиз, тўлароқ одам уйга киради ва:

– Сиз билан гаплашиб олсам бўладими, Жаноб Тейлор? – дейди.

Полковник Тейлор шошиб унинг орқасидан кириб кетади.

Ярим тун. Раму ҳали ухламади. Каравотида ғичир-ғичир қилиб у ёнидан бу ёнига ўгирилаётганини эшитиб,

– Нима гап, Раму? Бугун ухламайсанми дейман? – деб сўрайман ундан.

– Қандай ухлай оламан, Томас? Севгим қийнаяпти мени.

– Аҳмоқ экансан. Сенга неча марта бу хаёлларни миянгдан чиқар деб айтдим. Полковник Тейлор билиб қолса, ўлдиради.

– Ошиқ муҳаббати учун ўзини қурбон қилишга тайёр бўлиши керак. Лекин, ҳеч бўлмаганда, энди менда муҳаббатимнинг бир парчаси бор.

– Нима? Сенда нима бор? – пастки ётоққа тушаман.

– Тшш... Агар ҳеч кимга айтмайман деб қасам ичсанг, кўрсатаман.

– Яхши, яхши, қасам ичаман. Энди кўрсат.

Раму қўлини ёстиғи остидан чиқаради ва қизил мато парчасини кўрсатади. Бурнига яқин олиб келади-да, ҳидлайди. Муаттар ис менинг димоғимга ҳам урилади.

– Бу нима? Қани, кўрсат-чи!

## Харобадан чиққан миллионер

Раму уни байроқ каби очади. Қизил сийнабанд экан. Мен хайратдан сакраб, бошимни ёғочга уриб оламан.

– Вой Худойим! Буни қаердан олдинг? Фақат уники дема.

– Мана, ўзинг кўр.

Раму сийнабандни менга узатади. Мен унинг уёқ-буёғини ўгириб кўраман. Жуда қиммат тўқима матодан тикилганга ўхшайди. Илгичлари ёнида кичкина “Виктория сири” деган ёзув бор.

– Виктория ким?

– Виктория? Мен ҳеч қандай Викторияни танимайман.

– Бу сийнабанд Виктория деган кизники экан. Мана, исми ёзилган-ку. Уни қаердан олдинг?

Раму саросимага тушади.

– Лекин... лекин мен уни Мэггининг хонасидан ўғирлаганман.

– Ё Худойим, Раму! Сенга болалар ётоқхонасига кириш мумкин эмас-ку. Бошингга катта муаммо орттириб олибсан.

– Томас, сен ҳеч кимга айтмасликка ваъда бергандинг. Илтимос, ўтинаман, буни ҳеч ким билмасин.

Ётоғимга юрагимни ҳовучлаб чиқиб оламан. Кўп ўтмай Раму хуррак отишни бошлайди. У тушида ўша кўзлари кўк, сочлари тилларанг кизни кўраётгани аниқ. Лекин менинг тушимга қизил чироқлари ёниб-ўчувчи “Жип” киради. Рамунинг бошига оғир кун тушиши тайин. Чунки полковник Тейлор ер тагида илон қимирласа биладиган одам.

Ҳақиқатан ҳам, икки кундан кейин қизил чироқлари-ни ёритиб, “Жип” келади. Кўзойнак таққан полициячи меҳмонхонага киради. Бу ўша Ажайни олиб кетган инспектор Тяги. У Раму қаердалигини сўрайди. Кейин Рамуни ошхонадан судраб олиб чиқишади. Уларнинг ордидан югураман. Ахир у менинг ҳам хонам. Миршаблар



Рамунинг ётоғини тинтув қилишади ва матраси тагида сақлаган пулларини топишади. Шунингдек, ёстиғининг тагидан бўйинга тақиладиган олмос тақинчок ҳам чиқади. Тақинчок қандай қилиб бу ерга келиб қолганини билмайман, лекин Раму ўғри эмас. Кейин миршаблар менинг нарсаларимни ҳам тита бошлашади. Бир чеккага чиройли қилиб йиғиб қўйилган “Australian Geographic”ни ҳам топишади. Калитларим, футболкаларим ва матрасим тагидан ғижимлаб тикиб қўйилган қизил сийнабанд чиқади. Буюмларимнинг ичида қандай пайдо бўлиб қолганини билмадим, лекин бу ўша – Раму Мэггининг хонасидан ўғирлаб келган сийнабанд.

Мени Тейлорларнинг олдига машхур жиноятчини тутиб келтиргандек олиб чиқишади.

– Жаноб Тейлор, сиз уйда биттагина фирибгар бор дегандингиз, тақинчокни топдик, пулларни ҳам, лекин, қаранг, шеригининг тўшагидан топган нарсамизни. Журналлар ўғирланган бўлиши керак. Ва бу нарса ҳам, – дейди-да, сийнабандни ёйиб, ҳаммага кўрсатади.

Мэгги йиғлай бошлайди. Раму худди ҳозир ҳушидан кетиб қоладигандек кўринади. Полковник Тейлорнинг кўзидан газаб учқунлари чакнайди.

– Томас, наҳотки сен ҳам шулардансан? – деб бақиради Тейлор хоним, ва жаҳл билан 4-5 шапалоқ туширади. – Лаънати ҳиндлар, – деб қичқиради. – Ҳамманг бир гўрсанлар. Ношукурликдан бошқасини билмайсанлар. Сенларни овқатлантирамиз, кийинтирамиз, эвазига ўғрилиқ қиласанлар.

Полковник Тейлор менинг ёнимни олади.

– Йўқ, Ребекка, – дейди хотинига. – Адолатли бўл. Томас – яхши бола. Буни унинг матраси тагига ярамас Раму беркитган. Мен биламан, ишон.

Полковник Тейлор ўзининг ҳамма нарсани биладиган одам эканини яна бир бор исботлайди. Унинг ҳамма нарсани билиши мени ўша куни кутқаради ва мен “Aus-

## Харобадан чиққан миллионер

talian Geographic” тўпламимни қайтариб олдим. Лекин мени энди Квинсленд соҳиллари ва Тасманиянинг ёввойи табиати ўзига жалб қилмай қўяди. Раму сийнабандни олганини тан олади, лекин тақинчоқ ўғирламаганини таъкидлайди. Шантини айблаб, бармоғи билан кўрсатади. Аммо буларнинг бари фойдасиз, инспектор уни “Жип”ига солиб, олиб кетади. У ҳам бир шиша “Black Label” вискисини олади ва полковник Тейлорга тишини кўрсатиб тиржаяди,

– Катта раҳмат, жаноб Тейлор. Хизмат бўлса, менга кўнғироқ қилаверинг. Сизга хизмат қилишдан бошим осмонга етади. Мана бу – менинг ташриф қоғозим.

Полковник Тейлор ташриф қоғозини олади ва уни меҳмонхонадаги столда қолдиради.

\* \* \*

Тейлорлар хонадони ҳаяжонга тўлди. Энди Мэггининг кучуги бор. Полковник уни боғичида олиб келади. У кичкина ва пахмоқ, миттигина бурни нам, думи эса узун. Кучукча кўғирчоққа ўхшайди ва акиллашдан кўра кичкиради деса ҳам бўлади. Мэггининг айтишича, у апсо зотидан экан. Унга Ровер деб исм қўйилади.

\* \* \*

Уйда яна ҳаяжонли кун. Янги ошпаз олишди. Исми Жай. У Раму билган нарсаларнинг ярмини ҳам билмайди. Француз таомлари у ёқда турсин, у ҳатто au gratin сўзини талаффуз ҳам қила олмайди. Ёши катта эркак бўлгани, шу яқин атрофдаги қишлоқда яшаши, оилали ва икки қизнинг отаси бўлгани учун ишга олишди. Бу сафар хонамни ким биландир бўлишиш унча ёқмайди. Икки қаватли каравотда бир ўзим ухлашдан маза қилаётган эдим. Бир хил пайти пастда, бошқа пайтлари тепада ётардим.

Менга Жай биринчи кўрганимдаёқ ёқмайди. Кўзлари қандайдир ўйноқи. Хонада яширинча чекади

(Тейлорларнинг уйида чекиш тақиқланган). Менга эса худди хизматкордек муомала қилади.

– Ҳаётдаги энг катта мақсадинг нима? – деб сўрайди у мендан колониядаги ўқитувчига ўхшаб.

– Қизил “Ferrari” сотиб олиш, – деб алдайман мен. – Сизники-чи?

У яна бир сигарет тутатади, тутуни оғзидан ҳалқа бўлиб чиқади.

– Мен гараж очмоқчиман, лекин бунга кўп пул керак. Менинг Амар деган жуда бой дўстим бор. Агар мен 150 минг йиғолсам, қолганига ёрдам беришга ваъда берди. Бу фиранглларнинг<sup>10</sup> уйида, сенингча, қанча пул бор?

Мен жавоб бермайман. Демак, биринчи ҳафтадан бошлаб Жаноб Жай ўғрилиқ қилишни мўлжаллаяпти. Яхшиямки, у ер тагида илон қимирласа биладиган одам ҳақида билмайди. Лекин тез орада бундан воқиф бўлади.

\* \* \*

Полковник Тейлор эрта тонгдан Ровер билан уйимиз яқинидаги Лодҳи боғида сайр қилишни бошлайди. Дехли ҳукумати уй ҳайвонлари кўчани ифлослантирса, жарима борлиги ҳақида янги қонун чиқарганидан бери мен ҳам улар билан йўлга чиқиб, итнинг ахлатини тозалаб юришим буюрилади. Бу менга ёқмайди. Тасаввур қилинг, эрталаб беш яримда уйғонаман ва ҳар икки дақиқада ишини ҳар ерга бажариб кетадиган аҳмоқ итнинг орқасидан югуриб, ахлатини тозалайман. Лодҳи боғи – эрталабки сайр учун жуда яхши жой. Ҳаммаёқ ям-яшил. Марказидан Бара Гумбад номли вайронага айланган қадимий ёдгорлик ўрин эгаллаган. Эрталаб югуришга кўп одам чиқади. Ҳар куни йога билан шуғулланадиган семиз аёллар ва аэробика билан шуғулланадиган озғин қизларни кўраман. Баъзида Ровернинг ахлатини йиғаётган пайтим полковник Тейлор узоқ вақтга ғойиб бўлаётганини сезиб қоламан. Бу менга

<sup>10</sup> Ҳинд. келгиндилар

## *Харобадан чиққан миллионер*

жуда қизик туюлади ва бир куни эрталаб Роверни ўз холига қолдираман-да, полковникнинг ортидан эргашаман. Мен уни Бара Гумбаддан ўтиб, чакалакзор томон юрганини кўраман. Буталар орақасида полковник Тейлор ўша кунги зиёфатга келган ҳинд Мудофаа вазирлиги ходими билан учрашганини кўриб қоламан.

– Биласизми, жаноб Кумар, мен кеча тунда Жанубий Эксадаги уйингиздан ширинлик дўконигача ортингиздан пойлаб бордим, сезмадингизми? – дейди полковник Тейлор.

Живан Кумар ҳайратдан терлаб кетади ва безовталиги кўриниб туради. Шунингдек, у хафага ҳам ўхшайди.

– Вой, кечиринг, Полковник соҳиб. Янаги сафар эҳтиёткорроқ бўламан. Одамлар бизни бирга кўрмаслиги кераклигини биламан.

– Албатта, жаноб Кумар, бу ўз-ўзидан тушунарли. Лекин агар сиз ўз хавфсизлигингиз ҳақида суст бўлишда давом этсангиз, сиз билан юзма-юз учрашувларни тўхтатишимиз керак деб кўрқаман. Оддий коидани ёдда тутинг: ИЎДЙ.

– ИЎДЙ?

– Ҳа. Изларингни ўчир – думингни йўқот. Бу аслида жуда оддий. Бунинг маъноси шундаки, сиз ҳеч қачон тўғри йўналишдан юрмаслигингиз керак. Йўлингизни ўзгартиринг, машинани алмаштиринг, дўконга кириңг, бошқасидан чиқинг, изингизни чалкаштириб юборадиган ҳар қандай усулдан фойдаланиңг. Бир марта шундай қилсангиз, сизни кузатиб бориш ниҳоятда қийинлашади. Ортингиздан ким тушган бўлса ҳам, охири кўл силтаб кетади.

– Хўп, Полковник соҳиб, буни эса тутаман. Аммо ҳозир сизга хушxabарим бор. Узоқ вақтдан бери мендан кутаётган нарсангизни бера оламан. Ўн тўртинчи сана, жума куни Жанубий Эксадаги Балсонснинг орқа тарафида автотураргоҳда учрашамиз. Кимсасиз жойлар. Кечки соат

саккизда. Келишдикми?

– Келишдик.

Учрашув тугайди. Мен шошиб Ровернинг олдига келганимдан кейин полковник ҳам қайтади.

\* \* \*

Ўн тўртинчи сана, жума куни кўзларимни катта очиб, кулоқларимни динг қилиб юраман. Эрта тонгдан полковник хотинига режалари ҳақида гапирди.

– Янги тижорий атташе МакГилл ишдан кейин бир нечта жойларни кўрсатишимни сўради. Шунинг учун кеч келаман, Ребекка. Мени кечки овқатга кутманглар.

– Жуда соз. Олий комиссарнинг рафиқаси мени кўприқда ташкил қилинадиган базмга таклиф қилди, шунинг учун мен ҳам уйда бўлмайман, – дейди Тейлор хоним.

Мен нима бўлаётганини фаҳмлайман. Полковник хотинига учрашув ҳақида нега ёлғон гапирди? Ўша куни унга бўлган хурматим йўқолади. Тейлор хонимга ачинаман.

\* \* \*

Рамудан кейин навбат Ройга келади. Полковник Тейлор уни хонасини тозалашга кирган Шанти билан ўпишиб турганида тутиб олади. Шанти ўлган онаси ҳақи қасам ичиб, Ройбаба иккаласи ўртасида ҳеч нарса йўқлигини ва бу тасодифан, биринчи марта юз берганини айтади. Аммо унинг барча илтижолари беҳуда. Натижа ҳам башорат қилинганидек: дарҳол ишдан бўшатиш. Лекин ҳеч бўлмаганда, у иш ҳақини олади. Рой, эҳтимол, “лаънати ҳиндлар”га илакишгани учун дакки эшитиши ва ортиқ унга “Kids Mart”дан нарса олиб беришмайди. Мен ҳар эҳтимолга қарши ўн кун давомида Мэггининг хонасини тозаласликка қарор қиламан.

## Харобадан чиққан миллионер

Агар кўлимдан келганида, эҳтимол, Мэггини кутқариб қолган бўлардим. Чунки Рой билан юз берган воқеадан икки ҳафта ўтгач, унинг синглиси қўлга тушади. Уйда ўрнатилган тартибга қарамасдан, у ўз хонасида сигарет чекади. Мэгги буни тан олмасликка чандон уринмасин, полковник Тейлор у яшириб қўйган сигарет кутисини топади. Бу дегани, Мэггининг “Kids Mart”га бўладиган саёҳатлари поёнига етади.

Ишонасизми, икки ойдан кейин полковник Тейлор бошқа бировни алдаётган пайти ушлайди. Яна ким денг? Ўз хотини – Ребекка Тейлор хоним. Маълум бўлишича, у элчихонадан аллаким билан ишқий муносабатда бўлган. Полковникнинг ётоқхонада “Манжалақи!” деб қичқиргани эшитилади.

– Мен сенинг ҳам, ўша сўтак ўйнашингнинг ҳам таъзирини бераман, – дейди-да, тарсаки туширади.

Хонадан вазанинг синган овози келади. Тейлор хоним ўша куни кечки овқатга тушмайди. Мэгги билан Рой оталарига ҳурмат билан масофа сақлашади. Мен эса афсусланганим билан нимадирга қодир эмасман. Эри Тейлор хонимнинг кичик қинғир ишини билиб қолди, ўзининг ишқиртлигини эса ҳали ҳеч ким билмайди. Мен полковник Тейлорнинг сирларини очиб ташламоқчи бўламан. У қаровсиз автотураргоҳда Живан Кумар билан қандай учрашиб юришини ошкор қиламан. Аммо шиша уйда яшовчиларнинг тош отиши ўзига зарар бўлганидек, ўзимга жабр қилиб қўйишим мени мудом кўрқитади. Ер тагида илон қимирласа биладиган полковник бир пайтлар Шантарамни зинадан итариб юборганимни билиб қолсачи! Ҳатто у мен ҳақимда ўзим билмаган маълумотларни ҳам билиши мумкин.

\* \* \*

Тейлорлар хонадонида шу каби одамни эсдан оғдирувчи ишлар бўлаётган бир пайтда Жай менинг асабимга тегади. У тайёрлайдиган таомлар ҳам аввалгидек мазали бўлмай қолади. Рангсиз шўрваларининг таъми мени хавотирга солади, стейкларни эса итимиз Ровер ҳам емайди. У гаражи ва юз эллик минг олиши ҳақида гапиравериб, мени зериктириб юборади. Охири буларни хўжайинга айтишга қарор қилганимда оиланинг бошига оғир ташвиш тушади. Полковник Тейлорнинг Аделаида шаҳрида яшовчи онаси вафот этибди. Ҳамма тушқун аҳволда. Ҳарбий офицер бизга биринчи марта юмшоқ феълини кўрсатади.

– Биз ҳаммамиз бир ҳафтага кетамиз, – дейди у Жайга ҳазин овозда. – Уй кулф бўлади. Томас иккинги кўчада овқатланасиз.

Мэгги билан Рой пиқиллаб йиғлайди. Тейлор хонимнинг кўзлари қизариб кетган. Табиийки, Бҳагвати ҳам йиғлайди. Ҳатто менинг кўзларим ёшга тўлган. Фақат бир одам ошхона девори ортида айёрона тиржайиб ўтирибди. У ҳам бўлса, Жай.

Ўша оқшом Жай Тейлорларнинг уйига ўғрилиққа тушади. У болалалар хонасига ҳам, ётоқхонага ҳам кирмасдан, тўғридан-тўғри хўжайиннинг офис ўрнида фойдаланувчи “ин”ига боради. Аввал у тармоқдаги электрни ўчиради. Кейин электрон панелни тешиб, электр арра билан кулфни кесади, темир панжарани четга суриб, ёғоч эшикни тешиб очади.

Тейлорлар қароргоҳидан келаётган қаттиқ шовқиндан уйғониб кетаман. Соат уч. Шошиб уй томонга югураман ва Жайнинг қилган ишларига гувоҳ бўламан. У хонада бошини деворга уриб бақирарди:

– Ярамаслар. Шоҳлардек яшайдилар, лекин уйда бир чака ҳам йўқ.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Миямда сигнал чалиниб кетади. Ишончим комилки, ер тагида илон қимирласа биладиган одам Жайнинг хиёнатидан ҳатто ўн минг миль узоқликда дафн маросимида туриб ҳам хабар топади. Кейин мени ҳам бу ишга шерик деб ўйлашмайдими?

– Жай, аҳмоқ, нима қилдингиз? – унга бакира кетаман.

– Бу ерга нима қилиш учун келган бўлсам, шуни қилдим. Мен профессионал ўғриман, Томас. Саккиз йилни Тихар қамоқхонасида ўтказганман. Шунча қаттиқ кўриқлагани учун ўша ҳароми Тейлор оилавий хазинасини шу ерда сақлайди деб ўйлардим. Аммо бу ерда сариқ чака ҳам йўқ. Олти ойлик меҳнатим бутунлай беҳуда кетди. Яхши, мен электрни қайта тиклайман, кейин кетаман. Дам олиш хонасидаги видео плеерни оляпман. Улар жуда майда нарсалар, лекин иккита қўлимни бурнимга тикиб чиқиб кетиш касбимга нисбатан ҳурматсизлик бўлади. Кетганимдан сўнг хонани тозалаб қўясан. Агар полицияни чақиргудек бўлсанг, пачоғингни чиқараман.

Жай кетганидан кейин хонага назар ташлайман. Хўжайиннинг “ин”и ғалати кўринишдаги гаджетлар билан тўлдириб ташланган экан: митти кунгабоқарга ўхшаш микрофонлар ва танасидан ажралган кўзлар шаклидаги кичик камералар. Рақамлар ва ҳарфларнинг маъносиз бирикмалари билан “Шифр” деб ёзилган тахтачалар бор. Аллақандай китоблар: “*Жосуслик санъати*”, “*Яхши контрагент учун керак бўлган бирламчи нарсалар*”, “*Ғалчалар учун жосуслик асослари*”. Яна “*Ўта махфий*” ва “*Ҳеч кимга кўрсатманг*” деган қайдлар бириктирилган қоғозлар, ҳар хил турдаги чизмалар, бирида “Илғор технологияли кема ядровий реактор дизайни” ва яна бирида “Сувости кемаси схемаси” деб ёзилган. Тортмада эса бир дунё кичик видеотасмалар бор. Мен алифбо тартибида жойлаштирилган тасмалардаги ёзувларга қарайман: “Ажай”, “Бҳагвати”, “Живан”, “Жонс”,



“Мэгги”, “МакГилл”, “Олий комиссар”, “Раж”, “Рамеш”, “Ребекка”, “Рой”, “Стюарт” ва “Томас”, “Шанги”. Иккинчи тортма ичига портатив видео плеер яширилган. Кўлларим титраб, исмим ёзилган тасмани чиқараман ва плеерга жойлаштираман. Экран ёниб, хонамдаги тасвирлар пайдо бўлади. Мен ўзимнинг тўшагимда ёнбошлаб ётганимни, кизил кундалигимга ёзаётганимни, Раму билан гаплашаётганимни, ухлаб ётганимни кўраман. Тасмада Шантарамнинг суратлари бор-йўқлигини билиш учун видеони сал тезлаштираман. Кейин Тейлор хонимнинг исми ёзилган тасмани кўяман. У каравотида ўтирибди. Бир киши яширинча кириб, уни кучади. Мен фақат уни орқа томондан кўраман. У уни узоқ ва қаттиқ ўпади. Тўсатдан эшик тақиллайди ва бояги одам ўгирилиб, кўзимга тик қарайди. Менинг кўркувдан деярли рангим оқариб кетади. Ахир бу – бош комиссар. Мен шоша-пиша тасмани олиб, видео плеерни ўчириб кўяман. Ҳатто бу хонада ҳам махфий камера ишлаётган бўлишидан хавотирланиб, бир неча дақиқа жим тураман. Кейин чуқур нафас оламан. Энди мен полковник Тейлор қандай қилиб ер тагида илон қимирласа биладиган одамга айланганини тушунаман. У бутун уйни ва, эҳтимол, бутун бошли комиссияни айғоқчиларча кузатган. У – жосус. Лекин мен “Жосус изидан” сериалидаги Стив Нолан эмасман. Мен ойига 1500 рупий оламан, бу пуллар йиғилиб, ҳозир ҳисобимга кўра 43,500 рупий бўлган. Ва мен уларнинг барчаси фақат кундалиқда қолишини хоҳламайман. Пулларимни ушлаб кўришни, тиниқ янги банкнотларнинг силлиқ юзасини ҳис қилишни истайман. Шунинг учун тилимни тия қоламан. Ва ҳар доим Соҳиб ва Мэмсоҳиб табассум қилса, табассум қилиб тураман.

Мен полковник Тейлорга қўнғироқ қиламан.

– Безовта қилганим учун узр, сэр, лекин уйда ўғрилиқ содир бўлди. Жай видео плеерни ўғирлаб кетди. У “ин”га ҳам бостириб кирган.

## *Харобадан чиққан миллионер*

– Нима?

– Ҳа, сэр. Афсусдаман, сэр.

– Томас, дарҳол “ин”ни кўриқлашингни сўрайман.

Бузилган кулфни олиб ташла, хонага киришинг шарт эмас, шунчаки эшикка бирон-бир кулфни кўй ва ҳеч кимнинг киришига йўл кўйма. Полицияга хабар қилиш керак эмас. Агар сигнал эшитилса, эшикдаги клавиатурадан 0007 ни босасан. Тушундингми? 0007. Шунда сигнал ўчади. Мен зудлик билан йўлга чиқаман ва эртага тушдан кейин Дехлида бўламан, лекин етиб боргунимча уйга ҳеч ким кирмаслигига ишонч ҳосил қилишингни хоҳлайман. Тушундингми?

– Ҳа, сэр.

Полковник Тейлор онасининг дафн маросимига ҳам қолмай, Дехлига қайтиб келади. Такси уйнинг олдида тўхташи билан уйга шошилади. У энгил тортгандек бўлади.

– Худоба шукур, хонадан ҳеч нарса ўғирланмабди. Яхши, Томас. Сенга ишониш мумкинлигини билардим.

\* \* \*

Кейинги олти ой ичида менинг ҳаётим аввалгидек яна ўша чуқурликка қайтади. Тихар қамоқхонасидан минг чақирим узоқда бўлган жойдан янги ошпаз ишга ёлланади. Бхагвати ўз оиласидаги тўйга деб машинани рухсатсиз олиб кетгани учун ишдан бўшатилади. Мэггининг янги йигити Жеймсни билиб қолиб, уни уйга киритмай кўйишади. Рой гиёҳванд модда қабул қилётганда қўлга тушади. Тейлор хоним эри билан совуқ гаплашишда давом этади. Полковник Тейлор, менимча, Живан Кумар билан хилват хиёбонларда ва кимсасиз автотураргоҳларда учрашиб туради.

\* \* \*

Мэгги билан Рой хонасида Скрэббл ўйнапти. Ўйинга мени ҳам таклиф қилишади. Ўйин давомида кўплаб янги сўзларни ўрганаман. Масалан, “муллажиринг”, “куруқланиш”, “уруғ”, “бўр”. Бундай ўйинларда доим Мэгги ютади. Унинг сўз бойлиги жуда яхши. У орамизда саккизта ҳарfli сўзларни топадиган ягона одам ва ҳатто бир марта тўққизта ҳарfli сўзни ҳам топган. Мен эса жуда нўноқман. “Бор”, “е”, “тур”, “куйла” каби сўзларни ясай оламан, холос. Ҳар-ҳар замон олтига ёки еттига ҳарfli сўзларни топаман, лекин барибир энг кам балл тўплайман. Баъзан Рой охирги ўринда қолмаслик учун мени учинчи ўйинчи сифатида таклиф қилса керак деб ўйлаб қоламан. Бугун менга тушган ҳарфлардан сўз ясаб бўлмасди. Кўплари Х, Ж, К, Л. Ўйин тугаш арафасида. Мэггида 203 балл, Ройда 175 балл, мен 104 балл тўплаганман. Қўлимда қолган охирги еттига ҳарфим Л, Н, Ж, У, С, К ва И. Мен “жун” ёки “лунж” сўзларини ясашни ўйлайман. Кейин Рой Мэггининг сўзларидан биридаги О ҳарфидан фойдаланиб, унга С ҳарфини қўшади ва “ос” сўзини ҳосил қилади. Мен эса дарров занжир қилиб, давом эттиришга киришаман. О ҳарфидан олдин Ж ҳарфини жойлаштираман, У, С, Л, И, К ҳарфларини С дан кейин жойлаштираман: “Жосуслик”. Бу жами ўн етти балл ва уни қизил катакчаларга қўйганим учун учга кўпайтирамиз, олтига катакчанинг ҳаммасидан фойдаланганим учун эллик балл қўшамиз. Жами 101 балл. Энди қалайсан, Мэгги?!

\* \* \*

Мен кун бўйи телефон олдида ўралашиб юрибман. Мэгги Жеймснинг кўнғироғини кутяпти ва у менга телефон гўшаги жиринглаганда “ин”даги отаси жавоб беришидан аввал кўтариш мени буюрган. Ва ниҳоят соат еттию ўн бешда телефон жиринглайди. Мен дарҳол

## Харобадан чиққан миллионер

гўшакни кўтараман. Аммо полковник Тейлор аллақачон мендан аввал жавоб беришга улгуради.

– Алло!

Нариги томондан кимнингдир чуқур нафас олгани эшитилади. Кейин Живан Кумарнинг овози эшитилади:

– Эртага, пайшанба куни, соат саккизда Ҳиндистон дарвозаси яқинидаги музқаймоқ дўконига учрашамиз. Динамит ҳақида айрим нарсаларнинг тагига етдим.

– Яхши, – дейди полковник Тейлор ва алоқа узилади.

Бироздан сўнг полковник меҳмонхонада кўлида пиво билан “Жосус изидан” сериалининг сўнгги қисмини томоша қилади. Бу сафар Стив Ноланнинг боши қотган. У коллежда бирга ўқиган, тўйида куёвжўра бўлиб ёнида турган энг яқин дўсти айғоқчи эканини аниқлайди ва бу уни жуда оғир аҳволга солиб қўяди. У нима қилишни билмай, барга бориб, виски ичиб ўтиради. Шунда ичкилик сотувчи унга: “Бу дунё ифлосгарчиликка тўлиб кетган, лекин биров уни тозалашга киришмаса, бутун мамлакат ахлат уюмига айланади”, деб айтади. Стив Нолан буни эшитиб, тетиклашади ва қизил “Ferrari”га ўтириб, жосуснинг уйига қараб ҳайдаб кетади. “Ўзинг яхши одамсан, лекин қилаётган ишинг ёмон, – дейди у дўстига чўнтагидан тўппончасини чиқараётиб. – Дўстлик қадрли, албатта. Аммо Ватан биринчи ўринда туради. Мени кечир”, – дейди ва дўстини отиб ўлдиради.

\* \* \*

Эртаси куни оқшом пайти соат ўнда уй олдига қизил чироқларини ёндириб полиция “Жип”и ва “Амбассадор” машинаси келади. Рамуни ҳибсга олган ўша инспектор полиция комиссари билан бирга машинадан тушади. Полковник Тейлор бардаги Стив Ноланга ўхшаб улар билан бирга келган. Ўн дақиқадан сўнг Олий комиссар ҳам хўмрайган ҳолда келади.

– Нима бўляпти? – сўрайди у полиция бошлиғидан. – Нега полковник Тейлорни персона нон грата<sup>11</sup> деб эълон қилишди? Ташқи ишлар вазирлиги қирқ саккиз соат ичида унинг мамлакатни тарк этишини сўрагани нимаси?

– Жаноби олийлари, бизда офицерингиз дипломатик мақомига тўғри келмайдиган ишлар билан шуғуллангани ҳақида далиллар мавжуд. Афсуски, у мамлакатни тарк этишига тўғри келади, – жавоб беради полиция бошлиғи.

– Аммо унга қандай айб қўйилган?

– Биз уни Мудофаа вазирлиги ходими бўлган Живан Кумар исмли одамдан нозик ва ўта махфий ҳужжатларни олаётганда қўлга туширдик.

Полковник Тейлорнинг ранги оқариб кетади. У “бу ярамас ҳиндлар менга тухмат қиляпти” демади. Фақат меҳмонхонанинг ўртасида бошини қуйи солганча туради.

Олий комиссар хўрсиниб қўяди.

– Айтишим керакки, узоқ муддатли фаолиятим давомида биринчи марта офицерларимдан бири персона нон грата деб эълон қилиниши. Агар Чарлз кетиши керак бўлса, албатта, кетади. Аммо гапимга ишонинг, Чарлз жосус эмас.

Кейин у полиция бошлиғини четга тортади.

– Жаноб Чопра, мен сизга йиллар давомида кўплаб “Black Label” вискисини юбориб турдим. Энди сиз ҳам менга илтифот кўрсатиб, бир саволимга жавоб бера оласизми?

– Албатта.

– Шунчаки ўзим учун билмоқчиман, холос. Чарлзнинг бугунги учрашуви ҳақида қаердан хабар топганингизни айта оласизми? Кумар сотиб қўйдими?

– Қизиқ савол бўлди-ку. Живан Кумар эмас, аксинча, сизнинг йигитларингиздан бири хабар қилди. Бугун

<sup>11</sup> Бирор давлатга дипломатик вакил этиб тайинланишига ўша давлат ҳукумати томонидан розилик берилмаган ёки ишонччи йўқотган ва қаҳриб олиниши лозим бўлган дипломатик вакил

## Харобадан чиққан миллионер

эргалаб инспектор Тягига кўнғирок килиб, полковник Тейлорнинг қандайдир махфий ҳужжатлар олаётганини тутиш учун саккизда Ҳиндистон дарвозасига боришни айтди.

– Ишонмайман. Унинг австралиялик эканини қаердан биласиз?

Инспектор Тяги олдинга бир қадам ташлади.

– Жаноб элчи, унинг лаҳжаси кимлигини сотиб кўйди. Кўнғирок қилган одам “Қалайсан оғайни, соат саккизга Ҳиндистон дарвозасига келгин”, деди. Фақат австралиялик одамгина шундай гапиради, тўғрими?

\* \* \*

Эртаси куни полковник Тейлор ёлғиз ўзи Қантас самолётида Дехлидан учиб кетади. Тейлор хоним ва болалар кейинроқ кетади. Мен ҳам Тейлорлар хонадонини тарк этяпман. Учта брелок, олтига футболка, ўттизта “Australian Geographic” журнали билан. Уларни кейинчалик кабариваллага сотиб юбораман. 52 рупий эвазига. Яп-янги қоғоз пуллар.

Мен Тейлорлар оиласи билан хайр-хўшлашаман. Ройни таниб бўлмайд қолган. Гиёҳванд моддага ўтириб қолганидан бери ақл-хуши жойида эмас. Мэггининг Жеймсдан бошқа дарди йўқ. Тейлор хоним ҳақида ташвишланмаса ҳам бўлади. Олий комиссар атрофида парвона. Менга келсак, Салимни кўргани Мумбайга кетяпман. Бу ажойиб, албатта.

\* \* \*

Смита соатига қарайди. Тунги соат бир ярим.

– Давом этишимни хоҳлайсизми? – деб сўрайман.

– Бошқа чорамиз борми? – жавоб беради у. – Улар эргага сизга қарши расмий айблов кўядилар.

У яна “Play” тугмасини босади.

\* \* \*

Бизда тижорий танаффус пайти. Прем Кумар ўз жойида.

– Биласанми нима, Томас, бу сафар омадинг чопмайди. Гаров боғлашим мумкинки, кейинги саволга тишинг ўтмайди. Қутқарув қайикларидан бирини ишлатишга тайёрланавер.

Кўрсатув мусиқаси янграйди. Прем Кумар мен томонга бурилади.

– Биз эндиликда бешинчи, яъни 50,000 рупийлик саволга ўтамиз. Савол дипломатия оламидан бўлади. Бир ҳукумат хорижлик дипломатни персона нон грата деб эълон қилиши нимани англатади?

А) дипломат тақдирланади

Б) дипломат визаси узайтирилади

В) дипломатга миннатдорчилик билдирилади

Г) дипломат ушбу мамлакат ҳудудига қабул қилинмайди.

Саволни тушундингизми, жаноб Томас?

– Ҳа, – жавоб бераман мен.

– Яхши, унда жавобингизни эшитайлик. Унутманг, сизда ҳали ҳам қутқарув қайиқлари бор. Сиз дўстингизга қўнғирок қилиб, ундан ёрдам олишингиз ёки 50/50 дан фойдаланиб, иккита хато вариантни чиқариб ташлашингиз мумкин. Нима дейсиз?

– Мен Д вариантни танлайман.

– Нима дедингиз?

– Жавоб Д. Дипломат мамлакат ҳудудига қабул қилинмайди.

– Бу тахминми? Унутманг, агар нотўғри жавоб берсангиз, ютиб олган 10,000 рупийни йўқотасиз. Шунинг учун, истасангиз, ҳозирок пулни олиб, ўйинни тарк этишингиз мумкин.

– Мен тўғри жавобни биламан. Бу – Д.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Мухлислар ўзаро шивирлашни бошлайди.

– Ишончингиз комилми?


– Ҳа.

Дўмбиралар овози эшитилади. Экранда тўғри жавоб пайдо бўлади.

– Мутлақо, 100 фоиз тўғри! Сиз ҳозиргина 50,000 рупий ютиб олдингиз! – деб қичкиради Прем Кумар. Мухлислар қарсак чала бошлайди. Прем Кумар пешонасидаги терларни артиб ташлайди. – Айтиш лозимки, бу ҳайратланарли ҳолат, – дейди у баланд овозда.

– Бу оқшом жаноб Томас чиндан ҳам ҳамма нарсани биладиган одамга ўхшамокда!





100,000

## Тугмага эҳтиёт бўлинг

– Бўлди, тугади, – дейман қисқа қилиб. – Бошқа виски йўқ. Бар ёпилди. Уйга жўнанглар.

– Йў-ў-ў-ўқ. Илтмос, бундай деманг, яна бир қад-даҳ. Охиргиси, – деб ялинади харидор бўш стаканни ушлаб.

Соатга қарайман. Ўн бештакам бир. Одатда, бар соат биргача ёпилмайди. Қошимни чимириб, бир шиша ромни оламан.

– Сиздан 100 рупий.

Мижоз кўйлагидан ғижимланган пулни чиқаради ва мен стаканни тўлдираман.

– Раҳма-а-ат, бармен, – дейди-да, ромдан бир култум ичиб, столга боши билан ағанайди.

Кўлидаги стакан полга тушиб, чил-чил бўлади. Сода солинган бутилкани ҳам тўкиб, ялпизли чатни<sup>1</sup> товоғини ағдариб юборади. Зум ўтмай ухлаб қолади. Энди мен

<sup>1</sup> Одатда, мевалардан, баъзида сабзавотлардан тайёрланадиган хиндча соус. Масаллиқ обдан қайнатилиб, суюқ масса ҳолатига келтирилади ва асосий овқат билан бирга тортилиб, иштаҳа очиш учун тановул қилинади.

## *Харобадан чиққан миллионер*

нафақат расвоси чиққан барни тозалашим, балки такси чақиришим, миждознинг юришига ёрдамлашишим ва бир амаллаб уни уйига жўнатишим керак. Ундан ичимлик учун олдиндан пул олишга ақлим етган бўлса ҳам, энди чой-чақа олиш ҳақида ўйламаганим маъкул.

Бу ахволга тушишимга балки ўзим айбдордирман. Миждоз исталган сонияда йиқилиб тушиши мумкинлиги ойдек равшан эди, лекин мен охиригисини кўтара олади, деб ўйлагандим. Одатдагидай, янглишибман.

“Жимми” ресторан-барида ишлаётганимга икки ой бўлганига қарамасдан, мен миждозларнинг ичиш қобилиятига тўғри баҳо бера олмайман. Шундай бўлсада, пиёнисталарни тоифаларга ажрата оладиган бўлганман. Рўйхатнинг биринчи ўрнида “отлар” туради. Улар нуткида ҳеч қандай ғўдранишларсиз саккиз пегни кўтариб юборади. Улардан кейин “эшаклар” келади. Улар 2-3 стакан ичгандан кейин бақиришни ёки ҳиссиётга берилиб, ёш боладай йиғлашни бошлайди. Учинчи ўринда “итлар” туради. Улар қанча кўп ичса, шунча кўп жанжаллашгиси келади. Баъзилари ҳатто бизнинг Рози билан ҳам ўчакишади. Кейинги ўринда “айиқлар” туради. Улар ичгандан кейин ухлаб қолади. Энг қуйи тоифани “чўчкалар” забт этган. Улар охириги култумдан кейин қайт қилишни бошлайди. Баъзида тоифалар орасидаги чегара осон бузилади. От бўлиб бошлаб, чўчкага ва итдан айиққа айланган миждозлар учраб туради. Шукурки, мана бу миждоз чўчка эмас, айиққа айланди.

Мен охириги пиёнистадан кутулиб, девордаги соатга қарайман. Бирдан ўн дақиқа ўтибди. Рози отаси билан Гоага дам олишга кетганидан бери мен деярли ҳар куни Дхаравидаги уйимга ярим тунда қайтадиган бўлдим. Бунга қисман ўзим айбдорман. Ичкиликларни аралаштиришни ва вискини пеглаб ўлчашни биламан, сода аралаштирилган кампари ва қонли мэрини ажрата оламан, деб бошлиққа

мактанишнинг нима кераги бор эди? Мана энди Альфред йўқлигида барменлик қиляпман.

Колабада жойлашган “Жимми” ресторан-бари деворларидаги ёзувнинг ранги ўчиб кетган, бар орти кўзгулари бор, ёғочдан ясалган мебеллари пишик ва Жанубий Мумбайдаги энг яхши менюга эга. Таомлари мазали ва нархлар арзонлиги сабаб барча тоифадаги миждозларни ўзига жалб қилади. Сиз юқори лавозимда ишлайдиган одамнинг фабрика ишчиси билан ёнма-ён ичиб ўтирганини кўришингиз мумкин. Бошлигимиз бизга миждозлар билан суҳбат қуришимизни тайинлаган, чунки яхши суҳбатдоши бўлса, одамлар кўпроқ ичар экан. Розининг отаси – бармен Альфред Д’Соуза миждозлар билан гаплашишни қойиллатади. У доимий ташриф буюрувчиларнинг исмини билади, улар билан бирга ўтириб, ҳикояларини соатлаб эшитиб, стаканларини мунтазам тўлдириб туради. Розининг ўзи ҳам бу борада устаси фарангга айланиб боряпти. У кўкраги сал очик кўйлак ҳамда калта юбка кийиб олади. Вақти-вақти билан пастга эгилади ва миждозларнинг эътиборини тортади. Шунингдек, уларни оддий ҳинд ичимликларидан кўра қиммат чет эл ичимликларини сотиб олишга ҳам ундайди. Баъзида тарбиясиз миждозлар билан муаммолар юзага келади. Бу пайт эса мен норасмий бар қоровули ролини ўйнашга мажбур бўламан.

Розининг отаси мен билан қизи ўртасида нимадир бор деб ўйлагани учун қизи атрофимда юрган пайт мендан умуман кўз узмайди. Бу борада у адашган. Розининг – ажойиб қиз. Бўйи паст бўлса-да, жозибатор. Менга қараб жилмайиши, кўз қисишига қараб у менга нимадир демоқчи эканини, қандайдир ишора қилаётганини сезаман, лекин менинг миям ҳозир бундай нарсаларни қабул қила олмайди. Фикру хаёлим фақат бир инсон билан банд: Нита. Аградаги шифокорлар Нитанинг жароҳатла-

## *Харобадан чиққан миллионер*

ри тузалиши учун камида 4 ой кераклигини айтганди. Бундан ташқари, Шаям менга икки дунёда ҳам у билан кўришишга рухсат бермайди. Шунинг учун мен Мумбайга қайтдим. Аграни бутунлай унутиш учун. Тирикларни ҳам, ўликларни ҳам. Аммо одам ўзидан қоча олмас экан. Ҳар қадамда хотираларим миямни чулғаб олади. Омадсиз астронавт Шантарам кўчада устимдан кулади, актриса Нилима Кумари маҳаллий поездда исмимни айтиб чақиради, дўстим Салим ҳар бир билборддан менга қараб туради. Мен Салим билан кўришмасликка қарор қилганман. Чунки у менинг телбанамо ҳаётим ва режаларимга ўралашиб қолишини истамайман.

Мен Мумбайнинг Дхарави деган бурчагида 100 фут квадрат келадиган нам, ҳеч қандай ёруғлик ва вентиляция бўлмаган, том ўрнига металл бўлаги қўйилган кулбада яшайман. Ҳар сафар поезд ўтганда том жуда қаттиқ силкинади. Ичимлик суви ва канализация ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Менинг қурбим етадиган ҳаёт шу, лекин ёлғиз эмасман. Бу ерда менга ўхшаган яна миллионлаб одамлар ҳайвондай яшаб, ҳашаротдай ўлим топади. Бутун мамлакатнинг турли томонидан келган камбағал муҳожирлар Осиёнинг энг катта харобаларида бир ҳовуч жаннат учун бир-бири билан курашади. Гоҳида бир неча сантиметр жой учун, гоҳида бир челак сув учун ҳар куни жанжал бўлади ва ўлимга олиб келадиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Дхарави аҳолиси чангга ботган Биҳар ва Юта, Тамилнаду ва Гужаратдан келади. Олтин шаҳардек кўринувчи Мумбайда улар бой бўлиш ва юқори-ўрта синф вакилидек яшашни орзу қилади. Бу олтин эса аллақачон кўрғошинга айланиб, юракларимизда занг, миямизда қорасон қолдириб кетган.

Дхаравида яшаш учун ҳеч нимадан жирканмасликни ўрганиш керак. Деҳлидаги болалар колонияси бизга қанчалар қадрсиз эканимизни кўрсатган бўлса, Дхаравининг ёқимсиз ва қашшоқ кўриниши бизни ер билан

битта килди. Унинг очик дренажлари чивинга тўлиб ётади. Бадбўй, нажас босиб ётган жамоат ҳожатхоналарида каламушлар кўплигидан сиз баъдингизга ураётган хид ҳақида ўйлаш ўрнига орқангизни ҳимоя қилиш билан овора бўласиз. Қайси бурчакка қараманг, уюм-уюм чиқиндиларни кўрасиз. Ахлат йиғувчилар ҳали ҳам уларни титкилаб, яроқли нарсани топишга муваффақ бўлади. Ва баъзида унинг тор, клаустрофобик йўлларида ўтаётганда нафасингизни ушлаб туришингизга тўғри келади. Шунга қарамасдан, Дхаравининг қорни оч аҳолиси бу ерни ўз уйи деб билади.

Мумбайнинг осмонўпар бинолари ва замонавий дўконлари орасида Дхарави худди саратон ўсмаси каби жойлашган. Шаҳар эса уни тан олишни истамайди. Шу сабаб бу жой қонунга хилоф деб эълон қилинган. Дхаравидаги барча уйлар ноқонуний ва уларни исталган пайт бузиб ташлашлари мумкин, лекин бу ерда яшовчи одамлар шунчаки тирик қолиш учун курашяпти, шунинг учун уларни бу масала умуман қизиқтирмайди. Улар ноқонуний уйда яшайди, электр, сувдан ноқонуний фойдаланади ва телевидениени ҳам ноқонуний томоша қилади. Улар ноқонуний дўкон ва заводларда ишлайди, ҳатто ноқонуний саёҳат қилади. Колониядан ўтадиган маҳаллий поездлардан чипта олмай фойдаланишади. Шаҳар Дхаравининг жирканчилигини эътиборсиз қолдиришни танлаган бўлса-да, саратонни шунчаки ноқонуний деб эълон қилиш орқали ўсишдан тўхтатиб бўлмайди. У барибир секин заҳарлашда давом этади.

Мен ҳар куни Дхаравидан “Жимми” ресторан-барига поездда қатнайман. У ерда ишлашнинг биттагина яхши томони шуки, ишга туш вақтига етиб борсам бўлди, барвақт келишим шарт эмас. Лекин тунни бутун шаҳардан келган пиёнисталарнинг ҳикояларини эшитиб ўтказишга мажбурман. Чиқарган хулосам шуки, одамнинг қандайлигини текширишда ичкилик роса қўл келар

## *Харобадан чиққан миллионер*

экан. Сиз хоҳ юқори лавозимда, хоҳ оддий ишда ишланг, фарқи йўқ, агар ичкиликни кўтара олмасангиз, шунчаки пиёнистасиз.

Шантарам билан содир бўлган оғриқли ҳолатдан сўнг мен ичкиликка тоқат қила олмасам керак деб ўйлагандим, лекин “Жимми” менга иш таклиф қилган ягона муассаса бўлди. Мен ўзимни виски ҳиди уйим яқинидаги ҳожатхона ҳидидан, пиёнисталарнинг ҳикоялари эса зўрлаш, ўлим ва касалликлар ҳақидаги кишини ларзага солувчи хабарлардан ёқимлироқ эканига ишонтирдим. Шундай қилиб, “Ҳмм”, “Йўғ-е?!”, “Қойил!” деб, сохта юз ифодалари қилишни ўргандим. Ҳикоялар кўпинча суюқоёқ хотинлар, ифлос бошлиқлар ҳақида бўлади. Бу жараёнда мен мижозни ичкиликка қўшимча равишда тузланган ёнғоқ ва қовурилган товук буюргма қилишига ундайман. КМЮО кўрсатуви ижодкорларидан ҳар куни мени викторинага таклиф қилишгани ҳақида хат кутаман, лекин почтальон ҳадеганда менга хат олиб келмагач, умидсизлана бошлайман.

Миямни омадсизлик ҳақида фикрлар чулғаб олади. Ахир мени Мумбайга етаклаб келган мақсадга эришиш ўз қўлимда эмасдек туюлади. Гўё мен оқимга қарши сузаяпман ва унга кучим етмайди. Шундан кейин қулоғим остида севгилим Нитанинг аччиқ йиғиси, Нилима Кумарининг хўнграши жаранглайди ва шундан сўнг иродам кучаяди. Мен ўша викторинага боришим шарт. Унгача эса пиёнисталарнинг ҳикояларини тинглашда давом этаман. Баъзилари яхши. Баъзилари ёмон. Баъзилари кулгили. Баъзилари қайғули. Яна бошқаси эса умуман ғалати.

Соат миллиари вақт алламаҳал бўлганини кўрсатади, лекин бардаги сўнгги мижоз кетишни хаёлига ҳам келтирмаяпти. У ҳайдовчисини “Mercedes”да қолдириб, соат 10 дан бери тинмай ичади, ҳозир эса бешинчи пегни ичяпти. Чиройли форма кийган ҳайдовчи машина ичида хуррак отиб ётибди. Эҳтимол, у бошлиғи хали-бери

чиқмаслигини билса керак. Мижоз яқиндагина 30 ёшни қоралаган, эгнига қора костюм, оёғига ялтироқ туфли кийган, бўйнига ипак бўйинбоғ тақиб олган.

– Акагинам, акажоним, – ҳар икки дақиқада так-рорлайди у.

Орада виски ичиб, кабоб ейди. Менежер менга унинг ёнига ўтиришни ва акаси ҳақида сўрашни буюради.

– Томас, сўра-чи, акасига нима бўлибди? Бояқишнинг аҳволи оғир эканини кўрмаяпсанми?

– Лекин... Менежер соҳиб, вақт ярим тундан ошиб кетди-ку. Биз унга кетишни айтганимиз маъқул, акс ҳолда, 12:30 даги поездга улгурмайман.

– Гап қайтарма, бўлмаса, жағингни уриб синдираман! Бор, унинг ёнига ўтириб, дардини эшит ва кечагина Шотландиядан келган вискига буюртма беришини тавсия қил. Ҳар ҳолда унинг “Mercedes”и бор экан.

Мен менежерга мактаб боласи безорига қарагандай тикиламан ва истамайгина барга қайтиб, мижозга яқинроқ ўтираман.

– Эҳ акажоним, аҳмоқ укангизни кечиринг, – деб хўнграйди у.

Сўнг яна кабоб чайнашга тушади. У ўзини эшакдек тутаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда эс-хуши жойида. Яна бир-икки қултумдан сўнг уни булбулдай сайратиш мумкин.

– Акангизга нима бўлди, жаноб?

Мижоз менга ярим очиқ кўзлари билан қараш учун бошини кўтаради.

– Нега сўраяпсан? Бу билан дардимни баттар кўзгайсан.

– Дардингизни айтсангиз, балки анча енгиллашарсиз.

– Йўк. Ҳеч нима ёрдам беролмайди. Ҳатто виски ҳам.

– Майли, акангиз ҳақида гапиргингиз келмаса, сўрамаганим бўлсин. Унда ўзингиз ҳақингизда гапира қолинг.

– Кимлигимни билмайсанми?

– Йўк, жаноб.

## Харобадан чиққан миллионер

– Исмим Пракаш Рао. “Сурия Индастрис” компаниясининг ижрочи директори бўламан. У – Ҳиндистондаги тугма ишлаб чиқарувчи энг йирик компания.

– Тугма?

– Ҳа, кўйлак, шим, пальто – умуман, барча кийимларда бўладиган тугмалар бор-ку. Шуларни биз ишлаб чиқарамиз. Биз турли хил хомашёдан турли хил тугмалар ясаймиз. Полиэфир куймаси, пластик, туя суяги, ёғоч ва тери каби хомашёлардан. Газеталарда рекламани ўқимаганмисан? “Кийим тугмаларидан тортиб тортмаларнинг тугмасига қадар кенг ассортиментдаги тугмаларни Суриядан топасиз”. Устингдаги кўйлакнинг тугмалари ҳам менинг компаниямда ишлаб чиқарилган.

– Акангиз-чи? Унинг исми нима?

– Акамми? Арвинд Рао. Бечора акам. Эҳ Арвинд.

У яна инграшни бошлайди.

– Арвиндга нима бўлди ўзи?

– У компания эгаси эди. Токи мен унинг ўрнини эгалламагунча.

– Нега ўрнини эгалладингиз? Келинг, сизга Шотландиядан келтирилган вискидан куйиб берай.

– Раҳмат, хушбўй экан. Маврикийнинг пойтахти Порт Луига асал ойини ўтказиш учун борганим эсимга тушиб кетди. Ўшанда биринчи марта мана шунақа виски ичгандим.

– Акангизнинг ўрнини эгаллаганингиз ҳақида гапирётгандингиз.

– Ҳа, айтганча, акам жуда яхши одам эди, лекин у телба бўлиб қолгандан сўнг мен унинг ўрнини эгаллашга мажбур бўлдим.

– Телба? Қандай қилиб? Ёнғоқдан олинг.

– Бунинг тарихи жуда узун.

Мен Розининг сўзларини ишлатдим:

– Тун эндигина кириб келди. Шиша эса ҳали тўла.



Сўзлашдан нима тўхтатиб турибди?

– Менга дўстсан-ку, тўғрими?

– Албатта, дўстингизман.

– Ундай бўлса, айтганим бўлсин. Кўриб турибсан, мастман. Одам ичганда доим ростини гапиради. Тўғрими?

– Тўғри.

– Акам, менинг жон акам Арвинд ажойиб бизнесмен эди. У компанияни нолдан қурган. Биз Ҳайдарободнинг эски бозори – Ладбозорда мунчоқлар сотардик. Чорминор яқинидаги бозор бор-ку. Акам мен ҳозир эгаллаб олган бизнес империясини узоқ муддат давомида қурганди.

– Сиз унга бунда ёрдам бергандирсиз ахир?

– Унчалик эмас. Мен омадсиз эдим. Ҳатто ўқишга ҳам кира олмагандим. Акам мени ўз қаноти остига олиб, ёнидан жой берди. Мен кўлимдан келганча, сидкидилдан ишладим ва акамнинг ишончи ҳам тобора ортиб борди. Охир-окибат у мени халқаро савдо бўлими раҳбари этиб тайинлади ва Нью-Йоркка жўнатди. У ерда бизнинг халқаро офис жойлашганди.

– Нью-Йорк! Зўр-ку!

– Ҳа, Нью-Йорк ажойиб жой, лекин иш оғир эди. Ҳар куни етказиб берувчилар билан учрашиш, буюртмаларни назорат қилиш, етказиб бериш вақтларини таъминлаш керак эди. Эрталабдан кечгача тиним билмасдим.

– Хўп, кейин нима бўлди? Озгина кутиб туринг, ҳозир яна кабоб олиб келаман.

– Раҳмат, дўстим. Мен Нью-Йоркда Жулияни учратдим.

– Жулия? Ким бўлди у?

– Унинг асл исми Эрзули Де Ронсерай эди, лекин ҳамма Жулия деб чакирарди. У қорачадан келган, жингалак сочли, сарвқомат аёл эди. Жулия биз ижарага олган офисда фаррош бўлиб ишларди. Аслида Гаитидан ноқонуний келган иммигрант эди. Гаити ҳақида эшитганмисан?

## Харобадан чиққан миллионер

– Йўк, қаерда у?  
– Кариб денгизида, кичкинагина оролча, Мексикага яқин.

– Хўп, сиз Жулияни учратдингиз, кейин-чи?

– Мен у билан тасофидан танишиб қолгандим. Бир куни АҚШ иммиграция хизмати унинг рухсатномасиз ишлаётганини билиб қолди. У ўзини менинг ходимим сифатида кўрсатишни ўтиниб сўради. Шунда у АҚШда доимий қоларди. Сахийлигим тутиб, унга ҳомийлик қилдим. Бунинг эвазига эса у менга ҳаётимдаги энг яхши оқшом, хурмат ва муҳаббатни туҳфа қилди. Ишонавер, мен мастман. Маст одам доим рост гапирди. Тўғрими?

– Тўғри, келинг яна бир қадах тўлдириб берсам. Виски ажойиб-ку ахир, тўғрими?

– Раҳмат, дўстим. Сен анча самимийсан. У менинг бошимни айлантирганди. Заиф томонларимдан фойдаланган, тушуняпсанми? Мен катта шаҳарда ёлғиз эркак эдим. Шундай қилиб, охир-оқибат мен унга уйландим.

– Шундан кейин сиз асал ойи учун Порт Луига бордингиз, шундайми?

– Шундай, лекин асал ойдан қайтганимдан сўнг Жулиянинг бошқа кирраларини кашф қилишни бошладим. Турмуш курганимиздан сўнг илк маротаба унинг уйига бордим. У ерда ғалати нарсалар жуда кўп эди. Ўсимлик солинган шишалар, қўғирчоқлар, турли хил шаклдаги тошлар ва ҳатто илон териси ҳам. Унинг Боссу исмли хунук қора мушуги ҳам бор эди. Жулиянинг бошқа кирраларини илк маротаба менга Бронкс кўчасида ўғри пичоқ билан хужум қилганда сезгандим. Омадим келиб, қочиб эплагандим, лекин қўлимга яхшигина жароҳат етказилганди. Жулия шифохонага боришимга рухсат бермади. Бунинг ўрнига у мени гиёҳлар билан даволади ва икки кун ўтиб, қўлимдаги жароҳатдан ҳатто чандик

хам қолмади. Кейинчалик у менга вуду коҳини эканини айтган.

– Вуду? Нима у?

– Сен сўрама, мен айтмай, дўстим. Вуду – Гаити аҳолиси эътикод қиладиган дин. Унга ишонувчилар loa деган рухларга сиғинишади ва коинотдаги жамики нарсалар ўзаро боғланган деб ҳисоблайди. Ҳамма нарса ўзаро таъсирда. Ҳеч нарса тасодиф эмас ва ҳар қандай нарса содир бўлиши мумкин. Шунинг учун вудуни биладиганлар ғаройиботларга қодир. Масалан, ўликларни ҳаётга қайтариш.

– Ҳазиллашяпсизми?

– Жиддий гапиряпман. Тирилган ўликлар зомбилар деб аталади. Айтдим-ку, мастман деб. Маст одам фақат ростини айтади. Шундайми?

– Шундай.

Мен ҳикояга қизиқиб қоламан. Унга ичимлик ва ёнғоқ сотишим кераклиги ҳаёлимдан кўтарилади.

– Жулия ҳаётимни остин-устун қилиб ташлади. Ўзи бир камбағал фаррош эди, лекин эндиликда жамиятнинг юқори қатламига киришни истаб қолди. Бой тадбиркорга эмас, бой тадбиркорнинг укасига турмушга чиққани ёдидан кўтарилганди. Унинг дарди пул эди. Мен унга истаганича пул беролмасдим, чунки пуллар меники эмасди. У компаниянинг, акамнинг пуллари эди. Вазиятни тушунтирганимдан кейин у мени ўғрилиққа ундай бошлади. Даставвал арзимаган чўнтак пулларидан бошланди. Аслида чақирилмаган такси учун пул олдим. Кейин иштаҳамиз катталашди. Мижоз берган пул ҳисоботда кўрсатилмади. Шартнома имзоланган, пул олдиндан олинган, лекин бош офисга жўнатилмай қолиб кетган. Вақт ўтиб, ўғирланган пуллар ярим миллион долларга етди. Шундан кейин Мумбайдаги акам буни сезиб қолди.

## Харобадан чиққан миллионер

– Эй Худо! Кейин нима бўлди?

– Нима деб ўйлайсан? Акам ғазаб отига минди. Агар у истаганда, мени полицияга топшириши мумкин эди, лекин мен унинг жигари эдим. Жазодан қутулиб қолмадим, албатта. У мени Америкадан ватанга, Ҳайдарободдаги кичкина офисга чақириб олди ва ўғирланган пулларнинг ҳеч бўлмаганда ярмини 20 йил ичида ойлигимдан тўлаб бориб қайтаришимни айтди. Мен бу шартларни қабул қилишдан хурсанд эдим. Қамокдан қутулганимга шукур қилаётгандим, лекин Жулия ғазаб отига минди. “Қандай қилиб ўз аканг сенга бундай муносабатда бўлиши мумкин? Компаниянинг ярми сенга тегишли. Ўз ҳаққингни талаб қилишинг керак”, деб мени гижгижларди. Вақт ўтиб, унинг гаплари ўз таъсирини кўрсатди. Арвинд ҳақидаги фикрим салбий томонга ўзгарди ва менга нисбатан адолатсизлик қилди, деб ҳисоблай бошладим. Бир куни Арвинд Ҳайдарободдаги офисимга келди. У яна ўғрилиқ бўлаётганига исбот топди ва ўзини бошқаролмай қолди. Жамоа олдида мени ҳақоратлаб, компаниядан ҳайдаш билан таҳдид қилди. Мен тамом бўлгандим. Буларни Жулияга айтдим ва унинг қаттиқ жаҳли чиқди. “Акангнинг эсини киритиб қўйиш вақти келди! – деди у менга. – Қасос олишга тайёрмисан?” Ҳа, деб жавоб бердим мен. “Яхши, унда менга акангнинг кийимларидан бир дона тугма ва соч толасини олиб кел”. “Қаердан оламан?” деб сўрасам, “Бу сенинг муаммонг”, деди. Эй, қадахни бўш қолдирибсан-ку, қуймайсанми?

Қадахни тўлдирман.

– Шундай қилиб, соч ва тугмани қандай қилиб қўлга киритдингиз?

– Оддий. Бир кунга Мумбайга унинг уйига меҳмонга бордим. Кирга ташлаган кийимларидан бирининг тугмасини олдим. Кейин эса у борадиган саргарошга пора бериб, кейинги сафар олинган сочидан озгинасини менга беришга кўндирдим. Мен унга бу сочлар Тирупатидаги

Худо Венкатешвара учун зарур деб айтдим. Шундай қилиб, бир ой ичида тугма ва соч толаларини Жулияга олиб бордим. Жулиянинг ундан кейин қилган ишлари шунчаки ҳайратланарли эди. У матодан ясалган, қора чизиклар тортилган эркак кўғирчоқни олди. Тугмани кўғирчоқнинг кўкрагига қалаб, сочларни бош қисмига санчиб қўйди. Кейин эса хўроз сўйди ва қонини товага ситиб чиқарди. Шундан сўнг у кўғирчоқнинг бошини хўроз қонига ботирди. Сўнгра кўғирчоқни ўз хонасига олиб кириб, ҳар хил гиёҳларни суртиб, ғалати тушунарсиз овозлар чиқара бошлади. Ниҳоят у қора тўғноғични олиб, “Вуду кўғирчоқ тайёр. Мен буни акангнинг руҳи билан боғладим. Кўғирчоққа нима қилсанг, Мумбайдаги аканг билан ҳам худди шу нарса юз беради. Масалан, агар кўғирчоқнинг бошига тўғноғични тиксам, акангнинг боши оғришни бошлайди. Тугмани қаттиқроқ боссам, кўкрагида кучли оғриқ уйғонади. Мана, синаб кўр”, деди. Мен ҳазиллашяпти деб ўйладим ва кўғирчоққа қадалган тугмани босдим. Икки соатдан кейин Мумбайдан кўнғироқ бўлди ва Арвинд юрак хуружини бошдан ўтказганини, ҳозир касалхонада эканини айтишди.

– Ё Худо! Қойил! – деб бақириб юбораман мен.

– Ҳа. Энди менинг қай даражада лол қолганимни тасаввур қилавер. Арвинд юрак хуружини бошдан ўтказганидан эмас, Жулия ростдан ҳам вуду кўғирчоқ билан сеҳр қилганидан эсимни йўқотдим. Икки ой давомида кўғирчоқ мен учун сирли ўйинчоққа айланди. Унинг ёрдамида акамдан бор алаимини олардим. Уни азоблаш мени хурсанд қиларди. Бу мен учун ўзгача кўнгилочар машғулотга айланди. Кўғирчоқни Мумбайга олиб бориб, акамнинг ёнида ундан фойдаланардим ва азобланишини роҳат билан кузатардим. Вақт ўтиб, кўғирчоқни бошқалар олдида ҳам ишлатишни бошладим. Бир сафар уни ўзим билан беш юлдузли меҳмонхонага олиб бордим. У ерда Арвинд япон ҳамкорларини меҳмон

## Харобадан чиққан миллионер

қилаётганди. Мен атайлаб бурчакка ўтириб олдим. Акам сўзлаётганди. “Ҳа, Жаноб Ҳарада. Биз Японияда филиал очишни режа қиялпмиз, лекин Ниппон тугма компанияси берган жавоблар ижобий эмас. Биз...” Тўсатдан мен кўғирчоқнинг бошини қисдим ва акам бошини ушлаб, бақира бошлади. Чет эллик ҳамкорлар кечки овқатга қолмай, бизни тарк этишди. Ўша куни жуда кўпчилик менга Арвинд аста-секин ақлдан озаётганидан афсусда эканини билдирди. Акам энг яхши тадбиркор совринини олиши керак бўлган кунда ҳам кўғирчоқдан фойдаландим. Бу пайт Арвинд кўлида соврин билан нутқ сўзлаётганди. “Қадрдонлар, кўлимда ушбу гўзал совринни ушлаб турганимдан бағоят бахтиёрман. Бутун ҳаётим давомида бир шиорга амал қилганман. Қаттиқ меҳнат ва аааааааааааааа!” Соврин кўлидан тушиб кетиб, чилпарчин бўлди. Арвинд докторга борди, лекин текширувлардан ҳеч қандай натижа бўлмади. Доктор унга психиатрга боришни маслаҳат берди. Ва ниҳоят мен кўғирчоқни акциядорлар мажлисига олиб бордим. Арвинд ҳисобот бераётганди. “Ҳурматли акциядорлар, сўнгги чорақда компания сезиларли ўсиш кўрсатганини маълум қилишдан мамнунман. Аааааййийй”. Шундан сўнг компания акциядорлари унинг истеъфосини талаб қилишди. Унга бир ҳафта ичида лавозимдан кетишни айтишди. Мен янги ижрочи директорга айландим, акам руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштирилди ва у ерда икки йил давомида касал ҳолатда қолди. Бу орада мен мисли кўрилмаган даражада бойликка эришдим. Жулия ҳам истаган ҳамма нарсасини қўлга киритганди. У ота-онаси ва қариндошларини Мумбайга чақирди. Мен ҳам тўхтаб қолмадим. Ҳаётимни ўзгартиришни бошладим ва кейин Жотснани учратдим.

- Ким у?
- Расмий жиҳатдан у менинг янги котибам, лекин, аслини олганда, у бундан-да яқинроқ. У – менинг

сирдошим, Жулиянинг умуман тескариси. У билан ўхшаш томонларимиз жуда кўп, Жулия чет эллик бўлгани учун умуман бошқа-бошқа дунёмиз. Айнан Жотсна менга акамга нисбатан адолатсизлик қилганимни тушунишга ёрдам берди. Мен Арвиндни рухий касалликлар шифохонасидан олиб чиқишга қарор қилдим.

– Олиб чиқолдингизми?

– Йўқ, кеч бўлганди. Жиннихонада унга электрошок беравериб, роса қийнашибди. Икки ҳафта олдин у вафот этибди.

– Нима?

– Ҳа, бояқиш акам энди йўқ, – деб увиллайди у. – У ўлди.

(Кўллари билан бошини ушлайди). – Уни мен ўлдирдим.

Жаноб Рао кўз ўнгимда “эшак”дан “ит”га айланаётганди.

– Ифлос Жулия ҳали бу қилмиши учун жавоб беради. Унинг семиз онаси ва текинхўр акасини уйдан ташқарига улоқтираман. Ярамас мушугини ўлдираман ва Жулияни Мумбайдан қувиб соламан. Гаитисига бориб дўзахда ёнсин.

– Буни қандай амалга оширмақчисиз?

У бироз ўйланиб қолади.

– Сен менинг дўстимсан ва мен мастман. Маст одам доим рост сўзлайди. Мен аллақачон ҳукукшуносга учрашиб, ажрашиш учун ҳужжатларни тайёрлаб қўйганман. Жулия шартларни қабул қилса, ҳаммаси тинч ўтади, лекин ундай бўлмаса, менда бошқа режа ҳам бор.

У чўнтагидан кичкина револьвер чиқаради. Револьвернинг металл юзаси силлиқ ва ялтирайди.

– Мана бу гўзалликни қара. Мен бу билан унинг миясидан дарча очиб қўяман. Кейин Жотснага уйланаман. Сен менинг дўстимсан. Мен мастман. Маст одам доим... ааааааааааааа!

## Харобадан чиққан миллионер

У тўсатдан талвасага тушиб, юрагини ушлайди, столга юзи билан йиқилиб, виски ва ёнғоқларни тўкиб юборади. Мен яна чойчақадан қуруқ қолганга ўхшайман.

Бир ярим соат ўтиб, полиция етиб келади. Унинг ортидан тез ёрдам ҳам келади ва оқ халат кийган шифокор Пракаш Раонинг юрак хуружидан вафот этганини маълум қилади. Марҳумнинг чўнтаклари ковланиб, пул тўла ҳамён, чиройли ҳинд қизининг сурати ва “ажрим” деган ёзуви бор қоғоз топилади. Ҳеч қандай қурол топа олишмайди. Ўликларга қурол ўзи керак эмас.

\* \* \*

Смита менга ҳайрат тўла кўзлар билан қараб турибди.

– Менинг бу сафсатага ишонишимни кутмаётгандирсиз.

– Мен ўзимдан ҳеч нарса қўшмадим. Пракаш Рао нима деган бўлса, шуни айтдим.

– Бунинг ҳаммаси ёлғон экани аниқ-ку.

– Ҳозирги кунда ҳақиқат чўпчакдан ишонарсизрок.

– Мен Рао қанақадир вуду кўғирчоқ орқали ўлдирилганини ақлимга сиғдирилмаяпман. Ҳаммасини ўзингиз тўкиб чиқарган бўлсангиз керак.

– Майли, ҳикояга ишонмасангиз, ишонманг, лекин кейинги саволга берган жавобимни қандай изоҳлайсиз?

Смита видеони ёқади.

Прем Кумар ўз жойида.

– Хонимлар ва жаноблар, биз кейинги саволга ўтамиз. Бу саволнинг рақами олти ва унинг қиймати 100,000 рупий, яъни 1 лак. Бу телевикториналарда ўйналадиган энг сеvimли саволлар туркумидан. Ҳа, мен давлатлар ва пойтахтлар ҳақида гапиряпман. Масалан, сиз Ҳиндистон пойтахти қаер эканини биласизми?

Мухлислар кулишни бошлайди. Улар официант ватанининг пойтахтини билмаса ҳам ажабланмайди.



- Нью-Дехли.
- Жуда яхши, АҚШнинг пойтахти каер?
- Нью-Йорк.

Прем Кумар кулиб юборади.

- Нотўғри. Майли, Франция пойтахтини биласизми?

- Билмайман.
- Японияники-чи?

- Билмайман.

- Италияники-чи, Италиянинг пойтахтини биласизми?

- Йўқ.

- Унда навбатдаги саволга кутқарув қайикларидан фойдаланмай туриб, жавоб топа олмасангиз керак. Демак, олтинчи савол. Папуа Янги Гвинеянинг пойтахти каер?

А) Порт Луи

Б) Порт-о-Пренс

В) Порт Морсби

Г) Порт Аделаида

Мусика жаранглашни бошлайди.

- Ҳеч бўлмаса, тахминингиз борми, жаноб Томас?

- Ҳа, мен нотўғри жавобларни биламан.

- Йў-ў-ғе? – дейди Прем Кумар хайратга тушиб.

Залдагилар ўзаро пичирлашишни бошлайди.

- Ҳа, жавоб Порт-о-Пренс эмас, чунки у Гаитининг пойтахти, Порт Луи эса Маврикийнинг пойтахти. Порт Аделаида ҳам эмас, чунки Аделаида Австралияда жойлашган. Шунинг учун жавоб В) Порт Морсби бўлиши керак.

- Ишончингиз комилми?

- Ҳа.

Дўмбиралар овози эшитилади ва экранда тўғри жавоб пайдо бўлади.

- Жавоб 100 фоиз тўғри! Бу Порт Морсби эди. Жаноб Томас, сиз ҳозиргина 100,000 рупий ютиб олдингиз! Энди

## *Харобадан чиққан миллионер*

сиз *лакпатисиз*<sup>2</sup>! – деб эълон қилади Прем Кумар.

Ҳамма қичкириб, қарсак чалишни бошлайди. Прем Кумар пешонасидаги терни артиб ташлайди.

– Онт ичиб айтаманки, сизнинг жавоб топиш усулингиз мўъжизанинг ўзи.

Смита кулади.


– Ҳеч қандай мўъжиза эмас, аҳмоқ, – дейди у экрандаги Прем Кумарга. – Бу вуду!

Тўсатдан унинг нигоҳи ётоқхона гиламида ётган бир нарсага тушади. Эгилиб, уни олади. Тўртта тешикчали кичкина тугмача экан. Кўйлақларга қадаладиган. Учинчи тешиги йўқ. У тугмачани менга узатади.

– Ушланг, лекин эҳтиёт бўлинг.

---

<sup>2</sup> Бир лак (100 минг рупий) пули бор одам.



200,000

## Ғарбий экспресдаги ҚОТИЛЛИК

Янги Дехлиннинг Пахарганж темир йўл бекати одамлар билан тўлган. Кулранг йўлакларда ок чироклар нур сочиб турибди. Поезд оппок тутун чиқариб, сабрсиз буқадай пишқирмоқда.

Худди шундай жойда мени топмоқчи бўлсангиз, қаерга қараган бўлардингиз. Сиз катта эҳтимол билан бетон йўлакка чизилиб олган ўнлаб уйқусираб турган болалардан бошлардингиз. Ёки бўлмаса, мени поезд хожатхонасидан олинган сувни Ҳимолай шифобахш суви деб сотувчилардан бири сифатида тасаввур қиларсиз. Ундай бўлмаса, узун супургиси бор, кийимлари кир фаррош деб ўйларсиз. Балки қизил мундир кийиб олган юк ташувчидирман сиз учун.

Яхшироқ ўйлаб кўринг, чунки мен на фаррош, на ҳаммолман. Бугун мен Мумбайга кетаётган ҳақиқий йўловчиман, ухлаш учун шароитлар яратилган жойдаман. Мен 100 фоиз пахтадан тайёрланган кўйлак ва Леви жинсиларини кийиб олганман. Ҳа, худди ўша Леви

## Харобадан чиққан миллионер

жинсилари, Тибет бозоридан олинган. Мен онгли равишда бешинчи рақамли платформага кетяпман. Ёнимда бошида жомадон кўтариб олган ҳаммол бор. Уни мен ёллаганман ва бошидаги жомадон ҳам меники. Унинг ичида 3-4 та кийим, эски ўйинчоқлар, “Australian Geographic” журналлари ва Салим учун видеоўйинлар бор. Аммо унга умуман пул солинмаган. Мен поезддаги ўғрилиқлар ҳақида кўп марта эшитгандим ва ҳаётимдаги энг муҳим юк – Тейлорлар берган маошни олдириб қўйишни ис-тамасдим. Минг рупийлик купюрадан элликта солинган конверт ҳеч ким кўрмайдиган жойга яширилган. Ички кийимимга. Қолган икки минг рупийни сафар харажатлари учун сарфладим. Кийимларим, чиптам, Салим учун ўйин сотиб олдим ва энди ҳаммолга ҳақ тўлаб, ўзимга овқат ва ичимлик ҳам сотиб оламан. Чўнтагимда қолган пулларга қарадим. Бандрадан Салимнинг Гҳаткопардаги уйигача рикша чақирришга етарли пул бор эди. Салимни маҳаллий поезддан кўра уч оёқли машина ҳайрон қолдирмайдими ахир? У ўйинни кўрганда хушидан кетиб қолмайди деб умид қиламан.

Бешинчи платформада одам бозордагидан ҳам кўпроқ экан. Сотувчилар давлат биносидан чиққан рекламачилардай чиқиб олган. Йўловчилар имтиҳон жавобларини текширгандаги каби атрофдан ўз исмини излайди. Темир йўл маъмурияти исм-шарифимни тамо-ман ўзгартириб, Т.М.Рам деб ёзиб қўйибди. Шунга қара-масдан, менга еттинчи купедаги пастдан учинчи жойни беришганидан хурсандман.

Жой деярли поезднинг охирида экан, юк ташувчим терга ботиб кетди. Мен эшик олдидаги жойимга ўтира-ман ва жомадонни пастга жойлаштираман. Ҳаммолга 20 рупий бераман. У йўл узоқлигини ишора қилиб, кўпроқ пул сўрайди. Мен яна 2 рупий кўшаман. Уни рози қилган-дан кейин атрофимга назар соламан. Купеда олтита ётоқ бор экан. Битгаси тепамда, иккитаси қаршимда ва яна

иккитаси ён томонимда. Менга қарама-қарши томонга тўрт кишидан иборат оила жойлашган. Эркак, аёл ва иккита фарзанд. Бири мен билан тенг ўғил бола ва ундан сал каттароғи қиз. Эркак кўринишидан ўрта ёшли. Эгнига қора кийим кийган. Марварлик тадбиркор. Қошлари қалин, мўйлови қаламда чизилгандек, юз ифодаси эса анчайин жиддий. Аёли ҳам ўрта ёшларда ва юзи эриникига ўхшаш. Эгнига яшил сари билан сариқ блузка кийиб олган. Ҳар-хар замон менга шубҳа билан қараб кўяди. Ўғли новча ва кўринишидан кўнгли очиқ, лекин эътиборимни дераза олдида ўтирган нозик ва гўзал қиз оҳанрабодай тортади. У устига нафис хаворанг шалвар камиз кийган, кўксини чунни<sup>1</sup> ёпиб турибди. Сурма тортилган маъноли кўзлари одамнинг ақлини ўғирлашга қодир. Кўркида бир дона ҳам нуқсон йўқ, лаблари нафис. Узоқ вақтдан бери бу қадар чиройли аёлни кўрмагандим. Унга бир марта қараш етарли эмас, қалб иккинчи бор кўришни истайди. Кейин учинчи бор. Унинг кўзларига қараб, ўзимни унутаёзишимга оз қолади. Аммо шу пайт баланд овозда йиғлашни бошлаган чақалоқ хаёлларимни чалғитиб юборади. Кўшни ўриндиқда ўтирган чақалоқ ўғил бола экан, онасининг тиззасида ўтирибди. Онаси ёш, ғижим қизил сари кийиб олган латофатсиз аёл. Чамамда, у сафарга ёлғиз чиққан. Боласининг оғзига сўрғич солиб, тинчлантиришга ҳаракат қилади, бироқ чақалоқ йиғидан тўхтамайди. Ҳеч нарса иш бермагач, у чақалокка кўкрагини тутиб, эмиза бошлайди.

Купега чой ташувчи киради. Биргина мен чой сўрайман. Сотувчи сопол идишга куйиб берган илиқ чойдан лой таъми келади. Унинг ортидан газета сотувчи киради. Бизнесмен “Times of India”дан бир нусха сотиб олади, унинг ўғли эса Арчи комиксини олади. Мен “Starburst” журналининг охириг сонини маъқул кўраман.

Поезд сўнгги марта кўнғироқ чалади ва жадвалдан бир ярим соат орқада қолиб, ҳаракатланишни бошлайди.

<sup>1</sup> Катта шол рўмол.

## Харобадан чиққан миллионер

Швайтформанинг электрон соатида 18:30 кўриниб турган бўлса-да, кўл соатимга қарайман. Вагондагилар, айниқса, ҳалиги қиз Японияда ишлаб чиқарилган янги Касио соатимни кўриши учун билагимни силкитаман. Ахир бу соатни Палика бозоридан нақ 200 рупийга олганман.

Бизнесмен газета ўқишга, ўғли комикс томоша қилишга киришади, аёли эса кечки овқатни ташкил қилиш тараддудига тушади. Кўшни ётоқдаги чақалоқ эмизаётган она эса уйқуга кетади, лекин бола ҳали ҳам эмишдан тўхтамайди. Мен ўзимни журнал ўқиётгандай кўрсатаман. Журнал ўртасини очдим, унда ҳозирда юлдуз бўлган Пунам Синкхнинг расми чиққан, лекин бу менга заррача қизиқ эмас. Хаёлим ойна олдида ўтириб, ташқаридаги манзарани томоша қилиб кетаётган ўша қизда. У эса менга қиё ҳам боқмайди.

Соат 8 бўлганда назоратчи хонага кириб келади. У биздан чипталарни кўрсатишимизни сўрайди. Мен ғурур билан ўзимникини кўрсатаман, у эса ҳатто ўқимасдан бир четини йиртиб, қайтариб беради. У кетиши билан аёл овқат солинган қутини очади. Бир дунё овқат бор экан ўзиям. Картошка, пури<sup>2</sup> нонлари, тузланган бодринглар ва ширинликларга кўзим тушади. Уйда тайёрланган гулаб жамунлар<sup>3</sup> ва барфилар<sup>4</sup> иси иштаҳани китиклашни бошлайди. Менинг ҳам қорним очади, лекин официант ҳали кечки овқат учун буюртма олишга келмади. Балки бекатдан нимадир олишим керакмиди?!

Марварлик оила маза қилиб овқатланади. Отаси кетма-кет пури ейди. Хотин тилладек товланиб пишган картопканинг пўстини арчиб, ҳар бир тишламдан сўнг серсув тузли бодрингдан оғзига солади. Ўғил эса ширинликка ўтиб, ҳатто қиёмидан ҳам симиради.

<sup>2</sup> Қовуриб пишириладиган нон.

<sup>3</sup> Ҳинд ошхонасининг миллий таоми. Қуритилган сут ва унни қовуриб тайёрланадиган ширин шарчалар. Шакарли қиём билан бирга тортилади.

<sup>4</sup> Сут билан ёнғоқдан тайёрланган ширинлик

Фақатгина қиз номига нимадир егандек бўлади. Мен жимгина лабларимни ялайман. Таажжубки, болакай менга пури таклиф қилади, мен эса одоб билан рад этаман. Мен ўзини йўловчидай кўрсатиб, ёнидаги саёхатчиларга заҳарланган овқат бериб, кейин пулини ўмарган ўғрилар ҳақида кўп эшитганман. Арчи ўқийдиган болалар ўғри эмаслигига ҳеч қандай қафолат йўқ. Агар ўша пурини опаси таклиф қилганда, балки олишим мумкин эди, йўқ, албатта, олардим.

Овқатлангандан кейин опа-ука монополия ўйнашни бошлайди. Ота-онаси эса чеккада ғийбатлашиб ўтиради. Улар телевизорда кўрган сериалларини муҳокама қилади. Яна Гоага бориш ва кўчмас мулк сотиб олиш ҳақида ҳам нимадир дейишади. Мен қорнимни секин силайман. Ички кийимимнинг белбоғига қистирилган эллик минг рупийга тегар эканман, ўша пулнинг қудрати маккорлик билан ошқозоним, ичакларим, жигарим, ўпкам, юрагим ва миямга сизиб кираётганини ҳис қиламан. Ошқозонимни кемираётган очлик сирли тарзда ғойиб бўлади.

Олдимда ўтирган ўртаҳол оилага қараб, ортиқ ўзимни ноқис сезмаяпман. Мен уларнинг экзотик оламига мўралаётган ташқаридаги одам эмас, балки уларнинг тилида сўзлай оладиган, уларга тенг бўлган одамман энди. Мен ҳам энди телевизор кўра оламан, Нинтендо ўйнай оламан ва дам олиш кунлари қиммат дўконга бора оламан.

Поезддаги саёхатлар янги имкониятларга етаклайди. Ҳаётингда ўзгаришлар ясайди. Манзилга етиб борганинда, ортиқ йўлга чиққан пайтингдаги инсон каби бўлмайсан. Йўлда янги дўстлар орттириш ёки эски душманларни топиш мумкин. Сомса еб, ичбуруғ бўлиш ёки эскирган сув ичиб, безгак орттириш ҳам мумкин. Ҳатто муҳаббатингни учратиш ҳам мумкин. 2926А поездининг 7-купесидаги 3-жойда ички кийимимга 50 минг рупий солинган ҳолда ўтириб, мен билан бир купеда ўтирган мовий шалвар камиз кийган нотаниш қизни севиб қолаётгандекман. Мен севги

## *Харобадан чиққан миллионер*

деганда кино юлдузлари ёки таниқли шахсларга нисбатан бўладиган жавобсиз севгини эмас, балки ҳақиқий, жавоб олиш имкони бор, эришса бўладиган севгини назарда тутяпман. Ёстиқ кучоклаб йиғлаш билан ниҳоясига етадиган эмас, балки турмушга айланиши мумкин бўлган севги. Фарзандлар дунёга келтирадиган севги. Оилавий Гоага дам олгани боришга ундайдиган севги.

Менинг ёнимда 50 минг рупий бор эди, лекин ўзимни эллик миллиони бордек сезардим. Нафасимни ушлаб турдим, чунки бу лаҳза имкон қадар узоқроқ давом этишини хоҳлардим. Ҳарқалай, уйғоқ ҳолда кўрилган туш уйқуда кўрилганидан ўткинчирик бўлади.

Бироз ўтиб, опа-ука ўйиндан зерикишади. Укаси менинг ёнимга ўтиради ва биз суҳбатлашамиз. Унинг исми Акшай, опасининг исми эса Минакши эканини билиб оламан. Улар Дехлида яшаркан, Мумбайга тоғасининг тўйига кетишаётган экан. Акшай компьютер ўйинларига, айниқса, плейстейшен 2 га жуда қизиқар экан. У мендан МТВ, интернет ва порнографик сайтлар ҳақида сўрайди. Унга инглиз тилини билишим, “Australian Geographic” журналини ўқишим, еттита севгилим борлиги ва уларнинг учтаси чет эллик эканини айтаман. Яна менда плейстейшен 3 ва Пентиум 5 процессорли компьютерим борлигини, интернетда туну кун ўтиришимни айтаман. Мумбайга энг яқин дўстим Салимни кўришга кетаётганим ва Бандрадан Гхаткопарга таксида кетишимни айтиб мақтанаман.

Аммо 16 ёшли болани 6 ёшлини алдагандай алдаш мумкин эмаслигини ҳисобга олмайман. Акшай мени биттада фош қилади.

– Компьютер ҳақида балони ҳам билмайсан! Плейстейшен 3 ҳали чиқарилмаган. Сен кип-қизил алдоқчи экансан, – дейди у менга.

Мен таслим бўлмайман.

– Бунинг ҳаммаси ёлғон деб ўйлаяпсанми, ҳех? Жаноб Акшай, масалан, ҳозир ёнимда 50 минг рупий бор.



Умрингда шунча пулни кўрганмисан?

Акшай ишонгиси келмайди. У мендан пулни кўрсатишимни сўрайди. Мен эса тезроқ уни лол қолдиргим келади. Дарров ўтириламан ва иштонимнинг ичига кўлимни тикиб, пул солинган ва бироз ҳидланган конвертни чиқараман. Ундан 50 минг рупийни олиб, болага ғолибона қарайман. Кейин пулни тезгина қайтариб соламан ва конвертни аввалги жойига қўяман.

Эҳ, Акшайнинг кўзларини кўрганингизда эди. Нақ косасидан чиқиб кетади деди. Бу мен учун бир умрга татийдиган ғалаба бўлди. Ҳаётимда илк марта менга қараган кўзларда нимадир акс этганини кўрдим: ҳурмат. Бу менга муҳим сабоқни ўргатди. Яъни орзулар фақат ўзингнинг онгинга ҳукмронлик қилади, лекин пул билан бошқаларнинг онгига ҳам ҳукмрон бўлиш мумкин экан. Яна бир маротаба 50 минг рупий билан мен ўзимни худди эллик миллион пули бордек ҳис қилдим.

\* \* \*

Соат тунги ўн. Ҳамма чироқни ўчиришга тайёрланыпти. Акшайнинг онаси оиласи учун жой тайёрламоқда. Нариги томондаги ёш она эса кўрпа ва ёстиқ ҳақида ўйламасдан ухлашда давом этапти. Менда кўрпа-тўшак йўқ, уйқум ҳам келмаяпти. Дераза ёнида ўтириб, юзимга урилаётган шабададан завқ олиб, туннелдаги қоронғиликни томоша қиляпман. Тўғримдаги жойда Акшайнинг онаси, ундан юқорида унинг опаси жойлашган. Акшайнинг отаси тепамдаги жойга чиқади, ўғли эса чақалоғи бор онанинг тепасидаги жойга ётади.

Отаси зум ўтмай ухлаб қолади – унинг хуррак отиши эшитилади. Онаси эса ёнбошлаб ётади ва устига кўрпасини тортади. Тепага қараб, Минакши менга назар солармикан деб кутаман, лекин менга фақат унинг билагузук тақилган ўнг қўли кўринади, холос. Тўсатдан у ўрнидан туради ва оёқ кийимини ерга тушириш учун мен томон эгилади.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Шунда қараб турганимни сезади, шекилли, менга олайиб қарайди.

Бироз ўтиб, мен ҳам уйкуга кетаман. Ўрта синф одамларидай тушимга миллион хил нарсани сотиб олиш, жумладан, қизил “Ferga” ҳамда мовий шалвар камиз кийган чиройли келин олганим киради. Ҳаммаси 50 минг рупийга.

\* \* \*

Қорнимга нимадир ниқталаётнини сезиб, уйғониб кетаман. Кўзимни очсам, қалин мўйловли киши мени таёқ билан туртаётган экан. Мени таёқ эмас, унинг ўнг кўлидаги тўппонча ташвишлантиради.

– Бу талончилик, – дейди у худди “Бугун чоршанба” дегандай хотиржам оҳангда.

У оқ кўйлак ва қора шалвар кийиб олган. Сочлари узун. У ёш, кўчада аёлларга тегажоғлик қиладиган йигит ёки коллеж талабасига ўхшайди. Аммо мен талончиларни фақат киноларда кўрганман. Балки улар чиндан ҳам коллеж талабаларига ўхшар.

– Қани, ҳаммангиз жойларингиздан секин пастга тушинглар. Агар ҳеч ким ўзидан қахрамон ясамаса, ҳеч кимга зарар етмайди. Қочишдан фойда йўқ. Эшик олдида шеригим турибди. Агар гапимга кирсангиз, ҳаммаси 10 дақиқада тугайди.

Акшай, Минакши ва уларнинг отаси у айтгандай пастга тушади. Улар уйқусираган ва ҳеч нарсани тушунмаётганди. Ўзи тун ярмида уйғонганингда миянг атрофда юз бераётган ҳодисаларга жавоб қайтариши учун вақт керак бўлади.

Биз ҳаммамиз пастки ўриндиқларда ўтирибмиз. Акшай билан отаси менинг ёнимда, Минакши, онаси ва ҳалиги чақалоқли ёш она рўпарамиздаги ўринда. Чақалоқ яна ғингшиб, йиғлашни бошлайди. Онаси уни

тинчлантиришга ҳаракат қилади, лекин чақалоқ баттар хархаша қилишга ўтади.

Талончи ўнг қўлига тўппонча, чап қўлига жигарранг қоп ушлаб олган.

– Ҳамма қимматбаҳо нарсаларингни шу ерга тўкинлар. Эркаклар менга ҳамёни, соати ва нақд пулларини, аёллар эса тақинчоқларини берсин. Агарда кимдир буйруқларимга бўйсунмаса, пешонасидан дарча очиб кўяман.

Минакшининг онаси ва ёш аёл шу ондаёқ бақиришни бошлайди. Биз бошқа купеда ҳам қичқириқларни эшитамиз. Ҳойнаҳой, талончининг шериги у ерда худди шундай буйруқлар бераётган бўлса керак.

Талончи халта кўтариб, бирма-бир ёнимиздан ўта бошлайди. ишни она ва боладан бошлади. У сумкасидан сўрғич ва сут идишни олиб, қолганини қопга ташлайди. Эмизикли чақалоқ яна йиғлайди. Минакши қарахт ҳолда. У тилла тақинчоғини ечади, лекин қопга энди ташлаётганда талончи қопни кўйиб, унинг билагидан ушлайди.

– Сен тақинчоқдан анча гўзалроқсан, жонгинам, – дейди.

Минакши бор кучи билан унинг чангалидан чиқишга уринади. Талончи қизнинг қўлини кўйиб юборади ва камизига ёпишади. Сўнг ёқасидан ушлаб, куч билан тортади ва унинг кийими йиртилиб, танаси кўринади. Биз ҳаммамиз тош қотамиз. Минакшининг отаси бошқа чидай олмайди ва “ҳароми”, деб тўппончага ташланади, лекин талончи анча эпчил бўлиб чиқади. У Минакшини кўйиб юбориб, тўппончанинг қўндоғи билан отасининг бошига уради. Бизнесменнинг пешонасидан қон оқади. Минакшининг онаси яна бақиришни бошлайди.

– Овозингни ўчир, бўлмаса, ҳаммангни ўлдираман, – деб ўдағайлади талончи.

Бу таҳдиддан сўнг ҳаммамиз мум тишлаймиз. Кўркув бўғзимга кўчади ва қўлларим музлаб кетади. Ҳамманинг

## Харобадан чиққан миллионер

нафас олиши эшитилиб туради. Минакши жим йиғлайди. Унинг отаси ва онаси бор бойлигини қопга ташлайди. Акшай Арчи комиксини солиши мумкинми, йўқми сўрайди. Бу талончининг жаҳлини чиқаради.

– Устимдан куляпсанми? – деб боланинг юзига шапалоқ туширади.

Акшай оғриқдан инграб юборади ва юзини силай бошлайди. Бу вазият менга кўрқинчли фильмдаги кулги саҳналарини эслатади. Талончи менга ўқраяди.

– Нега тиржайяпсан? Ниманг бор бергани?

Мен чўнтагимда қолган пулларни ва қайтимларни бераман, аммо омадли тангамни олиб қоламан. Соатимни ечишни бошлаганимда талончи унга караб:

– Бу сохта. Менга ундай нарсалар керак эмас, – дейди.

Талончи ўлжадан қониқиб, чиқиб кетмоқчи бўлади. Шу пайт Акшай уни чақиради.

– Шошманг, сиз бир нарсани кўздан қочирдингиз.

Мен бу воқеаларни секинлаштирилган кадрда томоша қилардим.

– Бу болада 50 минг рупий бор, – дейди у менга ишора қилиб. У буни паст овозда айтади, лекин бутун поезд буни эшитгандай туюлади.

– Яна устимдан куляпсанми? – деб сўрайди талончи.

– Йўқ, онт ичаман, – дейди Акшай.

Талончи ўриндиқ тагига қарайди.

– Жигарранг жомадондами?

– Йўқ, ички кийимига солиб олган, – дейди Акшай кулимсираб.

– А-ха-а, – дейди талончи чуқур нафас чиқариб.

Мен қалтирайман. Кўркувданми ёки ғазабдан, буни билмайман. Талончи ёнимга келади.

– Тинчгина ўзинг берасанми ёки ҳамманинг олдида эчитирайми?

– Йўқ, у пул меники! – дейман йиғламсираб.

Худди жарима зарбаси пайти жонли деворда турган футболчига ўхшаб нозик жойимни тўса бошлайман.

– Пешона терим билан топганман ҳаммасини! Бермайман! Ҳатто исмингни ҳам билмайман.

Талончи котиб кулади.

– Талончилар нима қилишини билмайсанми? Биз ҳатто исмимизни ҳам билмайдиган одамлардан ўзимизники бўлмаган пулни оламиз. Пулни ўзинг берасанми ёки миянгнинг қатиғини чиқарайми?

У пешонамга тўппончасини тирайди. Мен мағлуб бўлган жангчи мисол қурол олдида чекинаман ва секингина бармоқларимни иштоним ичига тикиб, конвертни чиқараман. Уни тер ва хўрлик нам қилганди. Талончи конвертни қўлимдан тортиб олади ва ичидаги пулни кўриб, хуштак чалиб юборади.

– Бунча пулни қаердан олдинг? – деб сўрайди у мендан. – Ўғирлаган бўлсанг керак-а? Нима бўлса ҳам, энди қизиғи йўқ.

У пулни қопга солади.

– Биронтангиз қимирламанг!

Мен 50 миллионлик орзум қўлимдан чиқишини аҳмоққа ўхшаб кузатиб тураман. Талончи кейинги купега ўтади, лекин ҳеч ким ёрдам тугмасини босишни ўйламайди ҳам. Биз мотам тутаётган одамлардай тош котамиз. Ўн дақиқадан сўнг у қайтиб келади.

– Яхши, – деб у бизга ўлжа тўла қопини кўрсатади.

У менга ёш боладан ўйинчоғини олиб қўйган безоридай қарайди. Кейин Минакшига тикилади. Талончининг шериги бақиради:

– Мен тугатдим, сенда нима гап?

– Мен ҳам.

Тўсатдан поезд секинлашишни бошлайди.

– Тезроқ бўл, – деб поезддан сакрайди талончининг шериги.

– Бир сония. Ма, қопни ол, – дейди талончи ва 50

## *Харобадан чиққан миллионер*

миллионлик орзу эшикдан чиқиб кетади. У сакрашга тайёрланади, лекин фикридан қайтади. – Тез бўл, менга хайрлашиш олдидан бўса ҳады эт, – дейди у Минакшига. Қиз даҳшатга тушади. – Ўпгинг келмаяптими? Унда кийимингни еч. Танангни бир кўрай, – деб буюради. У тўппончани икки кўли билан ушлаб олиб, Минакшига бақирарди. – Охирги марта огоҳлантираман. Тезлаш. Менга танангни кўрсат, бўлмаса, бошингни ёраман.

Минакшининг отаси кўзини юмади. Ойиси йиғлайди. Минакши талончининг айтганини қилишни бошлайди. Фақат ички кийимлари қолади.

Мен нима бўлаётганини кўрмаяпман. Фақат сочларини шамол учираётган новча аёлни кўриб турибман. У оқ сари кийиб олган. Унинг кўлида бола бор. Узун сочли оқ кўйлак ва қора шалвар кийган эркак унга яқинлашади. У тўппончасини кўтариб, “Сарийингни еч”, дейди. Аёл йиғлашни бошлайди. Кутилмаганда бола онасининг кўлидан чиқади ва эркакнинг юзига ёпишади. Эркак болани силтаб ташлайди, лекин бола яна унинг юзига ёпишади. Бола билан эркак думалашиб кетаётган пайт аёлнинг сариси аста ерга тушади. Эркак боланинг юзига тўппончани тутуди, лекин бу болани кўрқитмайди. Бармоқчалари билан у тўппончанинг йўналишини ўзгартира бошлайди. Улар ўртасида аёвсиз кураш бошланади. Ким ютаётганини билиб бўлмайди. Ва ниҳоят эркак тўппонча бор кўлини бўшатади ва бармоқлари тепкига яқинлашади. Тўппонча боланинг кўкрагига қаратилган, лекин энг охирида қурол эркакнинг кўкрагига бурилади. Ўқ овози эшитилади ва эркак инграб юборади. Унинг оппоқ кўйлагига қизил доғлар пайдо бўлади.

– Эй Худойим! – дейди Акшай.

Унинг овози акс-садодай эшитилади. Талончи эшикка эмакларди, менинг кўлимда эса учидан тутун чиқиб турган тўппонча турарди. Поезд тезлашишни бошлайди.

Мен ҳали нима бўлганини тўлиқ англамайман. Туш кўраётган пайтинг тўсатдан уйғониб кетсанг, миянг

атрофни англашига вақт керак бўлади, лекин қўлингда учидан тутун чиқиб турган тўппонча, оёғинг тагида ўлик ётганини кўрганингда, тушунмовчиликка ўрин йўқ. Талончининг кийими қонга беланишни бошлайди, ундаги доғ аста-секин тўқроқ тусга кириб, каттариб боради. Бундай пайт кинолардагидек ўқ тегиши билан бирданига қон отилиб чиқиб, тез ёрдам машинаси келгунча ўзгармай турмайди. Йўқ. Ҳатто дастлаб умуман қон чиқмайди. Кейин секин кўриниш беради. Шунда ҳам нуқтадай катталикда. Кейин у янада катталашади, худди тангадек катталикда. Бора-бора товоқ, ликопча ҳажмигача кенгаяди. У катталашидан тўхтамайди. Токи қуйилиб оқмагунча. Мен нафас олишга қийналаман. Купе эса қонга тўляпти. Акшайнинг отаси елкамни силкитиб, “Қуролни ташла”, дейди.

Жойимга қайтиб ўтирганимда атрофимда одам тўлиб кетганди. Деярли бутун вагон нима бўлганини кўриш учун келгандек. Аёллар, эркаклар, болалар бўйнини чўзиб қарайди. Улар ерда ётган, ҳеч ким исмини билмайдиган ўликни кўриб туришади. Боласини эмизаётган она, бошқа ҳеч қачон поездда Арчи комиксини ўқимайдиган ука, бутун умри давомида алаҳсираб чиқадиган опа. Умрида биринчи марта катта пулни олиб юрган кўча боласи энди ҳеч қачон ўрта қатлам ҳаётини орзу қилмайди. Купедаги чироқ ғалати нур сочади. Мен қўлимда тўппончани тутиб турибман. У кичкина ва кумуш қоламага эга. Тўппончанинг ён қисмига “Кольт” деб ёзиб қўйилган ва иккала тарафига отнинг расми туширилган. Мен тўппончанинг нариги томонини кўздан кечираман. Унда “Енгил” деган ёзув бор, лекин тўппонча ҳаддан ташқари оғир туюлади. Тўппончада деярли ўчиб кетган ёзувлар ҳам бор. “Conn USA” ва “DR 24691” ёзувларини ўқий олдим, холос. Минакши менга қарайди. У менга Салим кино юлдузларига қарагандай қарайди. Айнан шу пайт у менга нисбатан илиқ ҳислар туяётганини ҳис қиламан. Агар

## *Харобадан чиққан миллионер*

ҳозир қўлини сўрасам, у менга турмушга чиқишга рози бўлади. 50 минг рупийим бўлмаса ҳам. Унга қарамайман, чунки ҳаммаси ўзгарди. Мен фақат тўппончага ва ерда ётган, мен исмини ҳам билмайдиган ўликнинг юзига қарайман.

У бошқача ўлиши ҳам мумкин эди. Бозор ўртасида полиция отиб ташлаши, бошқа тўда одами томонидан чавоқланиши ёки касалхонада безгак, ОИТС ёки саратондан ўлиши мумкин эди, лекин уни буларнинг ҳеч бири ўлдирмади. У мен отган ўқдан ўлим топди. Мен эса унинг исмини ҳам билмайман.

Поезддаги саёҳат сенга нималар тухфа қилишини билиб бўлмайди, лекин юрагингдан очилган дарча ҳаммасига яқун ясайди. Ахир ўлик тана учун саёҳат тугайди. Эҳтимол, дафн оловига борар, лекин энди у ҳеч қачон поезд назоратчиларини учратмайди. Мен эса поезд назоратчиларидан ташқари энди полиция билан ҳам учрашим керак. Улар менга қандай қарайди? Бир қизни талончидан ҳимоя қилган қаҳрамон дебми ёки ҳатто исмини ҳам билмайдиган одамни отиб ташлаган совуққон қотил? Мен бир нарсани биламан: таваккал қилишим мумкин эмас. Шу пайт полковник Тейлорнинг сўзлари эсимга тушади. “Изларингни ўчир, думингни йўқот”. Энди нима қилишим кераклигини аниқ биламан.

Кейинги бекатга боришимиз билан, шубҳасиз, мени полициячи кутиб турган бўлади. Қўлимда тўппонча билан эшикдан ташқарига чиқаман. Йўлни кесиб ўтаман ва бошқа поездга сакрайман. Поезд дарё олдидан ўтган пайт тўппончани сувга улоқтираман. Кейинги бекатга келганда бошқа йўналишдаги поездга чиқаман. Мен бутун тун давомида бекатдан бекатга, поезддан поездга ўтиб юраман.

Қаерга кетаётганимни, ҳатто поезд номларини ҳам билмайман. Шунчаки бир поезддан бошқасига ўтаман. Ягона билган нарсам шуки, Мумбайга бора олмайман.



Акшай полицияга Гхаткопарга, Салимнинг ёнига боришим ҳақида айтган бўлиши мумкин. Мен одам кам бекатда тушиб, эътибор тортишни ҳам хоҳламайман. Чироклари ва одамлари кўп бекатга етишни кутаман.

Эрталаб соат тўққизда одам билан тўлиб-тошган бекатда тушаман. Мен учта тугмаси тушиб қолган, йиртилган кўйлақда, дабдаласи чиққан Леви жинсида кўлимдаги сохта соат билан юрибман. Бир муддат вақт ўтказиш учун шаҳар яхши жойга ўхшайди. Бекатда катта ҳарфлар билан унинг номи ёзиб қўйилган. “АГРА, денгиз сатҳидан 169 метр баландлик”.

Смита кўллари билан оғзини ёпиб олади.

– Ё Худойим! – дейди у. – Шунча йилдан бери бир одамни ўлдирганингиз учун виждон азобида яшаб келяпсизми?

– Икки кишини. Шантарамни итариб юборганимни эздан чиқарманг, – деб жавоб бераман мен.

– Поезддаги воқеа шунчаки тасодиф эди-ку. Айбсиз эканингизни исботласангиз бўларди-ку. Нима бўлса ҳам, мен воқеа расмийлаштирилганми, йўқми, текшириб кўраман. Бошқа йўловчилар қилмишингизни яширишга уриниб, сизга ёрдам беришган бўлиши мумкин. Сиз уларни кутқаргансиз, ҳар ҳолда. Айтганча, Минакшига нима бўлди? Уни кейин учратмадингизми?

– Йўқ, ҳеч қачон. Келинг, викторинага қайтамыз.

Студия. Ёруғлик бироз хиралаштирилган.

Прем Кумар менга қайрилади.

– Энди еттинчи саволга ўтамыз. 200 минг рупийлик саволнинг навбати келди. Тайёрмисиз?

– Тайёрман, – жавоб бераман мен.

– Яхши, унда еттинчи саволни тингланг. Тўппончани ким яратган?

А) Сэмюэл Кольт

Б) Брюс Браунинг

В) Дэн Вессон

Г) Жеймс Револьвер

## Харобадан чиққан миллионер

Муסיқа кўйилади. Мен чуқур ўйга толаман.

– Бу исмларни лоақал бир марта бўлса-да эшитганмисиз? – деб сўрайди Прем мендан.

– Биттаси таниш.

– Ўйинни тўхтатасизми ёки омадингизни синаб кўрасизми?

– Омадимни синаб кўраман.

– Яна ўйлаб кўринг. Ютган ҳамма пулларингизни бой беришингиз мумкин.

– Йўқотадиган ҳеч нима йўқ. Ўйнашга тайёрман.

– Хўп, унда якуний жавобингиз қандай?

– А) Кольт.

– 100 фоиз аминмисиз?


– Ҳа.

Дўмбиралар овози эшитилади. Экранда тўғри жавоб кўринади.

– 100 фоиз тўғри жавоб! Тўппонча 1835 йил Сэмюэл Кольт томонидан яратилган. Сиз ҳозиргина 200 минг рупий ютиб олдингиз!

Бунга ишоналмасдим. Мен йўқотган 50 минг рупийимни уч баробар ортиғи билан қайтариб олгандим. Ҳаммасига ўша мен исмини ҳам билмайдиган талончи сабабчи.

Томошабинлар кичқиришни бошлайди. Кулоғимда фақатгина Дехлидан Мумбайга йўл олган поездлар овози айланади. Прем Кумар кутилмаганда ўрнидан туради ва менга кўлини узатади, лекин у жавобсиз қолади. Агар сен ўйин ўртасида сюрпризга дуч келсанг, мия ҳаммасини англаб олишига вақт керак бўлади.



500.000

## Аскар ҳикояси

Огоҳлантирувчи кўнғироқ худди бонгсоат каби 20:30 да жиринглашни бошлайди. Чоулда тартибсизлик бошланиб кетади. Одамлар ўтган ҳафта давомида уқтирилган кўрсатмаларни такрорлашади. Барча чироқларни ўчириш, ҳамма қурилмаларни электрдан узиш, газни ўчириш, эшикни ёпиш ва қатор бўлиб бункерга йўл олиш.

Бункер мактаб биносининг тагида эди. Катта, айлана шаклидаги зали бор бино. Эски телевизор, металл стол ва увадаси чиққан гиламдан иборат хона. Бункер иссиқ ва жуда тор туюлади, лекин бу бизни ўйлаб қилинган. Биз умуман нолимаслигимиз учун. Лекин Пали Ҳиллдаги бункерда замонавий шароитлар ҳақида миш-мишлар юради. Эмишки, уларда замонавий телевизор, юмшоқ ёстиқлар ва кондиционер бор.

Ҳамма телевизор қаршисида тўпланиб, янгиликларни томоша қилади. Атрофга яхшилаб разм соламан. Деярли бутун чоул шу ерда экан. Гокҳалар, Неналар, Бапатлар, жаноб Вагл, жаноб Кулкарни, Дамл хоним, жаноб Ширки, Барве хоним... Фақатгина чоул маъмури жаноб

## *Харобадан чиққан миллионер*

Рамакришна йўк. Ҳойнахой, у ҳисоб-китоб, чирокларни, бузуқ нарсаларни тузатиш билан банд бўлса керак.

Дастлаб реклама кўйилади. Бу уруш Она Ҳиндистон тиш пастаси ва Жолли чойи томонидан молиялаштирилган. Кейин биз бош вазир мурожаатини кўрамиз. У бизга Ҳиндистон ҳарбий кучлари жангда ғалаба қилаётгани, душман тамомила мағлуб бўлишига санокли кунлар қолганини айтади. У мардонавор охангда бу уруш сўнгги жанг бўлишини, шундан сўнг терроризм барҳам топишини сўйлайди. Очарчилик ҳам. Қашшоқлик ҳам. Аскарлар фойдаси фондига сахийларча ҳисса кўшинг, дейди у.

Бош вазир нутқидан кейин ёш актриса ҳам худди шу сўзларни айтади. Фақат кино услубида. Аёллар актрисага бақрайиб қарайди ва муҳокама қилади.

– У нақадар ёш ва гўзал.

– Эгнидаги сариси ипақданмикин ёки шифонданми?

– У қандай қилиб терисини бунчалар нафис сақларкан?

– Қандай совун ишлатаркин?

– Бирам оппоғ-ей. Унга оқартирадиган кремнинг ҳам кераги йўк.

Эркаклар эса ғазабда.

– Бу аблахлар бизга етарлича муаммо туғдирди. Ҳаммаси жонга тегди. Бу сафар биз Покистонни бутунлай яқсон қилишимиз керак.

Жаноб Вагл – уруш бўйича мутахассис. Университетда маърузачи бўлгани учун орамизда энг зиёлиси у.

– Покистон қирувчи самолётлари ва атом бомбалари бор, – дейди у. – Шу сабаб бизни радиациядан сақлаш учун бункерга жойлашди, лекин атом бомбасидан қочиб бўлмайди. Бомба тушганда сув ҳавога айланади. Ҳаво эса оловга. Куёш ғойиб бўлади. Осмонда улкан кўзиқорин кўринишидаги булут пайдо бўлади ва биз ҳаммамиз ўламиз.

Мен билан Путул каби 12 ёш ёки Салим билан Дянешга ўхшаб ўн ёш бўлсангизу, биринчи марта урушни кўрсангиз, ўлимни тасаввур қилишингиз қийин. Биз завқ-шавққа тўлиб-тошганмиз. Телевизор қаршисига ўтириб олиб, жанг сахналарини хайратланиб томоша қиламиз.

Биз радиацияни тушунмаймиз, аҳамияти ҳам йўқ. Бизга бошқа муҳимроқ нарсалар қизик. Масалан, атом бомбанинг овози қанчалик баланд? Уйимиз устидан учадиган реактив самолётларни кўра олармиканмиз? Дивалига ўхшаган бўладими? Қирувчи самолётлар чоулнинг ёнига тушса яхши бўлмайдимиз?

\* \* \*

Урушнинг учинчи куни. Бункердаги кунларимиз бир хил тизгинга тушиб қолган. Аёллар сабзавотлар ва тўқийдиган ипларини залга олиб чиққан. Улар жамоа бўлиб ўтириб, картошка билан помидор тўғрайди, кийим тўқийди, ясимқдан чорисини ажратади, исмалок ва кашнич боғларидан сарғайиб қолмаганларини териб олади. Шу билан бирга, ғийбатлашади ҳам.

– Госвами хоним янги телевизор сотиб олибди, эшитдингларми? Эри бунча пулни қаердан олишини Худо билади.

– Жаноб Бапат кеча хотини билан қаттиқ жанжаллашган шекилли. Бутун маҳаллага эшитилибди ўзиям.

– “Starburst”нинг охиргисини кўрдингларми? Арман Алини бесоқол деб ёзишибди!

Эркаклар ҳам янгиликларни кўриб, миш-мишлар ҳақида гаплашиб ўтиради.

– Фавкулодда вазият жорий қилинарканми? Патҳанкот бомбардимон қилинбди-ку. Оддий одамлар ўлибди.

– Меҳтанинг айтишича, бензин ўлчаб бериларкан. Унинг ишончли манбалари бор, нақ вазирликнинг ўзидан.

## Харобадан чиққан миллионер

– Бозорлардан пиёз-помидор йўқоляпти экан. Сутта ўтиш керак вақт борида.

Ёш болалар ўзимиз алоҳида тўда бўлиб олдик. Бақир-чақир қилиб, залда югуришимиз аёлларнинг жаҳлини чиқаради. Жосус ўйинини зериккунча ўйнаймиз. Кейин Путул янги ўйин ўйлаб топади. Унинг номи Уруш ва Тинчлик. Ўйин жуда оддий. Иккита гуруҳга бўлиниб оламиз. Бир жамоани Ҳиндистон генерали, бошқасини Покистон генерали бошқаради. Икки жамоа ўзаро қувлашмачоқ ўйнайди. Қўлга тушганлар асир олинади ва қарши гуруҳ асирларига алмаштирилиш шарти билан озод қилинади. Генерални қўлга олиш иккита асир олишга ўтади. Энг кўп асир олган жамоа ютган ҳисобланади. Фақат битта муаммо бор: ҳеч ким Покистон генерали бўлишни хоҳламайди. Охири ҳамма Салимга ёпишади.

– Сен мусулмонсан, шунинг учун Покистон генерали бўласан, – дейди улар.

Салим бошида қўнмайди, лекин унга икки қадоқ сақич ваъда қилишади. Мен Салимнинг жамоасига қўшиламан ва биз ҳиндистонликларнинг додини берамиз.

Ўйин ўйнаб бўлгач, ҳаммамиз бир бурчакка йиғилиб, уруш ҳақида гаплашамиз.

– Менга бу уруш ёқпти, – дейман мен. – Жуда ҳам қизиқарли. Бошлиғим Нилима Кумари менга бир ҳафта дам олиш берди.

– Ҳа, – деб маъқуллайди Путул. – Мактаб ҳам бир ҳафтага ёпилди.

– Қанийди, ҳар ой уруш бўлсайди, – дейди Дянеш.

– Бу бемаъниликни бас қилинглар, – деб бақиради кимдир орқамиздан.

Ўгирилиб, қари бир сикҳ турганини кўрамиз. У озғин, новча ва юзида кичиккина мўйловли киши эди. Эгнига армия кийимини кийган, бошига шунга мос яшил зайтун рангида салла ўраган, белига катта камар таққан. У бизга бармоғини бигиз қилиб, ўдағайлаб кетади.

– Урушни олқишлашга қандай ҳаддинглар сиғяпти? Уруш жуда жиддий нарса. Унда одамлар ўлади.

Шундагина биз унинг битта оёғи йўқ эканини кўрамиз. Кейин билсак, у истеъфодаги кичик капрал Балвант Сингх экан. У бизнинг чоулга яқинда кўчиб ўтган, оёғини жангда йўқотган, ҳозирда ёлғиз яшар экан.

Бизга танбех бериб бўлгач, Балвант Сингх телевизор қаршисига бориб ўтиради. Телевизорда уруш тасвирлари тўғридан-тўғри эфирга узатилади. Экранда дастлаб яшил тусдаги тутун пайдо бўлади. Кейин ракета ўт олаётгани кўрсатилади. Бир аскар тугмани босади ва ракета ҳавога кўтарилади. Ярим дакика ўтиб узоқдан сарғиш-яшил чакмоқ кўринади ва гумбурлаган овоз эшитилади.

– Биз нишонни йўқ қилдик, – деб тантанали эълон қилади офицер.

У тиржаяди ва ноодатий яшил рангга кирган тишлари кўринади. 10 сония ўтиб яна бир ракета учирилади. Мухбир камерага қараб гапиришни бошлайди.

– Бу Рожастон секторидаги бешинчи дивизияда давом этаётган уруш ҳаракатларидан узатилган эксклюзив, жонли эфир эди. Сиз билан “Star News” мухбири Сунил Вяс бўлди. Экрандан узоқлашманг.

Томошабинларга ўзи нишонга нима олингани, портлашдан сўнг неча киши омон қолганию неча киши ҳалок бўлгани айтилмайди. Сўнг машхур кўшиқчи чиқиб, ватан ҳақида куйлай бошлайди.

Балвант Сингх ўрнидан туради.

– Бу ҳақиқий уруш эмас, – дейди у хўмрайиб. – Улар кулоқларингизга лағмон илишяпти.

Жаноб Ваглга бу ёқмайди.

– Ҳақиқий уруш қандай бўлади унда? – деб сўрайди у.

Балвант Ваглга ҳарбийлар фуқарога қарагандай тикилади.

– Ҳақиқий уруш мана бу болалар мультфильмига

## *Харобадан чиққан миллионер*

ўхшамайди. Ҳақиқий урушда кон тўкилади. Ҳақиқий урушда ўлик жасадлар ва узилган қўллар бўлади.

– Қайси урушда қатнашгансиз? – деб сўрайди яна Вагл.

– Мен охирги ҳақиқий урушда қатнашганман. 1971 йилда.

– Унда бизга ҳақиқий уруш қандай бўлишини айтиб бера олмайсизми? – сўрайди жаноб Дамле.

– Ҳа, айтиб бера қолинг, амаки, – деймиз биз.

Балвант Сингх ўтириб олади.

– Ростдан ҳам ҳақиқий уруш ҳақида билмоқчи бўлсангиз, унда мен сизларга бошимдан ўтганларини айтиб бераман. Биз охирги марта Покистон устидан ғалаба қозонганимиздан кейинги шонли 14 кун ҳақида.

Биз қария аскар олдида худди бобоси олдида тўпланган неваралардай ўтириб оламиз.

Балвант Сингх гапира бошлайди. Унинг кўзлари ўтмишдаги воқеалар ҳақида гапирганда пайдо бўладиган паришонликда узокларга тикилиб қолади.

– Энди мен сизни 1971 йилга қайтараман. Ҳинд халқи тарихидаги энг дахшатли даврга.

Бункердаги томошабинлар орасига жимлик чўқади. Жаноб Вагл телевизорнинг овозини пасайтиради. Ҳеч ким эътироз билдирмайди. Ундаги қандайдир мухбир ҳақиқий аскарга тенг бўлолмайди.

– Сўнгги шиддатли уруш 1971 йилнинг 3 декабрида бошланганди. Ўша кунни яхши эслайман, чунки уруш эълон қилинган куни мен Патҳанкотдан рафиқамдан мактуб олган эдим. У менга биринчи фарзандимиз туғилганини хабар қилганди. Турмуш ўртоғим ўз мактубида “Сиз ёнимда бўлмасангиз-да, лекин биламан, ҳозир ўз ватанингиз учун курашяпсиз, қалбим ғурур ва ифтихорга тўлмоқда. Мен сизнинг омонлигингиз учун дуо қиламан ва ўғлингиз билан бирга зафар қучиб қайтишингизни кутаман”, деб ёзган эди. Мактубни



Ўқиб кўзимга ёш қелди, лекин бу қувонч кўз ёшлари эди. Бундай пайтларда оиламдан узоқда бўлганим учун эмас, рафиқамнинг ишончи, меҳри билан, янги туғилган ўғлимнинг дунёга келиши билан жангга отланганимдан хурсанд бўлдим.

– Ўғлингизга нима деб исм қўйдингиз? – деб сўрайди Дамле хоним.

– Биз фарзандимиз туғилишидан олдин қарор қилган эдик, агар қиз бўлса, уни Дурга деб атаймиз, агар ўғил бўлса, Шер Сингх исмини қўямиз деб, фарзандимиз ўғил бўлди, исми Шер Сингх.

– Уруш қандай бошланди? – деб сўрайди жаноб Ширк.

– Учинчи декабрга ўтар кечаси янги ой чиққан эди. Қоронғи тушган бўлса-да, кўркок душман ғарбий сектор бўйлаб бир қатор аэродромларимизга: Сринагар, Авантипур, Патханкот, Утгарлай, Жодхпур, Амбала, Аграга ҳаводан ҳужумлар уюштирди. Ҳаво ҳужумларидан кейин шимолдаги Чҳамб секторига ҳам катта ҳужум бошланди.

– Уруш бошланганда сиз қайси қўшин таркибида бўлгансиз? – деб сўрайди жаноб Уэйл.

– 13-пиёда дивизияси билан Чҳамбда. Мен хизмат қилган сикҳ полкининг 35-батальонини Чҳамбдаги ана ўша бригадалар таркибига қўшишган. Покистон нима учун у ерда бизга ҳужум қилганини энди тушунишингиз керак. Чҳамб шунчаки Мунавар Тави дарёсининг ғарбий соҳилидаги қишлоққина эмас, балки, Ахнор ва Жориан туманларини боғлаб турувчи кўприк эди. Чҳамбни қўлга киритсангиз, бутун давлатга хавф туғдира оласиз. Шундай қилиб, ўша оқшом Покистон бизга қарши уч томондан ҳужум бошлади. Улар кучли артиллерия зарбаси билан кириб келишди. Милтиқлар, миномётлар. Отишма шу қадар кучли бўлдики, бир неча соат ичида деярли барча бункерларимиз жиддий зарар кўрди ва учта чегара

## *Харобадан чиққан миллионер*

патрулимиздан айрилдик. Хужум бошланганда мен уч кишилик постга бошчилик қилаётгандим. Постимга душман жуда кучли зарба берди. Ёдингизда бўлса керак, Мунавар Тави бўйида бор-йўғи учта батальонимиз бор эди, улар Покистоннинг 23-пиёда аскарлар дивизияси, бир юз элликка яқин зирҳланган танки ва тўққиз-ўнга артиллерияси билан тўкнашди. Покистон Чхамбда бутун Шарқий фронтга қараганда кўпроқ артиллерияга эга эди. Ўша пайтда қўл остимда учта одам: патналалик Сухвиндер Сингх, хошиарпурлик Ражешвар ва лудхианалик Карнаил Сингхлар бўлиб, уларнинг орасида Карнаил кўркмас, мард, баланд бўйли, мускулли, жарангдор овозли, доим табассум қилиб турадиган одам эди. У урушдан ҳам, ўлимдан ҳам кўркмасди. Аммо у бир нарсадан кўрқарди.

– Нимадан? – деб сўради жаноб Кулкарни.

– Жасади душман кўлида қолишидан. Покистонликлар ҳиндистонлик аскарларнинг жасадларини топиб олишса, уларни ҳеч қачон бизга қайтармасликлари ҳақида эшитган эдик. Бунинг ўрнига, ҳинд аскарлари ҳиндуий бўлса ҳам, уларни атайлаб мусулмон анъаналарига кўра дафн қилишарди. Карнаил художўй ва тақводор одам бўлиб, агар жангда ҳалок бўлса, унинг жасади куйдирилиш ўрнига икки метрлик ерга кўмилиб кетишидан кўрқарди. “Менга ваъда беринг, сэр, – деди у менга уруш бошланишидан бир ҳафта олдин, – агар ўлсам, мени куйдиришга бошқош бўласиз. Акс ҳолда, руҳим ҳеч қачон тинчланмайди ва яна ўттиз олти минг йил давомида дунёнинг тубида дарбадар кезишга мажбур бўлади”. Мен уни ўлмаслигига ишонтирмоқчи бўлдим, лекин у қатъий туриб олганди. Шунчаки уни тинчлантириш учун: “Яхши, Карнаил, агар ўлсанг, сени ҳиндларнинг тўлиқ маросимлари билан дафн этишга ваъда бераман”, дедим. Шундай қилиб, учинчи декабрга ўтар кечаси, отишма бошланганда биз олдинги бункерда эдик. Карнаил, Сухвиндер, Ражешвар ва мен.

Путул гапни бўлиб савол беради:

– Амаки, бункерингизда бизникига ўхшаб телевизор бормиди?

– Йўқ, ўғлим, – деб кулиб юборади аскар. – Бизнинг бункеримиз унчалик қулайликларга эга бўлмаган, кичкина ва тор эди, телевизор, гилам каби нарсалар эса йўқ эди. Бункер тўрт киши сиғадиган, пашша ва чивинларга тўлган, баъзида илонлар ҳам ташриф буюриб турадиган хона эди.

Кейин Балвантнинг оҳанги жиддийроқ тус олади.

– Сизлардан бирортангиз Чҳамбнинг топографияси билан танишмисиз ёки йўқми, билмайман, шундай бўлса ҳам, тушунтиришга ҳаракат қиламан. У текис майдон, кулранг тошлари ва сарканда – фил ўти билан машхур. Бу ўтлар шунчалик баланд ва зички, ҳатто танкка камуфляж бўла олади. Қалин ўтлар орасига яшириниб, душман биз томонга яқинлашиб келаётган эди. Икки томонимиздан ҳам миномётлар портлар ва қоронғида ҳеч нарса кўринмасди. Бункеримизга граната улоқтирилди, бироқ биз у портлашдан олдин чиқиб кетишга улгурдик. Бункердан чиқиб кетаётганимизда бизга ўқлар ёғилди. Биз жимгина, тўғри чизик бўйлаб юриб, ўқлар қаердан отилаётганини аниқлашга ҳаракат қилдик. Биз тўғри кетаётган эдик, отишма олиб борилаётган Покистон бункерига деярли етиб келганимизда орқамда миномёт портлади. Мен буни англаб етгунимча Сухвиндер ва Ражешвар ўлган, Карнаил эса қорнидан яраланиб, қонга беланиб ётган эди. Мен фақат юзаки жароҳатлар билан қутулиб қолгандим. Тезда рота командирига қурбонлар ҳақида хабар бердим. Шунингдек, мен унга душман бункеридан ўқлар ёғилиб турган позицияда турганим ва агар бу тўхтатилмаса, бутун батальонимизга катта зарар етказилишини айтдим. Рота бошлиғи бошқа кичик бўлинма ажрата олмаслигини ва душман позициясини бошқа йўл билан зарарсизлантиришни буюрди.

## Харобадан чиққан миллионер

“Душман бункери томон кетяпман, мени пана қил”, – дедим Карнаилга.

“Аммо бу ўз жонига қасд қилиш билан тенг-ку”, – деб йўлимни тўсди у.

“Биламан, Карнаил, лекин буни кимдир қилиши керак”, – дедим.

“Ундай бўлса, менга рухсат беринг, сэр, – деди Карнаил. – Мен душман пулемётини зарарсизлантириш учун кўнгилли бўла оламан. Соҳиб, сизнинг хотинингиз бор, яқиндагина фарзандли бўлдингиз. Мен эса ёлғизман. Ортимда йиғлаб қоладиганим йўқ. Мен ўлимга сиздан яқинроқман, ватанимга хизмат қилишимга рухсат беринг. Аммо ваъдангизни унутманг, сэр”.

– Мен бир оғиз сўз айтишга улгурмай, милтикни кўлимдан тортиб олди-да, олдинга отилди. “Яшасин Она Ҳиндистон!”, деб қичқирди ва душман бункерига ҳужум қилди, учта душман аскарини ўлдирди ва пулемёт жойлашган ҳудуд ўчди. Лекин у қўлида курул билан турганда кўкрагига яна бир ҳалокатли ўқ тегди ва кўз ўнгимда у қўлида милтиқ билан ерга кулаб тушди. Биз жангнинг қонли саҳнасини англашга уринаётганимизда ҳаммаёқ жимжит бўлиб, отишма ва миномёт овози хонада акс-садо бераётгандек эди.

Бутун зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолади. Биз урушнинг даҳшатли саҳналарини тасаввур қиламиз. Хонада миномёт ва милтиқ овозлари акс-садо бергандек туюлади. Балвант сўзида давом этади.

– Ўша ерда 2 соатга яқин тош қотдим. Менга батальонга қайтиш буюрилди, лекин Карнаилга берган ваъдам кулоқларим остида жаранглаб турарди. Унинг жасади энди душман ҳудудида ётарди ва мен у ерда қанча покистонлик аскар борлигини билмасдим. Бўлимимдан эса ёлғиз ўзим тирик қолгандим. Соат учда отишма бутунлай тўхтади ва атрофга ўлик сукунат чўқди. Тўсатдан эсан

шамол якин атрофдаги дарахтларни шитирлатди. Мен икки юз футдан ошмайдиган Покистон бункерига қараб юра бошладим. Тўсатдан рўпарамда кадам товушлари эшитилди. Милтикни кўтарганча юрагим гупурлаб ураётганини эшитиб турардим. Уни ўққа тутишга тайёрландим, лекин ўт очишга тўғри келмаслигига қаттиқ умид қилдим. Бу зулматдаги мен отган ўк ўзимга хиёнат бўлишини билардим. Ҳатто нафасим овозини босишга ҳаракат қилдим. Юпка ва сирпанчиқ нимадир орқамда ўрмалай бошлади. Бу илон бўлса керак деб ўйладим. Уни устимдан ирғитиб юбормасликка тиришиб, кўзларимни юмдим ва мени чакмасайди, деб ўйлардим. Абадиятдек туюлган дақиқалардан сўнг у оёғимдан пастга тушди ва мен енгил нафас олдим. Орқам терга ботган, қўлларим зирқиарар эди, милтиғим кўрғошиндай оғир бўлиб кетганди. Оёқ товушлари яна эшитила бошлади, у тобора яқинлашиб келаётганди. Мен зулматдан нимадир топишга тиришардим, лекин ҳеч нарсани кўрмадим. Атрофимда ўлим кезиб юрганини билардим. Ё ўлишим, ё ўлдиришим керак эди. Буталарнинг ғичирлагани эшитилди, атрофдаги ҳар бир нарсанинг товушини фаҳмлаб турардим. Бу кутиш ич этимни тирнади. Мен ўт очишим керакми ёки душманнинг биринчи ҳаракатини кутишим керакми, деб ўзим билан ўзим баҳслашардим. Тўсатдан гугуртнинг чакнашини илғадим ва қандайдир шарпанинг бошини кўрдим. Дарҳол ўтлар орасидан сакраб чиқдим ва очик найза билан олдинга югурдим. Покистонлик аскар ҳожат чиқармоқчи бўлиб турганди. Мен уни уриб йиқитишимга бир баҳя қолганида у ортига ўгирилиб, милтиғини ташлаб, қўлларини қовуштириб ёлворди: “Илтмос, мени ўлдирманг. Сиздан ўтиниб сўрайман”.

“Сизлардан неча киши бор бу ҳудудда?” – деб сўрадим ундан.

“Билмадим. Мен бўлимдан ажралиб қолдим. Шунчаки

## *Харобадан чиққан миллионер*

орқага йўл излаётгандим. Илтимос, ёлвораман, мени ўлдирманг”, – деб йиғлаб юборди.

“Нега ўлдирмаслигим керак экан? Ахир душманмизку”, – дедим унга.

“Аммо мен ҳам сиз каби одамман, қонимнинг ранги сизники билан бир хил. Мирпурда мени кутиб турган хотиним ва атиги ўн кун олдин туғилган кизим бор. Мен унинг юзини кўрмасдан ўлишни хохламайман”. Буни эшитиб, юмшаб қолдим. “Менинг ҳам хотиним ва ҳали юзини кўрмаган ўғлим бор”, дедим душман аскарига. Кейин ундан: “Менинг ўрнимда нима қилган бўлардинг?” деб сўрадим. У бир муддат жим турди, сўнг жавоб берди: “Сизни ўлдирган бўлардим”.

“Кўрдингми, – дедим мен унга, – биз аскарлармиз. Биз ўз касбимизга содиқ бўлишимиз керак. Лекин сенга жасадингни муносиб дафн этишга ваъда бераман, – дедимда, киприк қоқмай, унинг юрагига найза санчдим . . .

– Эй-й-й, – Дамле хоним нафрат билан кўзларини юмади.

Жаноб Ширке ҳам асабийлашади. Путулнинг қулоқларини қафтлари билан ёпишга беҳуда уриниб,

– Сиз бунчалик аниқ тасвирлашингиз шарт эмас, – дейди Балвантга. – Бу каби котилликлар билан тўлган қонли хикоялардан кейин ўғлим тунда босинқираб чиқишидан хавотирдаман.

– Ҳа! Уруш заифлар учун эмас. Дарҳақиқат, ёшлар учун уруш нима эканини тушуниш яхшидир балки. Улар урушнинг аёвсиз эканини, унда қанчадан қанча одам ҳалок бўлишини билишлари керак.

– Кейин нима бўлди? – деб сўрайди жаноб Уэйл.

– Айтарли ҳеч нарса. Мен душман бункерига бордим, у ерда Карнаил билан бирга уч покстонлик аскарнинг жасадлари ётган эди. Мен Карнаилни кўтариб, танасини елкамга босиб, батальонимиз базасига қайтиб кетдим. Эртаси уни эрталаб унинг жасадини ёқдик.

Балвантнинг кўзлари ёшланади.

– Мен командирга Карнаилнинг юксак жасорати ҳақида гапириб бердим ва унинг тавсиясига кўра Карнаил Сингх вафотидан кейин МВЧ билан тақдирланди.

– МВЧ нима? – деб сўрайди Дянеш.

– Маҳа Вир Чакра. Бу мамлакатимиздаги энг олий ҳарбий мукофотлардан бири, – деб жавоб беради Балвант.

– Қайси бири энг баланд?

– ПВЧ – Парам Вир Чакра. Бу деярли ҳар доим ўлимдан кейин берилади.

– Сизга қандай мукофот берилди? – яна сўрайди Дянеш.

Балвантнинг юзида оғрик кўринади.

– Мен ҳеч нарса олмадим. Аммо бу ҳикоямнинг охири эмас. Мен сизга Мандиала кўпригидаги машҳур жанг ҳақида ҳам айтиб беришим керак.

Жаноб Уэйл соатига қаради.

– Эй Худо, ярим тундан ошибди-ку. Қани, бўлди, менимча, бугунга етади. Комендантлик соати тугади. Энди уй-уйимизга қайтишимиз керак.

Барчамиз истамайгина тарқалиб кетамиз.

Эртаси куни биз яна бункердамиз. Бугун жаноб Бапатнинг ўғли Ажай ҳам шу ерда. У бувисининг ўрнига келган бўлса керак. Ҳар доим ўйинчоқлари, компютери, конькилари ва кўп сонли киз дўстлари билан мактаниб юради. Ҳаммамиз уни ёмон кўрамиз, лекин буни ўзига сездирмаймиз. Биз ўн беш ёшли, лекин ўзини ўн етти ёшли қилиб кўрсатадиган бу бола билан жанжаллашишни хоҳламаймиз, албатта. Бугун унинг қўлида кичкина кундалиги бор. У буни “Дастхатлар” деб атади. У бошқа болаларга бир нималарни кўрсатяпти.

– Бу Амиабх Баччан, бу Арман Али, бу эса Равинанинг имзоси, бу машҳур спортчи Сачин Мальванкарнинг имзоси.

## *Харобадан чиққан миллионер*

– Буниси-чи? – деб сўрайди Дянеш.

У бутунлай тушуниб бўлмайдиган чизикка ишора қилади. Ажай ўйлаб туради-да сўнг уялиброк:

– Бу менинг онамники. У ручкани синаб кўраётган эди.

Путул ҳам ўзи билан нимадир олиб юради, лекин бу дастхатлар туширилган дафтар эмас. Бу – ёзув дафтари. Унинг отаси мактабга бормаслик ўқиш тўхтади дегани эмас, дейди. Энди у ҳар куни бункерда ўтириб, иншо ёзиши керак. Бугунги мавзу: – “Менинг сигирим”. Путулнинг сигири бўлмаса ҳам, у бу ҳақда ёзади.

Телевизорда ҳарбийлар вакили сўзляпти.

– Покистон ҳаво кучларининг Амбала, Горакхпур ва Гвалиордаги Ҳиндистон ҳаво базаларига берган зарбалари муваффақиятли бартараф этилди. Ҳиндистон кучлари Багҳла ва Раҳимёрхонни эгаллаб олди. Покистоннинг Баҳавалпур, Суккур ва Навабшоҳдаги ҳарбий базалари бутунлай вайрон қилинди. Шакаргарҳ эса бизнинг назоратимиз остида. Чҳамб секторида бизнинг аскарларимиз Мандиала кўпригини эгаллаш учун Покистоннинг катта ҳужумини қайтаришди.

Биз хурсандчилик билан қийкирамыз. Қарсақлар чаламыз. Балвант Сингх аввалгидек телевизор каршисида ўтирибди.

– Шундай қилиб, улар яна Мандиалага ҳужум қилишди, – дейди у бош чайқаб.

– Бу покистонликлар шунча қилган хатосидан ҳеч қачон сабоқ олишмайди.

Менимча, Балвант кимдир ундан Мандиала кўприги ҳақида сўрашини кутаётганга ўхшайди, лекин ҳеч ким сўрамайди. Теледастур мунозарага айланади. Айрим экспертлар урушни муҳокама қиляпти. Кўзойнак таққан, соқолли бир киши:

– Биз ҳаммамиз биламизки, Покистонда қирққа яқин ядро куроллари бор. Атиги ўн беш килотоннали парчаланувчи бомба портлаши аҳоли зичлиги ҳар квадрат



метрга тахминан 25,000 киши бўлган шаҳарни ер юзидан супуриб ташлаш учун етарли. Энди агар сиз ушбу фаразни Мумбайга ҳам қўлласангиз, у ерда...

Жаноб Уэйл унинг гапини давом эттиради:

– ...сув ҳавога айланади. Ҳаво оловга айланади. Осмонга кўзикоринга ўхшаш булут отилиб чиқади. Ҳаммамиз ўламир.

Жаноб Кулкарни телевизорни ўчиради.

– Юракни эзиб юборяпти, – дейди у.

– Ундан кўра уруш қаҳрамонимизнинг илҳомлантирувчи ҳикоясини тинглайлик. Балвантжи, сиз кеча Мандиала кўпригидаги жанг ҳақида гапирган эдингиз. Илтимос, бу ҳақда бизга айтиб беринг.

Балвант ўрнидан туриб, қўлларини чўзади ва энгларини кўтаради. Стулини айлантириб тўпланганларга қаратади ва ҳикоясини бошлайди.

– Мунавар Тави бўйлаб Шимолий Мандиала деб номланган жуда баланд чўкки бор. Бу ерда душман учинчидан тўртинчи декабрга ўтар кечаси ҳужум қилди ва бизда бунга тайёр кўшинлар деярли йўқлиги сабабли постимиз алғов-далғов бўлиб кетди. Кейин Покистон танклари ва пиёда аскарлари Мандиала чорраҳаси томон ҳаракатлана бошладилар, у ерда мен 19-пара команда билан бирга 35-сикҳ кўшинларига қўшилдик. Ўшанда биз Покистон 23-дивизиясининг асосий мақсади Мандиала кўпригини қўлга киритиш эканини тушунган эдик. Бордию улар мақсадига эришса, биз Чҳамбни ва Тави ғарбидаги барча ҳудудни тарк этишга мажбур бўлардик. Шундай қилиб, тўртинчи декабрь куни тушда ўз позициямизни мустаҳкамлашни бошладик. 31-отлиқ кўшин 27-зирхли полкнинг бир эскадрони томонидан кучайтирилди ва 37-кумаон бўлинмаси Мандиала ши-молини қайтариб олиш учун қарши ҳужумни бошлашга жўнатилди. Аммо фожа юз берди, 37-батальон бошлиғи

## *Харобадан чиққан миллионер*

бизга кўшилишга улгурмасидан Покистон артиллерияси томонидан қилинган қақшатқич ҳужумга учраб, ҳалок бўлди. Шундай қилиб, батальон раҳбарсиз қолди, охирги отишмадан сўнггина Тави шаҳрига етиб келди ва Мандиалага ўтиш жойига қарайдиган шарқий қирғоққа йўналтирилди. Қоронғи тушгач, атиги 35 та сикҳ ва 19 та бўлинмадан иборат бўлган пара-рота жанубий Мандиалани ушлаб турган 31-отлик аскарлар ротасининг танк кўшинлари билан бирга Мандиалага ўтиш жойини кўриклашга ўтди. Покистоннинг иккига батальони – 6 ПОК ва 13 ПОК – бешинчи декабрь куни соат 03:00 атрофида Тави бўйлаб шафқатсиз ҳужум уюштирди. Улар Американинг Паттон танклари ва Хитойнинг Т-59 русумли қуроллари билан кириб келди. Покистон ҳаво кучлари самолётлари ҳудудга бостириб кириб, бизнинг позицияларимизга минг фунтли бомбалар ташлади. Мен ҳамма жойда ёнаётган транспорт воситаларини, портлаётган снарядларни ва баланд фил ўтлари оралаб улкан пўлат ҳашаротлар каби биз томон ҳаракатланаётган танкларни кўрдим. Артиллерия отишмаси шунчалик оғир эдики, эллик дақиқа ичида у бизнинг позицияларимизни яқсон қилди. 13 ПОК бизнинг 29 Жат бўлинмамизга югурди ва унинг кулини кўкка совурди. Улар олдинга силжиб, рота бошлиғини ўлдиргандан сўнг 303-нуқтани эгаллаб олишди. Б қисми ҳимоя қилиш ҳам 35-сикҳга ишониб топширилган эди, лекин афсуски, менинг баъзи ватандошларим чақирувга жавоб бермади. Улар шунчаки душман артиллериясининг доимий тўқнашувидан қочиб қолишди. 303-бандни кўлга киритган покистонликлар ўз захираларига олдинга силжишни ва кўприк бошини мустаҳкамлашни буюрдилар. Биринчи отишмада улар Мандиала кўпригини босиб олишди. Энди бизни фақат мўъжиза қутқариши мумкин эди. Кимдир менга бир стакан сув олиб бера оладими?

Балвант Сингх – мохир хикоячи. У сўзларни тўғри танлай олади, қаерда тўхтаб, қизиқишни орттиришни биледи ва шундай пайтларда бир стакан сув сўрайди.

Кимдир шоша-пиша унга сув тўлдирилган косани олиб келади. Биз унга янаям яқин ўтириб оламиз. Балвант бир култум сув ичгандан кейин давом этади.

– Ана шу пайт Ахнордан 368-бригада командири-нинг ўзи шахсан бизга кўшилди. У вайронагарчилик ва тартибсизликни кўрди. Аскарлар жанг майдонида ҳаёт билан олишиб ётарди. Ер ўлик жасадлар, вайроналар ва танкларимизнинг ёниб кетган қолдиқлари билан қопланган кратерли чўлга айланганди. Ҳар томонда ёнғин, Тави сувлари аскар кони билан кип-қизил рангга бўялганди. Бу жаҳаннамнинг ўзгинаси эди. Сиз телевизорда кўрадигандек тугмани босиб, ракетани учириб, кейин чой ичиб томоша қиладиган эмас. Мени таниган бригада командири “Балвант Сингх, нима бўляпти? Бизнинг аскарларимиз қаерга ғойиб бўлди?” деб сўради. Мен унга оғир хўрсиниш билан жавоб бердим:

“Кечирасиз, жаноб, кўпчилик жанг жойини ташлаб, хавфсиз жойга қочиб кетди. Улар душман томонидан берилган қаттиқ хужумга дош бера олмади. Биз учта танк ва кўплаб одамларимизни йўқотдик”, – дедим.

“Ҳар биримиз шундай ўйлай бошласак, бу урушда қандай ғалаба қозонамиз? – деб хўрсиниб қўйди у. – Менимча, вазият оғир. Умид йўқ. Биз чекинишимиз керак”.

Мен дарҳол эътироз билдирдим.

“Сэржи, – дедим мен, – полкимизнинг шиори – “Мен ғалаба қозониш учун курашаман. Мен ҳеч қачон жангсиз таслим бўлмайман”.

“Рухинг чўкмаганига қойил, Балвант”, деб командир елкамга кўлини қўйди ва қолган одамларни йиғишимни айтди. Менинг взвод командирим ҳам қочиб кетган эди, шунинг учун командир мени взводга масъул қилиб қўйди.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Бизнинг батальонга кўприкни қайтариб олиш учун зудлик билан олдинга силжиш вазифаси топширилди. Дельта компаниясининг гурха милтиклари ва 31-отликларнинг қолган танклари хужумга тайёр эди. Тонгда тўп ва пулемётлардан ўқ узилди. Мандиала ўтиш жойи дўзахга, олов қозонига ўхшаб қолди, атроф портлашларга тўлиб кетди. Мерган ўқлари бошимиздан ўтар, пулемётлардан узлуксиз ва ҳалокатли ўқлар ёғиларди. Тепамизда варанглаган душман самолётлари ва атрофимиздаги бомбаларнинг портлаши аралаш тўс-тўполонда “Боле Со Ниҳал, Сат Шри Акал” деб қичқириб, найзалар билан хужумга ўтдик. Устимизга бостириб келаётган душман томон ҳамла қилдик ва конли қўл жангларида кўпларни гумдон қилдик. Бу дадил ҳаракат душманни доводиратиб қўйди. Ҳисоб бизнинг фойдамизга ишлай бошлади. Душманни анча жойгача суриб бордик. Шунда улар ўз танкларини Тави дарёсидан ўтказишга қарор қилди. Шу пайтгача улар нариги томонда жанг қилишарди. Улар кўприкдан биз томонга ўтишганда умуман яширинолмай қолардик. Кўприкдан ўтишларини тўхтатишимиз шарт эди. Энди 31-отлик ва 27-зирҳли полкка тегишли Т-55 танкларимиз ҳаракатга келди. Аввалига танкларимиз душман хужумига яхши бардош берди, аммо Покистоннинг Паттон танклари кўприкдан ўта бошлаганда бизнинг икки аскаримиз танкларини ташлаб, қочиб кетишди. Хаёлимга нима келганини ҳам билмайман, ташлаб кетилган танклардан бири томон югурдим, люкни очиб, ичкарига кирдим. Озми-кўпми танклар ҳақида билардим, лекин илгари ҳеч қачон ҳайдамаганман. Шундай бўлса-да, бошқарув элементларини аниқлаш учун бир неча дақиқа вақт кетди ва тез орада Т-55 ни ҳаракатга келтира олдим. Танкни ишга туширганимда, бункерларда яширинган душман томонидан кучли ўқ узилди. Шундай қилиб, мен танкимни душман хандағига қараб ҳаракатлантирдим.

Улар мени отишмада таслим бўлади деб ўйлашди, лекин тўхтамасдан бункер томон ҳаракат қилдим, токи улар сакраб чиқиб қочиб кетишгунларича. Улардан бири танкка чиқмоқчи ҳам бўлди. Мен дарҳол ўқ отиш учун 100 мм милтикни айлантирдим ва уни чивин каби учириб юбордим. Бу орада бизнинг бошқа танқларимиз душманни нишонга ола бошлади ва йигирма дақиқа ичида фақат битта Паттон танки қолди. Қочиб кетмоқчи бўлганида ортидан қувдим. У танкимга зарба берди ва танким ёна бошлади. Аммо менда қурол борлиги сабабли Паттонни таъқиб қилишда давом этдим ва эллик метрча наридан унга ўқ уздим. Душман танки тўсатдан тўхтади ва орқага ўтирилди, танк стволи худди маст одамдек айланиб қолди. Ниҳоят у айланишдан тўхтади ва танк алангали шарга айланди. Мен “Браво-И”га чиқдим ва командирга душманнинг саккизта танки йўқ қилингани ва вазият назорат остида эканини хабар қилдим. Мандиала кўприги энди бизнинг қўлимизда эди. Душман тарқалиб кетди. Унинг танқлари вайрон қилинган, аммо қаршилик ҳали ҳам мавжуд эди. Душман кўприк атрофида ҳали ҳам фаол бўлган бир нечта пулемёт ва ракеталарни ўрнатган эди. Энг аҳамиятлиси эса кўприк тепасида ҳамон Покистон байроғи ҳилпираб турарди. Мен уни олиб ташламоқчи бўлдим. Мия чайқалишидан довдираб, учиб кетган металл парчаларидан жароҳатланиб, қонга беланган ҳолда Покистон бункерига қараб юра бошладим. Теварак-атрофда абжағи чиққан ва лойка тупроқда ётган жасадлар ётарди. Мен юришда давом этдим ва тиканли симлар билан ўралган душман бункеридан ўн ярдгача узоқликка юриб бордим. Кейин бункерга тутунли гранатани улоқтирдим ва Покистоннинг уч аскарлари ерга қулаб тушиб, ҳалок бўлди. У ерда фақат битта аскар қолган эди. Уни отиш учун милтиғимни кўтарганимда бирдан унинг тикилиб қолганини англадим. Буни душман аскарлари ҳам кўрди. У

## Харобадан чиққан миллионер

жилмайиб, милтиғини кўтариб, тепкини босди. Ўқлар чап оёғимга тегди, мен ерга йиқилдим. У милтикни юрагимга қаратиб, тепкини яна босди. Мен эса дуоларимни ўқиб, ўлимга тайёрландим. Бирок кулокни қакшатадиган ўқ овози ўрнига шунчаки чирт этган овоз чикди. “*Naroi tak-bir* – Аллоху акбар!” – деб кичкирди у ва яланғоч найза билан менга отилди. Мен “Жай Ҳинд” деб кичкирдим ва ён томонга ўтирилиб олдим. Кейин уни милтиғимнинг кўндоғи билан уриб ўлдирдим. Ниҳоят байроққа етиб, уни йиртиб ташладим ва ўрнига уч рангли байроқни кўйдим. Байроғимиз Мандиала кўприги тепасида ҳилпираб турганини кўрганимда, бир оёғимни йўқотганимни билсам-да, бу ҳаётимдаги энг бахтли лаҳза бўлди.

Балвант Сингх гапини тўхтатади ва биз унинг кўзлари ёш билан тўлганини кўрамыз. Бир дақиқа ҳамма жим бўлиб қолади. Кейин Путул Балвант Сингхнинг олдига боради ва ёзув дафтарини узатади.

Аскар кўз ёшларини артади.

– Аррей, бу нима? Мен сенга математикадан вази-фангни бажариб беролмайман, – дейди.

– Мен уй вазирамни бажаришингизни сўрамаяпман, – жавоб қайтаради Путул.

– У ҳолда нега менга дафтарингни узатяпсан?

– Менга дастхат кўйиб беришингизни хоҳлайман. Сиз бизнинг қаҳрамонимизсиз.

Ҳамма бирдан қарсақ чалиб юборади. Дянеш яна ўша саволни беради.

– Хўш, бу жанг учун улар сизга қандай мукофот беришди?

Балвант худди жаҳли чиққандек жим қолади. Кейин у аччиқланиб:

– Ҳеч нарса. Улар 35 та сикҳга иккита МВЧ ва иккита ПВЧ беришди. Менинг учта ҳамкасбим Сена медалига сазовор бўлди ва Жориан шахрида ёдгорлик қурилди.

Лекин улар менга ҳеч нарса беришмади, ҳатто жўнатмада эслаб ўтишмади. Менинг жасоратим эътироф этилмади. – У хўрсиниб кўяди. – Аммо ташвишланманг. Номаълум аскар ёдгорлиги – Амар Жёти устида ёнаётган алангани кўрганимда мамнун бўламан. Бу аланга менга ўхшаганлар учун ёнаётганини ҳис қиламан.

Сўнг у урду тилида шеър ўқий кетади:

*Дунёга билмайин келамиз, билмайин кетамиз,  
Аммо ҳаёт пайти қилган амалларимиз,  
Бу авлоднинг хотиридан жой олмайди,  
Кейингисининг хотирасидан ўчмайди.*

Ҳамма яна жим бўлиб қолади. Тўсатдан Дамле хоним “Саре жаҳан се ачча Ҳиндустан ҳамара” деб кўшиқ куйлай бошлайди. Тез орада бу ватанпарварлик кўшиғини куйлашга қолганлар ҳам кўшилади. Биз ёшларга нима бўлганини билмайман-у, лекин ўз-ўзимиздан марш ташкил қилиб юра бошлаймиз. Бир қатор бўлиб, Балвант Сингхнинг ёнидан ўта бошлаймиз. Ўнг муштларимиз бу жасур аскарга ҳурмат бажо келтириш учун чаккамизга кўйилади.

Бу бизнинг урушимиз, у эса бизнинг қаҳрамонимиз эди.

Балвант Сингх ҳиссиётга берилиб, йиғлай бошлайди. “Жай Ҳинд!” деб қичқиради ва бизни фил ўтларининг шитирлаши, портлаётган бомбалар овози, кордитнинг аччиқ ҳиди ва ўлим нафаси билан ёлғиз қолдириб чиқиб кетади.

Жаноб Уэйл супага келди ва баланд овозда:

– Ҳурматли дўстлар, мен сизларга шуни маълум қилиш шарафига муяссар бўлдимки, эртага бу ерга Аскарлар нафақа жамғармаси, қисқаси, АНЖ жамоаси ташриф буюради. Бизнинг севимли бош вазириимиз барча ҳиндистонликларга мурожаат қилиб, биз шараф ва кадр-

## Харобадан чиққан миллионер

қиммат билан озодликда яшашимиз учун ўз жонларини фидо қилаётган аскарларимиз манфаати учун ҳисса кўшишга чақирди. Умид қиламанки, барчангиз АНЖга ёрдам бериш учун чўнтагингизга қўл суқасиз.

– Бизнинг орамиздаги аскарчи? – деб қичқиради жаноб Ширке. – Биз унга ҳам ёрдам беришимиз керак эмасми?

– Кулоқ солинг! Кулоқ солинг! – деб қичқиради Жаноб Уэйл. – Ҳа, сиз мутлако ҳақсиз. Аммо, менимча, Балвантжи учун қила оладиган энг катта хизматимиз бу унинг 1971 йилги урушдаги жасоратларини тан олишдир. Эртага АНЖдан бу ерга келган одамларга меморандум берамиз.

Ҳаммамиз ҳаяжонга тушамиз. Ниҳоят биз ҳам уруш ҳаракатларига ҳисса кўшаётганга ўхшаймиз.

\* \* \*

Уруш қаҳрамонларидан учтаси ташриф буюради. Узун бўйли, паст бўйли ва яна бир семиз киши. Учаласи ҳам собиқ зобитлар; баланд бўйлиси денгиз флотидан, паст армиядан, семиз киши ҳарбий ҳаво кучларидан. Паст бўйли киши узоқ нутқ сўзлайди. У аскарларимиз катта иш олиб бораётганини, мамлакатимиз буюк, бош вазиримиз ажойиб инсон экани ҳақида гапирди, ва албатта, бизнинг хайр-эҳсонларимиз ҳам ватан фидойиларига муносиб тарзда бўлиши кераклигини таъкидлайди. Улар саватни кўтариб, одамлар оралаб айланиб чиқади. Одамлар унга пул ташлайди. Кимдир беш рупий, кимдир ўн, кимдир юз рупий. Хонимлардан бири олтин билагузукларини ечиб беради. Салимнинг пули йўклиги учун иккита қоғозли сақич солади. Балвант Сингх эса йўқ. У гриппга чалингани ҳақида хабар юборибди. Кейин савол-жавоб бошланади.

– Сиз ўзингиз бирон бир урушда қатнашганмисиз? – деб сўрайди Кулкарни, истеъфодаги полковник.

– Ҳа, албатта. Мен иккита буюк урушда қатнашганман, 1965 ва 1971 йилда.



- 1971 йилги урушда қаерда хизмат қилгансиз?
- Энг катта жанглардан бири Чҳамбда.
- Сизнинг полкингиз қайси эди?
- Пиёда аскарлар ротасида. Буюк сикҳ полки.
- 1971 йилги урушда бирон-бир медаль олганмисиз?
- Ҳа, менда Вир Чакра бор. Бу катта шараф эди.
- Бу буюк шарафга нима сабабли эришгансиз?
- 35 сикҳ Мандилага ўтиш жойида кучли жанг

қилганман.

– Сиз ўзи қанақа одамсиз? Ўзингиз медаль олиб, бошқаларни инкор қиласиз. Уларнинг ёрдамисиз бу кўприкни ҳеч қачон кўлга киритиб бўлмас эди.

– Кечирасиз, тушунмаяпман. Кимни инкор қилибман?

– Биз 1971 йил Чҳамбдаги урушда қаҳрамон бўлган, бир оёғидан айрилган ўз аскаримиз ҳақида гапиряпмиз. Аслида Парам Вир Чакра унга берилиши керак эди, лекин унда урушдан фақат кўз ёшларгина қолди. Кўриб турибсизки, полковник соҳиб, биз тинч аҳолимиз. Биз сизнинг армиянгиз қонун қоидалари ҳақида билмаймиз, лекин бу ерда жиддий адолатсизлик қилингани кундек равшан. Сиз ҳам жасур аскарларни улуғлаш учун ҳеч қачон кеч эмас, деган фикрда бўлсангиз керак?

– Сиз айтаётган жасоратли аскар қаерда?

– У шу ерда, бизнинг чоулда яшайди.

– Ажойиб. Мен унга ҳурматимни билдиришни истардим.

Шундай қилиб, биз уни Балвант Сингхнинг хонасига кузатиб борамиз. Унинг эшигини кўрсатиб, полковникнинг ичкарига кириб боришини кузатиб турамыз. Ичимизда эса тинмай дуо қиламыз.

Ичкаридан худди жанжалга ўхшаш баланд овозлар эшитилади. Ўн дақиқача вақт ўтгач, полковник ғазаб билан шошиб чиқиб келади.

– Бу аниқ сиз ПВЧ олман деб шикоят қилган одамнингизми? У мен кўрган энг ярамас одам. Қанийди, шу

## *Харобадан чиққан миллионер*

ерда ва ҳозир бу чўчқани бўғиб ўлдирсам, – деб дарғазаб бўлади.

– Бизнинг қахрамонимизни ҳақоратлашга қандай тилингиз борди, – деб аччиқланади Дамле хоним.

– Бу менга қилинган энг катта ҳазил. У ахир дезертирку. Чҳамб секторидаги ҳужумни биринчи кўришдаёқ қочиб кетган. Шуни айтишим мумкинки, у сикҳ полкига доғ туширган жангчи. Аслида уни ўн тўрт йиллик камок жазосига тортиш керак эди. Афсуски, дезертирлик ишлари беш йилдан кейин ёпилади, акс ҳолда, мен ҳозир ҳам у ҳақда хабар берган бўлардим.

Биз ҳайратга тушамиз.

– Нима деяпсиз, полковник? У бизга Чҳамбдаги жасоратларини батафсил айтиб берди. У ҳатто жангда бир оёғини ҳам йўқотган экан.

– Бу бутунлай ёлғон. Мен сизга унинг ҳақиқий ҳикоясини айтиб бераман, бу жуда ачинарли.

Полковник камарини тўғрилаб, сўзлай кетади:

– Уруш бошланганда Балвант Сингхнинг кайфияти яхши эмас, чунки унинг хотини Патҳанкотда биринчи фарзандини дунёга келтирган эди. У оиласи билан бирга бўлишни жуда хоҳларди. Соғинчи шунчалик кучли эдики, Жориандаги муаммонинг биринчи белгисида, Покистон тўлиқ куч билан артиллерия орқали ҳужум қилганда, ўз постини ташлаб қочиб кетган ва Патҳанкотга қайтиб келиб яширинган. У урушни анча орқада қолдирдим деб ўйлаган бўлса керак, лекин уруш уни тарк этмади. У кетганидан икки кун ўтиб, Покистон ҳаво кучлари Патҳанкот авиабазасига ҳужум қилди. Улар бизнинг самолётларимизни уриб туширолмадилар, лекин икки минг фунтли бомба аэродром яқинидаги уйга тушди. Маълум бўлишича, уй Балвантниги бўлган. Унинг хотини ва чақалоқ ўғли ҳужумда бир зумда ҳалок бўлган ва унинг ўзи бир оёғидан айрилган...

– Аммо қандай қилиб у жанг саҳнасини бунчалик батафсил тўқиб чиқара олади?

– У сизга қандай ҳикоялар айтганини билмайман, лекин йигирма олти йил – буюк жанглارни қайта гавдалантириш учун узоқ вақт. Шунча йиллардан сўнг, бу ярамас сизни сохта ҳикоялари билан алдашга қандай журъат этди экан. У билан учрашув таъбимни хира қилди. Кун ҳам расво бўлди. Хайр. Саломат бўлинг.

Полковник бош чайқаб, икки ёнида новча ва семиз одам билан чиқиб кетади. Бункерга қайтамыз. Бизнинг ҳам кайфиятимиз бузилади. Балвант Синг нималар билан банд эканини билишни хоҳлаймиз, ўша оқшом у ташқарига чиқмайди.

Эртаси кун эрталаб уни чоулдаги бир хонали ижара уйида ўзини осиб қўйган ҳолда топишади. Остонада қолдирилган бир банка сут ва газета тегилмаган ҳолда ётар, деворга унинг қўлтиқтаёқлари тартиб билан суяб қўйилганди. Ёғоч каравот бурчакка сурилган, столда шама қолдиқлари бор бўш стакан қолган, хона ўртасида эса стул ағдарилган ҳолда ётарди. Унинг боши кўксигача эгилган, яшил зайтун рангли кийимида бўйнига пушти рангли мато билан боғланган ҳолда шифтдан осилиб туради. Унинг бутун танаси у томондан бу томонга тебранади, шифтдаги вентилятор эса заиф ғичирлаган товуш чиқаради.

Полиция машинаси қизил чироқларини милтиллаганча етиб келади ва шу заҳоти миршаблар унинг нарсаларини титкилашга тушади. Бир-бирларига имо-ишоралар қилиб ўзаро суҳбатлашиб, қўшнилари кўполлик билан сўроққа тутишади. Сурааткаш расмга олади, тез ёрдам машинасида шифокор ҳам етиб келади. Балвантнинг уйи олдида кўп одам тўпланади.

Улар Балвантнинг жасадини янги оқ чойшабга ўраган ҳолда ташқарига олиб чиқиб кетади. У ерда яшовчилар эса индамай қолади. Путул, Дянеш, Салим ва мен унинг

## Харобадан чиққан миллионер

ортдан тикилиб қоламиз. Биз жасадга кўркув, ачиниш ва айбдорлик ҳисси билан термуламиз. Бу биз билган энг биринчи уруш эди ва у ўта жиддий кечаётганди. Унда кимдир ҳалок бўлар экан.

\* \* \*

Смитанинг қиёфасида шафқатсизлик ва жиддийлик намоён.

– Уруш пайтида қаерда эдингиз? – деб сўрайман.

– Шу ерда, Мумбайда, – шошиб жавоб беради ва мавзуни ўзгартиришга уринади. – Кейинги саволга ўта қолайлик.

\* \* \*

Прем Кумар стулини ўгириб, мендан яшаш манзилими олади.

– Жаноб Томас, 2 лак рупий ютиш учун 7 та саволга тўғри жавоб бердингиз. Энди 500 минг рупий ютиб олишингиз учун 8-саволга ҳам тўғри жавоб беришингиз керак. Тайёرمىсиз?

– Тайёрман, – жавоб бераман мен.

– Демак, 8-савол. Ҳиндистон қуроли кучларига бериладиган энг катта мукофот нима? Қайтараман, Ҳиндистон қуроли кучларига бериладиган энг катта мукофот нима?

А) Маҳа Вир Чакра

Б) Парам Вир Чакра

В) Шауря Чакра

Г) Ашок Чакра

Ҳаяжонли онлар, соат миллари баландроқ чиққиллайди. Ҳамманинг эътибори менда, улар ҳамдардлик билан, хайрлашишмоқчидек қараб туради.

– Б) Парам Вир Чакра, – жавоб бераман мен.

Кумарнинг қошлари кўтарилиб, дейди:

– Жавобни билармидингиз ёки шу жойнинг ўзида тахмин қилдингизми?

– Билардим.


– Тўғри жавоб берганингизга ишончингиз комилми?

– Албатта.

Дўмбиралар овози тобора баландроқ чалинади. Экранда тўғри жавоб пайдо бўлади.

– 100 фоиз, мутлақо тўғри, – бақиради Прем Кумар.

Томошабинлар ҳам хурсанд, тўхтовсиз қарсақлар ва “Браво” деб қичқиришлар давом этади. Мен табассум қиламан, Прем Кумар эса йўқ. Смига тушунгандек бош чайқаб кўяди.



1,000,000

## Қотиллик учун лицензия

Мумбай кўчаларида саёқ юриш кўп зарарларни олиб келади. Беихтиёр банан пўстлоғига сирпаниб кетишингиз, кўчадаги қум уюмларида ётган итларнинг ахлатларини босиб олишингиз, орқангиздан бехосдан келиб қолган сигир сизни туртиши мумкин. Ҳатто анчадан бери кўришишдан қочиб юрган дўстингиз тирбандликда тасодифан пайдо бўлиб, сизни кучиб олиши ҳам мумкин.

17 июнь санасида Маҳалакшми пойгаси олдида Салим Илёсийни учратган куним ҳам мен билан шундай воқеа содир бўлади. Ўзи ҳам уни беш йилдан бери кўрмагандим.

Уч ой олдин Аградан Мумбайга биринчи марта келганимда, Салим билан боғланмасликка қарор қилган эдим. Бундай қарорга келиш мен учун қийин кечди. Дехлида Тейлорлар билан ўтказган йилларим ва Аградаги қийин вақтларимда уни жуда соғингандим ва у билан бир шаҳарда бўла туриб, уни кўрмаслик ҳақиқатан ҳам жуда оғир юк эди. Аммо уни телевикторинага қатнашиш режамга аралаштирмасликка қарор қилгандим.

– Муҳаммад! – деб қичқириб юборади Салим мени кўрган заҳоти.

## *Харобадан чиққан миллионер*

– Мумбайда нима қиялпсан? Қачон келдинг? Шунча йилдан бери қаерларда юрибсан?

Анча вақтдан бери кўрмаган якинингни учратиб қолишинг, менимча, кўпдан бери емаган севимли таомингни ейишга ўхшайди. Бу таъм шунча вақтдан кейин сенга қанчалик ёқишини, у сен ўрганганингдек ўша-ўша таъмми ёки йўқми, билмайсан. Салимни кўрмаганимга беш йил бўлганди. Шунча вақтдан кейин уни учратганимда мени турли хил хиссиётлар чулғаб олди. Дўстлигимиз аввалгидай қоладими? Аввалгидай бир-биримиз билан рўйирост гаплаша оламизми?

Бошида унча кўп гаплашмадик, яқин атрофдаги ўриндикда ўтирдик, холос. Ҳатто бошимиз узра айланиб учаётган чағалайларнинг чуғурлашини ҳам эшитмасдик. Йўлда тўп тепаётган кичкина болаларни, ҳатто Ҳожи Али даргоҳига бораётган бутун бошли оломонни ҳам илғамасдан бир-биримизни бағримизга босганча йиғлардик, холос. Қанча вақт бирга бўлдик, қанча вақтларни йўқотдик. Орада нималар бўлгани ҳақида суҳбатлашдик. Аслида Салим гапириб берарди, мен эса уни тинглардим.

Салим бўйлари баланд, келишган йигит бўлибди. 16 ёш бўлишига қарамасдан, у Болливуд кино юлдузларига ўхшаб кетарди. Мендан фарқли ўларок, шаҳарнинг оғир ҳаёти уни бошқа одамга айлантирмаганди. У ҳали-ҳануз ҳинд киноларини севади ва Болливуд юлдузларининг шайдоси (албатта, энди Арман Али бундан мустасно). Ҳозирги кунгача ҳар жума куни Ҳожи Али зиёратгоҳига ибодат қилиш учун боради. Энг муҳим жиҳати шундаки, фолбиннинг башоратлари ва ниҳоят рўёбга чиқяпти. У ҳозирда даббавалла бўлиб ишлашни тўхтатиб, анча қиммат турувчи актёрлик курсига қабул қилинганди.

– Менинг дарсларим учун ким пул тўлаётганини биласанми?

– Йўқ.

– Аббос Ризвий.

– Ўша машхур продюсерми?

– Худди ўзи. Менга кейинги фильмида ўйнаш учун роль таклиф қилди, фильм икки йилдан кейин – 18 ёшга тўлганимда суратга олинишни бошлайди. Унгача у мени ролга тайёрлаб боради.

– Жуда ажойиб, Салим, лекин қандай қилиб?

– Жуда узун ҳикоя.

– Мен учун ҳеч қайси ҳикоя узун бўлолмайди, Салим. Қани, бир бошидан айтиб бер.

Шундай қилиб, бу Салимнинг ўз сўзлари билан айтилган ҳикоя.

– Сен тўсатдан кетиб қолганингдан кейин чоулда ёлғиз ўзим қолдим. Тўрт йил умрим нонушта йиғиш ва етказиб бериш билан ўтди, лекин актёр бўлиш орзусидан воз кечмадим. Бир куни доимгидек Мукеш Равал исмли савдогарнинг рафиқасидан нонушталарни олиб, уй деворлари машхур кино юлдузлари билан бирга тушилган суратларга тўла эканини пайқадим. Мен Равал соҳиб кино саноатида ишлайдими деб сўраганимда рафиқаси аслида соҳиб фармасевтик компанияда савдо ходими экани ва бир вақтнинг ўзида кино соҳасида статист<sup>1</sup> бўлиб фаолият юритишини айтди. Бунни эшитиб лол қолдим ва шу заҳоти Мукеш Равал соҳибнинг идорасига югуриб бориб, мен ҳам унга ўхшаган статист бўлишни хоҳлашимни айтдим. Мукеш соҳиб менга қараб кулиб, актёрлик учун ҳали ёшлигимни, аммо айрим пайтлар кўча болалари, мактаб ўқувчилари учун ҳам роллар бўлиши мумкинлигини ва бу менга тўғри келишини айтди. У менга ўзи статист бўлиб ишлаган жойида Паппу соҳиб билан учрашиб кўришга ваъда берди ва мендан бх8 ўлчамли турли ҳолатларда тушган суратларимни беришимни сўради. Агар суратларим Паппу соҳибга ёқса, мени кинонинг маълум бир қисмида роль ўйнашим учун олишади. Мукеш соҳиб менга статистлик учун жуда катта қобилият талаб

<sup>1</sup> Сўзсиз ролларни ижро этувчи артист.



## *Харобадан чиққан миллионер*

қилинмаслигини, аммо мен костюмда ақли, безори кийимида қўрқинчли ва мактаб формасида ёқимтой кўринишим шартлигини айтди. У яна мендан студияда тушган суратларимни олиб келишимни сўради. Ўша кеча ухлолмадим, эртаси куни эрталаб эса бир сураткашнинг олдига бордим ва суратларнинг нархини сўраб билдим. У жуда баланд нарх айтди, деярли бир ойлик маошим. Мен “Аррей, баба, мен бунча кўп тўлай олмайман”, – дедим. Шундан кейин у менга арзон, бир марталик камералардан биттасини сотиб олиб, ўзим ўзимни суратга олсам, суратларимга ишлов беришини айтди. Худди у айтгандек қилиб камера сотиб олдим ва ўтган йўловчилардан мени суратга олиб қўйишларини сўрадим. “Чёрчгейт” вокзали олдида бировнинг мотоциклига ўтириб тушдим ва “Такдир ҳукмдори” кинофильмидаги Амиабх Баччандек вазмин кўринишга ҳаракат қилдим. Чопатти соҳилида “Ўйин” фильмидаги Акшай Кумарга ўхшаб отда ўтирган ҳолатда, “Севгидан воз кечмайдилар” фильмидаги Ритик Рошанга ўхшаб “Sun and Sand” меҳмонхонаси олдида тик турган ҳолатда, қўлимда “Jonny Walker” бўш шишасини тутиб, “Девдас” фильмидаги Шоҳруҳхоннинг маст ҳолатига таклид қилган ҳолда суратга тушдим. Яна Говиндага ҳамма кинофильмларида жилмайганидай Флора фаввораси олдида табассум қилиб суратга тушдим. Деярли 20 тача суратга тушгандим, аммо плёнка 36 та эди ва уларни чиқаришдан олдин ҳаммасини тугатишимга тўғри келарди. Шундан сўнг қолган суратларни кизикроқ жойларда олишга қарор қилдим. Мен Виктория ва Ҳиндистон дарвозаси станцияларини суратга олдим. Марин Драйвда бир гўзал қизни, Бандрада бир қарияни, Колабада ҳатто эшакни яқиндан расмга олишга муваффақ бўлдим. Сўнгги суратим Маҳимда, соҳил бўйида сигарета чекиб ўтирган ўрта ёшли, қорачадан келган кишиники эди. Унинг бармоқларини турли туман узуклар безаб турарди.

Кимни суратга олганимни тушуниб етган заҳоти музлаб кетдим.

– Бу нима деганинг? – сўрадим ундан. – У машҳур кино юлдузимиди? Ўша ярамас Арман Али эдими?

– Йўк, Муҳаммад, бу сен жуда ҳам яхши биладиган одам “Маман” лақабли соҳиб Бабу Пиллаи эди. У бизни Дехлидан бу ерга олиб келган ва кўр қилиб қўйишига бир баҳя қолган одам.

– Эй Худойим! – қўлларим билан оғзимни беркитдим. – У сени танидимми?

– Ҳа, таниди. “Сен Салимсан, адашмадимми? Меникidan қочиб кетган болакай. Энди мендан қочиб қутулмайсан”, деб қичқириб, менга ташланишга уринди. Ҳатто ўйлашга ҳам улгурмадим. Уни айланиб ўтиб, катта йўл томон югуриб кетдим. Автобус қайрилаётганда унга сакраб ўтирдим, Маман эса ҳаллослаганча ортда қолди. Автобусда кетаётиб қачон, нима содир бўлганларини бирма-бир кўз олдидан ўткизар, омадим кулгани ҳақида ўйлаб борардим. Кейин, биласанми, нима бўлди?

– Нима?

– Автобус светофорда тўхтади. Бир гуруҳ бошлари боғланган, найзаю қиличлар билан қуролланган безорилар автобусга чиқди.

– Эй Худойим, фақат босқинчилар дема.

– Худди шундай. Биз босқинчи тўда орасида қолиб кетганимизни тушундим. Олдимизда беихтиёр тутаётган машина вайроналари ётарди. Дўконлар буткул вайрон ҳолатда, кўчаларда сачраган қон изларию, тошлар, таёқлар, шиппаклар ҳам ҳар томонга сочилганди. Ҳайдовчи зудлик билан автобусдан тушиб, қочиб кетди. Қўрқувдан миям қарахт эди. Бундай даҳшатли манзарани яна қайта кўраман деб ўйламаган эдим. Унутдим деб ўйлаган товушларим эшитиларди. Қулоғим остида онамнинг чинқирғи, укамнинг йиғиси жарангларди. Титрай бошладим. Зўравон кимсалар автобусдагиларга бир мусулмон одам

## *Харобадан чиққан миллионер*

ҳиндуийларнинг уйларига ўт қўйганини, энди улар шу учун қасос олгани келганини айтди. Кейинчалик билдимки, ҳамма муаммо харобадаги сув крани ҳақидаги оддий гапдан бошланган экан. Аммо одамларнинг онги шунчалик нафратга тўла эдики, бир неча соат ичида автобуслар, уйлар ёқиб юбориларди ва одамлар эса ваҳшийларча ўлдирилаётганди.

“Ҳар бирингиз исмингизни айтинг. Барча ҳиндуийларга автобусдан тушишга рухсат, мусулмонлар эса жойларидан жилмасин”, – дея хитоб қилишди каллакесарлар. Йўловчилар титроқ билан бирин-кетин исmlарини айтишарди. Арвинд. Уша. Жатин. Арун. Васанти. Жагдиш. Нармада. Ганга. Милинд. Автобус бўшашни бошлади. Улар автобусдаги ҳар бир йўловчини синчковлик билан шундай кузатишар эдики, аёлларнинг сочлари орасига суртилган синдурни текшириб, эркакларга динлари ҳақида саволлар бериб кўришар, ҳатто ёш болаларнинг иштонини ечиб қарашарди. Бундай ваҳшийликдан кўнглим айниб кетаётганди, лекин ўрнимда титраб ўтиравердим. Охири автобусда бор йўғи иккита йўловчи қолдик. Мен ва иккита ўриндиқ орқада ўтирган бир киши. Биласанми, Муҳаммад, кинофильмларда шундай сахналарда қаҳрамон ўридан туриб, оломонни эзгуликка чорлайди. У ҳиндуийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам қони бир хил эканини, қайси диндан эканимизни юзимизга айтиш ярамаслигини, муҳаббат нафратдан афзалроқ эканини сўзлайди. Мен бу каби диалогларнинг жуда кўпини билардим, улардан бирини ўша қотил, зўравонлар олдида айтиб бера олардим, лекин бундай ваҳшийлик билан юзма-юз турганинда ҳамма билганларингни унутаркансан. Фақат битта нарсани ўйлаб қоларкансан: ҳаёт. Мен яшашни хоҳлардим, чунки актёр бўлиш орзуси юрагимни тўлдирганди. Аммо худди тушдагидек Мумбай автобусида ёниб кетиш арафасида тургандим. “Исминг нима?”, деб сўради уларнинг бошчиси. Мен Рам ёки Кришна деб айтишим мумкин эди,

лекин тилим айланмай қолди. Хужумчилардан бири бўйнимдаги табизга ишора қилди. “Бу аниқ мусулмон, уни ўлдирамиз”, деди у шошилтирганча. “Йўқ. Уни ўлдириш енгил жазо. Бу ҳаромини шу автобусда тириклайин ёқиб юборамиз. Шунда у ҳам, унинг қавми ҳам бизнинг уйларимизга ҳеч қачон тегмасликни ўрганеди”, – деди бошчиси ва кулиб юборди. Улардан яна бошқаси бензинни очди ва автобус ичига сепи бошлади. Бензин ҳиди менга ёқарди, аммо ўшандан кейин уни ёнаётган гўшт ҳиди билан боғлайдиган бўлдим. Мендан икки ўриндиқ нарида ўтирган киши тўсатдан ўрнидан турди. “Мендан исмимни сўрамадингиз. Айтишга рухсат беринг. Исмим Аҳмадхон. Болага тегинмоқчи бўлсанглар, мен билан ҳисоблашишга тўғри келади”. Зўравонлар бошчиси гапиришдан олдин бир лаҳза жим турди, сўнг “Ў-ў-ў, сен ҳам мусулмонмисан, жуда яхши, сен ҳам бу билан бирга ёнасан унда”, деди. У киши безовталанмасди. “Мени ёқишдан олдин буни бир кўринг”, деди у ва қуролни олиб, зўравонларга ўқталди. Шу пайт уларнинг юзларини кўрганингда эди, Муҳаммад. Кўзлари қинидан чиқиб кетгудек бўлиб, жонларини омон сақлаш учун қуролларини ташлаб, автобусдан тушиб югурдилар. Ўша киши ҳаётимни сақлаб қолганди. Кўзларимга шукрона ёшлари келди.

Ҳалиги киши менга йиғлаб қарарди ва сўради:

“Исминг нима?”

“Салим.... Салим Илёсий”, – деб ҳикилангача қайтардим.

“Ёлғон гапиришни ҳам билмайсанми? Лекин мен бошига қилич келса ҳам ҳақиқатни гапирадиган одамларни қадрлайман”.

– У менга импорт-экспорт бизнеси билан шуғулланиши ва Байкаладаги<sup>2</sup> катта уйда ёлғиз яшапини айтди. Айтишича, унга овқат пишириш, тозалаш ишлари билан шуғулланадиган ва, умуман, иш юзасидан саёҳатга

<sup>2</sup> Жанубий Мумбайдаги туман

## *Харобадан чиққан миллионер*

кетганда уйга қараб турадиган одам керак экан. Нега унга ўхшаган тадбиркор автобусда курул кўтариб юрганига ҳайрон бўлдим. Лекин у менга ишим учун икки баравар маош ваъда қилди ва мен дарҳол унинг хизматкори бўлишга рози бўлдим. Аҳмаднинг учта ётоқхонаси, шинам ошхонаси ва ўттиз олти дюймли телевизорлари бор эди. Мен овқат пиширдим, кир ювдим, уй тозаладим, лекин актёрлик орзусидан ҳамон воз кечмагандим. Умуман олганда Аҳмаднигида ишлаш ёмон эмасди. У ҳафталаб уйга келмасди. Бу вақтда эса мен машқ қилардим. Роль устида ишладим. Фильм тасмаси учун керакли пул тўпладим ва зўр суратлар олдим. Кейин уларни Мукеш Равалга бердим. У эса суратларимни Паппу соҳибга кўрсатди. Ишонсанг, ишонмасанг, уч ойдан кейин менга биринчи марта роль таклиф қилишди.

– Ростданми?! Қайси кинода? Қайси роль?

– Аббос Ривзийнинг “Безорилар” фильмида коллеж талабаси.

– Тур, кетдик. Ўз кўзим билан кўриб, диалогларингни тингламоқчиман.

– Майли-ю-у-у... – деб иккиланади Салим. Кейин кўзини ерга қаратади. – Менинг ролимни энг охириги дақиқада қисқартириб ташлашди. Мени экранда уч сония кўришинг мумкин. Синфда ўтирган 30 талаба билан. У эпизодда фақат асосий ролдаги Сунил Мехра ва ўқитувчи ўртасида диалог бўлган.

– Нима?! Уч сониягина холосми? Қанақа роль бўлди бу? – дедим мен руҳим тушиб.

– Статистлар фақат шундай роллар учун олинади. Биз қахрамон эмасмиз. Биз сценарийнинг бир қисмимиз, холос. Кинолардаги катта байрам кечаларини эсла. Статистлар рақс майдончасида қахрамонлар вальс тушаётганда бир чеккада ичиб ўтирадиган одамлар. Қахрамон жиноятчини қуваётганда биз кўчада ўткинчилар ролида

бўламиз. Биз қахрамон йигит, қизларнинг рақс танловида ғолиб чиққанда дискотекада қарсақ чалиб турадиган болалармиз. Лекин мен статист сифатида ишлашга қарши эмасман. Бир томондан бу ҳам менга сахна ортини кўриш имконини берди. Ва шу билан бирга Аббос Ризвий билан танишишга ҳам муваффақ бўлдим. Ташқи кўринишим унга ёқди, шунингдек, менга кейинги фильмда узунроқ роль беришни ваъда қилди. Кейинги олти ой ичида мен Аҳмад ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим. Умуман олганда, у жуда ғалати одам эди. Унинг ҳаётда фақат иккита қизиқиши бор экан, у ҳам бўлса: яхши овқатланиш ва телевизор кўриш. Телевизорда эса у фақат иккита дастурни – крикет ва Мумбай жиноятлари кўрсатувини томоша қиларди. У крикет мухлиси эди. Ҳиндистон биланми ёки бошқа давлатми, фарқи йўқ. Томоша қилаверади. Агар Фарбий Ҳиндистондаги ўйин бўлса, у эрталаб соат учда, Австралия ўйини бўлса ярим тунда ҳам турарди. У ҳатто Кения ва Канада каби янгилар ўртасидаги ўйинларни ҳам ўтказиб юбормасди. У ҳар бир крикет статистикасини ёзиб борадиган кундалик дафтарини юритиб, крикетчиларнинг бирма-бир ўртача зарбасини, улоқтириш кўрсаткичларини, неча марта тўп қўлга киритилганини, дарвозабоннинг зарбаларини ёддан чиқармасди. У сенга ўйиндаги энг юқори ва энг паст кўрсаткичлар, югуриш давомида тўп энг кўп неча маротаба қўлга киритилгани, энг баланд ва паст муваффақиятни айтиб бера оларди. Аммо бу ҳамма маълумотларни фақат бир мақсад билан айтиб бериши мумкин эди, бу ҳам бўлса, крикет ўйинидаги гаров эвазига. Мен эса буни Ҳиндистон-Англия ўйини қисми давомида билиб олдим. Аҳмад телевизор кўраётди, кимгадир қўнғироқ қилишга уринаётганди. Шу орада ундан сўрадим: “Нима қияпсиз Аҳмад соҳиб?”

“Сатта ўйнамоқчиман”.

“Сатта? Нима у?”

“Бу – ноқонуний қиморнинг бошқача номи. Сатта жи-

## *Харобадан чиққан миллионер*

ноят оламидаги синдикатлар томонидан ташкил этилган бир кунлик Мумбайдаги миллионлаб рупий айланмаси. Хар бир крикет ўйини учун миллионлар, хар бир тўпга минглар тикилган. Мен энг катта ўйинчилардан бириман. Сен кўриб турган бу уй, бу киммат телевизор, ошхонадаги микроўлкинли печь, ётоқхонадаги кондиционер, ҳаммаси менинг саттадан олган ютуғим ҳисобига. Уч йил олдин Ҳиндистон – Австралия ўйинида бир дунё пул ютганман. “Eden Gardens”даги машхур ўйинни эслайсанми? Ҳисоб 232:4 бўлиб турганда, Ҳиндистонга қарши коэффицентлар мингга бир эди. Мен Лакшман ва Ҳиндистонга пул тикиб, ўн лак рупий ютиб олгандим”.

“Ўн лак?!” Кўзларим косасидан чикиб кетай деди.

“Ҳа. Бугун эса мен Ҳиндистонга атиги ўн минг тикипман, холос. Мен букмекеримдан ставкаларни сўрамоқчиман, лекин унинг рақами боядан бери банд”.

У мобил телефонига бир-икки марта урди, сабрсизлик билан қўлидаги соатга қаради ва яна рақамни терди. Бу сафар боғлана олди.

“Салом, Шарадбхаи. АК гапиряпти. Код 3563. Ўйин ставкаси қанча?”

Мен телефонда букмекернинг хотиржам гапиряётганини эшитдим. Ҳатто орқа фондан келаётган шархлар ҳам эшитилди.

“Ҳиндистон аллақачон Англиядан 175 очко олдинда боряпти. 250 очкодан ошганидан сўнг ставкалар Ҳиндистон фойдасига ҳал бўлади. 250 очкодан камроқ бўлиши хар иккала томон учун 50/50, аммо 250 дан ўтиш эса Ҳиндистон фойдасига учдан бирига ўзгартиради”.

“Англиянинг ғалаба қозониш эҳтимоли қандай?” – деб ундан сўради Аҳмад.

“Эсингиз жойидами?” – жавоб қайтарди букмекер. “Англия ғалаба қозонишининг иложи йўқ; уларнинг энг яхши гарови дуранг бўлиши мумкин. Агар ставкаларни

билмоқчи бўлсангиз, улар саккиздан бирга тенг. Ҳозир ставка қилмоқчимисиз?”

“Ҳа. Ҳиндистон ютқазишига ўн минг тикаман”, деди Аҳмад.

Мен Аҳмаднинг бундай пул тикишини эшитганимда ҳайратда қолдим, чунки Ҳиндистон олдинда эди. Аммо Аҳмад букмекердан кўра кўпроқ нарсани билар эди, ўйин охирида Англия ғалаба қозонди, бутун Лорднинг крикет майдонида инглиз байроқлари ҳилпираб турарди ва Аҳмад муштрларини сиқиб, хурсанд бўлиб: “Ҳа! Ҳа! Ҳа!” дерди. У яна букмекерига кўнғироқ қилди. “Кюн Шарадбҳаи, мен ҳақ эканманми? Қанча йиғиб олдим? Саксон минг? Ҳа! Бир неча соатлик иш учун ёмон фойда бўлмади”. Аҳмад ташқарига чиқиб, кўпикли суюқлик солинган шиша идишларини олиб кирди, ўша куни кечкурун мен биринчи марта шампань ичиб кўрдим. Аҳмаднинг ҳаётидаги иккинчи қизиқиши “Мумбай жиноятлари”ни томоша қилиш эди. Ҳеч кўрганмисан?

Мен бош чайқайман.

– Йўқ, Деҳлида ундай кўрсатув қўйилмайди.

– Жуда зерикарли дастур. Бу қисқа радио янгиликларига ўхшайди, фақат унда сизга тошқинлар, турли тартибсизликлар, уруш ва сиёсат ҳақида гапирилмайди. Унда фақат зўравонликлар, жиноят ҳақида сўзлашади. Кимни ўлдириб кетишди, кимни зўрлаб кетишди, қайси банк талон-торож қилинди, ким қамоқдан қочди, шунга ўхшаш нарсалар. Аҳмад телевизор қаршисида бир товоқ кабоб билан ўтирар ва “Мумбайдаги жиноятлар” кимнингдир ўлими ҳақида батафсил маълумот берса, баланд овозда куларди. Негадир унга булар жуда кулгили туюларди.

Аҳмадга вақти-вақти билан катта сариқ конвертлар келиб турарди. Менга унинг хатларига тегмаслик, уларни овқатланиш столида қолдириш: каттиқ тайинлаган эди. Бир куни туш пайти чой ичиб ўтирганимда почтачи йигит яна



## *Харобадан чиққан миллионер*

бир сариқ конверт олиб келди. Эҳтиётсизлигим туфайли хатнинг устига чой тўкиб юбордим ва бирдан ваҳимага тушдим. Агар Аҳмад бундан хабар топса, мендан жадли чиқиши аниқ эди. Ахир унда зарар етиши мумкин бўлган қимматли тижорат ҳужжатлари бўлиши мумкин эди. Шунинг учун эҳтиёткорлик билан унинг ёпиштирилган жойидан очдим. Бармоқларимни солиб, ҳужжатларни чиқариб олдим ва ҳайратдан хуштак чалиб юбордим.

– Нега? Нима бор эди ичида?

– Айтарли ҳеч нарса. Конвертда 8×6 ўлчамдаги бир эркакнинг юзи туширилган рангли фотосурат ва ярим варақли тафсилотлар бор эди. Унда бор йўғи шундай дейилган эди:

**Исми:** Витҳалбхай Гҳорпаде.

**Ёши:** 56.

**Манзил:** Малад тумани Марве кўчаси 73/4

– Бўлди. Мен бу шахсни Аҳмад билан бирга ишлаган қанақадир бир тадбиркорнинг тафсилотлари деб гумон қилдим ва бу ҳақда кўп ўйлаб ҳам ўтирмадим. Елимланган жойни эҳтиёткорлик билан ёпдим ва конвертни овқат столига қўйдим. Кечкурун Аҳмад уйга келиб, конвертни очди. Кейинроқ у қисқа кўнғироқни қабул қилди. “Почтани олдим”, деди у бор йўғи. Деярли икки ҳафта ўтар ўтмас, Аҳмад яна ўша “Мумбай жиноятлари” кўрсатувида кўриш учун телевизор қаршисида ўтирарди. Мен ошхонада сабзаёт тўғраётган эдим, шунга қарамасдан бошловчининг гапи менгача эшитиларди. “...Полиция куни кеча Малад туманида бўлиб ўтган даҳшатли воқеага – Марве кўчасидаги уйдан ўлик ҳолда топилган машхур бизнесмен Витҳалбхай Гҳорпаденинг қотиллигига ечим излаётти. Исми кўнғироқдек миямга урилди. Телевизорга қарайман деб бармоғимни ҳам кесиб олдим. Экрандаги сурат ўша конвертдаги билан бир хил эди. Бошловчи

нутқида давом этди. 56 ёшли Гҳорпаде соҳиб уйда ёлғиз вақтида масофадан туриб отиб ўлдирилган. Унинг рафиқаси ва ўғли омон қолган. Малад полициясининг айтишича, уй талон-торож қилингани ва кўплаб қимматбаҳо буюмлар йўқолганидан билиш мумкинки, асосий сабаб талончилик бўлган. Буни эшитганимда Аҳмад кулаётганини пайқадим. Бу ҳам мени ҳайратга солди. Нега бизнес ҳамкорининг ўлими уни хурсанд қиляпти? Бир ойдан сўнг яна бир сариқ конверт келди. Аҳмад ташқарида эканида унинг тўлиқ мазмунини кўриб чиқолмадим. Бу сафар ҳеч қандай из қолмаслиги учун буғлаб очдим. Мен конвертни очганимда яна бир ялтироқ сурат чикди. Суратда эса мўйлови қалин, чап кўзидан бурун тагига қадар чўзилган узун чандиқли йигитнинг юзи кўринди. Босма варақда шундай дейилган:

**Исми:** Жамил Кидвай.

**Ёши:** 28.

**Манзил:** Колаба тумани, Шилажит турар жой мажмуаси 35-уй

– Исми эслаб қолдим ва расмни жойига қайтариб кўйдим. Аҳмад кечки пайт уйга қайтганда конвертни кўриб, кимгадир кўнғироқ қилди. Бундан олдин эса почта қвитанциясини текширди. Ролпа-роса бир ҳафтадан кейин жиноятлар кўрсатувида ўша ёш ҳуқуқшунос Жамил Кидвай Шилажит турар жой мажмуаси яқинида машинадан тушаётганда отиб ўлдирилгани ҳақидаги хабарни эшитдим. Бошловчи шундай деди: “Полиция бу қотилликда жинойий гуруҳнинг қўли бор деб гумон қилмоқда, чунки жаноб Кидвай судда бир нечта мафияларнинг вакили бўлган. Тергов бошланган, аммо ҳозирча ҳеч қандай аниқ маълумот йўқ”. Бир финжон виски кўтариб ўтирган Аҳмад бу гапни эшитиб, ҳақлаб кулиб юборди. Мен ҳақиқатданам хавотирда эдим. Нега Аҳмад почта орқали

## *Харобадан чиққан миллионер*

суратлар олади, нега улар киска муддат ичида ўлдириб кетилади? Булар хали ҳам менга сир эди. Кейинги конверт уч ҳафтадан сўнг келди, суратни кўришнинг имкони бўлмаса-да, ёши катта инсон эканини билдим, шу билан бирга, манзилни аниқ ёзиб олгандим. Манзил Курладаги Ҳукумат кўчасида эди. Кейинги кун Аҳмадни кузатдим. У маҳаллий поездда Курлага борди ва ўша йўлни пиёда кезди. Аммо ҳеч бир уйга кирмади. У уч-тўрт мартаба шу йўлдан юриб, ташқариларни кузатди. Икки ҳафтадан сўнг, “Мумбай жиноятлари” кўрсатувида худди ўша ёши катта эркак Курлада ўз уйида ўлдириб кетилган ҳолда топилганини эълон қилишди. Ақлдан озай дедим. Мен у эркакни Аҳмад ўлдириганини ва шунча вақтдан бери ёлланма қотил билан бирга яшаётганимни тушундим. Аммо нима қилишни билмасдим. Аҳмад бир марта ҳаётимни саклаб қолган. Унга нисбатан сотқинлик қилишни ҳаёлимга ҳам келтиролмасдим. Шу маҳал Аббос Ризвий кўнғироқ қилиб, кейинги фильмда эпизод ролига таклиф қилди. Бу хабарни эшитишим билан Ҳожи Али зиёратгоҳига югурдим. Қабр ўралган матога пешонамни теккизиб, Ризвийнинг умри узоқ бўлсин, деб дуо қилдим. Кейинги икки ой ичида иккита ҳаётда яшадим. Агар Аҳмад бизнесмен кўринишидаги ёлланма қотил бўлса, мен хизматчи тусидаги актёр эдим. Аҳмаднинг қотиллик қилиш учун лицензияси бор эди, аммо кун келиб унинг ўзини ҳам ўлдириб кетишларини сезардим. Фақат бунга гувоҳ бўлишим ҳаёлимга келмаган эди. Кейин ҳаммаси ўзгарди.

– Нима бўлди?

– Бу тўрт ой олдин, анигини айтадиган бўлсам, 24 февралда содир бўлди. Мен ўша кунни жуда яхши эслайман, чунки Ҳиндистон-Австралия сериянинг сўнги ўйинини ўтказётган эди ва Аҳмад бунга ҳам пул тикиб қўйганди. У ҳамма нарсага пул тикишга одатланиб қолганди: нафақат жамоа ютиши ёки ютмаслигига,

балки биринчи ўйинчи йикиладими, биринчи ўринни эгаллайдими, тўпни ким ютади, ҳатто ўйин давомида ёмғир ёғиш-ёғмаслигигача. Баъзан у ўйиндаги деярли ҳар бир тўп учун фактларга асосланган ҳолда бу тўртлик<sup>3</sup>, олтилик<sup>4</sup> ёки бошқача бўладими, гаров ўйнайверарди. Ўша тонг у ўзининг букмекери билан гаплашди. “Шарад соҳиб, Код 3563. Сизнингча, бугун майдон марказида аҳвол қандай бўларкин? Кеча яхши ҳолатда эди, лекин бугун тўп орқага қайтармикин? Об-ҳаво маълумоти яхши, лекин нима деб ўйлайсиз, кундузи ёмғир ёғиши мумкинми?” Шундан сўнг у пул тикди. “Бугун Сачин Мальванкар ўзининг ўттиз еттинчи асрига<sup>5</sup> ўтишини мен учун банд қилиб қўйинг. Рейтинг қандай кетяпти?” Букмекер шундай деди: “У аллақачон етмиш саккизинчи калиткада ва ҳамма бун ишончли зарба бўлади деб ҳисобляпти, шунинг учун ставка юқори бўлмайди. Мен қила оладиган энг яхши нарса – ўн учга ўн.” “Яхши, – деди Аҳмад, – унда мени ўн лакка туширинг. Шу йўл билан ҳеч бўлмаганда уч миллион фойда оламан”.

Бутун кун Аҳмад телевизор қаршисидан жилмасдан ҳар бир ҳаракатдан сўнг баланд овозда хуштаклар чалиб, Мальванкар ўйинини томоша қилди. Мальванкар унинг ҳисоби томон яқинлашган сари уни ҳаяжон босарди. У 90 натижасини кўрсатганда Аҳмад асабий аҳволда, тирноқларини тишлаб, ҳар бир тўпдан олдин дуо ўқир, Мальванкар бўлса етказилаётган зарбалардан қочарди. У моҳир ўйинчилардек ўйнади. Тўрт учун (натижа учун) ажойиб бир зарба билан тўқсон бирдан тўқсон бешга кўтарилди. Сўнг яна бир очко билан тўқсон олтига кўтарилди. Яна бир очко. Тўқсон етти. Гиллиспи қисқа

<sup>3</sup> Бэтсмен тўрт очко оладиган зарба. Тўп майдон чизиғини ерда думалаб кесиб ўтади.

<sup>4</sup> Бэтсмен олти очко оладиган зарба. Тўп майдон чизиғини ҳаво орқали кесиб ўтади.

<sup>5</sup> Крикет ўйинида аср ёки юз йиллик – ўйинчининг тўпни битта оширишида 100 ёки ундан кўпроқ югуриши натижасидир.

## Харобадан чиққан миллионер

бир зарба билан тўпни урди, Мальванкар эса маҳорат билан четга чиқариб юборди. Ҳайден тўп арконни кесиб ўтишига йўл қўймаслик учун югурди. Мальванкар ва унинг шериги Ажай Мишра калиткалар орасида югуришарди. Тўқсон саккиз. Улар иккинчи югуришни тугатиш учун ҳаракатланишди. Тўқсон тўқкиз. Ҳайден чегарадан чиқмаган ҳолда балл тўплаб борарди ва тўпни Адам Гилчрист эмас, майдон охиридаги дарвозабонга улоқтирди. Мальванкар буни кўриб, учинчи бўлиб у томон югуриб келаётган Мишрага “Йў-ў-ўк» деб бакирди. Аммо ўша аҳмоқ Мишра Мальванкарга хужум қилишда давом этарди.

Ноилож қолган Мальванкар учинчи югуришни якунлаш учун йўлга чиқишга мажбур бўлди. Ҳайдендан келган тўп эса тўғридан-тўғри калитканинг ғўласига келиб урилди. Мальванкар чизикдан атиги 6 дюм ташқарига чиққан эди, ҳакам уни ўйиндан чиқариб юборди. Тўқсон тўқкиз.

Аҳмадга нима бўлганини тасаввур қилсанг эди. У Мальванкарнинг ўттиз еттинчи асрига ўн лак пул тикканди, энди эса ҳаммасини бир югуришнинг ўзида йўқотди. У Гиллеспини лаънатлади, Ҳайденни ва энг қўп Мишрани қарғади. “Сен ҳаромиларни ўлдираман” деганча ўқириб, уйдан отилиб чиқиб кетди. Эҳтимол, у ғазабини чиқариш учун барга кетгандир.

Худди ўша кун туш пайти яна бир сариқ конверт келди. Унинг ичида Ҳиндистон крикетчиларининг суратлари борлигидан хавотирда эдим. Аммо очиб кўрганимда хайратдан қотиб қолдим.

– Нега? Ичида нима бор эди? Айтақолсанг-чи?!

– Конверт ичида Аббос Ризвийнинг 8×6 ўлчамли ялтироқ сурати ва ёнида манзили ёзилган қоғоз парчаси бор эди. Аҳмаднинг кейинги қурбони у бўлишини аниқ билардим ва шу билан бирга менинг актёр бўлиш ҳақи-

даги орзуларим ҳам ўз ниҳоясига етарди. Ризвийни огоҳлантиришим керак эди. Мабодо Аҳмад буни билиб колса, у мени ҳам ўлдиришдан тоймасди. Ахир у ўлдириш учун лицензияга эга бўлган профессионал қотил эди.

– Сен нима қилдинг? – нафасим тикилиб сўрайман.

– Нима қилишим керак бўлса, шуни қилдим. Шу заҳоти Ризвийнинг олдига бориб, у ҳақда тузилган шартномани айтиб бердим. Менга ишонмади, шунда унга хат ташувчи олиб келиб берган сурат ва манзил ёзилган қоғозни кўрсатдим. Қўлимдаги суратини кўриши билан бор шубҳалари тарқади. У менга Дубайга учиб кетишини ва бир йилга яқин қайтмаслигини айтди. Мендан жон қарз бўлгани учун қайтганида кейинги фильмида мени бош қаҳрамон қилишга, унга актёрлик маҳорати бўйича шуғулланишимни таъминлашга ваъда берди. Дарсларим учун пул тўлаётганининг ҳам, 18 ёшга тўлишни интиқлик билан кутаётганининг ҳам сабаби шунда.

– Худойим, бошингдан нималар ўтибди-я, Салим, – дейман чуқур тин олиб. – Ризвийга конвертни олиб борганингни Аҳмад сезиб қолмадимми? Балки ўша кеча унга қўнғироқ қилишганда йўқолган конверт ҳақида билиб қолгандир.

– Йўқ, сездирмадим. Чунки Аҳмад ўша кеча қайтганда столи устига конвертни қўйиб қўйган эдим.

– Аммо... Аҳмад Аббос Ризвийни ўлдириши мумкин эди.

– Йўқ, чунки конвертга мен яқин атрофдаги ёзув машинкасида тердирган янги манзил ва суратни солиб қўйгандим.

– Ажойиб. Демак, сен унга мавжуд бўлмаган манзил бергансан. Аммо мавжуд бўлмаган шахс суратини қандай бердинг?

– Бундай қилмадим. Мен Аҳмадга ҳақиқатан борса бўладиган ва отиш керак бўлган аниқ манзил, ҳақиқий

## Харобадан чиққан миллионер

сурат бердим. Шу билан у нотўғри одамни ўлдирганини билишидан олдин мен унга зудлик билан Биҳарга боришим кераклигини айтиб, ишимни тарк этдим. Ўша орада ҳар ерларда яшириниб юрдим. Ҳатто Ҳожи Алига боришни ҳам тўхтатиб қўйдим. Ва ўтган ҳафта “Мумбай жиноятлари” кўрсатувида Аҳмадхон исмли ёвуз ёлланма қотилни Ҳиндистон дарвозаси станциясида полиция отиб ўлдирганидан хабар топдим. Шунинг учун бугун Аллоҳга шукрона айтиш учун келдим, чиққанимда эса мана сени кўриб турибман.

– Ҳа, ажиб тасодиф бўлди. Аммо менда яна бир савол бор. Аҳмадга кимнинг манзили ва суратини бергандинг?

– Беришга арзийдиган бир кишини. Унга 8×6 ўлчамли Бабу Пиллаи соҳибнинг сурати ва Маманнинг манзилини бергандим.

\* \* \*

Смита қарсак чалиб юборади.

– Қойил! Мен сизнинг ақлли эканингизни билардим, аммо энди билсам, Салим ҳам даҳо экан. У қотиллик учун лицензия олгач, нишонни ўта мукамаллик билан танлабди. Кейин нима содир бўлди? Викторинадаги иштирокингиздан Салимнинг хабари борми?

– Йўк, Мумбайга нима учун келганимни ошкор қилмадим. Шунчаки Дехлида хизматчи бўлиб ишлаётганимни ва бу ерга бир неча кунга ташриф буюрганимни айтдим, холос.

– Демак, КМЮО кўрсатувида чиқишингиздан Салимнинг мутлақо хабари йўкми?

– Йўк, айтмоқчи бўлгандим. Лекин унғача полиция мени ҳибсга олиб бўлди.

– Тушунарли. Майли, энди Салим билан тасодифий учрашув ви́кторинада омадингиз келишида қандай ёрдам берганини кўрсак,

\* \* \*

Студияда чироклар хира нур сочади.

Прем Кумар камерага юзланади.

– Биз ҳозир бир миллион рупий тикилган тўққизинчи саволга ўтамыз. – Менга ўгирилиб: – Тайёрмисиз? – дейди.

– Тайёрман.

– Унда яхши. Демак, тўққизинчи савол. Буниси спорт оламидан экан. Айтинг-чи, жаноб Томас, қайси спорт тури билан шуғулланасиз?

– Ҳеч қайси.

– Ҳеч қайси? Унда қандай қилиб бундай коматга эгасиз? Менга қаранг, масалан, мен ҳар куни спорт залига борганимга қарамасдан, шунча вазн йиғиб олдим.

– Агар оддий официант бўлиб ишласангиз кунига 30 км юришингизга тўғри келади, шу йўл билан ҳам вазн ташлаш мумкин.

Томошабинлар кикирлаб кулишади, Прем Кумар эса хўмрайганча қараб туради.

– Хўп, 9-саволда крикет ҳақида савол берилади. Ҳиндистоннинг энг буюк ҳужумчиси Сачин Мальванкар неча асрлик натижа қайд этган?

А) 34

Б) 35

В) 36

Г) 37

Муסיқа бошланади.

– Савол берсам бўладими?

– Ҳа, албатта.

– Ҳиндистон Австралия билан бўлган охирги ўйиндан кейин бошқа мамлакат билан ўйнадими?

– Йўқ, бу борада маълумотга эга эмасман.

– Унда жавобни биламан: Ё жавоб. Ўттиз олти.

– Якуний жавобингизми? Ёдингизда бўлеин, жавобингизга бир миллион рупий тикилган.



## *Харобадан чиққан миллионер*

– Ҳа, В жавоб. Ўттиз олти.


– Юз фоиз ишончингиз комилми?

– Албатта.

Экранда тўғри жавоб пайдо бўлади, дўмбиралар овози тобора баландлашиб боради.

– Мутлақо тўғри. Сачин Мальванкар ўттиз олти асрлик ҳисобни қайд этган. Сиз миллион рупий ютиб олдингиз. Хонимлар ва жаноблар, биз қисқа тижорий танаффус қиламиз.

– Зўр бўлди! – дейман.



10,000,000

## Трагедия қироличаси

“Охири фожиа билан тугайдиган комедик ва жанговар оилавий драма”. Кино мутахассислари тили билан айтганда, Нилима Кумари билан ўтказган вақтимни шундай тасвирлаган бўлардим. У актриса эди. Мен унинг Жуху Виле Парледаги уйида уч йил ишладим.

Ҳаммаси Салим билан мен Маман ва унинг тўдаси чангалидан кутулган ўша оқшомдан бошланди. Биз маҳаллий поездга чиқиб, Жухуга қараб йўл олдик. Нилима Кумарининг хонадонига етиб келиб, қўнғироқни босдик ва кимдир жавоб беришини кутдик.

Узоқ муддатдан сўнг эшик очилди.

– Эшитаман, – ажабланди қаршимизга чиққан хоним.

Оксоқ Радҳей ҳақ эди. Нилима Кумари худди кино қаҳрамонлари каби баланд бўйли ва мафтункор, фақат ёши бироз ўтиброқ қолган аёл экан. Салим унинг оёқларига йиқилади.

– Аррей, – аёл шошиб орқага тисарилади. – Кимсизлар? Ярим тунда бу ерда нима қияпсизлар?

– Биз Радҳейнинг дўстларимиз, – икки қафтимни бир-

## *Харобадан чиққан миллионер*

лаштириб жавоб бераман. – У сизга хизматкор кераклигини айтганди. Биз сизга хизматларимизни таклиф қилгани келдик. Меҳрибон аёл эканингизни биламиз. Биз бошпанасиз ва оч-наҳор қолдик. Айтган ишингизни қилишга ваъда берамиз.

– Ҳа, хизматчи керак, аммо сизлар жуда ёшсизлар ҳали.

– Хоним, бизнинг кўринишимиз шундай. Аммо тўрт кишининг ишини бемалол эплаймиз. Шу билан бирга инглиз тилида гаплаша оламан. Бизни бир синаб кўринг.

– Аммо менга икки киши керак эмас. Фақат бир киши учун жой бор.

Салим билан мен бир-биримизга қараймиз.

– Унда биттамизни танланг, – дейман.

– Исминг нима? – сўрайди у Салимдан.

– Салим.

– Ие, мусулмонмисан?

Салим бош ирғайди.

– Узр, аммо менинг кекса онам мусулмонлар кўли теккан таомни емайди. Шахсан мен бунақа сафсаталарга ишонмайман, аммо нима ҳам қилардим? – деб елка қисади.

Салим гангиб қолади. Сўнг хоним менга ўгирилиб, сўрайди:

– Сен-чи? Исминг нима?

– Рам, – дейман мен.

\* \* \*

Шундай қилиб, мен ишли бўлдим, лекин шундагина кино юлдузи билан яшаш ташқаридан кўринганидек ҳавас қиларли эмаслигини англаб етдим. Пардозсиз кўрганингизда улар ҳам сиз-у менга ўхшаган, ўзига яраша ожизликлари ва ташвишлари бор инсон эканини тушуниб етасиз. Фарқимиз шундаки, биз пул ва унинг

етишмаслигидан ташвишга тушамиз, улар бўлса шон-шуҳрат ёки унинг етишмаслигидан.

Улар гўёки аквариумда яшайди. Бошида бу ўзларига ёкмайди, аммо хушомадлар ошиб боравергач, бу ҳаёт уларга ёкиб қолади. Шунингдек, одамлар уларга эътиборсиз бўлиб қолса, сувсираб нобуд бўлади.

Нилима Кумарининг уйи кенг ва замонавий. Полга ёзилган қимматбаҳо гиламлар ва деворларга осилган суратлар дид билан танланган. Уйда бешта ётоқхона бўлиб, ҳаммоми бор энг каттаси Нилиманинг, ундан бироз кичикроғи эса онасининг хонаси. Билишимча, унинг бошқа яқинлари йўқ.

Уйдаги энг шинам хона – Нилиманинг ётоқхонаси. Хонанинг ўртасига духоба чойшаб солинган каттагина ётоқ жойлаштирилган, деворлар эса майда бўлақларда аксингизни кўришингиз мумкин бўлган шиша кафелдан ишланган. Кўзгули жавон атирлар ва идишлар билан лик тўла. Жавон ёнидан эса 29 дюмли “Sony” телевизори, видеомагнитофон ва энг сўнгги русумдаги видеоплеер ўрин олган. Шифтда қимматбаҳо қандил осилиб туради, овозсиз кондиционер эса хонага ажойиб салқинлик бахш этади. Девордаги шиша тоқчалар ҳар турдаги кубок ва мукофотлар билан тўлдирилган. Яна бир тоқчада бўлса, эски киножурналлар сақланади. У ердаги ҳамма журналнинг муқовасида Нилима Кумарининг суратлари бор. Буларнинг барчасига қараб, унинг уйида ишлаш мен учун шарафдек туюлади. Ўз вақтида у Ҳиндистондаги энг машҳур актриса бўлгани аниқ.

Нилиманинг онаси ҳақиқий бош оғриғи. Деярли 80 ёшда бўлишига қарамасдан, худди 40 ёшлилардек қуввати бор ва у доим мени назорат қилади. Уйнинг доимий хизматчиси менман. Кечки овқатни тайёрлашга келадиган маҳараштралик<sup>1</sup> браҳман аёл бор, у идишларни ҳам ювиб кетади. Яна бир оқсоч хоним эса кирларни

<sup>1</sup> Маҳараштра – Ҳиндистондаги штат

## Харобадан чиққан миллионер

ювади ва ярим кун ишлайди, холос. Мен эса ҳамма юмушларни бажараман. Чангларни артиш, тозалаш, кийимларни дазмол қилиш, чой тайёрлаш, сут сотиб олиш ва коммунал тўловларни тўлаш менинг бўйнимда. Аммо Нилиманинг онаси сира коникмайди, ҳатто унга хурмат билан “Маажидеб мурожаат қилсам ҳам. У нукул “Рам, сутимни олиб келмадинг”, “Рам, ётоғимдаги чойшабларни дазмол қилмабсан”, “Рам, хонанинг чангини яхши тозаламабсан”, “Рам, яна бекор ўтирибсанми?”, “Рам, чойимни иситмабсан”, дейди. Баъзида шундай майда-чуйда нарсаларга кўп аҳамият берганидан ғазабланиб, унинг оғзини боғлаб қўйишни хоҳлайман.

Нилимани тушуниш гоҳида кийинроқ бўлса-да, у талабчан аёл эмас. Менинг ўша ерда яшаб ишлашимни хоҳлайди. Аслида, қолишим мумкин бўлган бўш хоналар кўп, аммо унинг онаси уйда бирор эркак зоти яшашига йўл қўймайди ва мени анча узоқда бўлган Гҳаткопардаги чоулга қувади. Ҳар куни ўша чоулдан ишга қатнайман. Маълум маънода бу менга маъкул, чунки у ерда Салим мен билан бирга яшайди.

Нилиманинг машинаси йўқлиги боис дўконларга таксида борамиз. Мен у билан юришни ёқтирмайман. У фақат косметика ва кийимлар сотиб олади, мен эса оғир сумкаларини кўтариб юришимга тўғри келади. У ҳеч қачон “McDonald’s” ёки пиццага бормамайди, ҳатто менга сира бирор нарса сотиб олиб бермайди.

Бугун сарилар сотиладиган жуда қиммат дўкон – “Cuff Parade” дамиз. У икки соатдан кўп вақт ичида юзлаб сариларни кўради ва менинг деярли икки йиллик маошимга тенг бўлган беш минг рупийга учта сари сотиб олади. Кондиционерли дўкондан чиқаётганимизда бир гуруҳ мактаб формасидаги қизлар уни таниб қолади.

– Кечирасиз, сиз актриса Нилима Кумарисиз, а? – деб сўрайди улардан бири.

– Ҳа, – дейди Нилима биров мамнуният билан.

– Кўрдингми? – киз дугонасига қичқиради, – Айтдим-ку сенга, у Нилима деб. – Кейин яна биз томонга ўгирилади. – Нилимажи, биз сизнинг ашаддий мухлисингизми. Сизни кўриш орзумиз амалга ошди. Дастхат дафтари-мизни олиб чиқмагандик, шунга ёзув дафтари-мизга имзо қўйиб берасизми?

– Албатта, жоним билан, – дейди Нилима ва сумка-часидан ручкасини олади.

Қизлар ҳаяжонга тушганча дафтарларини очиб, бир-ма-бир актрисага тутадилар. Нилима ҳар бир қиздан исм-ларини сўраб, ўзининг чўзиқ дастхатини қўяди. “Ритуга муҳаббат билан, Нилима”, “Индуга муҳаббат билан, Нилима”, “Малтига муҳаббат билан, Нилима”, “Рошнига муҳаббат билан, Нилима”. Қизлар ўзларига атаб ёзилган сўзларни ўқиб, завқ билан қийқиришарди.

Нилиманинг кўзлари бундай хушомаддан порлаб кетади. Мен биринчи марта уни кимдир таниганини кўрдим ва бу актрисага бунчалар таъсир қилганидан ҳайратланаман. Тўсатдан у оғир сумкаларни кўтариб, иссиқда терлаб турганимга аҳамият беради ва дейди:

– Рам, қорнинг ҳам очгандир. Юр, музқаймоқ еймиз.

Хурсандчиликдан чинқириб юбораман.

\* \* \*

Вақти-вақти билан Нилима менга кино санъати ҳақида ўргатади. Фильм яратишда қатнашадиган техник мутахассислар ҳақида сўзлаб беради.

– Одамлар фильм фақат актёр ва режиссёр билан яралиб қолади, деб ўйлайди. Саҳна ортида қанчадан-қанча киши меҳнат қилишини, уларсиз ҳатто ҳеч нима қилиб бўлмаслигини билмайди. Бу техниклар ўз ишларини қилиб бўлгандан кейингина режиссёр актёрларга бармоқ қоқиб, “Чирок, камера, мотор”, деб буйруқ бериб ўтириши мумкин.

## Харобадан чиққан миллионер

У менга сахна, реквизит, грим устаси, чироқ устаси, каскадёрлар ҳақида гапириб беради. Кейин у менга жанрлар ҳақида ўргатади.

– Менга шу кунларда битта фильмда ҳам трагедия, ҳам драма, ҳам мелодрамани аралаштириб ташлашаётгани ёқмаяпти. Ундай бўлмаслиги керак. Яхши фильм ўз жанрига монанд яратилиши керак. Мен ҳар доим фильм моҳиятини тўлиқ тушунгач, яхшилаб ўйлаб ва танлаб суратга тушардим. Сен мени ҳеч қачон бир сахнада кўшиқ куйлаб, рақсга тушиб, кейинги сахнада ўлаётганимни кўрмасдинг. Йўқ, Рам. Қаҳрамон ўзгармаслиги керак. Буюк рассом ўзининг ноёб имзо услуби билан ажралиб тургандек актёр ҳам ўзига хос томони билан машҳур бўлиши керак. Ўзига хос жанр билан. Буюк санъаткор шунчаки жанрга мос келадиган эмас, балки жанрни белгилайдиган кишидир. “Times of India” газетасида босиб чиқарилган “Виждон азоби” фильми ҳақидаги тақризни ўқидингми? Тақризчи актриса Пужанинг ўлим сахнасини ўхшатолмай, бошлаб расво қилганини ёзган. “Қанийди ушбу ролни Нилима Кумари ўйнаганида эди, қаҳрамоннинг руҳиятини тўлиқ очиб берарди. Ҳозирги ёш актрисалар ўз ишини Нилима каби санъат афсоналаридан ўрганиши керак”, деган сўзлар ҳам ёзилган. Буни ўқиб, ич-ичимдан роса хурсанд бўлдим. Жанр тимсолида намуна, эталон қилиб кўрсатишлари актёр учун энг олий мақтовдир. Мен ўша маколани рамкага солиб, илиб кўймоқчиман.

– Хўш, сизнинг ўзига хос услубингиз нимада?

У жилмайиб:

– Сен Нилима Кумарининг ҳинд кино оламида Трагедия қироличаси деб аталишини билишга ёшлиқ қиласан, деб ўйлайман. Кел, сенга бир нарса кўрсатаман.

У мени ётоқхонасига олиб киради ва бежирим жавонни очади. Кўзларим кинидан чиқай дейди, чунки жавон видеокассеталар билан тўлдирилганди.

– Буларнинг бари мен роль ўйнаган фильмлар.

– Ростданми? Бу ерда нечта кассета бор?

– Бир юз ўн тўртта. Йигирма йиллик фаолиятим давомида мен қатнашган фильмлар сони шу.

У биринчи қаторга ишора қилади.

– Булар менинг илк фильмларим. Уларнинг кўпи комедия. Комедик фильмлар нима эканини биласан-ку, тўғрими?

Мен дадил бош ирғайман.

– Ҳа. Говинда шундай фильмларда роль ўйнайди.

Нилима кейинги икки қаторни кўрсатади.

– Бу ижодимнинг ўрта давридаги фильмларим. Асосан оилавий драмалар. Аммо бу орада машҳур триллер “Қотилнинг номини айт!” ва “Ўттиз йилдан кейин” кўр-қинчли фильмларида ҳам суратга тушганман.

Охирида эса қолган тўрт қаторни кўрсатади.

– Ва буларнинг барчаси трагедиялар. Сен кўрган бутун фаолиятим давомидаги юзлаб мукофотлар мана шу вақт давомидаги фильмлар учун олинган. Энг ёқтирганим мана бу, – деб бир кассетани енгил уриб қўяди.

Ёрликдан Мумтоз Маҳал деган ёзувни ўқийман.

– Бу ҳукмдор Шохжаҳоннинг рафиқаси Мумтоз Маҳалнинг ҳаётини ўйнаган фильмим. Мен ҳатто ўз иж-ром учун Миллий мукофотга сазовор бўлганман. Ўртадаги кубокни кўряпсанми? Мен буни Ҳиндистон пре-зидентининг ўз қўлидан олганман.

– Бу сиз ўйнаган энг машҳур роль бўлганми?

У хўрсинади.

– Бу, шубҳасиз, ҳис-туйғуларга бой, жуда истикбол-ли, яхши роль эди, лекин мен ҳали ҳаётимдаги энг катта ролни энди ўйнашим кераклигини ҳис қиляпман.

\* \* \*

Нилиманинг онаси оғирлашиб боряпти. У роса йў-талиб, соғлиғидан нолийди. Унинг ўзини тутиши чидаб



## *Харобадан чиққан миллионер*

бўлмас ҳолга айланиб бормоқда. У Нилимага уни дунёга келтирган одам олдидаги мажбуриятни муттасил эслатиб туради. Менимча, Нилима бироз сиқила бошлаган. Бошқа вазифаларимдан ташқари, энди ярим кунимни Маажини учун дори-дармон сотиб олиш ва кейин унинг хабдори, капсула ва томчиларини ўз вақтида қабул қилишини таъминлашга ажратишим керак.

Уй ҳаяжон билан тўлган. “Doordarshan” миллий телеканални бугун кечкурун Нилиманинг “Сўнгги хотин” номли фильмини намойиш этади. Бу унинг машҳур трагедия киноларидан бири ва Нилима барчамиз фильмни меҳмонхонада биргаликда томоша қилишимизни хоҳлайди. Соат 20:00 да ҳаммамиз телевизор қаршисида йиғиламиз. Ошпаз, хизматкор ва мен гиламда ўтириб, Маажини эса Нилиманинг ёнидаги диванга суяниб томоша қиламиз. Фильм бошланади. Бу ҳақиқатан ҳам менинг дидимдаги жанр эмас экан. Фильм жуда кўп муаммоларга дуч келган бечора ўрта қатлам оиласи ҳақида. Фильм ғамгинликка тўлган. Орқа фонда эса Маажининг кўз ёшлари тинмайди. Унда ҳаёт хаддан ташқари реал кўрсатилади. Менимча, бундай фильмларни суратга олиш кулгили. Агар сиз фильмда тўғрингизда яшайдиган кўшингизнинг уйидаги воқеаларни кўрсангиз, фильм томоша қилишнинг нима кераги бор? Нилима фильмда жуда ёш ва мафтункор, ижроси ҳам жуда яхши. Фильмни томоша қилиш ва унинг қаҳрамони сиз билан ўтириши ғалати ҳис бераркан. Қизиқ, у телевизор экранида ўзини кўраётганда нимани ҳис қилади? У сахна ортида ишлаган одамлар, гримёрлар, чироқ усталари ва овоз ёзиш студияларини кўз олдига келтириб ўтирадимиз?

Нилима фильмда ҳиссиётларга тўла нутқ сўзлаганидан кейин вафот этади. У ўлиши биланок фильм тугайди. Биз оёқларимизнинг чигилини ёзиш учун ўрнимиздан турамиз. Шунда Нилиманинг йиғлаётганини пайқайман.

– Хоним, – сўрайман хавотир билан, – нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?

– Ҳеч нарса, Рам. Мен экрандаги қаҳрамоним билан яқинлик ҳис қилдим. Қара, энди табассум қиялпман.

– Қандай қилиб сиз актёрлар бир дақиқада кулиб, кейинги дақиқада йиғлай оласизлар?

– Бу буюк актёрларга хос хусусиятдир. Биласанми, нега мени Трагедия қироличаси деб аташади?

– Нега, хоним?

– Чунки мен ҳеч қачон фильмларимда йиғлаш учун глицерин ишлатмаганман. Хоҳласам, кўзимга ёш қуйилиб келаверади.

– Бунинг нимаси ажойиб? Йиғлашим учун менга ҳам глицерин керак эмас, – дейман хизматкорга Нилима биздан узоқлашганда.

Нилимани қанчалик кўп кўрсам, уни нима учун Трагедия қироличаси деб аташганини шунчалик тушуна бошлайман. Уни ўраб турган тушкун қобиқ бор. Ҳатто табассумида ҳам қайғуни кўраман. Унинг ўтмишдаги ҳаёти, нега турмушга чиқмагани ҳақида ўйлайман. Нилиманинг ҳақиқий дўстлари йўқ бўлса керак. Аммо вақти-вақти билан уйдан чиқиб, кечки пайт қайтиб келади. Қизик, у ким билан учрашаркин? Аммо қандайдир йигит билан учрашишга шубҳам бор, чунки у ҳеч қачон хушчақчақ ҳолда қайтмайди. У ғазабланган ва тушкун ҳолда қайтиб келади ва тўғри ётоқхонасига кириб кетади. Бу – мен тагига етмоқчи бўлган сирлардан бири.

Мен унинг гўзалликка бўлган иштиёқига ҳам ҳайронман. У чиройли ташқи кўринишга эга, лекин вақтини соатлаб бўяниш ва кўзгу олдида ўтиришга сарфлайди, унинг турли хил пардоз буюмлари бор. Бир куни уларни кўриб чиқдим: ажинга қарши кремлар, қаришнинг олдини олувчи лосьонлар, юзга ёрқинлик берувчи ва намлантирувчи кремлар, тетиклаштирувчи тунги кремлар ва терини соғломлаштирувчи геллар. Унинг ювиниш хонаси ҳам қаришни олдини олувчи ғалати ҳидли совунлар, скраблар ва юз ниқобларига тўла. Дорилар қутисида эса

## *Харобадан чиққан миллионер*

Маажии учун дори-дармонлардан ташқари, бошқа ҳар хил дорилар ҳам бор: гормонлар, кўкракни таранглаштирувчи кремлар, мелатонин ва антиоксидантлар.

Ниҳоят бир куни унга дейман:

– Хоним, агар жаҳлингиз чиқмаса, бир нарса сўрасам, бунча пардоз сизга нега керак? Ахир энди роль ўйнамайсиз-ку.

У кўзларимга қарайди:

– Биз фильмларда ишлайдиган одамлар ўзимизни пардозда кўришга шунчалик кўникиб қолганмизки, энди ойнага қарашга ва ҳақиқий юзимизни кўришга журъатимиз қолмаган. Ёдингда бўлсин, актёр бир умр актёр бўлиб қолади. Фильмлар тугаши мумкин, лекин викторина давом этиши керак.

Қизиқ, у буни чин дилдан айтдими ёки қайсидир фильмдан парчамиди?

\* \* \*

Бугун ҳақиқатан ҳам ғалати нарса содир бўлди. Маажии ўйқусида вафот этибди. Саксон бир ёшида.

Нилима бироз йиғлайди, сўнг дафн маросимини ўтказиш тадоригига кўл уради. Унинг уйига деярли бутун кино саноати таъзия билдириш учун келганга ўхшайди. У меҳмонхонасидаги диванда оқ сари кийиб, енгил бўянган ҳолда ўтиради. Мен келганларнинг кўпини танийман. Актёрлар, актрисалар, режиссёрлар, продюсерлар, кўшикчилар. Меҳмонхона ташриф буюрувчилар билан гавжум. Мен “Starburst” да суратларини кўрган ва фильмларини экранда томоша қилган машҳур юлдузларни кўриш учун бўйнимни чўзаман. Қанийди Салим ёнимда бўлса. Аммо унинг ҳафсаласи пир бўларди. Чунки меҳмонлар биз экранда кўрган жозибали юлдузларга ўхшамайди. Улар экрандагидек пардоз қилмаган, ёрқин либос киймаган. Ҳаммалари оддий одамлардек оқ рангда ва маъюс. Ҳатто комедик кинолари билан машҳур бўлганлар ҳам.

Нилима онасининг ўлимини қандай қабул қилганини билмайман. Аммо мен учун Маажининг бу дунёдан кетиши тушқунликка солувчи фильмдан кейин енгилликдек туюлди.

Маажии вафот этганидан кейин бир ой ичида Нилима мендан уйда яшаб ишлашимни сўрайди. У Салимнинг мен билан чоулда яшашини биларди, шунинг учун Салимнинг хонаси учун ижара ҳақи тўлашда давом этади. Мен Нилиманинг хонадонига кўчиб ўтаман. Лекин мени тўртта бўш ётоқхонанинг бирортасига ҳам қўйишмайди. Менга кичкина дазмоллаш хонаси берилади.

Маажининг ўлиmidан сўнг Нилима тез-тез кўчага чиқадиган бўлиб қолади, баъзида тунда қайтиб келмайди. Ишончим комилки, у кимдир билан учрашяпти. Эҳтимол, яқинда тўй бўлса ажабмас.

\* \* \*

Меҳмонхона тарафдан келаётган овоздан уйғониб кетаман. Овоз жуда паст, аммо уйқумни бузиш учун етарди. Кўзларимни ишқалаб, ёнимдаги соатга қарайман. Икки ярим. Қизик, бу пайтда Нилима нима қиляпти экан? Тўсатдан хаёлимга севгилиси уни кўргани келган, деган фикр келиб қолади. Оёқ учида хонамдан чиқиб, меҳмонхона томон секин одимлайман.

Хона қоронғи, лекин у ерда эркак киши бор. У сира ҳам ошиқ йигитга ўхшамайди. Бошига ниқоб ўраган, фақат кўзлари очик. Чап кўлида қанақадир қора қоп, ўнг кўлида видеомагнитофонга қаратилган чироқ бор. У тезда кабелларни узиб, видеомагнитофонни қора қопига солади. Энди унинг кимлиги равшан бўлди: у – ўғри. Тун сукунатини менинг кичкиригим ўқдек бузиб юборади. Меҳмонхонага Нилима Кумари югуриб тушади. Бу ўғрини бутунлай довдиратиб қўяди. У кўлидаги нарсаларини ташлаб, кулоқларини кўли билан беркитиб олади.

## Харобадан чиққан миллионер

Телевизор жавони тепасига моҳирона тарзда ўрнатилган шиша ҳайкалча синиб кетади.

– Нима бўлди? – деб сўрайди Нилима нафаси қисилиб.

У мехмонхонанинг чироғини ёкади, кўзи ўғрига тушгач у ҳам бақириб юборади. Ўғри ўзини йўқотиб кўйганди. У тиз чўкиб, бизга ялина бошлайди.

– Илтимос, хоним, мен ўғри эмасман. Шунчаки уйингизни кўргани келган эдим.

– Рам, телефонни олиб кел. Мен дарҳол полицияга кўнғироқ қиламан, – дейди Нилима.

Мен шошиб унга симсиз телефонни олиб келиб бераман. Ўғри никобини юзидан олади. У эчкисоқолли ёш йигит экан.

– Илтимос, хоним, илтимос, полиция чақирманг, илтимос қиламан. Ўғри эмасман. Мен Авлиё Ксавиер университетининг охириги курс талабасиман. Сизнинг энг ашаддий мухлисингизман. Уйингизга фақат қандай яшаётганингизни кўриш учун келгандим.

Мен Нилима мухлисининг гапларидан юмшаб қолганини пайқайман.

– Унга қулоқ солманг, хоним, – деб огоҳлантираман. – Бу одам ўғри. Агар мухлисингиз бўлса, нега видеомагнитофонни ўғирлаб кетмоқчи бўлди?

– Негалигини айтаман, Нилимажи. Мен сиз ижро этган барча фильм туширилган 114 та кассетани сотиб олдим. Ҳар куни камида биттадан фильмингизни томоша қиламан. Кўп фойдаланганим туфайли видеомагнитофоним ишдан чиқди. Мен уни таъмирлатишга бердим. Лекин бир кунимни фильмингизни томоша қилмасдан ўтказишга чидай олмадим. Шу сабабли улардан бирини олмоқчи эдим. Сизнинг видеомагнитофонингизда фильм томоша қилишимнинг ўзи менга қанчалик бахт беради. Ўзимники таъмирдан чиққанида уни қайтариб бермоқчи эдим. Илтимос, менга ишонинг, хоним. Мархум отам номи билан қасам ичаманки, ёлғон гапирмаяпман.

– Буларнинг ҳаммаси ёлғон, хоним, – деб зорланаман.  
– Яхшиси, полицияга кўнғироқ қилганингиз маъқул.

– Йўк, Рам, – дейди Нилима. – Олдин бу одам рост гапиряптими ёки йўклигини текшириб кўрай. Агар у менинг 114 та фильмимни кўрган бўлса, саволларимга жавоб бериши керак. Майли, жаноб, айтингчи, мен қайси фильмда Чандни деган қишлоқ кизи ролини ўйнаганман?

– Ох, буни қандай унутаман, Нилимажи? Ахир бу менинг севимли фильмларимдан бири-ку. Бу фильм – “Қишлоққа қайтиб”. Тўғрими?

– Лекин бу жуда осон савол эди. Айтинг-чи, мен 1982 йилда қайси фильмим учун “Filmfare” мукофотига сазовор бўлганман?

– Буниси ундан ҳам осон экан. Албатта, “Қоронғи тун” фильми учун.

– Ё Худойим, тўғри. Майли, айтинг-чи, Манож Кумар билан қайси фильмда роль ўйнаганман?

– Бу ўша ватанпарварлик руҳидаги “Халқ чорлови” фильми.

– Ох, сиз ҳатто буни ҳам кўрганмисиз?

– Айтганимдек, Нилимажи, мен сизнинг ҳақиқий мухлисингизман. Айтинг-чи, нега “Абадий севги” фильмида иккинчи даражали ролни ўйнашга рози бўлгансиз? Ўйлашимча, режиссёр иқтидорингизни муносиб баҳоламаган.

– Мендан “Абадий севги” ҳақида сўраганингиз ҳайратланарли. Ўзим ҳам бу ролни ўйнамаслигим керак эди деб ўйлайман. Фильмнинг муваффақияти учун барча олқиш Шармилага насиб этган ва мен бунга кўниб кўяқолганман.

– Аммо “Бомбей ёмғири” фильмида ажойиб роль ўйнагансиз. Менимча, отангиз вафотидан кейин маъбадда айтадиган монолог бутун фильмдаги энг эсда қоларли сахнадир. Бунинг учун сиз “Filmfare” мукофотини оли-

## *Харобадан чиққан миллионер*

шингиз керак эди, лекин “Аёл”даги ролингиз учун беришган.

– Ҳа. Агар мен “Аёл” ва “Бомбей ёмғири” ўртасида танлов қилсам, иккисини ҳам танлаган бўлардим. Сиз менинг фильмларим ҳақида чиндан ҳам кўп нарсаларни билар экансиз. Исмингиз нима?

– Исмин Ранжит Мистри, йигирма тўрт ёшдаман. Доим сиздан “Мумтоз Маҳал” ҳақида сўрамоқчи бўлганман, бу фильмни сизнинг энг зўр фильмингиз деб биламан. Кўзингиз ёраётган сахнада сиз ўлаётган бўласиз. Ҳукмдор ролини ўйнаган Дилип соҳиб ётоғингиз ёнида ўтирганда, сиз ундан ваъда беришини сўрайсиз, кейин эса олтин билагузукни ечасиз, лекин унга бермайсиз. Нега бундай қилгансиз?

– Ажойиб. Сиз бу фильмнинг энг кичик тафсилотларигача билар экансиз. Сизга бу ҳақда айтиб бераман Вой, нега ерда ўтирибсиз? Келинг, диванга чикинг.

– Рам, қўлингиздаги телефонни қўй. Мехмонимиз борлигини кўрмаяпсанми? Бор, иккита чой ва печенье олиб кел, – дейди ва “Мумтоз Маҳал” мавзусига қайтади.

Мен икки финжон чой билан қайтганимда, Нилима ва ўғри узоқ вақтдан бери кўришмаган икки дўстдек кулиб, ҳазиллашиб ўтиришганди. Ҳали ҳам ишонқирамай бошимни чайқаб қўяман. Бу одам уни ўмариш учун келган, Нилима бўлса, бир нечта фильмларини кўргани учун уни печенье ва чой билан мехмон қилиб ўтирибди. Триллер сифатида бошланган воқеа оилавий драмага айланиб кетди.

\* \* \*

Бир куни кечқурун Нилима менга қўнғироқ қилади:

– Рам, эртага чоулга кетишингни хоҳлайман. Фақат бир кунга. Уйда ёлғиз қолмоқчиман.

– Лекин нега, хоним?

– Савол берма, – дейди у ғазабланган овозда. – Айтганимни қил.

Кейинги уч ой худди шу топшириғини уч марта оламан. Биладан, мен узоқда бўлганимда у ўз севгилисини уйда меҳмон қилади ва бу ҳақда билишимни хоҳламайди. Шунинг учун у кейинги сафар Гҳаткопарда қолиб, эртасига қайтишимни айтганида унинг кўрсатмаларига тўлиқ амал қилмайман. Кечаси Гҳаткопарда қоламан, лекин эртаси куни эрталаб еттида эмас, соат бешда қайтиб келаман ва уй атрофини айланаман. Соат олтида эшик очилади ва бир киши чиқиб кетади. У баланд бўйли, чеҳраси ёқимли, аммо қонга тўлган кўзлари ва жингалак сочлари кўринишни бузиб туради. У кўк жинси шим ва оқ кўйлак кийган, чап кўлида бир даста валюта қоғози бор ва сигарет тутаб турибди, бармоқларида бир нечта машина калитларини айлантиради. У кўзимга иссиқ кўринади, лекин ҳеч эслай олмайман. У зинадан тушиб кетаётганда менга қарамайди ҳам. Мен соат еттигача уйга кирмай кутиб тураман.

Меҳмонхонани биринчи марта бундай аҳволда кўриб, ҳайратда қоламан. Ҳамма жойда сигарет қолдиқлари ва кул излари. Ўртадаги столда стаканлар ва бўш виски шишаси ётибди. Ёнғоқлар гилам бўйлаб сочилиб кетган, хонада спиртли ичимликларнинг ўткир ҳиди уфуриб туради.

Нилима Кумарининг кўриниши эса янада ҳайратимни оширади. Унинг юзи кўкариб, кўз атрофи қорайиб кетган.

– Ё Парвардигор, хоним, сизга нима бўлди? – деб қичқириб юбораман.

– Ҳеч нарса, Рам. Ётоқхонада йиқилиб тушдим, хавотирга ўрин йўқ.

Унинг ёлғон гапираётганини биладан. Мен уйдан чиқиб кетаётганини кўрган одам унга шундай қилган. Бунинг эвазига эса хоним унга сигарет, виски ва пул ҳам берган. Шу лаҳзада аламли оғриқни ҳис қилдим ва унга



## *Харобадан чиққан миллионер*

ёрдам бериш учун ожизлик қилаётганимдан қийналиб кетдим.

Ўша кундан бошлаб Нилимада сезиларли ўзгаришлар юз беради. У янада тушкун бўлиб, ўз қобиғига ўралиб олади. Менимча, у виски ичишни бошлайди, чунки мен унинг нафасидан тез-тез ичкилик ҳидини сезаман. Бир куни эрталаб уни яна кўзлари кўкарган ва кўлида сигарет билан кўраман. Бу сафар чидай олмайман.

– Хоним, сизни бундай ҳолатда кўриб, юрагим эзилиб кетяпти. Ким сизни бу аҳволга соляпти? – деб сўрайман ундан.

У “Бу сенинг ишинг эмас”, дейиши мумкин эди, лекин бу сафар ўйчан аҳволда гап бошлайди:

– Биласанми, Рам, кимдир ҳеч қачон севмагандан кўра севиб айрилган афзал деб айтган. Баъзида бу ҳақиқатми деб ўйлайман. Мен ҳам севиб қолганман. Ҳали йўқотдимми, йўқми билмайман, лекин жуда кўп азобландим. Ҳаётимда бир одам бор. Баъзида у мени севадигандек, баъзида эса умуман ёқтирмайдигандек туюлади. Аммо у менга кўп азоб берапти.

– Шундай экан, нега ундан воз кеча қолмайсиз? – дейман кўзимда ёш билан.

– Бу у қадар осон иш эмас. Оғриқда ҳам қандайдир завқ бор. Ширин оғриқ. Баъзан ўйлаб қоламан, агар оғриқ шунчалик ширин бўлса, ўлим нақадар ёқимли бўларкин деб. У мени сигарет қолдиғи билан қийноққа солганда дод демайман. Ҳозир “Аёл” фильмимдаги ўша эса қоларли сатрларни айтиб бермоқчиман. Ўлим саҳнаси. “Эй ҳаёт, сен нақадар беқарорсан. Ўлим – менинг ҳақиқий севгилим, доимий ҳамроҳимдир. Кел, ўлим, мени кучоғингга ол, сукунатнинг ширин овозини қулоқларимга пичирлаб, мангу муҳаббат юртига олиб бор”.

– Аммо бу шунчаки фильм-ку, хоним, – дейман мунгли овозда.

– Жим! Айтганларимни унутдингми, актёр бир умр актёр бўлиб қолади. Шуни унутмаки, мен абадий Трагедия қироличаси бўлиб қоламан. Мен фақат сценарист берган сатрларни айтиб, Трагедия қироличасига айланиб қолмадим, мен қахрамонларимнинг хаётида яшадим. Шоир қоғозга бир неча сатр ёзиш билангина буюк шоир бўлиб қолмайди. Инсон фожиа яратиши учун уни ҳис қилиши, бошидан ўтказиши лозим, шунда у фожиа ярата олади.

– Агар талаб қилинган мезонлар шу бўлса, мен Трагедия қироли бўла оламанми? – деб ўн икки ёшли боланинг беғубор кўзлари билан унга термуламан.

У эса жавоб бермайди.

Нилима меҳмонхонада “Starburst” мухбирига интервью бермоқда. Бир лаган гулаб жамун ва сомса олиб кираман.

– Яхши, Нилимажи, сиз билан ўтмиш ҳақида анча гаплашдик, энди бугунги кун ҳақида ҳам бироз гаплашсак. Нега фильмларда роль ўйнамай кўйдингиз?

Мен журналист магнитофонни кўлида ўйнаб турганини диққат билан кузатаман. У жуда ёш ва жозибали, юзлари оқ, қора сочлари елкасигача тушиб турибди. Эгнида йўл-йўл босма курта, қора шим ва баланд пошна кийиб олган.

– Чунки энди олдингидек фильмлар суратга олинмаяпти. Эҳтирос, жўшқинлик йўқолди. Бугунги актёрлар конвейердан бошқа нарса эмас, улар бир-биридан фарқ қилмайди, ёзилган сценарийни шунчаки тўтиқушдек такрорлашади. Умуман ҳис қилишмайди. Бизнинг пайтларда фақат битта фильм билан банд бўлар эдик. Ҳозир эса ҳатто бир кунда уч хил съёмкага шошилаётган актёрларни кўраман. Бу кулгили.

– Маъзур тутасиз, лекин менинг эшитишим бўйича, сизни кинога таклиф қилмай кўйишгани учун фаолиятингизни тўхтатгансиз.

Нилиманинг юзида ғазаб пайдо бўлади:

## *Харобадан чиққан миллионер*

– Ким сизга шундай деди? Ҳеч ҳам бундай бўлмаган. Кейин ҳам менга бир нечта ролларни таклиф қилишди, лекин мен рад этдим. Фильмлар у қадар арзирли бўлмаган, бош қаҳрамон тўғри танланмаган.

– Айтмоқчисизки, сизга энди бош ролларни эмас, балки ёши катта аёлларнинг ролини таклиф қилишяпти, шундайми?

– Мени ва ижодимни камситишга қандай журъат этдингиз? Айтишим керакки, бугунги журналистлар ҳам одоб-ахлоқни унутиб қўйишган. Жавонлардаги мукофот ва совринларни кўрмаяпсизми? Нима деб ўйлайсиз, мен буларга қандай эришдим? Сизнингча, мен Трагедия кироличаси номини бугунги куннинг иккинчи даражали қаҳрамонлари каби дарахт атрофида куйлаб олдимми?

– Лекин... лекин биз сизнинг ўтмишдаги мартабангиз ҳақида гаплашмаяп...

– Мен нима ҳақида гапираётганингизни яхши билман. Илтимос, ҳозироқ уйимни тарк этинг. Рам, бу хонимни кузатиб қўй ва унга ҳеч қачон эшикни очма.

У ўрнидан туриб, минғирлаб хонадан чикиб кетади. Мен довдираб қолган журналистни эшиккача кузатиб қўяман. Бу комедиями, драмами ёки трагедиями, тушуна олмайман.

\* \* \*

Нилиманинг хонадониди рамкага солинган расмлар кўп. Уларнинг барчасида Нилима тасвирланган. Нилима мукофот олмоқда, Нилима лентани кесмоқда, Нилима спектакль томоша қилмоқда, Нилима мукофот бермоқда. Бошқа ҳеч бир актёрнинг сурати йўқ. Фақат ётоқхонадаги иккита рамкага солинган суратни ҳисобга олмаса. Уларда иккита гўзал аёл, бири оқ танли, иккинчиси ҳинд тасвирланган.

– Бу аёллар кимлар? – деб сўрайман бир куни.

– Чапдагиси Мэрилин Монро, ўнгадигиси эса Мадхубала.

– Улар ким?

– Иккиси ҳам ёш вафот этган жуда машхур актрисалар эди.

– Нега уларнинг суратларини сақлайсиз?

– Чунки мен ҳам ёш ўлишни хоҳлайман. Кекса-йиб бечора ҳолда ўлишни хоҳламайман. Шу ҳафтанинг фильм дайжестида Шакиланинг суратини кўрдингми? У 1950-йилларда машхур кино юлдузи эди, ҳозир эса тўксонга кирса керак. Унинг қанчалик қариб қолгани ва қуриган аҳволига қарагин. Ўлимидан кейин одамлар уни шундай эшлашади. Ажинли юз билан қартайган ҳолида. Аммо одамлар Мэрилин Монро ва Мадхубалани ҳар доим ёш ҳолида эшлашади, чунки улар ёш вафот этган. Одамларнинг ёдида қоладиган қиёфанг – ўлим олди қиёфанг бўлади. Мен ҳам Мадхубала каби ёш ва гўзал ҳолда, одамлар ёдида абадий нафосат ва жозиба тимсоли бўлиб қолмоқчиман. Бу дунёнинг барча соатларини тўхтатиб, кўзгуни синдириб, ёшлигимни музлатиб қўйишни на-кадар орзу қиламан.

Буни эшитар эканман, қалбимга маъюслик чўқади. Қайсидир маънода Нилима ҳам мен каби етим. Аммо мендан фарқли ўлароқ, унинг оиласи каттароқ — мухлислари, продюсерлари ва режиссёрлари бор ва Нилима улар учун катта қурбонлик қилишга тайёр, токи улар Нилимани бир умр ёш аёл сифатида эшлашлари учун. Биринчи марта ўзимни кино юлдузи эмаслигимдан бахтиёр ҳис қиламан.

\* \* \*

Бугун уйга машхур продюсер келади. Нилима жуда ҳаяжонда, унга роль таклиф қилишига ишонади ва у яна бир бор камера билан рўбарў бўлади. У кунни пардоз-андоз ва кийимларини кийиб кўриш билан ўтказади.

## Харобадан чиққан миллионер

Кечкурун продюсер келади. У паст бўйли ва кал, қорни чиққан киши экан. Менга гулоб жамун, сомса ва шарбат келтиришимни буюришади.

– ...Бу сиз учун ажойиб роль, Нилимажи, – дейди продюсер. – Мен ҳар доим сизнинг ашаддий мухлисларингиздан бири бўлганман. “Аёл” фильмингизни ўн беш марта кўрдим. Ўша ўлим саҳнасини. Эй Худойим, буни кўриб ўлиб қолай дедим. Шунинг учун мен сизни нафақадан кинога қайтаришга қарор қилдим. Мен аллақачон юқори даражадаги режиссёрни жалб қилган бу фильм аёллар ҳақидаги фильм бўлади. Сизга ажойиб роль таклиф қиламан.

– Сиз шартнома тузган режиссёр ким?

– Чимпу Дҳаван.

– Аммо у комедик фильмлар суратга олмайдими?

– Хўш, нима бўлибди? Умуман олганда, бу фильмда оз-моз кулги бўлади. Бош ролларни Шоҳруҳхон ва Табу ўйнайди.

– Тушунмадим. Сиз аллақачон қаҳрамонларни танлаб кўйганмисиз? Фильмда иккита бош қаҳрамон бўладими?

– Йўқ, ундай эмас.

– Унда Табу нима қилади?

– У бош қаҳрамон.

– Унда менга қандай роль таклиф қиляпсиз?

– Аҳ, тушунмадингиз, шекилли. Мен сизга Шоҳруҳхоннинг онаси ролини таклиф қилмоқчи эдим.

Нилима продюссерни уйдан ҳайдаб чиқаради. Продюсер оғзидан кўпик сачратиб сўкина кетади:

– Манжалақи, ўзини ким деб ўйлайди? Ҳали ҳам юлдузман деб ўйласа керак. Ойнага қараб кўрганми? Бувиси ролига таклиф қилмаганимга хурсанд бўлсин.

Мен буни комедик саҳна деб ўйладим.

\* \* \*

Нилиманинг севгилиси яна келади. Аммо бу сафар вазият жиддийроқ. Нилима ётоқда, чап қошининг тепаси кесилган, ёноклари шишган ҳолда ётади. Овози ҳам зўрға чиқади.

– Хоним, полиция чакириб, ўша чўчқани қаматиб юбориш керак, – дейман мен унинг кўкарган жойларига малҳам суртаётиб.

– Йўк, Рам. Ҳаммаси яхши бўлади.

– Ҳеч бўлмаганда, унинг исмини айтинг.

У хириллаб кулади.

– Бунинг нима фойдаси бор? Хавотир олма, бу одам бошқа ҳеч қачон бу ерга келмайди. Ниҳоят у билан орани очиқ қилдим. Шунинг учун у менга шундай қилди. Агар қайтиб келса, юзига тупураман.

– Қачонгача индамай азоб чекасиз? Сизни қандай аҳволга солганини қаранг.

– Индамай азоб чекиш аёл кишининг қисматига битилган. Унинг юзимга қилгани эса, бутун танамга қилгани билан солиштирганда ҳеч нарса эмас. Кўришни хоҳлайсанми? Қара!

У блузкасининг тугмачаларини ечиб, сийнабандини олди. Мен ҳаётимда биринчи марта аёл кишини яланғоч ҳолда кўриб турган эдим. Унинг танасидаги сигарета босилган куйик изларини кўрганымда ҳайратдан орқага тисариламан, силлик оқ теридаги майда қора нуқталар кратерларга ўхшайди. Бу манзарадан йиғлаб юбораман. У ҳам йиғлайди.

– Мен энди бўёқлар остига яширинишни хоҳламайман. Етарлича юзимни пардоз билан яшириб келдим, ҳаётимда бир марта ҳақиқий аёл бўлишни хоҳлайман. Ёнимга кел, болам, – дейди у ва юзимни кўксига босди.

Нилима Кумари мени бағрига тортганида нимани ўйлади билмайман. У мени ўғли сифатида кўрганми ёки

## *Харобадан чиққан миллионер*

севгилиси сифатидами, буни ўз дардини унутиш учун қилдим ёки шунчаки ҳиссиётга берилибми, менга қоронғи. Лекин юзимни унинг бағрига қўйганимда онгим ташқи оламдан узилиб қолди ва шунда биринчи маротаба ўзимни бошқа етим эмасдек ҳис қилдим. Шу лаҳзада менинг ҳақиқатан кўз билан кўриб, қўл билан ҳис қилса бўладиган онам бор эди. Кўз ёшларимнинг шўр таъми унинг танасидаги тер маржонлари ва хид билан қўшилиб кетди ва ўша пайтдаги ҳиссиётларимни тасвирлаб беришим мушкул. Йиллар давомида бошимдан кечирган барча дард ва изтироблар, ҳақоратлар ва хўрликлар шу лаҳзада унут бўлди. Мен вақт тўхтаб қолишини, ўша лаҳзанинг абадий давом этишини хоҳлардим. Бу жуда қисқа вақт давом этган бўлса-да, у берган ҳиссиёт шу қадар самимий эдики, ҳеч бир актёр ёки актриса бу сахнани қайта ижро эта олмайди. Шунинг учун мен бу эпизодни драма, триллер ёки трагедия деб атай олмайман. Бу ҳар қандай жанрлардан холи эди.

Нилима билан ўша куни тонг ҳақида сира гаплашмаймиз. Бир марта содир бўлган нарса бошқа ҳеч қачон қайта содир бўлмайди. Аммо иккаламиз ҳам ҳаётимиз тубдан ўзгарганини биламиз.

У ниқобини олиб ташлашни хоҳлайди, лекин бунга руҳан кучи етмайди. Бу борада менинг ёрдамимни ҳам рад этади. Трагедия қироличасининг муқаррар тақдири уни янада қуршаб олади. Нилима борган сари кўпроқ тушқунликка тушиб, ичкиликка шундай ружу қўядики, атрофда нима бўлаётганини ҳам деярли англамайди. Ошпаз ва хизматқорни ишдан бўшатиб юборади, уйда ёлғиз у билан мен қоламан. У ҳаётидаги энг катта роль учун тайёргарлик кўраётган эди.

Нилима мендан унинг расми туширилган барча киножурналларни тўплашимни сўрайди. У ўзининг барча соврин ва мукофотларини, платина, олтин, кумуш юбилейларини бир жойга тўплайди. Энг қиммат сари

кийиб, энг зўр тақинчоқларини такади, кўзгу олдида нақ уч соат ўтириб, шу пайтгача энг чиройли пардоз-андозини қилади. Тугатгач, барча пардоз буюмларини ҳожатхонага ташлаб юборади. Қолган бошқа гўзаллик воситаларини ҳам олиб чиқиб ташлайди. Онасидан қолган оғриқ қолдирувчи дориларнинг қанчасини ичиб юборганини билмайман.

Ниҳоят у ётоқхонасига кириб, видеоманитофонга “Мумтоз Маҳал” фильми кассетасини қўйиб, каравотга ўтиради ва “Play” тугмасини босади. Фильм бошланади. Менга бозордан сабзавот олиб келишимни буюриб, ўзи экранга тикилиб туради.

Кечга яқин бозордан қайтганимда у тўшагида янги гўзал келин каби ухлаб ётган бўлади. Аммо унинг ўлганини билиш учун совуқ танасига тегишим шарт эмас эди. Унинг қўлида кубок бор. Унда: “Энг яхши аёл роли учун Миллий мукофот. Нилима Кумари хоним 1985 йил “Мумтоз Маҳал” фильмидаги роли учун мукофотланади” деб ёзилган. Кўз ўнгимда содир бўлаётган драма кульминацион нуқтасига чиққан эди.

Мен унинг жасадига қараб туриб, нима қилишни билмасдим. Полицияга хабар қилмаслигим аниқ, чунки улар мени қотилликда айбдор қилиб ҳибсга олишидан кўрқаман. Шундай қилиб, мен ўзим мантиқан тўғри деб топган ишимни қиламан: Гҳаткопардаги чоулга қочиб кетаман.

– Нега келдинг? – деб сўрайди Салим.

– Хоним мени ҳам худди хизматкор ва ошпазни ишдан бўшатганидек ишдан бўшатди.

– Энди нима қиламиз? Бу турар жой учун ижара ҳақини қандай тўлаймиз?

– Хавотир олма, у кейинги икки ой учун ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйган. Унгага мен янги иш топаман.



## Харобадан чиққан миллионер

\* \* \*

Чоулда ўтаётган ҳар бир куним кизил чироғи ёниб турган “Жип” келиб мени олиб кетиши мумкин деган кўркув билан ўтади, лекин бундай бўлмайди. Нилима Кумарининг ўлими ҳақида газеталарда ҳам хабар беришмайди. Бу орада мен металл қуйиш цехига ишга жойлашаман.

Полиция унинг жасадини бир ойдан кейин қўшнилardan бири бадбўй ҳиддан шикоят қилиб чиққанда топади. Улар эшикни синдириб очиб, ичкарига киради. Мехмонхонада ва тўртга ётоқхонада ҳеч нарса топа олишмайди. Кейин унинг ётоқхонасидан чириган жасадни топашади. Сари янги ҳолида, заргарлик буюмлари ялтираб турарди, лекин юзи ва танаси таниб бўлмас аҳволга келганди. Улар юзида оқ ниқобли жасадни аравачада олиб кетишади, кўлидаги кубокни эса ахлат қутисига ташлаб юборишади. Унинг шахси стоматологик таҳлилдан кейингина тасдиқланади. Шундан сўнг барча газеталарнинг биринчи саҳифаларида унинг чириган танаси расми нашр қилинади. “Машҳур Трагедия маликаси Нилима Кумари қирк тўрт ёшида ўз жонига қасд қилди. Унинг чириган жасади бир ой ўтиб, ўз уйдан топилди”.

Энди буни мен ҳақиқий трагедия деб аташим мумкин эди.

\* \* \*

Смита хўрсинади.

– Кино юлдузлари асабий бўлса ажабмас! Биласизми, “Мумтоз Маҳал” фильмини кўрганман ва мен ҳам ўша тилла билагузукнинг сирини билишни доим хоҳлаганман. Қизик, Нилима Кумари ўша ўғрига нима деган экан.

– Афсуски, бу сир бўлиб қолди. Хўш, биз Нилима Кумари ҳақида гаплашамизми ёки сизга викторинада кейин нима бўлганини айтиб берайми?

Смита истамайгина “Play” тугмасини босади.

\* \* \*

Студия ичи қизғин. Узоқ танаффус яримлаб қолган, кўрсатув продюсери, рок юлдузлариникидек узун сочли, баланд бўйли эркак бурчақда Прем Кумар билан суҳбатлашиб турибди. У кетганидан кейин Прем Кумар менга ишора қилиб, олдига чақиради.

– Менга қаранг, жаноб Томас, – дейди Прем Кумар, – сиз ажойиб ўйнадингиз. Миллионларингиз билан жуда ажойиб ўтирибсиз. Айтинг-чи, энди нима қилмоқчисиз?

– Яъни?

– Айтмоқчиманки, сиз ўйинни шу жойида тарк эта-сизми ёки яна миллиард рупий соврини учун ўйнайсизми? Эсда тутинг, “Ўйна ёки Тўла” босқичида ютқизсангиз, ҳамма пулни қайтарасиз.

– Яхши, мен кетаман. Шу пайтгача омадим келди, энди буёғига омадим тутаб қолган бўлса-чи?

– Ҳа, бу жуда ачинарли, жаноб Томас. Ўйлаймизки, агар сиз ушбу викторинада ғолиб чиқсангиз, мамлакатимиз ёшлари учун энг катта ўрناق бўла оласиз. Шундай қилиб, биз КМҶООда ғалаба қозонишингизни осонлаштиришга қарор қилдик. Иккинчи саволда сизга қандай ёрдам берганимни эслайсизми? Агар ўшанда саволни ўзгартирмаганимда, чўнтагингизда бир рупий ҳам бўлмасди. Кейинги учта саволда ҳам худди шундай қилмоқчиман. Сизга ваъда бераман, агар сиз “Ўйна ёки Тўла” босқичига киришга рози бўлсангиз, биз сизга ғалаба қозонишингизга ёрдам берамиз, чунки биз шуни хоҳлаймиз. Бу кўрсатувимизда содир бўлган энг яхши воқеа бўлади.

– Қандай савол бермоқчисиз?

– Бу муҳим эмас, чунки биз сизга олдиндан яширинча жавобларни берамиз. Агар иккинчи саволдан кўнглингиз тўқ бўлган бўлса, демак, ишончим комилки, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи саволларда ҳам менга ишонишингиз мумкин. Хўш, келишдикми?

## Харобадан чиққан миллионер

– Агар ғалабамни кафолатлаётган бўлсангиз, йўқ дейишим қийин. Хўш, айтинг-чи, кейинги савол нима?

– Ажойиб, – Прем Кумар қарсақ чалади. – Билли, – дейди у продюсерга, – жаноб Томас ўйинни давом эттиришга рози бўлди. У менга қайтиб ўгирилиб, пичирлайди, – энди мен сизга савол жавобини айтаман. Савол: Ҳиндистон ва Шри-Ланка ўртасидаги Палк бўғозининг узунлиги қанча? Жавоблар:

А) 64 км

Б) 94 км

В) 137 км

Г) 209 км бўлади

Тўғри жавоб В) 137 км. Тушундингизми?

– Ҳа. Лекин бу тўғри жавоб эканига қандай амин бўлишим мумкин?

– О, сиз бизга ишонмайсизми, жаноб Томас? Мен сизни айбламоқчи эмасман. Ахир гап бир миллиард рупий ҳақида кетяпти. Сизни ишонтиришга ҳаракат қиламан. Мана бу китобга қаранг. Ишончим комилки, сиз рақамларни ўқий оласиз.

У савол-жавоблар китобига ўхшаш ён дафтарга ишора қилади. Дафтардан менга ўша савол ва жавобни кўрсатади. Жавоб у айтган билан бир хил эди: 137.

– Энди сизни алдамаётганимга ишондингизми?

Мен бош ирғайман.

– Яхши. Ўз жойингизга ўтирсангиз бўлади, бир сониядан кейин мен ҳам бораман.

Ўйин бошланганини билдирувчи сигнал чалинади ва таблода “Олқишлар” деган ёзув кўринади. Прем Кумар томошабинларга мурожаат қилади:

– Хонимлар ва жаноблар, викторинамизда тарихий воқеа содир бўлиш арафасида. Биз билан бир миллион рупийлик сеҳрли рақамга эришган иштирокчи бор. Энди у бош соврин учун курашни давом эттирадимиз ёки ўйинни тарк этадимиз, ҳал қилиши керак. Қарор қилиш вақти келди, жаноб Томас. Сизнинг қарорингиз қандай? Ғалаба

қозониш учун ўйнайсизми ёки ўйинни тарк этасизми? Эсда тутингки, агар сиз ўйнасангиз, ҳозиргача қўлга киритган барча нарсаларингизни бой беришингиз ҳам мумкин. Ҳўш, нима дейсиз?

У менга ишонч билан жилмаяди.

– Ўйинни давом эттираман, – дейман оҳиста.

– Кечирасиз, – дейди Прем Кумар. – Илтимос, буни бир оз баландроқ қилиб айта оласизми?

– Ўйинни давом эттираман, – дейман баланд овозда қатъий қилиб.

Томошабинларнинг нафаси ичига тушади. Улар орасидан “О Худойим”, “Аҳмоқлик бу” деган гаплар эшитилади.

– Бу сизнинг охирги, қатъий қарорингизми? – сўрайди Прем Кумар менга жилмайиб.

– Ҳа.

– Шундай қилиб, биз тарихий воқеанинг гувоҳи бўламиз, хонимлар ва жаноблар, – деб кийкиради Прем Кумар. – Ўйинчимиз қўлга киритганларини таваккал остига қўйишга тайёр. Олдин ҳам бизда шундай ўйинчи бўлган, лекин у ютқазганди. Жаноб Томас энг катта мукофот ғолиби бўлиб тарихда қоладими ёки йўқлигини бугун кўрамиз. Ажойиб, “Ўйна ёки Тўла” босқичидаги охирги учта саволга тайёрмиз. Олқишларингиз.

Экранда “Ўйна ёки Тўла” ёзуви пайдо бўлади. Томошабинлар ўринларидан туриб, ҳаяжон билан қарсақ чаладилар. Фондаги мусиқа тинганидан кейин Прем Кумар менга ўгирилади.

– Ҳўш, жаноб Томас, сиз бир миллион рупий ютиб олдингиз, энди эса ўйиннинг энг хавфли қисмига, яъни “Ўйна ёки Тўла” босқичига етиб келдингиз. Сиз ё бир миллиард рупий ютиб оласиз ёки шу пайтгача ютиб олганларингизни йўқотасиз. Демак, ўн миллион пул тикилган ўнинчи савол, ҳа, навбатдаги ютуқ ўн миллион рупий.

## Харобадан чиққан миллионер

– Трагедия қироличаси Нилима Кумари Миллий мукофотни ...

– Аммо савол ...

– Илтимос, жаноб Томас, саволим ўртасида халақит бермасангиз. Охиригача ўқиб эшиттиришимга рухсат берсангиз, – деди у каттик оҳангда.

– Такрорлайман, Трагедия қироличаси Нилима Кумари Миллий мукофотни қайси йили қўлга киритган? Жавоблар:

А) 1984 йил

Б) 1988 йил

В) 1986 йил

Г) 1985 йил

Мен Прем Кумарга қарайман. У жилмайиб туради. Вазиятга энди тушунаман. Танаффусда айтган гаплари ўйинни давом эттиришим учун хийла бўлган. Аммо у менинг омадим билан ҳисоблашмади, мени ҳали ҳам омад тарк этмаганди.

– Мен жавобни биламан. Бу Г) 1985 йил.

– Нима? – Прем Кумарнинг овози момақалдиروقдай чиқади.

У шу қадар ҳайратда қолган эдики, мендан юз фоиз ишончим комил ёки йўқлигини сўрашни ҳам унутиб қўяди. У тугмачани босади ва экранда тўғри жавоб кўринади. Г) 1985 йил.

Прем Кумар худди арвоҳни кўргандек оқариб кетади.


– Жаноб... Жаноб Томас... ҳозиргина ўн миллион рупий ютиб олди, – деб дудуқланади у бутунлай довдираб.

Томошабинлар жўшиб кетади. Ҳамма ўрнидан туриб, кийқириб олқишлай кетади. Баъзи одамлар коридорларда рақсга тушишни бошлайди. Прем Кумар пешонасидаги терни артиб, лимонаддан симиради.

Трагедия бўлиши керак бўлган нарса фарсга<sup>2</sup> айланганди.

---

<sup>2</sup> Енгил юмор аралашган комедия. Адабий жанр.



100,000,000

## ЎДМ ЗПЯҚЎЎҚО ЭДНҚНД (Бир муҳаббат қиссаси)

Овқат! Шовқин ва гавжум темир йўл станциясида пахта матодан кўйлак ва “Levi” жинси шимда охирги икки соатда бутун фикри хаёлим шу эди. Агар сиз бир муддат овқатланмасангиз, очлик ўтиб кетиб, кейин ҳис қилмаслигингиз мумкин. Аммо менга ўхшаб кеча тушлиқдан кейин ҳеч нарса емаган бўлсангиз, миянгизда ғаройиб воқеалар содир бўла бошлайди. Кўзим фақат овқат еяётган одамларни кўради, бурним эса итнинг суякни искагани каби фақат овқат хидларини қидириб топади. Янги тайёрланган жалеби<sup>1</sup>, пури<sup>2</sup> ва қачориларнинг<sup>3</sup> хушбўй ҳиди бошимни айлантиради. Менга ҳеч қачон ёқмаган қайнатилган тухумдек оддий нарса ҳам сўлак безларимга таъсир ўтказади. Аммо чўнтагимга қўл суқиб бир рупий тангани топганимда, кеча қўлдан чиққан 50 минг рупий хаёлимдан ўтди ва энди омад мени ҳақиқатдан

<sup>1</sup> Ҳиндча ширинлик

<sup>2</sup> Қовурилган нон

<sup>3</sup> Қовурилган аччиқ хамирли егулик

## *Харобадан чиққан миллионер*

тарк этганини ҳис қиламан. Шундай қилиб, қурукшаган лабларимни ялаб, очликни енгиш хақида ўйлай бошламан.

Мен “Kasio” рақамли соатимни бир тарелка чҳоле бҳатурега<sup>4</sup> алмаштиришни ўйлаб турганимда кўзим темир йўл ошхонаси ёнидаги эълонлар тахтасига тушади. Унда “М – Бир километр узокликда”, деб ёзилган. Мен овқатни қаердан текинга олишим мумкинлигини дарҳол билдим.

Агра темир йўл станциясидан чиқиб, катта қизил М белгисини қидиришга киришаман. Бир икки маротаба нотўғри томонга бурилиб, у-бу кимдан сўраб, ниҳоят ҳашаматли бозорнинг ўртасидан уни топаман. “McDonald’s”даги тартибли кийинган официантлар менга шубҳа билан қарашади, лекин ҳайдаб юборишмайди. Қанчалик жирканч аҳволда бўлмасин, улар “Levi” жинсидаги мижозни қайтариб юборишмайди. Ёғоч ахлат қутининг олдига секин яқинлашаман, ҳеч ким қарамай турганида қўлимни унинг ичига тиқиб, бир нечта жигарранг халтачаларни оламан. Ҳожатхонага кириб, юзқўлимни ювиб чиққач, бу ерни тезда тарк этаман.

Биринчи уринишдаёқ мен яхши натижага эришган эдим. Ташқарига чиқиб, яшил ёғоч скамейкада ўтириб, ярми ейилган сабзавотли бургер, бир оз товук гўшти, икки кути деярли ейилмаган фри ва ярим чашка “7 Up” билан овқатланаман. Чиқиндиларни тозалаш кўча боласининг омон қолиш воситаларидан бир қисмидир. Мен Раждҳани Экспресснинг кондиционерли купесида топилган қолдиқлар билан кун кечирадиган баъзи болаларни билардим. Яна шундайлари ҳам бор эдики, улар “Pizza Hut”даги пепперони пиццасига муккаларидан кетганидан кечаси пиццерия ахлат қутисидан етти-саккизта бутун пицца бўлақларини топиб ейишарди. Аммо уларнинг барчаси бепул кечки овқатни истеъмол қилишнинг энг осон йўли никоҳ маросимларига бориш эканини маъқуллашарди. Салим авваллари бу ишнинг устаси эди. Ягона талаб эти-

<sup>4</sup> Ҳиндистон шимолида кенг тарқалган таом.

ладиган нарса — тоза кийим ва тўғри пойабзал кийиш. Маросимда меҳмонларга қўшилиб оласиз ва овқат учун сафга турасиз. Келин тарафи сизни куёвнинг оиласидан, куёв тарафи сизни келиннинг оиласидан деб ўйлайди. Сиз ўн ёки ўн беш шиша яхна ичимликлар ичишингиз, мазали таомлар истеъмол қилишингиз ва турли хил ширинликлардан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Ҳатто у ердан зангламайдиган санчки ва қошиқларни ўзингиз билан олиб кетишингиз ҳам мумкин. Салим кечки овқатни деярли шу маросимларда қиларди. Аммо у Наримон пунктидаги келин ва куёвнинг оилалари ўртасида чиққан низонинг муштлашувга айланиб кетган жанжалида икки томондан ҳам калтак егандан сўнг бу одатини ташлади.

Қорин тўк, энди нотаниш шаҳарни кашф қилиш пайти келганди. Мен шаҳарнинг рикшалар, пиёдалар ва сигирларга тўла гавжум йўлаклари бўйлаб юраман. Эски услубдаги гавилар устидаги мураккаб панжаралар мени хайратга солади, йўл четидаги кабоб дўконлари ва соф вегетариан дҳабалардан таралаётган таом хидидан баҳраманд бўламан, очиқ дренаж ва кўнчилик корхоналаридан келаётган бадбўй хиддан юзим буришади. Ҳар бир жойга ёпиштирилган, одамларни янги фильмларни кўришга ёки эски сиёсатчиларга овоз беришга чақирувчи улкан плакатларни ўқиб чиқаман. Бир томонда қари хунармандлар қаровсиз дўконларда мрамардан нафис нақшлар ясамоқда, бошқа томонда ёш сотувчилар кондиционерли кўргазма залларида уяли телефон сотяпти. Мен Агра бойлари Дехли ва Мумбай бойларидан фарқ қилмаслигини, улар ҳам мрамар уйларда соқчилар ва сигнализация билан яшашларини билиб олдим. Аградаги харобалар ҳам бошқа шаҳарларникидан фарқ қилмас экан: туника билан ўраб кўйилган, қозон қоринли яланғоч болалар чўчқалар билан лойда ўйнашади, оналари эса қувурлардан оқиб тушадиган сувида идишларни ювади.

Мен чанг йўл бўйлаб юраман ва бирдан дарёга кўзим



## Харобадан чиққан миллионер

тушади. У сарғиш яшил ва лойка экан. Сув сатҳининг камайиши муссонлар ҳали ҳам келмаганидан далолат беради. Ёғоч бўлақлари ва пластмасса қолдиқлари унинг тўлқинли оқимларида сузиб юради. Сув айланиб оқаётган жойда бир нима худди одам жасадига ўхшаб кўринади, яхшилаб қараш учун бошимни чўзганимда эътиборимни бошқа нарса тортади. Қарама-қарши қирғоқда кўрган нарсам кўзимни қамаштиради. Бу тўртбурчак шиша гумбазли, қиррали камарлари ва чуқурчалари бўлган ялтироқ оқ иншоот эди. Унинг тўрт томони найзасимон миноралар билан ўралган. У қуёш нурида фируза осмондаги фил суягидан ясалган ойдек ялтирайди. Унинг гўзаллиги мени ром қилади.

Бирмунча вақт ўтгач, учраган биринчи ўткинчи – тушлик қутисини кўтарган ўрта ёшли одамга мурожаат қиламан.

– Кечирасиз, дарёнинг нариги томонидаги анави бино нима эканини айта олмайсизми?

У менга худди аҳмоққа қарагандек қарайди.

– Аррей, агар бун билмасанг, Аграда нима қилиб юрибсан? Бу ахир Тож Маҳал-ку, аҳмоқ.

Тож Маҳал. Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси. У ҳақда эшитганман, лекин расмини кўрмаган эдим. Осмонда сузаётган булутлар унинг гумбазига соя солаётгани, силлик мрамар устида ёруғликнинг ҳар хил тусга кириши мени ҳайратда қолдиради. Эллик минг рупийимни йўқотганим, овқат муаммоси, қаерда тунашим ва полиция кўлига тушиш каби қўрқувлар шу онда мени тарк этади, чунки Тож Маҳал ҳаёлимни буткул эгаллаб олган эди. Кейин мен уни бугуноқ яқиндан кўришга қарор қиламан.

Соҳил бўйлаб ўттиз дақиқалик йўлни босиб ўтиб, улкан қизил шағалли кириш эшиги олдида тўхтаман. Катта оқ тахтада шундай деб ёзилган эди: **ТОЖ МАҲАЛГА КИРИШ НАРХЛАРИ: ҲИНДЛАР УЧУН 20 РУПИЙ, ХОРИЖЛИКЛАР УЧУН \$20. ДУШАНБА КУНЛАРИ**

ЁПИҚ, ЖУМА КУНЛАРИ БЕПУЛ. Мен “Kasio” қўл соатимга қарайман. 12 июнь, жума. Бугун менинг омадли кунимга ўхшайди.

Металл детектордан ўтиб, аркли дарвозаси бўлган қизил шағалли олд ҳовлини кесиб ўтаман ва у ерда, кўз олдимда Тож Маҳал ўзининг гўзаллиги ва улуғворлиги билан виқор тўкиб туради. У тушдан кейинги туман орасидан ялтираб туради. Мен фавворалар ва кенг йўллар билан ободонлаштирилган боғдан ўтиб, Тож Маҳалнинг акси рақс тушаётган ҳовуз олдига бораман ва шундан кейингина тўлиб-тошган оломонни пайқайман. Тож Маҳал атрофи сайёҳлар, ёшу қари, бою камбағал, ҳинд ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум. Ҳар томонда чироқлар порлайди, ҳовлида шовқин-сурон кўтарилади, юзлари жиддий, таёқ тутган полициячилар тартиб ўрнатишга ҳаракат қилмоқда.

Ярим соатлик мақсадсиз изғишлардан сўнг, гумбаз тагида кекса гидни диққат билан тинглаётган, бўйнига видеокамера ва дурбинлар илиб олган бир гуруҳ мамнун ғарб сайёҳларига кўзим тушади. Эҳтиёткорлик билан уларга қўшиламан. Гид мармар гумбаз томон ишора қилиб, хириллаган овозда гапирмоқда.

– Мен сизга қизил кумтошдан ясалган олд ҳовлининг, биз яқинда ўтган Човқ-и Жилохонанинг меъморий кўриниши ҳақида маълумот бердим. Энди эса Тож Маҳал тарихи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтаман. 1607 йилда кунлардан бир куни Мўғул хонлиги шахзодаси Хуррам Дехлининг Мина бозорида сайр қилиб юрганида кичкинагина пештахтада шойи ва шиша мунчоқлар сотаётган қизга кўзи тушади. Унинг гўзаллигига шу қадар мафтун бўлиб, ақлини йўкотади. Орадан беш йил ўтиб шу қизга уйланади. Унинг ҳақиқий исми Аржуманд Бону бўлиб, шахзода унга Мумтоз Маҳал деган янги исмни беради. Ўша пайтда у ўн тўққиз ёшда эди, Хуррам эса йигирма ёшда. Мумтоз Бегим Нуржаҳоннинг жияни,

## *Харобадан чиққан миллионер*

Жаҳонгирнинг рафиқаси Мехринисо, ўз навбатида, Акбарнинг Форс маликаси Билгис Бегимнинг жияни эди. Мумтоз ва Хуррам 1612 йилда турмуш қуришди ва кейинги ўн саккиз йил ичида бирга ўн тўртта фарзанд кўришди. Мумтоз эрининг барча саёхатларида ва ҳарбий юришларида ажралмас ҳамроҳи эди. У унинг сафдоши, маслаҳатчиси бўлиб, уни заиф ва мухтожларга хайр-эҳсон ва хайрихоҳлик қилишга ундарди. 1630 йилнинг еттинчи июнида Бурхонпурда, Хуррам император Шохжаҳон сифатида Мўғул тахтига ўтирганидан атиги уч йил ўтиб, Мумтоз кўзи ёриш пайтида вафот этди. Мумтоз Маҳал ўлим тўшагида ётганида у императордан тўртта нарсага ваъда беришини сўраган: унинг гўзаллигини акс эттирган ёдгорлик қуриш, бошқа уйланмаслик, фарзандларига меҳрибон бўлиш, ва охиригиси вафоти кунда қабри зиёрат қилиш. Мумтознинг ўлими императорнинг қалбини шунчалик қаттиқ оғритдики, унинг сочлари бир кечада оқариб кетди. Императорнинг хотинига бўлган муҳаббати шунчалик буюк эдики, у аёлининг хотирасига бағишлаб ер юзидаги энг гўзал мақбарани қуришни буюрди. Қурилиш ишлари 1631 йилда бошланиб, йигирма икки йил давом этди. Форс, Усмонли империяси ва ҳатто Европадан йигирма мингдан ортиқ хунараманд ва усталарнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида сиз кўриб турганингиздек Тож Маҳал барпо бўлди. Рабиндранат Тагор унга “вақт ёноғидаги кўз ёшлар” деб таъриф берган.

Қалин шим кийган ёш қиз кўлини кўтаради.

– Кечирасиз, Тагор ким?

– О, у Нобель мукофотини олган жуда машхур ҳинд шоири эди. Уни, айтايлик, Уилям Вордсворт билан солиштириш мумкин, – деб жавоб беради гид.

– Уилям ким?

– Майли, бу аҳамиятсиз, – деб гапида давом этади йўлбошчи. – Олдин айтганимдек, Тож Маҳалнинг меъморий мажмуаси бешта асосий элементдан иборат: дарвоза,

боғча, масжид, наққорхона ёки дам олиш уйи ва Равза ёки асосий мақбара. Ҳақиқий қабр Тож ичида жойлашган бўлиб, биз уни бир дақиқадан кейин кўришимиз мумкин. У ерда Мумтоз қабри устидаги Аллоҳнинг тўксон тўккиз исмини ва Шохжаҳон қабрига қўйилган қалам қутисини кўришингиз мумкин, бу эркак ҳукмдорни ажратиб турувчи хусусиятдир. Бу ёдгорликларда мўғул анъаналарига кўра, мурда солинадиган мақбара безаксиз бўлади ва ерни қазиб қурилади. Мақбара 57 квадрат метрни ташкил этади. Марказий ички гумбазнинг баландлиги 24,5 метр ва диаметри 17,7 метр бўлиб, у баландлиги қарийб 61 метр бўлган ташқи қобиқ билан ўралган. Тўрт томонидаги минораларнинг баландлиги 40 метр. Ўша даврдаги санъат асари нақадар нафис бўлганини кўришингиз мумкин, чунки ҳатто 3 сантиметрлик безак элементида ҳам 50 дан ортиқ нақшли қимматбаҳо тошлар мавжуд. Шунингдек, арк йўлаклари баландлигидан қатъи назар уларда Қуръон оятлари бир хил тарзда ёзилган. Ҳақиқий муҳаббат ёдгорлиги сифатида Тож Маҳал гўзалликни кадрлашни биладиганларга ўзининг нозик томонларини очиб беради. Тожнинг тўртбурчак асоси ўз-ўзидан гўзал аёлни кўриш учун турли томонларнинг рамзи эканини кўрасиз. Дарвоза аёлнинг юзидаги пардага ўхшайди, уни тўй кечасидаги каби секин кўтариш керак. Бош мақбарадаги оқ мрамарга қўйилган ярим қимматбаҳо тошлар мрамарид каби ой нурида порлайди. Тож Маҳал эрталаб пушти рангда, кечкурун сутдек оқ рангда, ой порлаганда олтин рангда жилваланади. Айтишларича, бу ўзгаришлар аёлнинг турли кайфиятларини тасвирлайди. Энди сизни мақбара ичига олиб бораман. Илтимос, оёқ кийимингизни ечиб, шу ерга қолдилинг.

Сайёҳлар оёқ кийимларини ечиб, бош мақбарага киради. Мен ташқарида қоламан ва гумбаздаги ўзгарувчан ранглари Нилима Қумарининг беқарор кайфиятига солиштиришга ҳаракат қиламан.

## Харобадан чиққан миллионер

Кимдир елкамга секин туртади. Ўгирилиб қарасам, хотини ва икки боласи билан кўзойнак тақиб олган чет эллик одам менга тикилиб турарди. Унда рақамли видеокамерадан тортиб мини-диск плеергача бўлган барча турдаги гаджетлар бор эди.

– Кечирасиз, сиз инглизча гапирасизми? – деб сўрайди у мендан.

– Ҳа, – деб жавоб бераман.

– Илтимос, Тож Маҳал ҳақида бироз гапириб берсангиз. Биз сайёҳмиз. Япониядан. Шаҳрингизга бугун келган эдик.

Мен ҳам бу шаҳарга янгилигимни, бугун келганимни айтмоқчи бўламан, лекин унинг қизиқувчан қиёфаси мени ўзига тортади. Гиднинг жиддий оҳангига таклид қилиб, эсимда қолган нарсаларни айтиб бера бошлайман.

– Тож Маҳал 1531 йилда император Хуррам томонидан Мумтоз Бегим номи билан машхур бўлган рафиқаси Нуржаҳон учун қурилган. У уни боғда биллагузук сотаётганида учратиб севиб қолган, бироқ ўн тўққиз йилдан кейингина унга уйланган. Кейин у барча жангла-рида рафиқасини олиб юрган ва ўн тўрт йил ичида унга ўн саккизта бола туғиб берган.

– Ўн тўрт йил ичида ўн саккизта бола? Ишончингиз комилми? – деб сўрайди сайёҳ ҳайратини яширмай.

– Албатта, – дедим жиддий оҳангда. – Менимча, баъзилари эгизак бўлган. Ҳар қалай, ўн тўққизинчи бола туғилаётганда Мумтоз ўн олтинчи июнда Султонпурда вафот этган. Аммо ўлимидан олдин у шохдан тўртта хоҳишини амалга оширишини сўрайди: Тож Маҳал қуриш, болаларини урмаслик, сочларини оқартириш, тўртинчиси... Эсимда йўқ, лекин бу муҳим эмас. Энди, кўриб турганингиздек, Тож Маҳал дарвоза, боғ, меҳмонхона ва қабрдан иборат.

Японлар иштиёқ билан бош ирғайди.

– Ҳа. Ҳа. Биз дарвоза ва боғни кўрдик. Энди қабрни кўрмоқчимиз. Меҳмонхона қани?

– Ҳақиқий қабрлар ер остида эканини сизга айтмадимми? Шунинг учун ер устидаги барча майдон меҳмонхона бўлиши керак. Энди мақбара ичида сиз Мумтоз ва император қабрларини кўрасиз. Тўқсон тўққизта қимматбаҳо тошлар билан бирга қабр устидаги қаламни кўришни унутманг ва ҳар уч сантиметрда сиз деворларга ўйиб ёзилган Худонинг элликта исмини кўрасиз. Ҳар хил ҳарфлардан қатъи назар, деворлардаги оятлар бир хил маънони англатади. Бу ажойиб эмасми? Эсингизда бўлсин, гумбаз баландлиги 160 метр, миноралар эса ўн етти метр. Бундан ташқари, агар сиз Тож Маҳалга турли бурчаклардан қарасангиз, тўй кечасидаги каби аёлнинг турли хил кўринишини кўрасиз. Синаб кўринг. Шунини айтишим керакки, машҳур шоиримиз Тағор Тож Маҳалга аталган “Уилям Вордсвортнинг ёноғидаги шапалоқ” номли шеъри учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.

– Ростданми? Қойил! Жуда қизик! Сайёҳлар учун қўлланма китобида булар келтирилмаган.

У хотинига ўгирилиб, япон тилида гапиради. Кейин у менга нима деганини инглиз тилида тушунтиради.

– Хотинимга қимматга расмий гид ёлламай яхши қилганимизни айтдим. Сиз бизга барчасини ажойиб тарзда тушунтирдигиз. Катта раҳмат. Аригато.

У менга таъзим қилиб, кўлимга нимадир беради. Мен ҳам жавобан унга таъзим қиламан. Улар ўгирилишганда мен кафтимни очиб, янги тах тушган 50 рупийлик купюрани кўраман. Наҳотки беш дақиқалик иш учун шунча тўлашса!

Энди иккита нарсани аниқ биламан: Тож Маҳалда қолиш мен учун яхши танлов ва туристик гид бўлишга қарши эмасман.

Нихоят қизғиш тусга бурканган мрамар ёдгорликдан амаллаб узоклашгунимча шом туша бошлайди. Мен эса тунайдиган жой топишим керак. Кўчада бир ёш болага кўзим тушади. У кўринишидан мен тенги, оқ футболка, кулранг шим ва оёғига кўк сланси кийиб олган. У жимгина кўчадаги жанжални кузатиб турибди. Мен унинг елкасига секин туртаман.

– Кечирасиз.

У ўгирилиб менга меҳрли кўзлари билан қарайди. Мен мана шу маъноли, кўнғир кўзларда дўстлик, қизикиш ва илиқликни ҳис қиламан.

– Кечирасиз, – деб такрорлайман мен, — мен бу шаҳарга янги келганман. Менга тунаш мумкин бўлган жойни кўрсата оласизми?

Бола бошини кимирлатиб:

– Яқ, збй ъсуд ўдм гкейд ўджкзқй, – дейди.

– Кечирасиз? – дейман нима деганини англамасдан.

– Шмқэжк. Збй ъсуд ўдм жкейд ўджкзқй, – деб такрорлайди у кўллари кимирлатиб.

– Кечирасиз, мен бу тилга тушунолмадим. Сизни бевозта қилганим учун узр. Бошқа бировдан сўрай қоламан.

– Кмодзхқй шм, – деб туриб олади ва шартта кўлимдан ушлаб мени бозор томон торта бошлайди.

Мен унинг кўлидан чиқишга ҳаракат қиламан, лекин юзи шунчалик самимийки, ўзимни бошқаришга имкон бермайди. У ўзига хос услубда, деярли оёқ учида юради. У мени тор лабиринтли йўлақлар ва бурилишли хиёбонлар орқали етаклаб ўтади ва ўн беш дақиқадан сўнг биз катта сарой олдидан чиқамиз. “Свапна саройи” деб ёзилган лавҳа ёнидаги эшик олдида тўхтаимиз. У эшикни очади ва биз ичкарига кирамиз. Сарой ҳовлиси айланма йўлак бўйлаб кетган, майсазорда бўялган Гужарати беланчаги ва фаввора бор. Қарасам, икки боғбон майса устида ишлапти. Йўлда эски “Contessa” машинаси турибди, уни формали

ҳайдовчи тозалапти. Ҳамроҳимни қасрда яшовчилар таниши аниқ, чунки у мени унинг зеб-зийнатли ёғоч кириш қисмига олиб бориб, эшик кўнғироғини босганида ҳеч ким уни тўхтатишга уринмайди. Эшикни қорамағиз, ёш, кўркам хизматчи очади. У ҳамроҳимга қараб:

– Ие, бу сенмисан, Шанкар. Нега бу ерга қайта-қайта келаверасан, а? Ҳадеб келаверишинг хонимга ёқмайди, – дейди.

Шанкар менга ишора қилади.

– Пйақ сийқ ёбмкё цёкй.

Хизматкор менга обдан қараб олиб, дейди:

– Шанкар сизни бу ерга янги ижарачи сифатида олиб келдими? Менимча, уйда умуман хона қолмаган, лекин мен хонимга кўнғироқ қилиб кўришим мумкин.

У уйга кириб кетади. Эшик олдида ўрта ёшли аёл пайдо бўлади. У қимматбаҳо шойи сари ва тонналаб тилла тақинчоқлар илиб олган, юзи эса обдан пардоз қилинган. Эҳтимол, у ёшлигида гўзал бўлгандир, лекин Нилима Кумаридан фарқли ўларок, унинг юзи ёркинлигини йўқотган эди. Бундан ташқари, лабларини қимтиб олган, бу эса уни янаям баджаҳл кўрсатарди. Хуллас, у ёқмайди.

Шанкар аёлни кўриб жуда ҳаяжонланади.

– Ндрйд ъсуд ёьмкзкй, кедгкй, – дейди табассум билан. Лекин аёл уни ҳатто кўрмаганга олади.

– Сен кимсан? – деб сўрайди у кийимимга диққат билан қараб. – Нега Шанкар билан келдинг?

Мен унинг кузатуви остида хижолат торта бошлайман.

– Менинг исмим Ражу Шарма, – дейман.

Бу шаҳарда ҳақиқий исмимни ҳеч кимга айтмоқчи эмасдим. Бунинг поездда номаълум одамни ўлдирганимга алоқаси йўқ, албатта.

– Демак, сиз браҳмансиз? – деб сўрайди менга янада шубҳа билан қараб.

Мен қора рангли браҳман улар учун янгилик эканини англашим керак эди.



## *Харобадан чиққан миллионер*

– Ҳа. Мен Аграга янги келдим. Тунаш учун жой қидираётгандим.

– Бизнинг уйимиз бор, у ерга ижарачиларни қўямиз. Мен унинг шеvasидан юкори табака эканини пайқайман.

– Ҳозир хона йўк, лекин бир ҳафта кута олсангиз, хоналар бўшайди. Ойига 400 рупийдан тўлайсиз, тўлов ҳар ойнинг бошида қилинади. Агар сизга маъкул бўлса, Лажванти уйни кўрсатиши мумкин. Лекин сиз бир ҳафта бошқа жойда тунаб туришингизга тўғри келади.

– Раҳмат, хоним, – деб инглизча жавоб бераман. – Мен хонани банд қиламан ва келаси ҳафта сизга тўрт юз рупий тўлайман.

Инглиз тилида гапиришим хонимнинг эътиборини янада тортади ва у анча юмшоқ оҳангда:

– Балки Шанкар билан бир ҳафта коларсиз, – дейди. – Лажванти, унга уйни кўрсат.

Эшик олдида ўтказилган суҳбат шу билан тугайди. Лажванти мени қасрнинг орқасида жойлашган уйга кузатиб қўяди. Хона менга шимолий Ҳиндистондаги чоулнинг эквиваленти бўлиб кўринади. Унинг ҳовлиси катта ва тошли, атрофи бўйлаб бир-бирига туташган хоналар қурилган. Меҳмонхонада камида ўттизта хона бўлса керак. Шанкарнинг хонаси шарқий коридорнинг ўртасида жойлашган.

У эшикни очади ва биз ичкарига кирамиз. Хонада бор-йўғи битта каравот ва жавон, худди бизнинг Гҳаткопардаги чоулимиздек миттигина ошхона бор. Ҳожатхоналар умумий бўлиб, ғарбий йўлакнинг охирида жойлашган. Ҳаммом ҳовлининг ўртасида, шаҳар сув тармоғига уланган жўмракда ижарадаги ҳаммага кўринадиган жойда жойлашган.

Лажванти ўз хонасини кўрсатади. Бу Шанкарникидан саккизта хона олдинда жойлашганди. Мен бир ҳафтадан

кейин оладиган хона Шанкарникидан тўртта хона кейинги эди.

Лажванти саройга қайтишидан олдин ундан тезгина сўрадим:

– Кечирасиз, Шанкар ким? Мен уни Тож Маҳал олдида учратдим.

У хўрсинади.

– У шу ерда яшайдиган етим бола. Биз ҳаммамиз уни жуда яхши кўрамыз. Бечоранинг миясида муаммо бор ва яхши гапира олмайди, одамлар тушунмайдиган бир нималарни ғудурлаб юради, кун бўйи шаҳар бўйлаб мақсадсиз кезади. Хоним унга раҳми келиб, текин хона ажратган ва овқат сотиб олиш учун пул ҳам беради. Бўл-маса, рухий касалхонага уни анча олдин олиб кетишган бўларди.

Мен хайрон қоламан. Нутқида нуксони бўлса ҳам, Шанкар менга ақлли бола бўлиб кўринади. Балки хонимдан олган биринчи таассуротим ҳам нотўғридир, Шанкарга қилган хайрихоҳлигини ҳисобга олсак, у кўринганидек қаттиққўл эмас. Лажвантидан хоним ҳақида кўпроқ гапириб беришини сўрайман.

Сарой тарихчиси императорнинг насл-насабини сўзлаб бергани каби Лажванти ҳам ўз иш берувчисининг насл-насабини таъсирланиб, тушунтира кетади.

– Унинг ҳақиқий исми киролича Свапна Деви. Лекин ҳаммамиз уни Мадам ёки Рани соҳиба деб атаймиз. Унинг отаси Жамгарх князлик штатининг қироли, Ратор сулоласидан Рожа Шивнат Сингх эди. Она томондан бобоси Агра яқинидаги Дҳарела қироли Рожа Рави Пра-тап Сингх бўлиб, бу ҳовлининг асл эгасидир. У эндигина йигирма ёшга тўлганида Свапна Деви Гаутам сулоласига мансуб Бҳадохи қироли Кунвар Пратап Сингхнинг ўғлига турмушга чиқади ва Банорасга кўчиб ўтади, у ерда бу оиланинг саройи бор эди. Афсуски, унинг турмуш ўртоғи – ёш шахзода турмуш курганидан кейин икки йил ўтиб

## *Харобадан чиққан миллионер*

вафот этади. Шундан кейин Мадам бошка турмушга чиқмади. У яна ўн икки йил Банорасда яшади. Бу орада бобоси Рожа Рави Пратап Сингх вафот этди ва унга бу ховлини васият қилиб қолдирди. Шундай қилиб, у Аграга кўчиб ўтди ва сўнгги ўн йилдан бери шу ерда яшайди.

– Болаларичи? – деб сўрайман мен.

Лажванти бош чайқайди.

– Йўк. Унинг болалари йўк, шунинг учун ўзини хайрия ишлари ва ижтимоий тадбирлар билан овутиб юради. У Аградаги энг бой аёл ва ҳамма билан жуда яхши алоқада. Полиция комиссари ва туман ҳокими ҳар ҳафта унинг уйига кечки овқатга ташриф буюради, шунинг учун сиз ижара ҳақини тўламасликни хаёлингизга келтира кўрманг. Агар биринчи куниёк ижара ҳақини тўламасангиз, иккинчи кун ҳайдаласиз.

Ўша куни кечқурун Шанкар менга овқат пишириб, унинг тўшагида ётишимни сўрайди. Ўзи эса қаттиқ тош полда ухлайди. Бу меҳрибончиликдан кўзимга ёш келади. Унинг ҳам мендек етим бўлгани орамизда чуқур ришталар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Дўстликдан ортиқроқ, сўз билан ифодалаб бўлмас қандайдир ришта бизни боғлаб турарди.

Ўша тун Аграда ёмғир ёғади.

Мен етти кун ичида турар жой учун тўрт юз рупий тўлашим керак эди, шунинг учун вақтимни танлаган касбим бўйича билимларни ўзлаштиришга сарфладим. Ёнимдаги эллик рупий билан Тож Маҳалга икки кун кирдим. Учинчи кунга Шанкар ўн рупий қарз бериб турди. Мен ғарблик сайёҳлар гуруҳини айлантириб юрган инглиззабон гидларни тинглаб, имкон қадар кўпроқ факт ва рақамларни эслаб қолишга ҳаракат қилардим. Бу унчалик қийин эмас эди, қисман менинг бу ҳаракатим автобусдаги кондукторга ўхшарди. Эҳтимол, бу менинг қонимда бордир. Мумтоз Маҳал онамнинг аждодларидан биридир ёки отам мўғуллардан бўлгандир, деб ўйлардим.

Нима бўлганда ҳам, тўртинчи кунга келиб мен Аградаги лицензиясиз юзлаб гидлар қаторига қўшилишга интилиш учун Тож Маҳал ҳақида етарлича билимга эга бўлдим. Қизил кумтошли кираверишда кутиб турардим ва ҳатто июннинг қоқ жазирамасида ҳам Тож Маҳални кўргани келган хорижлик сайёҳларга ўз хизматимни таклиф қилардим. Менинг биринчи “мижозларим” англиялик сепкилли, куёшда тобланган, саёҳатчи виза билан келган, калта-култа кийинган бир гуруҳ ёш коллеж кизлари бўлди. Улар мени диққат билан тинглашди, ҳеч қандай қийин савол беришмади, кўп суратга олишди ва менга иш ҳақиға ўн фунтлик банкнот беришди. Форекс бюросида банкнотни конвертация қилиб, бюро мендан олган уч фоизлик комиссияни чегириб ташлаганимдан кейин етти юз эллик рупий олганимни билдим. Кейинги икки ой учун ижара ҳақини тўлаш учун деярли етарли пул!

Бир ҳафтадан сўнг ўз хонамга ўтдим, лекин Шанкарнинг хонасида ўтказган етти кун давомида у ҳақда кўп нарсаларни билиб олдим. Мен унинг гаплари шунчаки маъносиз гаплар эмаслигини англадим. Гарчи бу сўзлар бизга бемаъни туюлса-да, Шанкар учун улар ўзига хос ички уйғунликка эга эди. Шанкарнинг севимли таоми чапати ва ясмиқ эканини ҳам билиб олдим. У бақлажон ва карамни ёмон кўрар эди. Ўйинчоқларга қизиқмас экан. Шанкар одамларнинг кўринишини майда деталларигача эслаб қолиб, хотираси ёрдамида уларнинг суратини чиза оларди. У ҳам мен каби кечалари онасини тушида кўриб чиқар экан. Икки марта тунда мен унинг уйқусида “Ойижон, ойи” деб қичкирганини эшитдим. Билдимки, у гапириб юрадиган маъносиз бўғинлар аслида катта аҳамият касб этади.

У билан яшаш менга руҳий таъсир кўрсатган бўлса керак, чунки оқ сари кийган, қўлида гўдак ушлаган баланд бўйли ёш аёлни тушимда кўрганимни эслайман.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Унинг орқасидан шамол эсиб, қора сочларини юзига учириб, уни яширади. Чақалоқ унинг кўзларига қарайди ва ширин оҳангда: “Ойижон... ойи”, дейди. Она чақалоққа жавоб бериш учун оғзини очади, лекин унинг лабларидан фақат “Нбйд ъсуд ёмқзкй, ўжқз” деган товуш чиқади. Чақалоқ қичқиради ва унинг тиззасидан йиқилиб тушади. Мен уйғониб кетаман ва тилим бор-йўқлигини текшириб кўраман.

Кейинги бир йил давомида Аграда мен Тож Маҳал ҳақида жуда кўп маълумотларга эга бўлдим. Мумтоз Маҳалнинг ҳаёти ҳақида батафсил маълумотни билиб олдим, масалан, унинг вафот этар чоғи дунёга келтирган ўн тўртинчи фарзандининг исми Гавҳар экан. Тож Маҳал курилишининг батафсил ҳисобларини ёд олдим, масалан, давлат хазинаси 1631 йилда олти миллион рупийга баҳоланган 466,55 килограмм соф олтинни етказиб берган ва курилишнинг умумий қиймати 41 миллион 848 минг 826 рупийга етган. Тож Маҳални ким қургани ҳақидаги баҳсларни ва италиялик заргар Геронимо Веронеонинг сохта даъвосини кўриб чиқдим. Иккинчи Тож Маҳал ҳақидаги афсонани, ерости хоналари сири ва учинчи қабрнинг борлиги ҳақидаги фаразларни билиб олдим. Тож Маҳал деворидаги гул нақшларида қўлланилган пиетра дура санъати ва форсча Чор Боғ услубидаги боғлар ҳақида ўргандим. Инглиз тилида равон сўзлаша олганим шу заҳотиёқ қўл келди. Чет эллик сайёҳлар менга оқиб кела бошлади ва тез орада гид Ражу номи шаҳарда машхур бўлдим. Лекин бу менинг Тож Маҳалда обрўга эришганимни англамайди, чунки менда маълумот бор эдию, билим йўқ эди. Гид Ражу сўзларининг маъноси тушунмасдан гапирадиган тўтиқушдан фарқ қилмас эди.

Вақт ўтиши билан мен япониялик сайёҳларга “Кочичива”, русларга “Дасведаня”, испанларга “Мучас грасиас” ва америкалик қизил танлиларга “Ҳавди” дейишни ўргандим. Лекин, афсуски, меннинг ҳеч қачон

австралиялик мижозим бўлмади, унинг елкасига уриб, “Қалайсан, оғайни, мен сенга мақбара ҳақидаги энг зўр маълумотларни бераман”, дейишни хоҳлардим.

Йўлбошловчиликдан яхшигина пул топа бошладим. Тўғри, кўп эмас, лекин ижара ҳақини тўлаш, “McDonald’s” ёки “Pizza Hut”да вақти-вақти билан овқатланиш ва шундан орттириб, қора кун учун жамғариб кўйишга етарли эди. Мен жуда кўп бахтсизликларни бошдан кечирдим ва ҳар куни қизил чироқ ёниб турган “Жип” мени номаълум кимсани ёки Шантарамни ёки ҳатто Нилима Кумарини ўлдирганликда айблаб, ҳибсга олиши мумкин, деган кўрқув туфайли келажак учун узоқ муддатли режалар тузиш маъносиздек туюларди. Мен ўз ҳаётимга қандай муносабатда бўлсам, пулга ҳам шундай муносабатда эдим, яъни хоҳлаганимча сарфлардим. Осон келган нарса осон кетади. Ҳайрон қоладиган жойи йўқ, тез орада мен кўли очик одам сифатида машҳур бўлдим.

Уйнинг аҳолиси турли хил одамлардан иборат эди: узоқ қишлоқлардан келган камбағал коллеж ўқувчилари, ўзларининг турар жойларини ўта қиммат нархларда ноқонуний равишда ижарага берган давлат хизматчилари, поезд ҳайдовчилари, кир ювувчилар, боғбонлар, ошпазлар, фаррошлар, чилангарлар, дурадгорлар ва бошқалар. Ҳатто соқолли шоир ҳам бор эди. Уларнинг кўпчилиги дўстларимга айланди. Улар орасида яшаб, мен император Шоҳжаҳон ва Мумтоз Маҳалнинг ҳикояси бу мудроқ шаҳарчадаги ягона кизиқарли воқеа эмаслигини англадим.

Лажванти уйдаги расмий “янгиликлар етказиб берувчи” эди. Унинг қулоғи ҳар бир гапга шай, маҳаллада нималар бўлаётганини аниқ билар эди. У ким хотинини уради, ким хотинига хиёнат қилади, ким ичкиликка берилган, ким порахўр – ҳаммасидан хабардор бўларди. Иш берувчига содиқлигига қарамай, у сарой ҳақида баъзи гапларни баҳам кўришдан ўзини тиёлмасди. Мен Свапна Девининг ранг-баранг ўтмиши ҳақидаги барча

## *Харобадан чиққан миллионер*

гапларни ундан эшитганман. Миш-мишларга кўра, у мархум эрининг акаси Кунвар Маҳендра Сингх билан ишқий муносабатда бўлган, аммо охир-окибат у билан жанжаллашиб қолиб, заҳарлаб ўлдирган. Шунингдек, уларнинг ишқий муносабати Банорасда беникоҳ қиз туғилишига олиб келган. Қизига нима бўлганини ҳеч ким билмасди ва ҳеч кимга бу қизик ҳам эмасди.

Уйда яшовчи камбағал талабалардан бири Шакил бир куни кечкурун олдимга келади:

– Ражубҳаи, агар қарши бўлмасангиз, мен сиздан бир нарса сўрасам бўладими? – дейди у хижолатли оҳангда.

– Ҳа, Шакил, нима экан? – дейман унинг ташрифидан мақсадни сезиб.

– Отам қишлоқда қурғоқчилик бўлгани учун бу ой менга пул жўната олмади ва душанбагача университет тўловларини тўламасам, мени курсдан қолдиришади. Илтимос, менга бир юз эллик рупий қарз бера оласизми? Келгуси ой уйдан пул олишим билан қайтаришга ваъда бераман.

– Албатта, Шакил. Улуғ шоиримиз Нажмийга эллик, Гопалга юз қарз берганман, янги кўйлак олиш учун ўзимга юз рупий сақлаб қўйгандим. Лекин сенинг ишинг меникидан муҳимроқ, шунинг учун ҳаммасини ол.

Шанкар ва мени Лажванти хонасига кечки овқатга таклиф қилади. У турмушга чиқмаган ва уйда ёлғиз яшайди, лекин Аградан ўттиз километр узоқликда жойлашган қишлоқда яшовчи синглиси бор. Лажвантининг хонасида мен эътибор берган биринчи нарса унинг озодалиги бўлди. Бу мен кўрган энг тоза хона. Тош пол артилган, заррача чанг йўқ. Чойшаб жуда чиройли қилиб тахланган, пахта кўрпатўшақда ҳатто бурма ҳам йўқ. Токчада геометрик аниқлик билан териб қўйилган пардоз буюмлари. Ҳаммаси жудаям тоза ва тартибли. Ҳатто ошхона шу қадар тозаланган кўринадики, унинг қозонини кўрмаган бўлсам ҳам қай даражада тозалигини тасаввур қилдим. Шанкар ва мен

студда ўтирамиз, Лажванти каравотда ўтиради. У бугун пушти сари кийган. У жуда ҳаяжонланаётганга ўхшайди ва ҳозир ўн тўққиз ёшда бўлган синглиси Лакшми учун муносиб куёв излай бошлаганини айтади.

– Лекин сиз-чи? – деб сўрайман мен ундан. – Биринчи опа турмушга чиқиши керак эмасми?

– Ҳа, шундай бўлиши керак, – деб жавоб беради у. – Аммо мен Лакшми учун шунчаки опа эмасман, беш йил олдин ота-онамиз вафот этганидан бери мен унинг ҳам отаси, ҳам онасиман. Шунинг учун худбинлик қилиб, фақат ўзимни ўйлашим нотўғри. Синглимни турмушга берганимдан сўнг масъулиятим камаяди ва мен шахзодамни қидирсам бўлади.

– Хўш, муносиб куёвларни қандай излаяпсиз?

– Икки ой олдин “Dainik Ujala” газетасига эълон бергандим, маъбуда Дурганинг марҳамати туфайли натижа яхши бўлиб, муносиб жавоблар олдим. Қаранг, қанча хат келди.

У бир даста хат ва конвертни узатади. Улардан олтита суратни олиб, бизга кўрсатади.

– Айтинг-чи, бу йигитлардан қайси бири Лакшмига мос?

Шанкар билан мен бўлажак куёвларни кўздан кечирамиз. Биз уларнинг деярли барчасидан камчилик топамиз. Биттаси жуда қари, биттасининг тиржайиши маъқул келмайди, биттаси жуда хунук, яна бошқасининг чандиғи бор, яна биттаси қамалиб чиққанга ўхшайди. Фақат битта сурат бизга маъқул келади. Унда сочини замонавий турмаклаган, қалин мўйловли, келишган йигитнинг юзи акс этган.

– Ҳа, бу бола энг яхшиси кўринади, – дейман Лажвантига.

Шанкар ҳам маъқуллаб бош чайқайди.

– Збйак ўжжқ вэхд.

Лажванти бизнинг танловимиздан мамнун бўлади.



## *Харобадан чиққан миллионер*

– Мен ҳам шунисини танлаган эдим. У яхши кўринишдан ташқари, малакали ва жуда ҳурматли оиладан экан. Яна у жуда юқори мартабали давлат амалдори.

– Ростданми? Нима иш қилади?

– У тумандаги шакарқамиш бўйича ҳоким ёрдамчиси. Лакшми у билан қироличалардек яшайди. Хўш, маъбуда Дурганинг дуосини олиб, йигитнинг оиласи билан музокараларни бошлайверайми?

– Албатта. Кечиктирмасдан бошланг.

Лажванти ўша оқшом бизга пўлат патнисда пури, қачори, картошка, ясмиқ ва муттар паниридан иборат ажойиб таом тортади. Унинг чиннидек тоза идишларида таом икки баравар кўп кўринади. Идишларнинг тирналиб кетишидан хавотирланиб, эхтиёткорлик билан овқатланаман.

– Лажванти, қандай қилиб уйингиз бунчалик озода ва тартибли? Хизматкорингиз борми?

Буни пайқаганим уни хурсанд қилади.

– Ҳазиллашяпсизми? Қандай қилиб ўзи хизматкор бўлган одам хизматкор олиши мумкин? Уйни ўзим тозалайман. Бу менинг болалигимдан одат бўлиб қолган, тартибсиз жойда яшай олмайман. Полда заррача чанг, столда овқат қолдиғи ёки чойшабларнинг бурмаланиб ётганини кўрсам, чидаб туролмайман. Онам “Лажванти дарахтда нотўғри ўсган шохга ҳам тоқат қилолмайди”, дер эди. Шунинг учун Рани соҳиба мендан жуда хурсанд. Бир куни у комиссар соҳибнинг хотинига менинг энг яхши хизматкор эканимни ва у мени ҳеч қачон қўйиб юбормаслигини айтганини эшитдим.

– Ҳа, тўғри, сиз дунёдаги энг яхши хизматкор бўлсангиз керак. Лекин менинг хонамга бормаганингиз маъкул, акс ҳолда, касал бўлиб қоласиз.

Шанкар ҳам Лажванти энг зўр эканини маъқуллайди.

– Збй Жқгғқйодйд ъсуд ёьмкзқй, – дейди у қувнок табассум билан.

\* \* \*

Менинг сўнгги мижозларим Дехлидаги тўртта бой талаба бўлди. Замоनावий шим кийган, кўзойнаклари чет элники, қий-чув қилиб, Тож Маҳални масхаралаб, бир-бирини туртиб, шовқин солиб юради. Экскурсия охирида улар менга нафақат иш ҳақимни, балки қўшимча чой чақа ҳам беради. Кейин улар мени ўзларининг ҳайдовчиси бошқарадиган микроавтобусда айланишга таклиф қилади.

– Ражу гид, биз билан юринг, биз билан тунаб қоласиз.

Аввалига рад этаман, лекин улар қатъий туриб олади. Ўта сахийлик билан тўлов қилганлари учун таклифларини рад қилолмайман ва машинага чиқаман.

Аввал биз “Palace” меҳмонхонасига борамиз. Бу менинг беш юлдузли меҳмонхонага биринчи ташрифим эди. Меҳмонхонанинг кондиционерли ресторанида ўтириб, ҳамма нарсани кўздан кечираман. Нафис ва ёрқин қандиллар, чакқон официантлар, енгил мусиқа, у ёқдан бу ёққа ўтиб турган башанг кийинган бой одамлар. Бу ерда эркаклар ҳам мулойим оҳангда гапиради, аёллар эса нозик қўғирчоқларга ўхшайди. Ҳатто овқат еяётганлари ҳам сезилмайди. Йигитлардан бири менга менюни узатади.

– Мана, Ражу. Хоҳлаган нарсангизга буюртма беринг.

Мен менюга қарайман ва нархларни кўриб, нафасим ичимга тушиб кетади. Бир товоқ сариёғда қовурилган товуқ олти юз рупий экан! Йўл четидаги дўконда мен худди шу нарсани атиги эллик беш рупийга сотиб оламан. Лекин тушунишимча, бу ерда сиз шунчаки овқат учун эмас, балки мухит учун ҳам пул тўлайсиз. Йигитлар менюдаги деярли ҳамма нарсага ва икки шиша шотланд вискисига буюртма беради.

Бу тўкинлик мени довдиратиб қўяди. Мумбайда Салим билан мен бойларнинг тўйларида текин егулик учун бориб юрган пайтларимизда уларнинг бойлигидан ҳеч қачон ҳайратланмаганмиз. Аммо коллежда таҳсил олаётган бу

## *Харобадан чиққан миллионер*

бой йигитчалар пулни коғоздек сарфлаётганини кўриб, менда мутлақо янги номутаносиблик ҳисси пайдо бўлади. Ўзимнинг номукамал ҳаётим билан қарама-қаршилиқ юрагимда оғриқ пайдо қилади. Табiiийки, дастурхондаги турли иштаҳоочар ноз-неъматларга қарамай, очлик бир пайдо бўладию, дарҳол йўқолади. Чунки ошқозоним очлик ҳисси ўз-ўзидан ўлишига одатланиб қолган. Мен шу лаҳзада ўзгарганимни сезаман. Қизик, ҳеч қандай истаклар қолмаса, одам ўзини қандай ҳис қиларкан? Ахир сиз уларнинг ҳаммасини қондириб, ҳатто туғилмасиданоқ пул билан бўғиб кўясиз. Истаксиз мавжудликни орзу қилганмисиз? Нафснинг камбағаллиги фақирликнинг ўзидан афзалми? Мен шу саволлар ҳақида ўйлайман, лекин ҳеч қандай қоникарли жавоб ҳаёлимга келмайди.

Йигитлар овқатланиб, етарлича виски ичганларидан сўнг мендан яна микроавтобусга ўтиришимни сўрашади.

– Энди қаёққа борамиз? – деб сўрайман.

– Борганда кўрасиз, – дейишади ва кулишади.

Ҳайдовчи бизни тор кўчалар ва гавжум бозорлар орқали Агра чеккасига олиб боради. У ниҳоят миллий автомагистраль яқинидаги Басай Маҳалла номли ғалати кўринишдаги аҳоли пунктига киради. Унинг кириш қисмида билборд бор, унда шундай дейилган: “Қизил чироқ ҳудудида ҳаётингиз ўзингизни қўлингизда. Ҳимоя воситасидан фойдаланишни унутманг. ОИТСнинг олдини олинг, ўзингизнинг ва бошқаларнинг ҳаётини асранг”. Мен билборддаги қизил чироққа ишорани тушунмадим. Кўриб турганимдек, ҳеч бир уйда қизил чироқ йўқ. Йўл бўйида камида ўнлаб юк машиналари тўхтаб турибди. Баъзи ялангоёқ болалар кўчада сарсон-саргардон – уларнинг оналаридан дарак йўқ. Мусиқа ва раққосаларнинг тўпик кўнғироқларининг заиф овози тунги ҳавода сузиб юрибди. Олисда Тож Маҳал гумбази ва миноралари ой нури остида ялтираб турганини кўраман. Нур ва мармар ёдгорликнинг

товланиши хатто бир-икки қаватли кулбалардан иборат чанг ва ифлос анклавни ҳам олтин чангга буркайди.

Коллеж талабалари машинадан тушиб, кичик бинолар кластери томон юради. Мен иккиланиб тураман, лекин улар мени ҳам тортиб кетади. Энди кўрдимки, атроф одамлар билан гавжум, уйлар олдида курта пижама кийган, жирканч кўринишли эркаклар бетель баргини чайнамоқда. Кейин турли ёшдаги қизларнинг зинапояда ўтирганига кўзим тушади. Улар юбка ва блузка кийиб олган, тақинчоқлар ва пардоз-андозга бурканган. Улардан баъзилари бизни олдига чақиради ва бармоқлари билан одобсиз имо-ишоралар қилади. Энди мен қизил чирок нима эканини тушундим. Бу фоҳишалар ишлайдиган жой экан. Мен Мумбайда Фолклэнд кўчаси ва Дехлида ГБ кўчаси борлиги ҳақида эшитган эдим, лекин ҳеч қачон қизил чироқ ёқилган ҳудудга ташриф буюрмагандим. Бунақа жойлар Аграда ҳам борлигини билмасдим. Бу ҳақиқатан ҳам мен учун янги саргузаштлар кечаси бўлди.

Талабалар мен улар билан бирга эканимга ишонч ҳосил қилиб, бошқаларга қараганда камроқ гавжум бўлган катта, икки қаватли уйга киради. Биз фойедан коридорга ўтиб, ундан тор йўлак орқали кичик хоналар жойлашган залга кирдик.

Бизни бир эркак кутиб олади. У ёш, юзи чандиқли, кўзлари бежо эди.

— Хуш келибсиз, жаноблар, сиз тўғри жойни топиб келдингиз. Агранинг энг ёш ва энг зўр қизлари шу ерда, — дейди у.

Йигитлар у билан овора бўлиб, нархни келиша бошлайди. Бир даста қоғоз пулларни унинг кўлига тутқазади.

— Сизга ҳам тўлаб юбордик, Ражу. Боринг, бизнинг ҳисобимиздан маза қилиб қолинг, — дейди ва ҳар бири алоҳида хонага кириб ғойиб бўлади.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Фойеда ёлғиз қоламан. Шу пайт пан чайнаб турган кампир келиб, мени ўзи билан етаклаб кетади. Мен унинг ортидан зинага чиқаман. У яшил ёғоч эшик олдида тўхтади ва менга киришимни айтади. Кейин оғир қадамлар билан у зинадан пастга тушиб кетади.

Хона олдида туриб, ичкарига киришни ҳам, микроавтобусга қайтишни ҳам билмай қоламан. Миямнинг бир қисми дарҳол бу ердан кетишимни айтади, бошқаси қолишга ундайди. Алал-окибат менда қолишга қизиқиш уйғонади. Мен кўрган ҳинд фильмларида фоҳиша қаҳрамони муқаррар равишда ўз иродасига қарши бу касбга мажбурланган, пок қалбли қиз тимсолида кўринарди. Фильм охирида захар ичиб, ўз жонига қасд қиларди. Қизиқ, мени бу иславатхонага атайлаб олиб келишдими? Эшик ортида мени кутиб турган қаҳрамон борми? Мен унинг қаҳрамониманми, ким уни қутқариши керак? Мен фильмнинг охирини ўзгартира оламанми, уни ўлимдан сақлаб қола оламанми?

Мен эшикни очиб, хонага кираман. Хона кичкина, ўртада каравот турибди. Атроф негадир мен тасаввур қилгандек бўлиб чиқмайди. Кўзларим фақат каравотда ҳайратланарли пушти сари кийган қизга қадалади. У қорамағиз ва гўзал экан. Кўзларига суртма тортилган, лаблари ялтироқ қилиб бўялган, узун қора сочларига хушбўй оқ гуллар тақилган. Аммо ҳаддан ташқари упа элик қилган, қўллари ва бўйни заргарлик буюмлари билан тўлиб тошган.

– Салом, – дейди у. – Келинг, ёнимга ўтиринг. – Бу сўзлар унинг оғзидан пианинодан чиққан ноталар сингари чиқади. Мен истамай унга яқинлашаман. У иккиланаётганимни сезади ва жилмайиб қўяди. – Хавотир олманг. Мен сизни тишламайман.

Мен унинг ёнига, каравотга ўтираман. Чойшаб жуда ифлос, унинг устида ғалати доғлар бор эди.

– Биринчи марта келишингиз, шекилли, – дейди у. – Исмингиз нима?

– Рам Муҳаммад Том... йўқ, йўқ, Ражу Шарма, – деб жавоб бераман ва ўзимни ўз вақтида қўлга оламан.

– Исмингизни бир лаҳзага унутганга ўхшайсиз.

– Йўқ, ундай эмас. Сизнинг исмингиз нима?

– Нита.

– Нитанинг маъноси нима? Тўлиқ исмингиз нима демокчи эдим? Фамилиянгиз йўқми?

– Сиз фоҳишахонага келгансиз, соҳиб, никоҳ идорасига эмас. Фоҳишаларнинг фамилияси бўлмайди. Уй ҳайвонлари, мушуклар ва итлар сингари бизни фақат исмларимиз билан чақиришади. Нита, Рита, Аша, Чампа, Мина, Лина – ўзлари хоҳлагандек.

У буни ҳеч қандай хафагарчиликсиз ва афсусланмасдан, ўзига хос оҳангда айтади.

– Ҳа, демак, сиз фоҳишамисиз?

У яна кулади.

– Сиз ғалати одам экансиз. Аррей, баба, Басай маҳаллага келганингизда фақат фоҳишаларни учратасиз. Агранинг бу қисмида онангиз ва опа-сингилларингизни учратмайсиз!

– Неча ёшдасиз?

– Мана буниси тузукроқ савол. Мен ўн етти ёшдаман. Фақат ёшроғини хоҳляпман деманг. Ўзингиз ҳам ўн олти ёшдан катта кўринмайсиз.

– Мен ҳам ўн етти ёшдаман. Айтингчи, бу иш билан қанчадан бери шуғулланасиз?

– Бунинг нима фарқи бор? Сиз билишингиз керак бўлган нарса — мен бокираманми ёки йўқ. Мен бокира эмасман. Агар сиз бокира қиз билан бўлишни хоҳласангиз, мен учун тўлаган пулингизнинг тўрт бараварини тўлашингиз керак бўлади. Лекин мени ҳали синаб кўрмадингиз, мен бокира қизлардан ҳам яхшироқман. Норози бўлмайсиз деган умиддаман.

## Харобадан чиққан миллионер

– Касал юктириб олишдан кўркмайсизми? Кириш жойида ОИТСдан огоҳлантирувчи реклама тахтаси ҳам бор.

У яна кулади.

– Бу иш мен учун ҳобби эмас, касб. Шунинг ортидан мен бутун оиламни боқаман. Агар мен бу ишни қилмаганимда, оилам очликдан аллақачон ўлиб кетган бўлар эди. Биз фоҳишалар ОИТС ҳақида биламиз. Аммо бутун очликдан кўра эртага касалликдан ўлган афзал, шундай эмасми? Шунчаки савол бериб ўтирмақчимисиз ёки ишни бошлаймизми? Вақтингиз тугаб, Шям кейинги миждозни юборса, мени айблаб юрманг. Менга талаб катта.

– Шям ким?

– У менинг кўшмачим. Сиз унга пул тўладингиз. Энди келинг, мен саримни ечяпман.

– Йўқ, шошманг. Мен сизга яна бир қанча саволлар бермоқчиман.

– Ие, сиз бу ерга маишат учун келганмисиз ёки гаплашиш учун? Сиз бу ерга магнитофон ва камера билан келган ўша чет эллик мухбирга ўхшайсиз. У менга қизиқмаслигини ва фақат тадқиқот олиб бораётганини айтганди. Лекин мен саримни ечганимда у ўзининг барча тадқиқотларини унутди. Магнитофонига ўзининг ноласи ёзилди, холос. Келинг, сизни ҳам синаб кўрамиз.

Ҳамма эркаклар бир хилсизлар. Аёлнинг кийимсиз танасига бир нигоҳ ташласангиз бас, барча одоб-ахлоқ қоидалари унутилади.

У мени ўзига тортади ва бир лаҳзада соф, беғубор қувонч ҳисси камраб олади. Вужудимдан оғрик берадиган зарба эмас, балки ҳаяжонга соладиган электр токи ўтади. Мен завқдан титрайман.

– Энди кетинг, вақтингиз тугади.

У тўсатдан тўшақдан туриб, кийимларини йиға бошлайди.

Унинг фавқулудда кўполлиги мени хафа қилади. Беш

дақиқа олдин мен унинг севгилиси эдим, лекин ҳозир эса шунчаки вақти тугаган миждозман. Мен ўшанда ҳақиқатан ҳам вақт ўтганини англадим. Мўъжиза ниҳоясига етди, энди мен ҳирсларим таъсирида кўр бўлмайман, хонани ҳақиқий ранглирида кўраман. Мен ён столда хунук қора шнур орқали электр тармоғига уланган эскирган кассетани кўряпман. Мен бўёғи кўчган, моғорланган деворларни кўряпман. Мен деразада йиртилган ва ранги ўчган кизил пардани кўряпман. Мен чойшабдаги доғларни ва матрасдаги кўз ёшларни кўряпман. Хонанинг чириётган, димикқан ҳидини ичимга тортаман. Ҳозир ҳамма нарса жирканч ва абгор ҳолатда кўриняпти.

– Яна келасизми? – деб сўрайди у.

Мен жавоб бермайман ва шошиб чиқиб кетаман.

Кейинроқ, шаҳарга қайтаётган микроавтобусда ўтириб, унинг саволлари ҳақида ўйладим. Мен яна қайтиб бораманми? Ҳа. Юрагимни ғалати янги туйғу қамраб олиб, бошимни айлантиради. Бу севгимми? Жавобини билмайман, лекин шуни биламанки, мен ўзимни хавф остига қўйиб кизил чироқ ёнаётган худудга қадам босдим. Ва энди мен қармоққа илиндим.

\* \* \*

Шаҳарда қутуриш касаллиги кўпайган. Кўплаб болалар касалланган итлар тишлаши туфайли вафот этишди. Соғлиқни сақлаш бошқармаси фукароларга ўта хушёр бўлишни ва профилактика чораларини кўришни тавсия қилмоқда. Мен Шанкарни огоҳлантираман:

– Кўчага чиқаётганда эҳтиёт бўл. Ҳеч қандай итга яқинлашма. Тушундингми?

Шанкар бошини қимирлатди.

\* \* \*

Бугун навбат пойабзалчи Бихарига. У шу пайтгача мендан ҳеч қандай пул сўрамаган ягона одам.



## Харобадан чиққан миллионер

– Ражу, болам, Нанҳей қаттик касал ва доктор Аггарвалнинг хусусий клиникасига ётқизилган. Шифокор зудлик билан дори-дармонларни сотиб олишим кераклигини айтди, бу жуда кўп пул талаб қилади. Ҳозиргача майда-чуйдалар билан ҳисоблаганда тўрт юз йиғишга улгурдим. Менга қарз бера оласанми? Сендан ўтиниб сўрайман.

Мен ҳеч қачон қайтариб ола олмаслигимни билиб туриб, Бихарига икки юз рупий бераман. Лекин унинг барибир барча дори-дармонларни сотиб олишга қурби етмайди. Икки кун ўтиб, олти ёшар Нанҳей клиникада оламдан ўтади.

Ўша куни кечкурун Бихари ўғлининг жасади ок қафанга ўралган ҳолда уйга қайтиб келади. У, шубҳасиз, маст ва қадамлари беқарор эди. Ўғлининг жасадини тош ётқизилган ҳовли ўртасига, марказий сув крани ёнига кўяди ва ҳаммани хоналарни тарк этишга чакиради. Кейин у номақбул таъналарга тўла монологни бошлайди. У ҳеч кимни, айти вақтда эса ҳаммани ҳақорат қилади. У ҳашаматли уйларда яшайдиган ва уларга хизмат қиладиган камбағалларга эътибор бермайдиган бойларни ҳақорат қилади. У ўз беморларининг бор пулини шилиб оладиган бадавлат шифокорларни ҳақорат қилади. У ваъдалари фақат қоғозда қолиб кетадиган ҳукуматни ҳақорат қилади. У барчамизни соқов томошабин эканимиз учун ҳақорат қилади. У болаларини туғилгани учун ҳақорат қилади. У ўзини ҳали ҳам тириклиги учун ҳақорат қилади. У Худони адолатсиз дунёни яратгани учун ҳақорат қилади. У дунёни, Тож Маҳални, император Шоҳжаҳонни ҳақорат қилади. Ҳатто бир пайтлар Нанҳейни ток урган уйда осилган электр лампочка ҳам, марказий сув крани ҳам унинг ғазабидан четда қолмайди.

– Сен чириган ахлат бўлаги, бизга сув керак бўлганда, икки томчи ҳам сув бермадинг, ўғлимни эса икки соат давомида ўйин-кулгига берилтириб, зотилжамга ча-

линтирдинг. Тез орада бу ердан кўпориб ташланасан, дўзахда занг босасан, – деб қарғайди ва жўмакни тепади.

Ярим соатлик тивимсиз кичқириқлар ва таҳқирлашлардан сўнг ерга йиқилиб, хўрсиниб йиғлай бошлайди. У ўлган ўғлини бағрига босиб, кўз ёшлари қуригунча, овози бўғилиб қолмагунча йиғлайди. Мен ўз хонамда каравотда ётиб, ҳаётнинг адолатсизликлари ҳақида ўйлайман. Кичкина Нанҳейнинг ҳовлида ўйнаб юрган суратлари ҳаёлимдан ўтади. Йиғлагим келади, лекин кўзимдан ёш чиқмайди. Мен жуда кўп ўлик таналарни кўрганман. Шундай қилиб, мен оқ чойшабни бошимга тортаман ва уйкуга кетаман. Ва ўзига хос жигаранг сояга эга Тож Маҳал ҳамда унинг икки нафис гумбазини тушимда кўраман.

\* \* \*

Мен Нитанинг ёнига бир ҳафтадан кейин яна бораман. Бу сафар мен тўловни унинг қўшмачиси Шямга тўлашим керак. Уч юз рупий.

– Сенга фоҳишалик ёқадими?

– Бунинг нимаси ёмон? Бу ҳам бошқа касблар каби касб.

– Лекин бу сенга ёқади-ку, тўғрими?

– Ҳа. Бу менга оиламни боқиш учун етарли пул топишга ёрдам беради. Мен ҳар жума куни театрга янги фильм томоша қилиш учун ҳам бораман. Қиз бола бундан ортиқ яна нимани хохлаши мумкин?

Мен унинг оху кўзларига қарайман ва ёлғон гапирётганини биламан. У роль ўйнаётган актриса. Лекин у худди Нилима Кумари каби мукофот юта олмайди.

Нита қанчалик сирли бўлиб кўринса, мен уни шунчалик билишга интиламан. У менда ҳеч қачон бошдан кечирмаган очлик туйғусини уйғотади. Мен унинг онгига киришни хоҳлайман. Шунини учун унинг олдида душанба кунлари Тож Маҳал ёпилганда ташриф буюришни

## Ҳаробадан чиққан миллионер

бошлайман. Тўрт ёки бешинчи ташрифдан сўнг мен унинг ҳимоясини бузишга эришаман.

У менга Мадхя-Прадеш штати Бҳинд туманидаги Бедиа қабиласидан эканини айтади. Унинг ота-онаси тирик, укаси ва турмушидан бахтли синглиси бор. У яшаётган жамиятда анъанага кўра, ҳар бир оиладан битта қиз Бедни деб аталадиган умумий фоҳиша сифатида хизмат қилади. Бу қиз оиласи учун пул топади, эркаклар эса ичиш ва карта ўйнаш билан вақт ўтказади.

– Шунинг учун ҳам қиз фарзанднинг дунёга келиши бизнинг жамиятда тушкунлик эмас, балки хурсандчилик учун имкониятдир. Ўғил бола эса маъсулиятдир. Қишлоғимдаги Бедниларни фоҳишахоналарда, юк машиналари бекатларида, меҳмонхоналарда ва йўл бўйидаги ресторанларда топиш мумкин, уларнинг ҳаммаси пул эвазига таналарини сотади.

– Лекин онанг нега сени танлади? У синглингни танлаши мумкин эди-ку.

Нита оҳиста кулади.

– Чунки менинг гўзаллигим бахтсизлик олиб келди. Икки қизининг қайси бири турмушга чиқиши, қайси бири фоҳиша бўлишини онам ҳал қилиш ҳукукига эга эди. У мени Бедни бўлиш учун танлади. Балки, синглимга ўхшаб оддий кўринишда бўлганимда, мени бу ерга юборишмаган бўлармиди. Мен мактабга борган, турмуш қурган ва фарзандли бўлган бўлардим. Ҳозир мен шу фоҳишахонадаман. Бу гўзаллик учун тўлашим керак бўлган товон. Шунинг учун мени гўзал дема.

– Қанча вақтдан бери бу иш билан шуғулланяпсан?

– Балоғатга етганимдан бери. Бурун ҳалқасини олиб ташлаш учун натҳни утҳерна маросими ва бошни ёпиш учун сар дақвана маросими тугагач, сен аёл бўлган деб ҳисобланасан. Шундай қилиб, ўн икки ёшимда менинг бокиралигим кимошди савдосида энг кўп талабгорга эга

бўлди ва мени шу фохишахонада сотувга қўйишди.

– Лекин, албатта, агар хоҳласанг, бу касбни ташлаб, турмуш қуришинг мумкин, шундай эмасми?

У қўлларини ёяди.

– Ким ҳам фохишага уйланарди? Биз танамиз заифлашгунча ёки касалликдан ўлгунимизча ишлашимиз керак.

– Бир кун келиб шаҳзодангни топасан, биламан, – дейман кўзларимда ёш билан.

Ўша куни у мендан ҳеч қандай чой-чақа олмайди.

Кейинчалик Нита билан бўлган суҳбатимни эсладим ва нега уни алдаганимга ҳайрон бўлдим. Мен унинг бошқа шаҳзода топишини умуман истамасдим. Ўзим ҳам сезмаган ҳолда уни севиб қолаётгандим.

Шу пайтгача менинг севги ҳақидаги тасаввурим бутунлай ҳинд фильмларида кўрганларимга асосланган эди: қаҳрамон йигит ва қаҳрамон қиз бир-бирининг кўзларига қарашади ва тадам, қандайдир ғалати ҳиссиёт уларнинг юракларини ҳаприктириб, вокал аккордларини титратиб юборади. Кейинрок эса улар Швейцария қишлоқлари ва Америка савдо марказларида қўшиқ куйлаб юрган бўлади. Мен ўша поезд купесида кўк шалвар камиздаги қизни учратганимда ўша кўр-кўрона муҳаббат чақнашини бошдан кечирдим, деб ўйлагандим. Аммо ҳақиқий севгини мен фақат ўша қишда Аграда учратдим. Ҳақиқий ҳаёт кинодаги ҳаётдан тубдан фарқ қилишини яна бир бор англадим. Севги бир зумда келмайди. У сизнинг ҳаётингизга яширинча кириб, кейин уни остин-устун қилиб юборади. У сизнинг уйғониш лаҳзаларингизга ранг беради ва орзуларингизни тўлдиради. Сиз ҳавода юра бошлайсиз ва ҳаётни янги ёрқин рангларда кўрасиз. Лекин у ширин азоб, тотли қийноқларни ҳам олиб келади. Менинг ҳаётим Нита билан қизғин учрашувлар ва улар орасида уни соғиниш билан ўтди.

## Харобадан чиққан миллионер

Унинг хаёллари тасодифий жойларда ва тасодифий дақиқаларда ташриф буюрарди. Мен унинг гўзал чеҳрасини ҳатто саксон ёшли ҳорғин саёҳатчига маъруза қилаётганда ҳам кўрардим ва у менинг маликам эканини юрагимнинг туб-тубидан сезардим. Ҳаётимнинг ёнаётган орзуси бир кун келиб унга уйланиш эди. Мени еб битираётган ҳаётимдаги ташвиш у рози бўлиш ёки бўлмаслиги эди.

Ҳовлига қизил фонари ёниб турган “Жип” кириб келди. Ундан инспектор ва икки нафар миршаб тушди. Юрагим сиқилипти. Қорнимнинг тубида совуқ кўркув тугунлари пайдо бўлди. Жиноятларим ниҳоят мени топди. Бу менинг ҳаётим намунасидир. Мен ўзимни қулай ҳис қила бошлаганимда тақдир оёғим остидан гиламни тортиб олади. Демак, чинакам муҳаббатни кашф этганимда, мени қамоқхонага олиб кетишади, у ерда император Шохжаҳон каби бир кишилик камерада ўтираман ва ўзимнинг Мумтоз Маҳалим — Нитани қўмсайман.

Инспектор эълон қилиш учун “Жип”дан мегафонни чиқарди. Мен ундан: “Рам Муҳаммад Томас, тахаллуси Ражу Шарма, қўлларни ҳавога кўтарган ҳолда ташқарига чиқинг”, деб айтишини кутаман. Аммо бунинг ўрнига у шундай деди: “Шу жойда яшовчиларнинг ҳаммаси ташқарига чиқсин. Агра банкида ўғрилиқ содир бўлди ва бизда ўғри шу ерда деб тахмин қилиш учун асос бор. Мен бинони тинтув қилишим керак”. Буни эшитганимда юрагимдан оғир юк кўтарилганини ҳис қилдим. Мен жуда хурсанд эдим, ташқарига чиқиб, инспекторни кучоклаб олмокчи ҳам бўлдим.

Миршаблар навбатма-навбат ҳар бир хонага кириб, синчиклаб қидирув ишларини олиб боришди. Улар менинг хонамга келиб, исм-шарифимни, ёшимни, касбимни, шу ҳудудда бирон-бир шубҳали шахсларни кўрган-кўрмаганимни сўрашди. Албатта, мен уларга рухсатномаси йўқ гид эканимни айтмадим. Мен уни-

верситет талабасиман ва бу ҳудудда янгиман дедим. Улар менинг каравотим остига қарашди, ошхонани кўздан кечиришди, қозон-товоқларни тараклатиб текширишди, матрасни бошдан-оёқ тинтув қилишди ва кейинги хонага ўтишди. Инспектор миршабларга қўшилди.

Улар энди Шанкарнинг хонасига киришди.

– Исминг нима? – деб сўради инспектор Шанкардан қўполлик билан.

– Збйдйа дндз Уқйёкм, – Шанкар бироз саросимага тушиб жавоб берди.

– Нима? Қайтар-чи?

– Уқйёкм.

– Лаънати ҳароми, сен мени масхара қиляпсанми? – деди инспектор жаҳл билан ва Шанкарни уриш учун дубинкасини кўтарди.

Мен тезда аралашдим.

– Инспектор соҳиб, Шанкарнинг рухий касаллиги бор. У гапира олмайди.

– Ундай бўлса, нега олдинроқ менга бу ҳақда айтмадинг?

У миршабларга мурожаат қилди:

– Кетдик, кейинги хонага ўтамиз. Биз ақлдан озган одамдан ҳеч нарса ола олмаймиз.

Улар кейинги уч соат давомида барча ўттиз хонани тинтув қилишди ва охир-оқибат ўзини Болливудда қўшиқ ёзувчи деб даъво қилган соқолли шоир Нажмийга тегишли хонадан яшириб қўйилган чет эл валютасидаги пуллар топилди. Ёш шоиримизнинг ярим иш кунда банк ўғрилиги билан шуғулланиши барчамизни ҳайратда қолдирди. Бу шунчаки ташқи кўриниш алдамчи бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Ҳарқалай, мен шикоят қила олмайман. Агар менинг турли воқеа-ҳодисаларга бой ўтмишим тўғрисида билиб олсалар, уй ташқарисидаги Валлаҳлар ҳам худди шундай ғазабланишади!

## *Харобадан чиққан миллионер*

Лажванти хонамга яқин атрофдаги Дурга ибодатхонасидан майдаланган янги ладдуларни олиб келди. У жуда ҳаяжонда эди.

– Ҳей, Лажванти, ширинликлар нима учун? Маошинг кўтарилдими? – деб сўрадим ундан.

– Бу менинг ҳаётимдаги энг бахтли кун. Маъбуда Дурганинг марҳамати ила шакарқамиш зобити ниҳоят Лакшми билан турмуш қуришга рози бўлди. Менинг синглим энди маликалар каби яшайди. Мен шу пайтгача бўлган ҳамма тўйларни ортда қолдирадиган тўйга тайёрланыпман.

– Сеп-чи? Куёвнинг оиласи бирор талаб қўйдими?

– Йўқ, умуман ундай эмас. Улар жуда инсофли оила. Нақд пул олишни хоҳлашмади. Фақат жуда кичик нарсаларни талаб қилишди.

– Масалан, нималарни?

– Масалан, “Бажаж” скутери, “Сумит” миксери, бешта Раймонд костюми ва тилла тақинчоқлар. Мен барибир буларнинг ҳаммасини Лакшмига бермоқчи эдим.

Менинг жаҳлим чиқди.

– Аммо Лажванти, бу сенга анчага тушади – камида юз минг рупий. Бунча пулни қаердан оласан?

– Мен Лакшмининг тўйи учун пул йиғаётган эдим. Деярли эллик минг рупий йиғдим. Соҳиба Ранидан яна эллик минг қарз олмоқчиман.

– У сенга шунча пул беришига ишончинг комилми?

– Албатта, мен у учратган энг яхши хизматкорман.

– Хўп, омад унда.

\* \* \*

Мен Нита билан учрашишда давом этардим, лекин фоҳишахона ичидаги муҳит мени бўғарди. Шунингдек, мен ўша ифлос Шям билан муомала қилишни ёмон кўрардим. Шундай қилиб, Нитанинг таклифига биноан биз ташқарида учрашишни бошладик. У ҳар жума куни ёлғиз

Ўзи фильм кўриш учун боради. Мен унга ҳамкор бўламан. У попкорнни яхши кўради. Катта пакет попкорн сотиб оламан ва биз қоронғи ва кир Акаш Талькиеснинг орқа қаторидан жой оламиз. Фильм охирида оилавий драма, комедия ёки триллердан қай бирини кўрганимни билмай, залдан қизариб чиқиб кетаман. Чунки менинг кўзларим фақат Нитага қараган бўлар ва бизнинг ҳикоямиз аста-секин, лекин, албатта, эпик романтикага айланади деб умид қилмоқда эдим.

\* \* \*

Шанкар йиғлаб хонамга кириб келади.

– Нима бўлди? – деб сўрайман мен.

У тиззасига ишора қилади. Тиззаси ёрилган эди.

Мен дарҳол хавотирлана бошлайман.

– Қандай қилиб жароҳатландинг, Шанкар? Йиқилиб тушдингми?

Шанкар бош чайқайди.

– Збйд ёпчпё одужқа кжхд, — деб ғулдурайди. Ҳеч бўлмаса бир марта маъноли гапира олса эди.

– Кечирасан, гапингга тушунмадим. Ташқарига чиқиб, қандай жароҳат олганингни кўрсата олмайсанми?

Шанкар мени ташқарига олиб чиқиб, тош ётқизилган ховлининг катта йўлга туташган жойини кўрсатади. Бурчакда кичкина панжара бўлиб, ундан болалар доимо сакраб тушиш учун фойдаланишарди.

– Қйқғд ёпчпёйд ёъмълнкйзд? Буқ збйд одужқхд, – дейди Шанкар ва тиззасини кўрсатади.

Мен унинг бармоғи йўналишини кузатаман ва тушунганимни билдириш учун бош ирғайман. Менимча, у панжарадан сакраб, тиззасини шилиб олган бўлса керак.

– Кел, Лажвантининг хонасида дори қутиси бор. Мен ярангни боғлаш учун нимадир олиб келаман.

Мен панжара остидаги тош ётқизилган йўлакда ўтқир оппоқ тишларидан сўлак оқаётган қора доғли кичкина кўча итини сезмайман.



## Харобадан чиққан миллионер

\* \* \*

Янги йил ўзи билан янги умидлар ва янги орзуларни олиб келди. Нита ва мен ўн саккиз ёшга тўлдик – никоҳ қуриш учун қонуний ёш. Мен биринчи марта келажак ҳақида ўйлай бошлайман ва менда келажак борлигига ишонаман. Нита ёнимда. Мен қўшниларга қарз беришни тўхтатаман. Ҳозир ҳар бир чақа керак.

Бугун жума, шунингдек, тўлин ой кечаси, жуда кам учрайдиган ҳодиса. Мен Нитани кинога бормасликка, аксинча, мен билан Тож Маҳалга боришга кўндираман. Кечкурун мрамор пойдеворга ўтириб, фавворалар оқими ва тўқ яшил сарвлар қатори ордидан ой кўринишини кутамиз. Ой паст-баланд иморатлар ва япроқлардан ҳалос бўлиш учун қурашаётганда, аввалига ўнг тарафдаги баланд дарахтлар орасидан қумушдай милтиллайди, кейин эса бирдан осмонга улуғвор кўтарилади. Тун пардаси четга сурилиб, Тож Маҳал бугун кўрки билан намён бўлади. Нита билан мен хайратда қоламиз. Тож Маҳал худди қумушранг кўланкаси Ямуна дарёсидан кўтарилган жаннатнинг кўринишига ўхшайди. Тўлин ой нурида Тож Маҳални кўриш шарафи учун ҳар бири эллик доллардан тўлаган хорижлик сайёҳлар тўдасига эътибор бермай, қарсақ чаламиз.

Мен Тож Маҳалга, кейин Нитага қарайман. Тож Маҳалнинг беғубор мукамаллиги унинг юзидаги бекнуқсон гўзаллик олдида ўз барқамоллигини йўқота бошлайди. Ўн саккиз йил давомида юрагимда тўпланиб келган муҳаббатим бетартиблик ва шошқалоқлик билан кўзларимдан ёш бўлиб чиқиб кетади. Мен тўғоннинг ёрилиши каби ҳиссий енгилликни ҳис қиламан ва император Шоҳжаҳон биринчи марта Мумтоз Маҳалга нисбатан нимани ҳис қилган бўлса, ўша туйғуни ҳис қилган бўлишим керак.

Бу мен бутун умрим давомида қутган ва унга яхши тайёргарлик кўрган лаҳзадир. Соқолли шоир Нажмий

қамокқа тушишдан олдин менга урдуча шеърлар китобини қолдирган ва мен бир неча ишқий мисраларни ёд олгандим. Нажмий илҳомланиб, Нитани мадҳ этиб, мен учун асл ғазал ҳам ёзиб берган эди. Шеър шундай эди:

*Умрим етим*

*Ҳаётга қайтаргувчи сенинг чиройинг.*

*Бўла олмасанг гар, умр йўлдошим*

*Ўламан, кўз ёшига тўлади қабрим.*

Машҳур киноларда тасвирланган севги хикояларидан кўплаб ўлмас диалогларни ҳам эслайман. Аммо Нита билан ойдин Тож Маҳал остида ўтириб, мен шеърият ва фильмлар оламини тарк этаман. Мен унинг кўзларига қарайман ва ундан оддийгина қилиб сўрайман:

– Мени севасанми?

Ва у фақат бир сўз билан жавоб беради:

– Ҳа.

Шу битта сўз мен учун шеърият ҳақидаги барча китоблар ва Агра ҳақидаги барча қўлланмалардан кўра кўпроқ маънога эга. Шу биргина сўзни эшитганимда юрагим қувончга тўлиб кетади. Менинг қудратли севгим ердан узилиб, қанот олиб, варрак каби осмонга учади. Ва биринчи марта Тож Маҳални эгасиз қабрдек эмас, балки ўз уйимдек ҳис қиламан; бошимиз устидаги тўлин ой шахсий сунъий йўлдошга айланиб, ёруғлик таратади, биз унинг самовий нурига бурканиб, ўзимизни ўзига хос жаннатга тушиб қолгандек бахтиёр ҳис қиламиз.

\* \* \*

Шанкар хонамга югуриб кириб келади.

– Обрмкэ ёбж. Жқғғқйод едюжқълод, – деб ғулдурайди ва Лажвантининг хонаси томон судраб кетади.

Лажванти кароватда йиғлаб ётган экан. Унинг кўзларидан майда марваридлардек тушаётган ва ёшиллик

## *Харобадан чиққан миллионер*

каравот ёпинчиғининг матосини қорайтирган кўз ёшлар хонасининг спартача озодалиги олдида ўринсиз кўринарди.

– Нима бўлди, Лажванти? Нега йиғлаяпсиз? – деб сўрайман мен.

– Шу ярамас Свапна Девини деб. У менга қарз бермади. Мен энди синглимнинг тўйига қаердан пул топаман? – дейди ва яна йиғлашни бошлайди.

– Бу турар жойдаги ҳеч кимда бундай пул йўқ. Банкдан кредит ололмайсизми?

– Ҳеҳ, қайси банк мендай камбағал чўрига кредит берарди? Энди менда фақат битта йўл қолди.

– Нима? Синглингизнинг тўйини бекор қилишми?

Унинг кўзларида ғазаб чақнайди.

– Йўқ, мен ҳеч қачон бундай қилмайман. Балки шоир Нажмий қилган ишни қилишим керакдир. Пул ўғирлаш.

Мен ўтирган жойимда сакраб тушаман.

– Ақлдан озганмисиз, Лажванти? Бу ҳақда умуман ўйлай кўрманг. Полиция Нажмийни қандай олиб кетганини кўрмадингизми?

– Чунки Нажмий аҳмоқ эди. Менинг ишончли режам бор, мен сизни худди укамдек кўрганим учун айтаман. Буни ҳеч кимга айтманг, ҳатто Шанқарга ҳам. Биласизми, мен Свапна қимматбаҳо нарсаларини сақлайдиган сейфнинг қаерда эканини биламан. Унинг ётоқхонасида, чап деворда катта рамкали расм осилган. Расмнинг орқасида темир сейф ўрнатилган тешик бор. У сейфнинг калитларини матрасининг остида, чап бурчакда сақлайди. Мен унинг сейфни очаётганини бир марта яширинча кузатдим. Сейф пул ва заргарлик буюмларига тўла. Мен пул ўғирламоқчи эмасман, чунки бу дарҳол билинади, лекин маржон бошқа гап. Унинг сейфида шунчалик кўп нарса борки, у буни сезмайди ҳам. Нима деб ўйлайсиз?

– Лажванти, Лажванти, кулоқ солинг. Агар мени укангиздек кўрсангиз, маслаҳатимга кулоқ солинг. Бу

фикрни мянгиздан чиқариб ташланг. Ишонинг, мен қонун билан жуда кўп ўйнашганман ва охир-оқибат жиноятингиз барибир ошкор бўлади. Кейин эса синглингизнинг тўйида қатнашиш ўрнига, қайсидир қамокхонада тегирмон чархлаб юрасиз.

– Ох, сиз эркаклар, ҳаммангиз кўрқоксиз, – дейди у жирканиб. – Менга нима деяётганингиз қизиқ эмас. Мен нима қилишим керак бўлса, шуни қиламан.

Нима қилишни билмай, ишончли эски тангамга муружаат қиламан.

– Лажванти, менга ишонмасангиз ҳам, майли, ҳаммаси жойида. Аммо мана бу сеҳрли танганинг кучига ишонинг. Бу сизни ҳеч қачон нотўғри йўлга бошламайди. Келинг, унда нима бўлишини кўрамиз. Мен уни тепага отаман. Чикка тушса, сиз ўз фикрингиздан қайтасиз, пукка тушса, билганингизни қиласиз, Маъқулми?

– Ҳа.

Мен тангани отаман. Чикка. Лажванти хўрсинади.

– Кўринишидан омад ҳам менга қарши бўлганга ўхшайди. Майли, қишлоғимга бориб, қабила бошлиғидан пул олишга ҳаракат қиламан. Бу суҳбатни унутинг.

Уч кундан кейин Лажванти хонасига қулф осадди, бир ҳафталик таътил олади ва қишлоғига жўнаб кетади.

\* \* \*

– Фоҳишалик қилишни тўхтатишингни хоҳлайман, – дейман Нитага.

Нита рози бўлади.

– Мен Радҳа каби йигирмага тўлмасдан туриб ўлиб кетишни хоҳламайман. Мени бу ердан олиб кет, Ражу.

– Олиб кетаман. Бу ҳақда Шям билан гаплашишим керакми?

– Ҳа, биз унинг розилигини олишимиз керак.

Ўша куни кечқурун мен қўшмачи билан гаплашаман.

– Шям, эшитинг, мен Нитани севиб қолдим ва унга уйланмоқчиман. У энди фоҳишахонада ишламайди.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Шям менга худди хашаротга қарагандек қарайди.

– Демак, Нитага шунақа ахлоқона фикрларни сен бераётган экансан-да. Эшит, харомин, ҳеч ким Нитага бу ишни тўхтат, деёлмайди. Фақат мен айтоламан. Мен эса унинг ишлашни тўхтатишини хохламайман. У олтин тухум қўядиган ғоз. Мен бу тухумлар узок вақт давомида келиб туришини хохлайман.

– Демак, сиз ҳеч қачон унинг турмуш қуришига рухсат бермайсиз, шундайми?

– Рухсат бера оламан, лекин бир шарт билан. Унга уйланадиган одам менинг йўқотажак даромадимни қоплаб беришга рози бўлиши керак.

– Тахминан қанча?

– Дейлик... тўрт юз минг рупий. Шунча пул бероласанми?

У устимдан кулиб, қайтариб юборади.

Ўша кеча жамғарган пулимни текшириб кўраман. Менда жами 480 рупий бор. Фақат 399,520 рупий етмаяпти.

Мен шунчалик ғазабланаманки, кўшмачини бўғиб қўйгим келади.

– Шям ҳеч қачон менга турмушга чиқишинга рози бўлмайди, – дейман эртаси куни Нитага. – Биз учун ягона имконият – қочиб кетиш.

– Йўқ, – дейди Нита кўркиб. Фоҳишахонадагилар бизни, албатта, топиб олишади. Чампа ўтган йили бир одам билан қочиб кетганди. Улар уни топиб, эркакнинг оёқларини синдириб, ўн кун давомида оч қолдиришган.

– Ундай бўлса, мен Шямни ўлдиришим керак, – дейман кўзимда ғазаб билан.

– Йўқ, – дейди Нита шиддат билан. – Менга “ҳеч қачон бундай қилмайман”, деб ваъда бер.

Мен ҳайратда қоламан.

– Лекин нима учун?

– Чунки Шям менинг укам.

\* \* \*

Уйга қизил фонари ёниб турган “Жип” кириб келади. Миршаблар ташқарига чиқади. Бу сафар янги инспектор келибди. Яна ҳаммамизни чақиради.

– Эшитинглар, ҳеч нарсага ярамайдиган бекорчилар, жуда жиддий воқеа юз берди. Свапна Девининг уйидан қимматбаҳо зумрад маржонлар ўғирлаб кетилган. Ўғри сен ҳаромилардан биринг деган гумоним бор. Шунинг учун мен сенларга бу ҳақда очик-ойдин гапириш имкониятини бераман, акс ҳолда ўғрини қўлга олсам, уни аёвсиз савалайман.

Мен дарҳол Лажванти ҳақида ўйлайман, лекин унинг хонасидаги қулфни кўрганимда ва у ўз кишлоғида эканини эслаганимда енгил нафас оламан. У маржон ўғирлаш ҳақидаги бемаъни фикрдан воз кечгани яхши бўлди. У Свапна Деви маржон йўқолганини сезмайди, деб ўйлаган эди, ҳозир эса полиция буни тезда ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳаммамиз бирин-кетин сўроқ қилинамиз. Шанкарнинг навбати келганда ўша сахна қайта такрорланади.

– Исминг? – сўрайди инспектор.

– Уқйёкм, – деб жавоб беради Шанкар.

– Нима дединг?

– Днздз Уқйёкм ҳбхдз-ёп.

– Ҳароми, мен билан ўйнашмоқчимисан... – дейди инспектор тишларини гичирлатиб.

Мен яна тушунтираман, инспектор юмшайди. У Шанкардан узоқлашади.

Бу сафар полиция қуруқ қўл билан кетади. Ҳеч қандай маржонсиз ва ҳеч қандай гумонланувчисиз.

Ўша кеча Тож Маҳал яқинида қора доғли кичкина кўча ити вафот этади. Ҳеч ким бунга эътибор ҳам бермайди.

Лажванти эртаси куни қишлоқдан қайтади ва дарҳол қамоққа олинади. Терга ботган миршаб уни хонасидан

## *Харобадан чиққан миллионер*

қизил чироқлари ёниб турган “Жип” томон судраб олиб кетади. У иложсиз йиғлайди.

Свапна саройида боғбон бўлиб ишлайдиган Абдул билан воқеа ривожини чорасиз кузатаман.

– Абдул, нега полиция Лажвантини олиб кетяпти? Нега соҳиба Рани бирор нарса қилмаяпти? Ахир, Лажванти — унинг энг яхши хизматкори-ку.

Абдул тиржаяди.

– Хонимнинг ўзи Лажвантини хибсга олиш учун полиция чақирди.

– Лекин нега?

– Чунки Лажванти унинг сейфидан маржонни ўғирлаган экан. Полиция унинг қишлоқдаги уйини тинтув қилиб, маржонни топибди.

– Лекин Свапна Деви маржонни Лажванти ўғирлаганини қаердан билибди? Ўғрилик содир бўлганида у бу ерда ҳам йўқ эди-ку.

– Чунки у ортидан ўзини фош қиладиган из қолдирган. У тўғридан-тўғри қишлоғига бормаган. Аграда қолиб, уйга сездирмасдан кириб олиш имкониятини қутган. Ниҳоят, маржонни ўғирлаш учун ётоқхонага киришга эришган, бу пайтда эса хоним зиёфатда бўлган. Аммо зиёфатга жўнаб кетишдан олдин хоним каравотда сочини тараган, атлас чойшабда эса бир нечта тўғнағич ва қистирғичлар қолган экан. Кечкурун хоним қайтиб келганида кийиниш столида тартиб билан жойлаштирилган тўғнағич ва қистирғичларни кўрган. Бу дарҳол уни хавотирга солган. У сейфини текширган ва маржон йўқлигини кўрган. Шундай қилиб, у бу ишни Лажвантидан бошқаси қилмаслигини билган.

Қўлимни пешонамга ураман. Лажванти ҳатто ўғрилик пайтида ҳам яхши хизматкор бўлишдан тийила олмабди.

Мен Лажванти номидан Свапна Девига илтимос қилишга уринаман, лекин у менга кескинлик, қўполлик ва нафрат билан рад жавобини беради.

– Мен хайрия эмас, уй хўжалигини бошқараман. Нега у синглиси учун бундай дабдабали тўй қилиши керак эди? Сен камбағаллар, ҳеч қачон ўзингдан кетма. Ўз чегарангни бил ва муаммога дуч келмайсан.

Мен ўша куни унга нисбатан ҳақиқий нафратни хис қиламан. Балки у ҳақдир. Лажванти бойлар ва камбағалларнинг мавжудлигини ажратиб турадиган чегарани кесиб ўтишга уриниб, жиддий хатога йўл қўйди. У ўз имкониятлари чегарасидан ортиқ орзу қилиб ҳалокатли хатога йўл қўйди. Орзу қанчалик катта бўлса, умидсизлик шунчалик катта бўлади. Шунинг учун менинг кичик, етишса бўладиган орзуларим бор. Масалан, қаллоб қўшмачи укасига арзимаган тўрт юз минг рупий тўлаб, фохишага уйланиш.

Лажванти хибсга олинганидан сўнг, токи яна бир фожиа бошимга тушмагунча зўрға ўзимга келаётган эдим.

Шанкар йўталиб хонамга кириб келади ва каравотга ўзини ташлайди. У чарчаган кўринар, қўллари ва тиззаларидаги оғриқлардан шикоят қиларди.

– Зқркз еъэ, – деб минғирлайди қўлларини силкитиб.

Мен унинг пешонасига қўлимни теккизиб кўраман, озгина иситмаси бор.

– Шамоллабсан, Шанкар. Хонангга бор ва дам ол. Тез орада сенга дори бериш учун бораман.

У каравотдан туриб, оёқ учида хонасига боради. У безовта ва асабий кўринади.

Ўша кеча мен Шанкарга оғриқ қолдирувчи дори бераман, лекин унинг аҳволи ёмонлашишда давом этади. Иккинчи кунга келиб, қутуришни бошлайди. У қўлини қимирлата олмас, чироқ ёкилганда эса қичқирарди. Мен жуда қийинчилик билан унинг ҳароратини ўлчашга муваффақ бўламан ва ҳарорат 103 даражага кўтарилганини кўриб ҳайратда қоламан. Зудлик билан шифокор чақириш учун ташқарига чиқиб кетаман. Давлат диспансерида ишлайдиган шифокор келишга умуман рози бўлмайди,



## *Харобадан чиққан миллионер*

менинг эса хусусий шифокорга мурожаат қилишдан бошқа чорам қолмайди. У турар жойга келиш учун мендан саксон рупий хизмат хақи сўрайди. Шанкарни кўздан кечиради ва мендан яқин орада унинг танасида бирон бир кесилган ёки кўкарган жойларни кўрганимни сўрайди. Мен унга Шанкар тиззасини шилиб олгани хақида айтаман. Шифокор бошини кимирлатиб, ташхисини айтади.

– Унда қутуриш бор, афтидан биронта қутурган итдан юккан бўлса керак. Инфекцияни юктирган заҳоти унга инсон диплоид ҳужайрали вакцинаси ва қутуришга қарши иммуноглобулинни кетма-кет укол қилиш керак эди, лекин ҳозир жуда кеч. Унинг аҳволи жуда оғир. Тез орада унда сувдан кўркиш бошланади. Безовталаниши ва саросимага тушиши, хатто галлюцинация кузатилиши мумкин. Мушаклар тиришиши ва тутқаноқ тутиши эҳтимоли бор. Овоз пайчаларининг фалаж бўлиши туфайли у бутунлай гапиришдан тўхтатиши ҳам мумкин. Ниҳоят у комага тушиб, нафас олишни тўхтатади. Оддий тил билан айтганда, у ўлади. Ва ҳаммаси қирқ саккиз соат ичида рўй беради.

Доктор бу даҳшатлар рўйхатини одатий нутқ билан тушунтириб беради. Мен бутунлай хароб бўламан. Шанкарнинг ўлими хақида ўйласам, кўзимга ёш келади.

– Доктор, Шанкарни қутқариш учун ҳеч қандай чора йўқми? – ёлвориб сўрайман мен.

– Хўш... – дейди доктор иккиланиб. – Бир ой олдин бунинг имкони йўқ эди, лекин менга Америкадан янги экспериментал вакцина Ҳиндистонга олиб келингани хақида айтишди. У “RabCure” деб аталади ва фақат Гупта дорихонасида мавжуд.

– Ракаб Ганждагими?

– Ҳа. Лекин, менимча, сенинг унга қурбинг етмайди.

– Қанча туради? – деб сўрайман юрак ютиб. – Тахминан тўрт юз минг рупий.

Вазият истехзоли тарзда тус олди. Шанкарнинг даволаниши учун тўрт юз минг рупий керак, Нитанинг укаси ҳам айнан шу суммани талаб қилганди. Чўнтагимда эса роппа-роса тўрт юз рупий бор.

Мен Шанкарнинг даволаниши учун қаердан пул топишни билмайман, лекин уни ёлғиз қолдириб бўлмаслигини яхши тушунаман, шунинг учун уни хонамга олиб ўтишга қарор қиламан. Мен уни кўтариб оламан. Гарчи у мен билан деярли тенгдош бўлса ҳам, жуда енгил туюлади. Қўл ва оёқлари ён томонга худди жонсиздек осилиб қолади, ўзимни тирик одам эмас, балки бир қоп картошка кўтариб олгандек ҳис қиламан. Мен Шанкарни каравотимга ётқизаман ва ўзим ерга ётаман. Деярли икки йил олдин Шанкар мен учун шундай қилган эди.

Шанкар чайқалиб-буралиб, бетоқат ухлайди. Мен ҳам тунни оғир ўтказаман, уйкум телба итлар ва фақат маъносиз бўғинларда гапирадиган гўдаклар ҳақидаги дахшатли тушлар билан аралашиб кетади. Ярим тунда, “Ойижон, ойижон” деган баланд овоздаги сўзларни эшитгандек бўламан. Уйғониб қарасам, Шанкар тинч ухляпти. Кўзларимни ишқалаб, Шанкарнинг туши меники билан кутилмаганда кесишиб қолдими, деб ўйлайман.

Эртаси куни Шанкар бутун кун тўшакдан турмайди, борган сари заифлашиб боради. Унинг ўлими яқинлигини биламан, лекин у енгил грипга чалинган деб ўзимни ишонтираман. Нурли чехрасини кўриб, уни ортиқ кўра олмаслигимни ўйласам, юрагим эзилади. Ҳозир, ҳатто унинг маъносиз бўғинлаб гапирадиган гаплари ҳам ёдда қолиши керак бўлган таъсирли гапларга ўхшайди.

Кеч тушди, Шанкарнинг кўлларида тиришиш кузатила бошлади. У суюқлик ичишга қийналарди ва ўзининг сеvimли таоми бўлган ясмиқ билан биттагина чапати еди. Унинг пешонаси ёнарди. Ҳарорати 105 даражагача кўтарилди.

– Ёждуйд сьяжкзқезкй, Мқгп, – деди ва йиғлай бошлади.

## Харобадан чиққан миллионер

Мен уни кўлимдан келганча тинчлантиришга ҳаракат қилдим, лекин ўзингиз ичингизга сиғмай турган пайтда, бошқа кишига далда бериш қийин.

Ўтмишнинг аччиқ хотиралари билан безовталаниб ухладим. Ўша тунда, соат иккига яқин, Шанкарнинг тўшагидан кимнингдир инграган товушлари эшитилди. Секин ўрнимдан турдим, лекин хали ҳам уйку таъсирида эдим. Шанкарнинг юзига қарадим. Кўзлари юмилган, лекин лаблари кимирлаётганди. Мен унинг нима деб гўлдираганини эшитганимда деярли ўзимни йўқотиб қўйдим. Онт ичаманки, Шанкар:

– Илтимос, мени урманг, онажон, – деди.

– Шанкар! Шанкар!

Унинг ёнига тезлик билан бордим.

– Ҳозиргина нимадир дединг, тўғрими?

Аммо Шанкар бутунлай бефарқ, ўзининг шахсий дунёсида йўқолганди. Унинг кўзлари юқорига қараган ва алаҳсираётганди. Кўкраги талвасага тушгандек титрар, оғзидан кўпик оқарди.

– Нега мени ҳайдаб юбордингиз, онажон? – деб гўлдиради у. – Кечирасиз, тақиллатишим керак эди. Ичкарида у амаки сиз билан эканини қаердан билай? Сизни яхши кўраман, онажон. Мен сизнинг расмларингизни чиздим. Кўк кундалигим расмларга тўла. Ойижон, сизни жуда яхши кўраман. Урманг мени, ойижон. Ваъда бераман, ҳеч кимга айтмайман, ойижон, ойижон, ойижон...

Шанкар олти ёшли боланинг овозида гапирарди. У узоқ вақтдан бери йўқотилган вақтига қайтди. Унинг ҳаёти ва сўзлари маънога эга бўлган вақтга. Доктор бутунлай гапиришдан тўхташи мумкин деганида қандай қилиб у бирдан бунчалик аниқ ва равшан гапира олди? Билмайман, сабабини билишни ҳам истамайман. Мўъжизага шубҳа қилинмайди.

Ўша кеча Шанкардан эшитганларим шу бўлди, у

эртаси куни эрталаб уйғонганида маъносиз бўғинларда гапирадиган ўша ўн олти ёшли бола ҳолига қайтди. Лекин унинг кўк кундалик ҳақидаги гапларини ёдимдан чиқармагандим. Кундаликни хонасидаги, каравот остидан яширилган ҳолда топдим.

Унда алоҳида чизилган қоғоз варақлари мавжуд бўлиб, ҳар бирида қалам билан чизилган аёл расмлари ўрин олган. Чизмалар жуда аниқ, энг охириги деталларигача. Аммо мен чизмаларнинг ажойиблигидан эмас, балки уларда тасвирланган кишининг шахсиятидан ҳайратга тушдим. Чунки суратлардаги аёл Свапна Деви эди.

– Шу пайтгача мендан нимани яширганингни биламан, Шанкар. Свапна Деви онанг эканини биламан, – дедим Шанкарга кўк кундаликни кўтариб.

Кўркувдан кўзлари катта-катта очилиб, кўлимдан кундаликни тортиб олмоқчи бўлди.

– Ёлйхқждадзйд экеокмдў ўбм! – деб қичқирди.

– Мен бунинг ҳақиқат эканини биламан. Менимча, сен унинг ифлос сиридан хабар топгансан ва шунинг учун у сени уйдан ҳайдаб юборган. Ва ўша пайтда сен оддий бола каби гапириш қобилиятини йўқотгансан. Менимча, онанг бутун умр шу айб билан яшаб келяпти. Эҳтимол, шунинг учун у сендан ижара пули олмайди ва сенга пул беради. Аммо мен ҳозир онангнинг олдига бораман, ундан даволанишинг учун пул тўлашини сўрайман.

– Еъэ, еъэ, кедзйдйа кжхдақ ўкмзқ! – йиғларди у.

Лекин мен аллақачон соҳиба Рани билан дилдан суҳбатлашиш учун Свапна саройига йўл олгандим.

Соҳиба Рани аввалига “Одамлар билан фақат олдиндан ариза бергандан кейин учрашаман”, деб, мен билан учрашишдан бош тортди. Унинг остонасидан икки соат ҳеч қаерга жилмаганимдан сўнг, ниҳоят у рози бўлди.

– Нега мени безовта қилдинг? – деб сўради у кўполлик билан.

## *Харобадан чиққан миллионер*

– Сирингизни биламан, Свапна Деви, – деб юзига айтдим. – Мен Шанкар сизнинг ўғлингиз эканини билиб олдим.

Унинг шоҳона никоби бир зумда сирғалиб, юзи оқариб кетди, лекин у тезда ўзига келди.

– Сен, ифлос, бундай асоссиз даъвони айтишга қандай журъат этдинг? Менинг Шанкар билан ҳеч қандай алоқам йўқ. Мен унга озгина хайрихоҳлик қилганим учун у менинг ўғлим бўлиб қолдими? Ҳозирок бу ердан ўз оёғинг билан чиқиб кетасан ёки мен сени ҳайдаб чиқараман.

– Кетаман, – дедим мен. – Лекин сиздан тўрт юз минг рупий ундирганимдан кейин. Менга Шанкарнинг даволаниши учун пул керак. У қутуриш касаллигига чалинган.

– Ақлдан оздингми? Сенга тўрт юз минг рупий беради, деб ўйлайсанми? – қичқирди у.

– Агар пул бермасангиз, Шанкар йигирма тўрт соат ичида қутуришдан ўлади.

– Менга сенинг нима қилишинг қизиқ эмас. Безовта қилма.

Кейин эса мен шу пайтгача онадан эшитган энг ёмон гапни айтди.

– Балки унинг ўлими ҳамма учун яхшидир. Бечора бола фақирликдан қутулади. У менинг ўғлим экани ҳақидаги ёлғонни ҳеч кимга айта кўрма.

У эшикни ёпди. Кўзларимда ёш билан унинг остонасида туриб қолдим. Тугилган пайтим онам томонидан ташлаб кетилишим ҳеч бўлмаганда омадим, лекин бояқиш Шанкарнинг онаси ҳаётнинг ярмида ташлаб кетди ва энди ўлимнинг олдини олиш учун ҳатто бармоқ учини қимирлатишдан ҳам бош тортяпти.

Шанкарнинг хонасига синик юрак билан қайтдим. Свапна Девининг сўзлари худди болға зарбаси каби кулоқларим остида жарангларди. У Шанкарнинг қутурган итдек ўлишини хоҳлади. Ҳеч қачон қашшоқлигим ме-

ни ҳозиргидек ғазаблантирмаган эди. Қанийди Шанкарни тишлаган итга, тишлашдан олдин у хужум қилган одамнинг антидот сотиб олишга курби етиш ёки етмаслигини текшириб кўриши кераклигини тушунтира олганимда эди.

Эртаси куни мен ўн йил давомида қилмаган ишимни қилдим: ибодат. Дурга ибодатхонасига бориб, Шанкарнинг соғайиб кетиши учун гуллар кўйиб келдим. Авлиё Жон черковига бориб, Шанкар учун шам ёқдим. Кали масжидига бориб, Шанкарга раҳм-шафқат қилишини сўраб, Аллоҳ олдида бош эгдим. Аммо ҳатто ибодатнинг кучи ҳам етарли эмас экан. Кун бўйи Шанкар танасининг деярли барча қисмларида оғрик сезиб, азобланиб чиқди.

Кеч тушди. Ойсиз тун, лекин Свапна саройини улкан шамдек ёритган минглаб чироқларнинг акс этган нури туфайли ҳовли нурсиз кўринмайди. Саройда базм бўляпти, полиция комиссари, туман судьяси ва кўплаб тадбиркорлар, социалистлар, журналистлар ва ёзувчилар келган. Майин мусиқа ва кулги садолари уйдан эшитилиб турибди. Бизга вино қадахлари ва пулнинг жиринглаши, суҳбат шовқини эшитилади. Хонамда даҳшатли сукунат ҳукм сураб, уни фақат Шанкарнинг зўрға олаётган нафаси бузарди. Ҳар ярим соатда унинг танасини титроқ тутади. Аммо уни энг кўп томоғидаги қисилиш безовта қилиб, унда ҳосил бўлаётган ёпишқоқ, ипсимон сўлак катта ноқулайлик туғдирарди. Энди у бир стакан сувни кўрганда ҳам талвасага тушар, оддийгина елвизак ҳам худди шундай натижа берарди.

Инсон ўлиши мумкин бўлган кўплаб касалликлардан энг шафқатсиз, эҳтимол, қутуриш бўлса керак, чунки инсонга ҳаёт бағишлайдиган сув ўлим сабабчиси бўлади. Ҳатто саратонга чалинган бемор ҳам умид қилиши мумкин, аммо қутуришга чалинган беморда умид йўқ.

Шанкарнинг секин ўлиб бораётганини кузатар эканман, Свапна Деви ўз ўглининг шундай даҳшатли

## Харобадан чиққан миллионер

тарзда жони узилаётганини била туриб, уйида зиёфат ўтказаётгани унинг қанчалик тошбағир эканини тасаввур қилишга етарлича асос бўлди, деган хулосага келдим. Мен ўша Қолът револьверини яхши ҳам дарёга улоқтирган эканман, акс ҳолда бугун кечкурун яна бир котиллик содир этган бўлардим.

Тун ўтиб борар экан, Шанкар тез-тез талвасага тушар, азобдан қичқирар ва оғзидан кўпик келарди. Биламан, ўлими яқин.

Шанкар ниҳоят кундуз куни соат ўн иккидан қирқ етти дақиқа ўтганда вафот этди. Ўлим олдидан у яна бир ва сўнгги бор алаҳсиради. У кўлимдан ушлаб, биргина сўз айтди: “Ражу”. Кейин у кўк дафтарини чангаллаб: “Ойижон, ойижон”, деб йиғлади ва кўзларини абадий юмди.

\* \* \*

Агра ўлим шаҳрига айланди. Хонамда ўлик тана, кўлимда эса кўк дафтар бор. Қаламда чизилган юраксиз она суратларига боқиб, саҳифаларни мақсадсиз варақлайман. Йўқ, мен уни “она” деб атамайман, чунки бундай дейиш барча оналарни ҳақорат қилишдир.

Шанкарнинг ўлимига қандай муносабат билдиришни билмайман. Биҳари каби қичқирим ва бақирим мумкин. Осмондаги барча худоларни ва ердаги барча муқаддас кучларни ҳақорат қилишим мумкин. Эшикни синдиришим, мебелларни улоқтиришим, чирок устунини тепишим мумкин. Кейин эса сиқилиб йиғлайман. Аммо бугун кўз ёшлар келишдан бош тортмоқда. Ич-ичимдан секин, отилишга тайёр турган ғазабни ҳис қиляпман. Дафтар саҳифаларини йиртиб, майда бўлақларга бўлиб ташладим. Кейин бирдан Шанкарни кўлимга олиб, ёруғ сарой томон йўл олдим.

Формадаги кўриқчилар йўлимни тўсди, лекин қўлларимдаги жасадни кўришлари биланок шошиб

дарвозани очишди. Меҳмонларнинг чет элдан келтирилган қимматбаҳо машиналари бирин-кетин тизилган эгри-бугри йўлакдан ўтаман. Безатилган кириш жойига етиб бордим. Кириш жойи хуш келибсиз дегандек ланг очик турарди. Мен мрамарли фойедан ўтиб, меҳмонларга ширинлик тақдим этиладиган хонага бордим. Уларнинг суҳбатлари мени кўришлари билан тўхтади.

Мен столга чиқиб, Шанкарнинг жасадини мулойимлик билан ўртага, қаймоқли ваниль кекси ва бир коса расгулла орасига қўйдим. Официантлар худди ҳайкалдек жим туришарди. Чиройли кийинган ишбилармонлар йўталиб, ўриндиқларида ноқулай силжирди. Туман судьяси ва полиция комиссари ташвишли кўзлар билан мени кузатиб туришарди. Аёллар бўйнидаги маржонларини ушлаб қолишди. Стол бошида ўтирган, оғир ипак сари кийган, тақинчоқлар тақиб олган Свапна Деви гўё бўғилиб қоладиганга ўхшарди. У оғзини очишга ҳаракат қилди, лекин овоз пайчалари фалаж бўлиб қолгандек эди. Унга нафрат кўзи билан қараб турардим.

– Свапна Деви хоним, агар бу сизнинг саройингиз бўлса ва сиз унинг қироличаси бўлсангиз, унда шахзодани қарши олинг. Мен ўғлингиз Кунвар Шанкар Сингх Гаутамнинг жасадини сизга топшириш учун келдим. У ярим соат олдин, шунча йиллар давомида сиз уни яшириб келган уйда оламдан ўтди. Сиз унинг даволаниши учун пул тўлашдан бош тортдингиз. Сиз оналик бурчини бажармадингиз. Энди уй соҳибаси сифатидаги мажбуриятингизни бажаринг. Йлтимос, пулсиз ижарачининг дафн маросими учун пул тўланг.

Мен ўз сўзимни айтдим, оғир сукунат ичида қараб турган меҳмонларга бош ирғаб, ҳавоси дим саройдан салқин тун ҳавосига чиқиб кетдим. Менга айтилишича, ҳеч ким ширинлик ейиш учун қолмабди.



Шанкарнинг ўлими менга қаттиқ таъсир қилди. Ухлайман, йиғлайман ва яна ухлайман. Тож Маҳалга бормай кўйдим. Нита билан кўришмай кўйдим. Кино кўрмай кўйдим. Ҳаётимга «Пауза» тугмасини босдим. Шанкарнинг ўлиmidан кейин икки ҳафта ёки ундан кўпроқ вақт давомида мен ақлдан озган ҳайвон каби Агра атрофида гандираклаб юрдим. Университет талабаси Шакил мени бир куни кечқурун Шанкарнинг хонаси ташқарисида туриб, худди маст одам виски шишасига қарагани каби эшик қулфига тикилиб турганимни кўриб қолди. Этикдўз Биҳари марказий сув крани ёнида ўтирганимни кўриб қолди. Сув жўмракдан эмас, кўзимдан оқаётганини пайқади. Свапна саройида ишлайдиган боғбон Абдул худди Шанкар каби уй атрофида айланиб юрганимда ушлаб олди. Қишнинг қоқ чилласида шаҳар мен учун иссиқ ва ёлғиз чўлга айланди. Унинг тинимсиз шивирлашида маъносиз бўғинга айланиб қолишга ҳаракат қилардим ва бемаънилиқ қарига шўнғишга деярли эришдим ҳам.

Кеч уйғондим. Маҳаллий қўнғироқлар бўлиmidан менга қўнғироқ бўлган экан. Шакил шуни менга айтиш учун югуриб келибди.

– Ражу, Ражу, Нита исмли кимдир қўнғироқ қилди. У ҳозирок Сингҳания касалхонаси тез ёрдам бўлимига келишингни сўради.

Бу хабарни эшитишим билан юрагим орқага тортиб кетди. Сингҳания касалхонасигача уч миль югуриб бордим. Докторга урилиб кетишимга сал қолди, аравагани ағдариб юборай дедим. Тез ёрдам бўлимига қуролли босқинни бостирмоқчи бўлган инспектордек шошилиб кирдим.

– Нита қаерда? – деб сўрадим саросимага тушган ҳамширадан.

– Мен бу ердан, Ражу, – Нитанинг заиф овози эшитилди.

У парда тортиб қўйилган кичкина хонада беморлар аравачасида ётарди. Унга қарашим билан хайратдан ҳушимдан кетиб қолай дедим. Унинг бутун юзида кўкаришлар бор, лаблари ғалати тарзда буришган, худди жағи чиқиб кетгандек эди. Икки тишида қон юқлари бор, чап кўзи қорайиб кетганди.

– Ким... кимнинг иши бу? – деб сўрадим ўз овозимни зўрға таниб.

У гапиришга қийналарди.

– У мумбайлик эди. Шям мени унинг “Palace” меҳмонхонасидаги хонасига юборди. У мени боғлаб қўйди ва қиладиган ҳамма нарсани қилди. Менинг юзимда кўриб турган жароҳатларинг ҳеч нарса эмас. У менинг танамга нима қилганини кўр.

Нита ёнбошига ўтирилди, мен унинг ингичка белида қизил, чуқур жароҳат изларини кўраман, гўё кимдир уни камчи билан ургандек. Кейин у блузкасини кўтарди, мен ҳушимдан кетаёзим. Унинг кўксига сигарет куйдирган излар бор эди. Улар хунук чуқур чандиқ изларига ўхшарди. Мен бунақасини аввал ҳам кўрганман.

Қоним қайнай бошлайди.

– Сенга буни ким қилганини биламан. У исмини айтдимми? Мен уни ўлдираман.

– Унинг исмини билмайман, лекин у баланд бўйли ва...

Шу пайт Шям бир пакет дорини чангаллаганча хонага кириб келди. У менга бир қаради-да, тутақиб кетди.

– Сен ҳароми, – деб қичқирди ва ёқамдан ушлаб олди.

– Бу ерга келишга қандай журъат этдинг? Нита бундай аҳволга тушишига сен сабабчисан.

– Ақлдан оздингми, Шям? – дедим кўзимда ёш билан.

– Йўқ, ақлдан озган сенсан. Нитани шахсий мулкким деб ҳисоблайсанми? Унга бу ишни ташлашни ва мижозларга бўйсунмасликни айтиб келасан. Мумбайлик мижоз

## Харобадан чиққан миллионер

унга қанча тўлаганини биласанми? Беш минг рупий. Лекин опам сенга ишонди; Нита унга қаршилиқ кўрсатган бўлиши керак, нима бўлганига қара. Мен сенга бир гап айтай: Агар Нитани яна кўришни хоҳласанг, ёнимга тўрт юз минг рупий билан қайт. Агар шунча пул топа олмасанг, Нитани унут. Агар яна бир бор касалхона атрофида ўралашиб юрганингни кўрсам, ўлдираман, тушундингми? Ҳозир эса йўқол.

Мен ўша пайтнинг ўзидаёқ Шямни бўғиб, нафас олишига йўл қўймай ўлдиришим ёки кўзларини бармоқларим билан ўйиб олишим мумкин эди. Лекин Нитага берган ваъдамни эсладим ва қайнаётган ғазабимни тийдим. Мен Нитанинг юзини кўришга тоқат қилолмай, тез ёрдам бўлимидан чиқиб кетдим. Фақат бир нарсани билардим. Қандай қилиб бўлса ҳам, тўрт юз минг рупийни қўлга киритишим керак эди. Лекин қаердан?

\* \* \*

Мен режа қилиб, Свапна Деви уйда бўлмайдиган қулай пайтни пойлаб турдим. Икки кечадан сўнг, соҳиба Рани ўзининг “Contessa” машинасида шаҳарчадаги бошқа бир базмга кетаётганини кўрдим. Кейинроқ эса кўчани сарой билан ажратиб турадиган девордаги туйнукдан Свапна саройига ўтдим. Лажванти менга уйнинг тузилишини деталларигача изохлаб тушунтириб берганди. Шунинг учун Свапна Девининг ётоқхона деразаси қаерда жойлашганини топишга умуман қийналмадим. Дераза қулфини бузиб, унинг ётоқхонаси томон секин қадам босиб кира бошладим. Унинг ёнғоқ дарахтидан нақшланган ётоғи ёки стулини кўриб ҳайратланишга вақтим йўқ эди. Мен фақатгина катта рамкали расмни изладим ва уни чап девордан топдим. Унда от расми тасвирланган ва Ҳусайн исмли одам томонидан имзоланган экан. Мен иккиланиб, илгичдан расмни олиб, темир сейф жойлаштирилган девордаги тўртбурчак тешикни топдим.

Матраснинг чап бурчагига қарадим, у ерда калит йўқ эди. Шунда бир зумга ўзимни йўқотиб қўйдим, аммо бир оздан кейин калитни ўнг бурчакдан топдим ва хотиржамландим. Калит кулфга жуда мос тушди, оғир эшик секинлик билан очила бошлади. Сейф ичига қарашим билан яна бир бор шокка тушдим. У ерда бор-йўғи тўрт боғлам пул, бир қанча хукукий хужжатлар ва чақалоқнинг оқ-қора сурати бор эди. Бу сурат Шанкарникилигини билишим учун расмга яқиндан қарашимга эҳтиёж йўқ эди. Ўғрилиқ пайтида ҳеч ҳам иккиланмадим. Мен тўртта ўралган пулни чўнтагимга солиб, сейфни ёпдим, суратни ва калитни жойига қўйиб, келган йўлимдан қайтиб кетдим.

Уйга шошганча кириб, эшикни устимдан кулфлаб олдим-да, қўлга киритган ўлжани санашга киришдим. Тўрт боғлам пул жами 399,844 рупий чиқди. Ҳамма чўнтақларимни титиб чиқиб, яна 156 рупий топдим. Ҳаммаси биргаликда тўрт юз минг рупий бўлди. Ҳатто маъбуда Дурга ҳам мени қўллаб-қувватлаганга ўхшайди. Мен жигарранг қоғоз сумкага пулларни солдим-да, қўлимда қаттиқ тутганча касалхонага шошиб бордим. Фавкулудда ёрдам бўлимига киргач, кўзойнакли ўрта ёшлардаги, соколи олинмаган, сочлари тўзғиган бир киши менга урилиб кетди. Кафель билан қопланган полга йиқилиб тушдим, қўлимдан жигарранг сумкам сирғалиб тушиб кетди. Пуллар сумкадан чиқиб кетди. У одам пулларни кўргач, кўзлари чакнай бошлади. Пулларни худди ёш боладай териб ола бошлади. Мен бир сонияча поезддаги ўғрилиқни такроран кўряпманми, деб ўйлаб қолдим. Лекин ҳамма пулларни териб олгандан сўнг уларни менга қайтариб берди.

– Бу пуллар сизники, лекин сиздан ўтиниб сўрайман, менга бу пулларни қарзга беринг. Ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолинг. У эндигина ўн олти ёшда. Унинг ўлишига дош бера олмайман, – деб ўтиниб сўради.

## Харобадан чиққан миллионер

Мен шоша-пиша пулларни жигарранг сумкага солиб, ундан тезрок кутулишга ҳаракат қилардим.

– Ўғлингизга нима бўлди?

– Уни қутурган ит тишлаб олди. Ҳозир у қутуришга чалинган. Докторнинг айтиши бўйича, агар Гупта дорихонасида мавжуд “RabCure” номли вакцинани сотиб олмасам, у шу оқшомга бориб ўлар экан. Лекин тўрт юз минг рупий турадиган вакцинага менга ўхшаган оддий мактаб ўқитувчисининг қурби етиши амри маҳолдир. Биламан, сизда шунча пул бор. Ўтинаман, ёлғизгина ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолинг, эвазига сизнинг қулингиз бўлишга ҳам тайёрман, – деб ёш болаларга ўхшаб йиғлади.

– Бу пуллар менга қадрли бўлган инсоннинг даволаниши учун керак. Мени кечиринг, лекин сизга ёрдам бера олмайман, – дея ойнали эшик орқали кириб кетдим.

У одам орқамдан эргашганча югуриб келиб, оёғимдан маҳкам тутиб олди.

– Илтимос, бир дақиқа кутинг, ука. Бу расмга қаранг. Бу менинг ўғлим. Менга айтингчи, агар бугун у ўлса, мен қандай яшайман? – дея қўлида ёш, чиройли боланинг рангли суратини тутиб турарди. Унда ўзига жалб қилувчи кўзлар ва лабида илиқ табассум бор эди. У менга Шанкарни эслатиб юборди, мен шоша-пиша ўтирилдим. – Мени кечиринг, илтимос. Бошқа мени безовта қилманг, – дедим. Оёғимни унинг қўлидан бўшатишга ҳаракат қилардим.

У менга эргашиб келяптими ёки йўқми билиш учун қайтиб ортимга қарамадим, мен Нитанинг хонасига шошилардим. Шям ва унинг гумаштаси кўриқчиси сингари Нитанинг ёнида ўтирган эди. Улар нам газетадаги сомсаларни ейишаётган эди. Нита кўринишидан уйкуда эди. Унинг юзи бинт билан боғлаб ташланганди.

– Хўш, сен нега келдинг, ҳароми? – деди Шям сомсаларни чайнаб.

– Сен сўраган пулларни олиб келдим. Тўрт юз минг рупий, мана, – деб унга пулларни кўрсатдим.

– Пулларни қаердан ўғирладинг?

– Буниси сенинг ишинг эмас. Мен Нитани ўзим билан олиб кетишга келдим.

– Нита ҳеч қаерга кетмайди. Доктор у тузалиши учун тўрт ой керак бўлади, деди. Унинг жароҳатларига сабабчи бўлганинг учун даволаниши учун ҳам пул тўлашинг керак. Уни пластик операция қилиш керак. Операция жуда ҳам қиммат туради, деярли икки юз мингга тушади. Агар Нитани олиб кетишни хоҳласанг, олти юз минг рупий билан қайтиб кел, акс ҳолда, дўстим сен билан қандай шуғулланишни ўзи ҳал қилади.

Шямнинг ёнида ўтирган одам чўнтагидан пичоқчани олди-да, худди сартарошларга ўхшаб кўлида айлангирди. У сарғайиб кетган тишини кўрсатиб, ваҳшиёна кулди. Англадимки, Нита ҳеч қачон меники бўлмайди. Шям ҳеч қачон уни қўйиб юбормасди. Мабодо мен унга нимадир қилиб бўлса ҳам олти юз минг рупий олиб келсам, у яна бир миллион рупий талаб қилади. Миям хиралашиб, атрофим қоронғилашиб кетди. Кўнглим айний бошлади. Мен ўзимга келганимда полда ётган нам газетага кўзим тушди. Ундаги рекламада тиржайиб турган одам юзи ва бир қанча минг рупийлик пулларни кўлида тутиб тургани кўрсатилган эди. Расм тагига шундай ёзилганди: “Телевикторинамизга хуш келибсиз. Ким миллиард ютиб олмоқчи? Дунёдаги энг омадли ғолиб бўлишни хоҳласангиз, ҳозироқ бизга ёзинг ёки кўнғироқ қилинг!” Рекламадаги манзилга қарадим. Унда “Прем Кумар, Хар, Мумбай”, деб ёзилганди. Ўша ондаёқ Мумбайга боришга қарор қилдим.

Мен тез ёрдам бўлимидан ҳаяжонланиб чиқдим. Шифохонадан анқиб турган антисептик ҳиди ғашимга тегмай қўйди. Кўзойнакли одам ҳалиям ўша ерда эди. У менга умид нигоҳлари билан қарарди, лекин бу сафар у

## Харобадан чиққан миллионер

менга хиралик қилмади. Эхтимол, ўғлининг ўлимига кўнгандир. Ҳалиям кўлимда жигарранг сумка бор эди. Мен унга имо-ишора қилдим. У худди суяк кутиб турган итдек ёнимга келди.

– Мана буни олинг. – Сумкани кўлига тутдим. – Ичида тўрт юз минг рупий бор, боринг, ўғлингизнинг ҳаётини сақлаб қолинг.

У сумкани олгач, оёғимга йиқилиб йиғлашни бошлади.

– Сиз одам эмас, Худосиз.

Кулдим.

– Агар Худо бўлганимда, бизга шифохоналар керак бўлмасди. Йўқ, мен шунчаки катта орзуларга эга оддий гидман, – дедим ва йўлимда давом этдим.

Лекин у менинг йўлимни яна тўсиб қолди. У эскирган чарм ҳамёнини чўнтагидан олди-да, битта ташриф қоғози чиқарди.

– Сиз менга пул бердингиз, мен сиздан қарздорман. Бу менинг ташриф қоғозим. Иложи борича тезроқ қайтараман, лекин шу ондан бошлаб мен сизнинг хизматингиздаман.

– Сиз менга керак бўласиз деб ўйламайман. Аслида, Аграда менга ҳеч ким керак бўлмайди. Мен Мумбайга бормоқчиман, – дедим паришонхотирлик билан ва кўйлагимнинг чўнтагига ташриф қоғозини солиб кўйдим.

У одам менга яна ёш тўла кўзлари билан қаради, кейин Ракаб Ганж ва Гупта дорихоналарига югурганча шифохонадан чиқиб кетди.

Қизил чироқли “Жип” келиб тўхтаганда мен шифохонадан чиқиб кетаётган эдим. Инспектор ва икки миршаб тушиб келди. Орқа ўриндиқдан мен таниган яна икки киши чикди. Бири Свапна саройидаги қоровул, иккинчиси эса боғбон Абдул. Кўриқчи менга ишора қилди.

– Инспектор соҳиб, бу ўша бола – Ражу. Соҳиба Раннинг пулларини ўғирлаган бола.

Инспектор миршабларга тушунтирди.

– Унинг уйдан ҳеч нарса топа олмадик, пуллар унинг ёнида бўлиши керак. Ҳаромининг чўнтақларини текширинглар.

Миршаблар менинг кўйлагим ва шимимнинг чўнтақларини тинтишди. Улар кичкина сақич, озгина маккажўхори колдиклари ва энди омадли ҳисобланмайдиган бир рупийлик тангани топишди.

– У тоза, соҳиб. Унда ҳеч қанақа пул йўқ, – деди миршаблардан бири.

– Ростданми? Шундай бўлса ҳам уни сўроққа тутинглар. Биз унинг бу кеча қаерда бўлганини билиб оламиз, – деди инспектор кўполлик билан.

– Ёбчдмқндр? – дедим. Лабларим беҳол қимирларди.

– Нима дединг? Тушунмадим, – деди инспектор бироз таажжуб билан.

– Нбй қязкэнқй ҳбҳдз.

– Нима бу аҳмоқлик? – деди инспектор жажли чиқиб. – Сен менинг устимдан куляпсанми, ҳароми? Сени яхшилаб тарбиялаб кўяман.

У уриш учун дубинкасини кўтарган ҳам эдики, Абдул жараёнга аралашди.

– Илтимос, уни урманг, инспектор соҳиб. Ражу дўсти Шанкарнинг ўлиmidан кейин ақлий заиф бўлиб қолди. Шанкар ҳам шунақа гапирарди.

– Шундайми? Унда нега ундан шубҳаландинг? Биз жиннидан ҳеч нарса ололмаймиз. Кетдик, – дея миршабларга ишора қилди. Кейин у менга қаради: – Сени безовта қилганим учун узр, уйингга қайтишинг мумкин, – деди.

– Мқязқо, – дедим мен.

\* \* \*

Ёш тўла кўзларим билан Смитанинг диванида ўтираман. Смига кўлимни ушлаб, меҳрибонлик билан сиқиб кўяди. Унинг кўзлари ҳам ёшга тўлганини пайқайман.



## *Харобадан чиққан миллионер*

– Бечора Шанкар, – деди у. – Айтган гапларингизга қараганда, Шанкар аутизм касалига чалингандек туюлди. Қандай аянчли ўлим топди у. Сиз ростдан ҳам дўзах азобини бошдан кечиргандексиз, Томас. Бунча азобларга лойиқ эмасдингиз.

– Лекин менинг дўзах азобларим Нитаникидан яхшироқ. Тасаввур қилиб кўринг, у 12 ёшдан бери нималарни бошдан кечирмаган, а?

Смита бош ирғаб кўяди.

– Ҳа, тасаввур қилиш қийин. У ҳали ҳам Аградами?

– Шундай бўлиши керак, аммо аниқ билмайман. Ундан охириги тўрт ойдан бери ҳеч қандай хабар йўқ. Уни яна қайта кўраманми ё йўқми билмайман.

– Уни кўришингизга ишончим комил. Ҳозир эса, келинг, охириги саволни кўриб чиқамиз.

\* \* \*

Студия таблосида “Тинчлик сақлансин” деган ёзув кўринади, аммо томошабинлар бунга эътибор беришмайди. Улар менга ишора қилиб, ўзаро хаяжон билан суҳбатлашишади. Уларнинг наздида, мен бир савол учун юз миллион рупий тиккан аҳмоқ официантман.

Прем Кумар камерага қараб,

– Биз ҳозир юз миллион рупий учун ўйналадиган ўн биринчи саволга ўтамиз. Буни ўйласам эгим жунжикиб кетяпти. Шундай қилиб, жаноб Томас, хаяжонланяписизми?

– Йўқ.

– Ажойиб. Ютиб олган ўн миллион рупийингизни тиккан бўлсангиз ҳам, сизда ҳеч қандай ташвишланишдан асар ҳам йўқ. Унутманг, агар нотўғри жавоб берсангиз, ҳаммасини ютқизасиз. Агар тўғри жавоб берсангиз, юз миллион рупий сизники. Ҳеч ким ҳали бундай катта миқдорда пул ютмаган, хаттоки лотореяда ҳам. Демак,

тарихий воқеага шу ерда, ҳозирок гувоҳ бўламиз. Ўн биринчи савол... – дейди Прем Кумар кўрсатувга ҳаяжон кўшиш учун тўхтаб, – инглиз адабиётидан, – деб гапини тугатади.

Студия таблосида “Олқишлар” деган ёзув кўринади.

– Айтинг-чи, жаноб Томас, сизнинг инглиз адабиётидан хабарингиз борми? Инглизча китоблар, шеърлар, асарлар ўқиганмисиз?

– Мен “Баа, Баа, Қора қўй” шеърини айтиб беришим мумкин. Агар шу инглиз шеърятни ҳисобланса.

Томошабинлар баланд овоз билан кулиб юборади.

– Тан олишим керак, бундан яхшироқ нарсани кутган эдим, лекин ҳечқиси йўқ. Шекспир ҳақида эшитган бўлсангиз керак?

– Шек ким?

– Инглиз адабиётидаги буюк драматургни танимайсизми? Эҳ, қанийди Шекспирнинг асарларига роль ўйнаб юрган коллеж пайтларимга қайтиб қолсайдим. Сизлардан ҳеч бирингиз Ҳамлетни эслай олмайсизми?

*Тирик қолмоқ ё ўлмоқ? Шудир масала!*

*Қайси бири булардан бизга муносиб?*

*Шу дилозор фалакнинг таҳқирларига*

*Шикоятсиз — шиквасиз чидаб турмоқми?*

*Йўқса, унга рад-бадал бериб қўзгалмоқ,*

*Қурол олиб ё енгмоқ, ё маҳв бўлмоқми?*

Мен учун шу мисралар етарли бўлди. Жаноб Томас жавоб бериши керак бўлган юз миллион рупий учун ўйналадиган саволни тингланг. Шекспирнинг қайси асарида биз Костард персонажига дуч келамиз? Жавоблар:

А) Қирол Лир

Б) Венеция савдогари

В) Севгининг беҳуда зўрайиши

Г) Отелло

## Харобадан чиққан миллионер

Муסיқа янграйди. Прем Кумарга ифодасиз тикиламан.

– Айтинг-чи, жаноб Томас, нима ҳақида гаплаша-  
ётганимиз ҳақида сизда қандайдир тушунча борми?

– Йўқ.

– Йўқ? Энди нима қилмоқчисиз? Нима бўлган тақдир-  
да ҳам, жавоб беришингиз керак. Танга ташлаб бўлса  
ҳам. Ким билсин, агар омадингиз чопса, яна тўғри жавоб  
бериб юз миллион рупий ютарсиз. Хўш, нима қарорга  
келдингиз?

Миям бўм-бўш бўлиб қолади. Охир-окибат бурчакка  
тақалиб қолишимни билардим. Ўттиз сония ўйлаб олган-  
нимдан сўнг, “Қутқарув кемаси”дан фойдаланишга қарор  
қиламан. Прем Кумар менга савол оҳангида қараб туради.  
Афтидан, у бу ўйинда “Қутқарув кемаси” деган нарса  
борлигини унутиб қўйган. Ниҳоят у ўзига келади.

– “Қутқарув кемаси”? Ҳа, албатта, сизда иккита “Қут-  
қарув кемаси” имконияти мавжуд. Қайси биридан фой-  
даланишни хоҳлайсиз? 50/50 ёки дўстдан ёрдам олиш?

Менинг яна бошим қотиб қолади. Бу саволнинг жа-  
вобини кимдан сўрасам бўлади? Салимнинг фойдаси  
тегмайди, “Жимми” бар эгаси эса маст одам уйига қайтиш  
йўлини қанчалик билса, Шекспирдан шунчалик хабардор.  
Адолат полициядан қанча узоқда бўлса, Дҳавари аҳолиси  
ҳам адабиётдан шунча йироқ. Фақатгина Тимоти Ота бу  
саволни билиши мумкин эди, лекин у ҳам ўлган. 50/50 ни  
танласаммикан? Ишонган тангамни олиш учун чўнтагим-  
га қўлимни солганимда ташриф қоғозига тегиб кетганим-  
дан ҳайратланаман. Унда “Утпал Чаттержи, инглиз тили  
ўқитувчиси, Авлиё Жон мактаби, Агра”, – деб ёзилган ва  
телефон рақами ҳам бор эди. Аввал тушунмадим. Менда  
бундай исмли ҳеч қандай танишим йўқ, бу қоғоз қан-  
дай қилиб келиб қолди? Тўсатдан шифохонадаги воқеа,  
кўзойнакли, ўн олти ёшли ўғли қутуришдан ўлаётган  
киши эсимга тушади. Кутилмаганда инграб юбораман.

Прем Кумар буни эшитиб қолиб менга дарҳол қарайди.

– Кечирасиз, нима дедингиз?

– Шу жанобга қўнғироқ қилиб юбора олмайсизми?  
– деб Прем Кумарга ташриф қоғозини узатаман. – Мен дўстан ёрдам олишни танладим.

Прем Кумар ташриф қоғозини қўлига олиб, дейди:

– Тушунарли, демак, кимдан ёрдам олишни биласиз.

Унинг юзи ташвишли кўринади. Продюсер билан кўз уриштиради, у жавобан қўлини силкиб қўяди. “Кутқарув кемаси” сўзи экранда кўринади. Бизга анимацион қайиқнинг денгизда сузаётгани, сузувчи “Ёрдам”, деб бақираётгани ва қизил кутқарув чамбараги улоқтирилгани кўрсатилади.

Прем Кумар симсиз телефонни стол тагидан олиб, уни менга узатади.

– Мана, хоҳлаган нарсангизни хоҳлаган одамингиздан сўранг. Фақат сизда икки дақиқа вақт бор. Вақт кетди.

Телефонни олиб, рақамни тера бошлайман. Чақирув қўнғироғи чалина бошлайди, Агранинг бошқа бир бурчагида телефон жирингларди. Фақат жирингларди, жирингларди, лекин ҳеч ким жавоб бермасди. Ярим дақиқа ўтади. Студияда жимлик хукмрон. Томошабинлар ташвиш тўла нигоҳ билан менга қараб туради. Улар учун мен циркдаги ҳеч қандай хавфсизлик тўрисииз юқорига кўтарилаётган акробатдан фарқ қилмасдим. Битта хато юриш ва акробат ўлим билан юзлашади. Тўқсон сониядан сўнг мен юз миллион рупийни йўқотаман.

Эндигина гўшакни қўяётганимда кимдир уни кўтаради. Менда атиги бир дақиқа қолган.

– Алло?

– Алло. Жаноб Утпал Чаттержи билан гаплашсам бўладими? – дейман шошилиб.

– Эшитаман.

– Жаноб Чаттержи, мен Рам Муҳаммад Томасман.

– Рам Муҳаммад... нима?

## Харобадан чиққан миллионер

– Томас, сиз менинг исмимни билмасангиз ҳам керак, лекин мен сизга ўглингиз ётқизилган шифохонада ёрдам бергандим. Эсладингизми?

– Вой Худойим. – Тўсатдан унинг гапириш оҳанги ўзгарди. – Мен сизни ўтган тўрт ойдан бери излайман. Қўнғироқ қилганингиз учун Худога шукр. Сиз ўғлимнинг ҳаётини сақлаб қолдингиз, сиз тасаввур қила олмайсиз...

Мен унинг гапини бўламан.

– Жаноб Чаттержи, менинг вақтим кўп эмас. Викторинада қатнашаётган эдим ва менга зудлик билан сизнинг ёрдамингиз керак.

– Ёрдам? Албатта, мен нима хоҳласангиз ҳаммасига тайёрман.

Вақт ўтгиз сониядан кам қолади. Ҳамманинг кўзи девордаги сонияларни санаётган соатда.

– Илтмос, тезроқ жавоб берсангиз. Шекспирнинг қайси асарида Костард персонажига дуч келамиз?

А) “Қирол Лир”

Б) “Венециялик савдогар”

В) “Севгининг беҳуда зўрайиши”

Г) “Отелло”

Сониялар ўтиб боради, Чаттержи эса жим.

– Жаноб Чаттержи, жавобни биласизми?

Атиги ўн беш сония қолганда Чаттержи жавоб беради.

– Билмайман.

Мен қарахт бўлиб қоламан.

– Нима?

– Мени кечиринг, ишончим комил эмас. “Венециялик савдогар” ёки “Отелло” да бу персонажни эслай олмайман. У ёки “Қирол Лир” да, ёки “Севгининг беҳуда зўрайиши” да. Қайси бирида эканини аниқ билмайман.

– Лекин мен фақат битта жавобни айтишим керак.

– Унда “Севгининг беҳуда зўрайиши”ни танланг. Лекин айтганимдек, аниқ билмайман. Ёрдам бера олмаганим учун кечи...

Прем Кумар алокани узиб кўяди.

– Узр, Жаноб Томас, вақтингиз тугади. Жавоб беришингиз керак.

Орка фондаги мусиқа ортиқ ҳаяжонга солмай кўяди. Аксинча, этни жунжиктиради. Чуқур ўйга чўмдим.

– Жаноб Томас, жаноб Чаттержини қанчалик яхши танийсиз? – сўрайди Прем Кумар.

– Мен у билан фақат бир марта кўришганман.

– У яхши ўқитувчимми?

– Билмайман.

– Демак, унинг жавобига ишонасизми ёки ўз ички сезгингиз орқали жавоб берасизми?

Фикримни жамлаб олиб, дейман:

– Мен ички сезгимга кўра жавоб бераман ва у Жаноб Чаттержига ишонишимни айтаяпти. Жавоб В. “Севгининг беҳуда зўрайиши”.

– Яна бир бор ўйлаб кўринг. Унутманг, агар нотўғри жавоб берсангиз, юз миллион рупийни ололмайсиз ва, шунингдек, ҳозиргача ютиб келган ўн миллион рупийни ҳам қўлдан бой берасиз.

– Охирги жавобим В.

– Ишончингиз юз фоиз комилми?

– Ҳа.

– Яна қайтадан сўрайман, юз фоиз аминмисиз?

– Ҳа.

Ноғоралар товуши секин кўтарилади. Тўғри жавоб экранда пайдо бўлади.

– Эй Худойим, жавоб В. Сиз юз фоиз тўғри жавоб бердингиз! – Прем Кумар ўрнидан туриб кетади. – Рам Муҳаммад Томас, сиз бу телевикторинадаги юз миллион рупий ютган биринчи одамсиз. Хонимлар ва жаноблар, сиз тарихий воқеага гувоҳ бўлдингиз! Ҳозир эса кичкина танаффус қиламиз!

Томошабинлар жонланади, ўринларидан туриб, бир дақиқа давомда тўхтовсиз қарсак чалади. Прем

## *Харобадан чиққан миллионер*

Кумарнинг юзидан жаҳли чикиб тургани сезилади. У терга ботганди.

– Хўш, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? – деб сўрайди мендан.


– Ёрдзйд кгкедў ядн эджълзқй! – дейман мен.

Прем Кумарнинг тушунмагани юзидан билиниб туради.

– Кечирасиз, нима дедингиз?

– Ўзимни ажойиб ҳис қиляпман, дедим, – деб жавоб қайтараман ва тепага қарайман.

Гўё Шанкар менга тепадан жилмайиб турарди. Афтидан, маъбуда Дурга бугун мени ёрлақанга ўхшайди.



1,000,000,000

## Ўн учинчи савол

Бизда ҳали ҳам тижорий танаффус. Прем Кумар бир бурчакда узун сочли продюсер билан гаплашяпти. Мен студияга кўз югуртирдим. Ажойиб панель, чироқлар, камералар, юқори технологик овоз тизими... Аудиториядаги кўплаб томошабинлар мени кузатишарди, эҳтимол, хаёлимдан нима ўтаётганига қизиқишаётгандир.

Прем Кумар маслаҳатлашишни тўхтатиб, мен тарафга кела бошлади. Унинг юзида шум табассум намоён.

– Томас, шу пайтгача 11 та саволга қандай жавоб топишни уддалаганингни билмаймиз-ку, лекин охириги саволга жавоб топа олмаслигинг аниқ.

– Кўрамиз.

– Йўқ, мен кўраман. Ютқазिशга тайёрлан, – деди Прем Кумар ва жойига ўтирди.

Студия таблосида “Олкишлар” деган ёзув пайдо бўлди. Қарсақлар чалина бошлади. Аудиторияда баланд овозда қарсақ чалинарди. Прем Кумар камерага қараб шундай деди:

– Хонимлар ва жаноблар, биз тарихий лаҳза арафасида



## *Харобадан чиққан миллионер*

турибмиз, нафақат бу викторина учун, балки бутун келажак авлод учун оламшумул бўлган воқеа арафасида. Мумбайлик 18 ёшли официант йигит Рам Мухаммад Томас бу викторинага бошқа иштирокчиларга нисбатан ўйинда анча узоқ босқичга кўтарилди. Агар у охириги финал саволига тўғри жавоб берса, ҳали тарихда бўлмаган энг катта жекпот, яъни бир миллиард рупий ютиб олади. Агар жавоб беролмаса, у 60 секундда йўқотиш мумкин бўлган энг катта сумма — бир миллион рупийни бой берган ягона одамга айланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у тарихда қолади. Шунинг учун миянгизни ортикча нарсалардан тозалаб, мен билан бирга бугунги иштирокчимиз жаноб Рам Мухаммад Томас билан чин дилдан яна бир бор саломлашинг.

Студия таблоси “Олқишлар” белгисига ўзгарди. Ҳамма, ҳатто Прем Кумар ҳам ўрнидан туриб қарсақ чалишни бошлади.

Мен КМҶОнинг тактикасини хурмат қилишга мажбур эдим. Викторинадан бир тийинсиз ҳайдаб юборилишимдан олдин байрам қиялман. Худди кўзичокдай сўнгги саволда сўйилиш учун хушомад билан боқиялман. Ниҳоят мен кутган ва кўрққан он ҳам келди. Чуқур нафас олиб, тақдиримга тик боқдим.

– Хонимлар ва жаноблар, мен сўнгги – 12-саволни, бир миллиард рупий учун, Ер юзидаги энг катта ютук учун ўйналадиган саволни бериш арафасидаман. Ва эслатиб ўтаманки, биз ҳали ҳам “Ўйна ёки Тўла” режимидамиз, демак, ҳаммаси ютиб олинади ёки ютқазилади. Ортикча гапирмасдан, сиз учун сўнгги саволни ўқийман, жаноб Томас. Бу савол... тарих варақларидан олинган! Биз ҳаммамиз биламизки, Мумтоз Маҳал император Шоҳжаҳоннинг рафиқаси бўлган ва у рафиқаси шарафига дунёга машҳур Тож Маҳални курдирган. Сиз эса Мумтоз Маҳалнинг отасининг исмини айтишингиз керак. Жаноблар:

- А) Мирза Али Кули Бек
- Б) Сирож уд-Давла
- В) Осафхон
- Г) Абдурахим хони Хонон

Яхшилаб ўйлаб, жавоб беринг, жаноб Томас. Унутманг, сиз тарихий воқеа арафасида турибсиз. Сизга ўйлаб олишингиз учун вақт берамиз, бизда эса яна бир бор тижорий танаффус. Хонимлар ва жаноблар, ҳеч қаерга кетиб қолмаслигингизни сўраб қоламан.

Студия таблоси “Олқишлар” белгисига ўзгаради. Яна қарсақлар овози эшитила бошлайди ва кўрсатув мусиқаси янграйди.

Прем Кумар менга қараб жилмаяди.

– Сени тушуняпман, шекилли. Агар ўрта асрлар тарихи бўйича магистр даражанг бўлмаса, бу саволга тўғри жавоб беришдан умид қилмасанг ҳам бўлади. Шундай қилиб, ҳозиргина ютган 100 миллион билан хайрлашиб, официантлигингни давом эттириш учун тайёрлан. Ким билсин, эҳтимол, эртага Жиммининг барига ташриф буюрарман. Менга нима келтирасан? Сарийёгли жўжа ва кўзичоқ гўштидан виндалуми?

У кулади. Мен ҳам унга кўшилиб куламан.

– Тўғри, менда тарих бўйича магистрлик даражаси йўқ, лекин мен бу саволнинг жавобини биламан.

– Нима? Ҳазиллашяпсан, тўғрими?

– Йўқ, ҳазиллашмаяпман. Тўғри жавоб – Осафхон.

Прем Кумар ваҳимали тарзда қаради.

– Қанақасига? Қаердан биласан?

– Икки йил мобайнида Тож Маҳалда гид бўлиб ишлаганман.

Прем Кумарнинг юзи кўкариб кетади. Биринчи марта у менга кўркув билан қаради.

– Сен... сен қандайдир сеҳр-жоду қиляпсан, ишончим комил бунга, – дейди ва продюсер томон югуриб кетади.

## Харобадан чиққан миллионер

Улар ўзаро пичирлашишади. Прем Кумар бир неча бор менга қараб имо-ишора қилади. Кейин кимдир қалин китоб олиб келади ва уни тита бошлашади. Ўн дақиқа ўтади. Томошабинлар безовталана бошлайди. Ва ниҳоят, Прем Кумар ўз ўрнига қайтиб ўтиради. Унинг юз ифодаси хотиржам бўлса ҳам, лекин ич-ичидан жахли чиқаётганига ишончим комил.

Студия таблосида “Олқишлар” деган ёзув кўринади ва кўрсатув мусиқаси янграйди.

– Хурматли хонимлар ва жаноблар, қисқа танаффусдан аввал мен Мумтоз Маҳалнинг отасининг исмини сўраган эдим. Ўйлашимча, ҳаммангиз бу финал саволи деб ўйладингиз, лекин ундай эмас.

Томошабинлар ҳам, мен ҳам ҳайратда қоламан. “Улар бошқа савол беришмоқчимиз?” Нафасим бўғзимга тикила бошлайди. Прем Кумар сўзини давом эттиради.

– Бу нафақат охирги савол, балки савол ҳам эмас эди. Биз кўрсатувимиз ҳамкорларидан бири бўлган Мумтоз чойи учун реклама ролиги олаётган эдик. Шунинг учун биз сохта савол беришга мажбур бўлдик.

Томошабинлар ўзаро шивирлаша бошлайди. Кулги кўтарилади. Кимдир шунда “Сиз бизни росмана аҳмоқ қилдингиз, жаноб Кумар” дея бақиради. Орага сукунат чўқади. Студия яна “Олқишлар” ишорасини беради.

Юзига табассум югурмаётган ягона одам – мен. Чунки кўрсатув эгалари фирибгарлик қилаётганини билиб турибман.

Студия таблосида “Тинчлик сақлансин” ишораси берилди. Прем Кумар камерага қараб гапирди.

– Хонимлар ва жаноблар, мен ҳозир сизга 12-саволни, яъни Ер юзидаги энг катта ютуқ – бир миллиард рупий учун ўйналадиган саволни бермоқчиман. Ва эслатиб ўтаманки, биз ҳали ҳам “Ўйна ёки Тўла” режимидамиз. Демак, ҳаммаси ютиб олинади ёки ютқазилади. Ортиқча гап-сўзларсиз, сиз учун охирги савол, жаноб Томас, ғарбий классик мусиқа оламидан! Бетҳовеннинг 29-сонатаси

106-опуси, шунингдек, “Ҳаммерклавир соната” номи билан ҳам машҳур асари қайси тоналликда чалинади?

- А) Си-бемоль мажор
- Б) Соль минор
- В) Ми-бемоль мажор
- Г) До минор

Яхшилаб ўйлаб жавоб беринг, жаноб Томас. Унутманг, сиз тарихий воқеа арафасида турибсиз. Жавобингизни ўйлаш учун етарлича вақт керак, биз эса яна бир бор тижорий танаффус қиламиз. Хонимлар ва жаноблар, ҳеч қаерга кетиб қолмаслигингизни сўраб қоламан.

Таблодаги ёзув “Олқишлар”га ўзгаради. Прем Кумар менга айёрона тиржайиб қарайди. Томошабинлар ўзаро суҳбатлаша бошлайди.

- Ҳозир келаман, – деб Прем Кумар ўрнидан туради.
- Ҳожатхонага боришим керак, – деб мен ҳам тураман.

– Мен билан бирга борганингиз маъқул, – дейди у. – Қоидага кўра, иштирокчилар кузатувда бўлиши керак.

Мен студиянинг флуоресценция билан ёритилган ҳожатхонасидаман. У ниҳоятда тоза. Кафеллар оппоқ. Деворларга катта кўзгулар қўйилган ва ҳеч қандай ёзувлар ҳам, расмлар ҳам йўқ.

Ҳожатхонада Прем Кумар ва мендан бошқа ҳеч зот йўқ. Пешоб чиқараётган вақтда у хуштак чалади. Кейин мен унга қараб турганимни пайқайди.

– Нега серрайиб турибсан? Охирги савол шунчалик қийинлигидан қандай ҳожат чиқаришни унутиб қўйдим демагин фақат. У бошини орқага ташлаб кулди. – Бундай яқун топиши жуда ачинарли. Лекин менинг ёрдамимсиз анча вақт аввал — иккинчи саволнинг ўзидаёқ бу ердан ҳайдалиб кетган бўлардинг. Бу дегани минг рупий билан уйингга равона бўлишинг керак эди. Хўш, келишиб оламизми? Эртага сен ишлайдиган ресторанга борсам, 1000 рупий чойчақа беришга ваъда бераман. Менга ишонишинг мумкин, – дея у яна истехзо билан кулди.

## Харобадан чиққан миллионер

– Иккинчи саволга жавобни айтиб, менга эмас, балки ўзингизга яхшилик қилдингиз, – дедим мен.

Прем Кумар менга кескин қаради.

– Бу нима деганинг?

– Айтмоқчиманки, жаноб Прем Кумар, мен сизнинг кўрсатувингизга пул ютиш учун келганим йўқ. Умуман бошқа мақсадда келдим. Мен бу ерга қасос олгани келдим.

Прем Кумарнинг қилаётган иши ўртасида тўхтаб қолади. У дарҳол шимининг сурмасини тақиб, менга қарайди.

– Қанақа қасос? Нима демоқчисан? Кимдан қасос оласан?

– Сиздан, – дедим кўрслик билан.

Ортга қадам ташлаб, шимимнинг орқа чўнтагидан курул чиқардим. У жуда кичкина, ихчам, муштимдан катта бўлмаган револьвер эди. Уни маҳкам ушлаб, Прем Кумарга ўқталдим. Унинг юзидан қон қочди.

– Сиз... сиз адашяпсиз, жаноб Томас. Биз илгари ҳеч қачон кўришмаганмиз, — деди у зўрға пичирлаб.

– Йўқ, сиз адашяпсиз. Биз бир марта Нилима Кумарининг уйи олдида кўришганмиз. Саҳар пайти эди. Сиз жинси шим ва оқ кўйлақда, қонга тўлган кўзлар ва ювилмаган сочлар билан чиқиб келгандингиз. Қўлингизда Нилимадан тортиб олган бир даста пулни кўтариб, бармоғингизда машина калитини айлантираётган эдингиз. Сиз унинг ҳаётини вайрон қилдингиз. Аммо бу билан кифояланмадингиз. Сиз менинг севиқли Нитамга ҳам шундай қилдингиз.

– Нита? – Унинг қоши кўтарилади. – Бундай исмни ҳеч қачон эшитмаганман.

– У Аграда сизнинг шарофатингиз билан ўлишига оз қолган, – курулни унга қаттиқроқ тирайман. – Энди эса сизнинг навбатингиз.

Прем Кумар безовталаниб кўлимга қаради. У бироз вақт ҳаракатсиз қотиб қолди.

– Агра дедингизми? Аграга неча ойдан бери бормайман.

– Келинг, эслашингизга ёрдам берай. Сиз тўрт ой аввал “Palace” меҳмонхонасида тунаб қолгансиз ва хонангизга бир қизни чақириб, уни боғлаб қўйгансиз. Кейин эса шафқатсизларча калтаклаб, худди Нилимага қилганингиздек, у қизни ҳам сигарет чўғи билан куйдиргансиз.

Унинг лаблари титрайди, кейин эса буришади.

– Худо ҳаққи, у фоҳиша эди. Мен унга беш минг रुपий тўлагандим. Унинг ҳатто исмини ҳам билмасдим.

– Унинг исми Нита, – дея қуролни кўтараман.

Прем менга қараб ялина бошлади.

– Йўқ... Йўқ... – дея ёлворади. Ортга қадам ташлайди. Унинг ўнг оёғи очиқ канализацияга тиқилиб қолади. – Отманг, қўлингиздагини ташлаб юборинг, илтимос. У оёғини чиқариш учун гапиришдан тўхтади.

Қуролни унинг юрагига тўғрилаб тирайман. Унинг титраётгани яққол сезилиб туради.

– Мен Нита учун қасос оламан, деб ўзимга сўз бергандим. Лекин сизни қаердан топишни билмасдим. Бир куни Аградаги газета рекламасини кўриб қолдим. Унда сизнинг маймундай тиржайиб турган башарангиз одамларга Мумбайдаги викторинага қатнашишни таклиф қилиб турарди. Мен шунинг ортидан келдим. Мен сизни жавоб бера олмаган биринчи саволимнинг ўзидаёқ отиб ташлашим мумкин эди, аммо мўъжизавий тарзда мен ҳамма саволларга бирма-бир жавоб бердим. Иккинчи савол жавобини айтиб эса менга яхшилик қилмадингиз, балки сиз ўз умрингизни бироз муддатга узайтирдигиз, холос. Лекин энди қутула олмайсиз.

– Менга қулоқ солинг, – деб ёлворади Прем Кумар. У энди кичкиради. – Нилимага нисбатан ёмон муносабатда бўлдим, Аградаги ўша фоҳишага нисбатан ҳам кўпол муносабатда бўлганман. Лекин мени отиб, нимага

## *Харобадан чиққан миллионер*

эришасиз? Пулингизни ололмайсиз. Куролни ҳозирок ташласангиз, сизга ваъда бераманки, бош совринни ютасиз. Ўйлаб кўринг, сизга ўхшаган официант учун тушдек кўринган өрзу, яъни катта бойликка эга бўласиз.

Мен масхараомуз куламан.

– Шунча бойликни бошимга ураманми? Охир-оқибат, одамга кафан учун атиги олти фут мато керак бўлади.

Унинг ранги оқара бошлайди ва ўзини ҳимоя қилиш учун кўлини кўтаради.

– Илтимос, тепкини босманг. Кулоқ солинг, мени ўлдирган заҳоти ҳибсга олинасиз. Кейин сизни осишади. Сиз ҳам ўласиз.

– Хўш, нима бўлибди? Менинг шу пайтгача яшаб юрганимга ягона сабаб қасос эди.

– Вазиятни яхшилаб ўйлаб кўринг, Томас. Мен қолган умрим билан ваъда бераманки, сизга охирги саволнинг жавобини айтаман. Сиз кўрсатувнинг мутлак голиби бўласиз.

– Мен викторинага қайтмайман ва, албатта, сиз ҳам қайтмайсиз, – деб хавфсизлик ушлагичини олиб ташлайман.

Прем Кумарнинг жасурлиги чилпарчин бўлади. Мен унинг кўрқоқлигини кўраман. У орқасидаги деворни ушлаб, кўзларини чирт юмиб олади. Тўрт ойдан бери кутган онларим ниҳоят келади. Мен Прем Кумарга курол тираб турибман. Курол тайёр ҳолда. Мен уни бир марта синаб кўрганман. Ўқ отилганда куролнинг орқага силжиб кетиш эҳтимоли жуда паст. Ҳар қандай ҳолатда ҳам нишонга олишда адашмайман.

Тепкини қаттиқроқ босишга ҳаракат қиламан, лекин қанчалик кўп ҳаракат қилсам, шунчалик кўп қаршиликка дуч келаман. Бармоғим тошга айланаётгандек.

Фильмларда одам ўлдиришни шарни ёриш каби осондек кўрсатишади. Пақ, пақ, пақ... Одамлар фильмда

худди сўнгги ўкни отаётгандек курулдан ўк отишади. Биз чумолиларни эзиб ташлаганимиздек, улар одамларни ўлдирадилар. Ҳатто ҳаётида ҳеч қачон курул кўрмаган янги қаҳрамон ҳам беш юз фут узокликда жойлашган уйнинг ичидаги ўнта ёвуз қаҳрамонни отиб ўлдиришга қодир. Лекин ҳаётда умуман бошқача экан. Курулни олиб, кимнингдир юзига қаратиш осон. Аммо ҳақиқий ўк ҳақиқий юракка тегиши ва қизил суюқлик помидор кетчуп эмас, балки қон бўлишини билсангиз, икки марта ўйлашга мажбур бўласиз. Одам ўлдириш осон эмас. Сиз аввал миянгни ўчириб кўйишингиз керак. Маст ҳолда ва жаҳл чиққан пайтда буни қилиш мумкин.

Шунинг учун мен имкон қадар ғазабимни жамлашга ҳаракат қиламан. Ҳаётимда мени шу лаҳзагача олиб келган ҳамма нарсани эслайман. Нилима Кумари ва Нитанинг суратлари ҳаёлимдан ўтади. Нилиманинг танасидаги сигаретдан қолган қорамтир куйиш излари, Нитанинг орқасидаги қизил доғлар, юзининг моматалоқ бўлиб кетгани, кўкариб чиққан кўзлари ва жағи кўз олдига келади. Лекин ғазабим ошиши ўрнига қайғу ҳисси бутун танамни қамраб олади, курулдан ўк чиқиш ўрнига кўзимдан ёш чиқаётганини сезаман.

Мен бошқа томондан ғазабимни оширишга ҳаракат қиламан. Мен эшитган, бошдан кечирган ва чидаган барча ҳақоратлар, азоб-уқубатлар ва хўрликлар ҳақида ўйлайман. Мен билган энг меҳрибон инсон — руҳоний Тимоти Отанинг қонга ботган жасади ва мен учратган энг кўнгли очик бола Шанкарнинг букилган жасади кўз олдига келади. Свапна Деви, Шангарам ва Маманнинг тасвирлари миямдан ғувиллаб ўтади. Мен шу ҳистуйғуларнинг барини тепкини босадиган сониямга сиғдиришга уринаман. Уринишларимга қарамай, барча бахтсизликларим учун айбни рўпарамдаги одамга юклай олмайман. Унинг ўлимига асос бўладиган даражада ғазаб отига минмаган эдим.



## Харобадан чиққан миллионер

Шуни тушундимки, бор кучим билан ҳаракат қилсам ҳам, совуққонлик билан одам ўлдира олмас эканман, ҳатто Прем Кумар каби йиртқичларни ҳам.

Қуролни пастга тушираман.

Буларнинг барчаси ярим дақиқа ичида содир бўлади. Прем Кумар бунга кўзларини чирт юмган ҳолда чидайди. Ўқ овозини эшитмагач, бир кўзини очади. У худди ит каби терлаб кетган. Қўлимдаги тўппонча ва юзимдаги қатъиятсизликни кўриб, менга маъносиз тикилади.

Ниҳоят у иккала кўзини очади.

– Ҳаётимни сақлаб қолганингиз учун раҳмат, Томас, – дейди у хансираб. – Мехр-шафқатингиз эвазига мен сизга охирги саволнинг жавобини айтаман. Сиз аллақачон адолатли ва тўғри ғалаба қозонгансиз. Мумтоз Маҳал ҳақидаги савол ҳақиқатан ҳам охирги савол эди ва сиз жавобни тўғри топгандингиз. Ҳозир эса мен сизга янги саволнинг жавобини айтаман.

– Охирги дақиқада фикрингиз ўзгариб қолмаслигига қандай қафолат берасиз?

– Қуролингизни олиб қўйинг. Ишонинг, у сизга керак бўлмайди, чунки мен чин дилдан бош мукофотни ютишингизни хоҳлайман. Миллиард рупийнинг ҳаммасини нақд оласиз.

Биринчи марта бу пуллар менда қизиқиш уйғотади. Бир миллиард билан мен кўп нарсага эриша оламан. Нита учун эркинлик сотиб оламан. Салимнинг юлдуз бўлиш орзусини рўёбга чиқара оламан. Менга ўхшаган минглаб етим ва кўча болаларининг ҳаётини ўзгартира оламан. Чиройли қизил “Ferrari” ҳам сотиб олишим мумкин. Мен қотилликни нари суриб, бир миллиард рупийни танлайман.

– Хўп, жавоб нима? – сўрайман.

– Сизга айтаман, – дейди Прем Кумар. У оёқларига қараб, тўхтаб қолади.

– Нима муаммо?

– Агар сизга жавобни айтсам, шартномани ва викторина қоидаларини бузган бўламан. Соврин бекор қилиниши мумкин. У секин бош чайқади. – Йўқ, мен сизга жавобни айтмайман.

Мен доводи раб қоламан.

Премнинг юзида кулги югура бошлайди.

– Мен сизга жавобни айта олмайман, лекин шартномада ишора бериш мумкин эмас, деган жойи йўқ. Дикқат билан тингланг. Викторинадан сўнг дарҳол поезд станциясига бораман. Поездга ўтираман. Аллоҳобод, Барода, Сочин ва Дехлида дўстларим яшайди. Лекин мен фақат биттасиникига боришим мумкин. Мен Аллоҳободга бориб, Сангамда чўмилиб, ҳамма гуноҳларимни ювмоқчиман. Шунга нима дейсиз?

– Яхши фикр, – дейман бош ирғаб.

Биз ҳожатхонадан чиқамиз ва ўз жойларимизга жойлашамиз. Прем Кумар безовта кўринади. Мен у сўзида туриш ёки турмаслиги ҳақида ўйлайман. Ўтиришим билан ҳамма қарсақ чалади. Куролим чўнтагимда нокулай жойлашиб қолади. Кўлимни унинг устига қўйиб оламан.

Таблода “Тинчлик сақлансин” ишораси кўринади. Прем Кумар менга қарайди.

– Жаноб Рам Муҳаммад Томас, танаффусдан аввал мен сиздан охириги, ўн иккинчи саволни, яъни бир миллиард учун ўйналадиган саволни сўраган эдим. Саволни яна қайта эслатиб ўтаман. Бетҳовеннинг 29-сонатаси 106-опуси “Ҳаммерклави́р Соната” номи билан ҳам машҳур. У қайси тоналлиқда ёзилган?

А) Си-бемоль мажор

Б) Соль мино́р

В) Ми-бемоль мажор

Г) До мино́р

Жавоб беришга тайёرمىсиз?

– Йўқ.

– Йўқми?

– Мен саволга жавобни билмайман, демоқчиман.

## Харобадан чиққан миллионер

Камера менинг юзимни яқинлаштиради. Томошабинларнинг хўрсингани эшитилади.

– Хўш, жаноб Томас, аввал айтганимдек, сиз тарих бўсағасида турибсиз. Биргина жавоб сизни тасвирлаб бўлмас омад ва бойликка етаклайди ёки осонлик билан бошлаган жойингизга олиб бориб кўяди. Агар таваккал қилмоқчи бўлсангиз, яхшилаб ўйлаб жавоб беринг. Сиз ёки ютқазасиз, ёки ҳаммасини ютиб оласиз. Бу ҳаётингиздаги энг муҳим қарор бўлади.

– Мен “Кутқарувчи қайик” имкониятидан фойдаланмоқчиман.

– Демак, ҳозир сизда битта ёрдам олиш имконияти қолган ва бу 50/50 ёрдами. Шундай қилиб, биз иккита нотўғри жавобни олиб ташлаймиз ва шунда битта тўғри жавоб, битта нотўғри жавоб қолади. Сизда тўғри жавобни топишингиз учун 50/50 имконият бор.

Экранда “Кутқарувчи қайик” сўзлари пайдо бўлади. Денгизда ҳаракатланаётган анимациялаштирилган қайик, “Ёрдам” деб бақираётган сузувчи ва қизил кутқарув чамбараги ташлангани кўрсатилади. Кейин тўлиқ савол яна қайтадан кўрсатилади ва иккита вариант йўқолиб, фақат А ва В вариантлар қолади.

– Жавоб беришингиз мумкин, – дейди Прем Кумар. – А ёки В. Тўғри жавобни айтинг ва тарихдаги энг биринчи бир миллиард рупий ютиб олган одамга айланинг. Агар нотўғри жавоб берсангиз, тарихга бир дақиқадан ҳам кам вақт ичида юз миллионни йўқотган одам бўлиб кирасиз. Хўш, нима қарорга келдингиз?

Мен омадли бир рупийлик тангамни оламан.

– Бош тарафи тушса, А жавоб танлайман, орқа тарафи тушса, В. Нима дейсиз?

Томошабинлар менинг жасоратимдан ҳайратланишади. Прем Кумар бош ирғайди. Унинг кўзларида чакнаш пайдо бўлади.

Тангани отаман.

Секинлаштирилган кадрда ҳамма кўзлар танга билан

ҳаракатланади. У тарихда миллиард пул учун ўйналган ягона бир рупийлик танга бўлса керак. У столга тушади ва тўхташдан аввал бироз айланиб туради. Прем Кумар тангадан кўзини узмайди ва “Бош тарафи” дея эълон қилади.

– Ундай бўлса, жавобим А.

– Ишончингиз юз фоиз комилми, жаноб Томас? Ҳали ҳам В вариантыни танлашингиз мумкин.

– Отилган танга менинг жавобимни белгилади. Жавобим – А вариант.

– Мутлақо, юз фоиз аминмисиз?

– Ҳа.

Барабанлар овози эшитилади. Экранда тўғри жавоб охири марта эълон қилинади.

– Жавоб А! Мутлақо, юз фоиз тўғри! Жаноб Рам Муҳаммад Томас, дунёдаги энг катта жекпотни ютиб, тарих саҳифаларидан жой олдингиз. Бир миллиард рупий, ҳа, бир миллиард сизники ва бу сизга тез орада тўлаб берилади. Хонимлар ва жаноблар, илтимос, ғолибимизни гулдурас қарсақлар билан табриклашингизни сўраб қоламан.

Шифтдан зарлар туша бошлайди. Қизил, яшил, кўк ва сариқ чироклар бутун сахнани қуршаб олади. Деярли икки дақиқа давомида ҳамма тик турган ҳолда қарсақ чалиб кутлайди. Ҳуштаклар ва хайқириқлар товуши тўлиб, зални қамраб олади. Прем Кумар сеҳргарлардек таъзим қилади. У менга айёрона кўз қисиб кўяди. Мен қайта кўз қисмайман.

Тўсатдан продюсер минбарга келади-да, Прем Кумарни ўзи билан олиб кетади. Улар асабийлашиб суҳбатлашади.

Хьюстон, бизда муаммо бор.

\* \* \*

Смита соатига қарайди ва ўрнидан туради.

– Ҳа-а-а, ўзи ҳам викторинамисан викторина,

## *Харобадан чиққан миллионер*

хикоямисан хикоя бўлди! Мана энди бир миллиард рупийни қандай ютиб олганингизни биламан. Танга айлантириш бу шунчаки викторина учун эди, шундайми? Сиз жавобни аллақачон билгансиз.

– Ҳа. Лекин ютуққа арзишим ёки арзимаслигимни сиз ҳал қиласиз. Мен сиздан ҳеч нарсани яширмадим. Ҳамма сирларимни айтдим.

– Менимча, сиз ҳам менинг сирларимни билсангиз, ҳаммаси адолатдан бўлади. Менинг кимлигим ва нега тўсатдан полиция маҳкамасига кириб борганимга ҳайрон бўлгандирсиз?

– Ҳа, лекин мўъжизани муҳокама қилмасликка қарор қилдим.

– Томас, мен Гудияман, сен чоулда ёрдам берган қизман. Отамни ўлим томон итариб юборганингдан пушаймон бўлма. У шунчаки оёғини синдирди ва шу биргина ҳаракат унинг миясини тўғрилаб қўйди. Шундан кейин у менга қайта тегажоғлик қилмади. Сендан ҳаммаси учун қарздорман. Сени узоқ изладим, лекин тополмадим. Кейин кеча газетада исмингни кўриб қолдим. Унда ёзилишича, Рам Муҳаммад Томас исмли болани полиция қамоққа олибди. Мен фақат битта Рам Муҳаммад Томас бўлиши мумкинлигини билардим ва полиция маҳкамасига қараб югурдим. Шунчаки, буни қарзимнинг жуда оз миқдорда тўлови деб қабул қил.

Мен ҳис-гуйғуларга берилиб кетаман. Смитанинг қўлидан ушлаб, суяк-суягигача ҳис қиламан ва кўз ёшларим тўкила бошлайди. Уни бағримга босаман.

– Мени топганингиздан жуда хурсандман. Менинг энди ҳам адвокатим, ҳам дўстим ва ҳам опам бор.

– Сенинг барча муаммоларинг энди меники ҳам, Рам Муҳаммад Томас, – дейди Смита кўзларида қатъиятли ишонч билан. – Мен сен учун худди ўзим учун курашган-дек курашаман.

# Хотима

Ҳаётимдаги энг узун тундан бери 6 ой ўтди.

Смита ўз сўзида турди. Худди она ўз фарзанди учун қандай курашса, мен учун ҳам у шундай курашди. Дастлаб у полицияга мурожаат қилди ва мени хибсга олиш учун ҳеч қандай асос йўқлигини уларга исботлади. У, шунингдек, поезддаги ўлган ўғрилар тўдаси аъзоси ҳақида ҳатто ҳеч кимнинг хабари йўқлигини ва ҳеч қандай тергов бўлмаганини аниқлади. Шу тарзда, номсиз тўда аъзоси ҳатто ўлгандан кейин ҳам номсизлигича қолди.

Кейин Смита викторина компанияси билан боғланди. У ердагилар мени ёлғончилик ва фирибгарликда айблаб, пўписа қилди, лекин Смита видеотасма ўйинда қонуний йўл билан ғолиб бўлганимни кўрсатаётганини исботлаб берди. Тўрт ой давом этган шов-шувлардан сўнг компания менга бош мукофотни тўлашдан бош тортишга ҳеч қандай асоси йўқлигини тан олди.

Мен бир миллиард рупийнинг ҳаммасини олмадим. Озгина кам экан. Ўша оз қисми ҳукуматга “ўйин учун солиқ” сифатида ўтибди. КМЮО викторинасини суратга оладиган компания катта тўловни амалга оширгач, инкирозга учради. Шунинг учун мен бу викторинанинг биринчи ва охири ғолиби бўлдим.

Икки ой бурун Прем Кумар вафот этди. Полициянинг хабарига кўра, у машинасида ўзини газ билан заҳарлаб ўлдирган. Аммо матбуотда суиқасд ҳақидаги фактлар бузиб кўрсатилгани шаъма қилинган эди. Менимча, викторинани молиялаштирган каллакесарлар Прем Кумардан қасд олишган.

## *Харобадан чиққан миллионер*

Орзуларингиз фақат ўз онгингиз устидан ҳукмронлик қиладиган бир пайтда пул билан бошқаларнинг онгини бошқариш мумкинлигини илгаритдан билардим. Ютукни қўлга киритганимдан кейин пул билан ҳатто полицияни ҳам бошқара олишимни англадим. Шундай қилиб, мен ўтган ой катта отряд ҳамроҳлигида Горегаонга бордим ва ҳовлисига иккита пальма дарахти экилган катта эскирган бинони топдим. Полиция беш кишини қамоққа олди ва 30 нафар ногирон болани озод қилди. Ҳозирда уларнинг барчасини Халқаро болаларни ҳимоя қилиш агентлиги қарамоғига олган.

Лажванти ўтган ой озодликка чиқди ва у ҳозир мен билан Мумбайда яшаяпти. Аникроғи, у ўтган ҳафта Дехлида сингиси Лакшмининг тўйини ўтказиб қайтди. Лакшми Ҳиндистон маъмурий хизматларидаги юқори даражали офицерга турмушга чиқди. Куёвнинг оиласи сеп учун ҳеч нарса талаб қилмади, аммо Лажванти сингиси учун “Toyota Korolla” машинасини, 32 дюмли “Sony” телевизор, 20 та Раймонд костюми ва бир кило тилла тақинчоқ берди.

Салим эса режиссёр Чимпу Дҳаваннинг бир комедик фильмида 17 ёшли коллеж ўқувчиси ролини ўйнапти. У ҳозирги кунларда “Маҳбуб” студиясида суратга олиш ишлари билан банд. У Муҳаммад Бҳат исмли одамни продюсер деб ўйлайди, лекин аслида продюсер менман.

Муҳаббатга келадиган бўлсак, уни Мумбайда учратдим. Севгилим Нита ҳозир қонуний рафиқамга айланиб, Муҳаммад Томас фамилиясини олган.

Марин Драйв ёқалаб Смига билан сайр қилар эканман, ёқимли насим эсар, гоҳ-гоҳ улкан тўлқинлари бир-бирига тўқнашиб, қоятошларга урилаётган океандан сув томчиларини олиб келарди. Эгнига коржомга кийган ҳайдовчи “Mercedes Benz”да жудаям секинлик билан, шиллиқурт тезлигида масофани сақлаган ҳолда бизга

эргашиб келарди. Машинанинг оркасига ғалати ёрлик ёпиштирилган. Унда “Феррарийим ҳам бор” деб ёзилган.

– Сиздан бир нарсани сўраш учун кутиб тургандим, – дедим Смигага.

– Нимани?

– Ўша кеча мени полиция маҳкамасидан кутқариб олганингизда, нега менга дарҳол Гудия эканингизни айтмадингиз?

– Чунки ҳикояни тўлиқ эшитмоқчи ва ҳақиқатни билмоқчи эдим. Сен қаршингда эканимни англамасдан, ўтмишингни айтаётганингда фақат ва фақат ҳақиқатни гапирганингга ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун мен сенга энг бошида қасам ичишим шарт эмас деб айтган эдим. Сен менинг гувоҳим бўлганингдек, мен ҳам сенинг гувоҳинг эдим.

Мен тушунганимни билдириб, бош ирғаб кўйдим.

– Мен ҳам бир нарса сўрасам майлими? – деди Смига.

– Албатта.

– Ўша кеча, мен сени уйга олиб келганимда, ўтмишинг ҳақида айтишингдан аввал тангани олдинг. Сабаби нима?

– Сизга ишониш ёки ишонмаслик хусусида ишончим комил эмас эди. Танга ташлаш менинг қарор қабул қилиш усулим эди. Бош тарафи тушса, сизга ҳаммасини айтиб беришим, тескари тарафи тушса, жимгина хайрлашим лозим эди. Танга ерга бош тарафи билан тушди.

– Агарда бошқа тарафи тушганда, ҳикоянгни айтмасмидинг?

– Бошқа тарафи тушмасди.

– Сен омадга шунчалик ишонсанми?

– Бунинг омадга алоқаси йўқ. Мана, қаранг.

Мен 1 рупийлик тангани олдим ва унга бердим. У тангага қаради, айлантириб кўрди. Қарасаки, иккала тарафи ҳам бир хил.



## *Харобадан чиққан миллионер*

– Тўғри, у менинг омад келтирадиган тангам, лекин аввал айтганимдек омадим бунга умуман боғлиқ эмас.

Мен ундан тангани олдим ва юкорига қараб отдим. У айланиб, айланиб, океанга оҳиста тушиб, тубига чўкиб кетди.

– Нима учун омадли тангангни ташлаб юбординг?

– Энди унинг кераги йўқ. Чунки омад менинг ичимда.

Ўзбек кирилл алифбоси	Шанкарнинг алифбоси
Аа	Ққ
Бб	Ўў
Вв	Ғғ
Гг	Аа
Дд	Хх
Ее	Бб
Ёё	Вв
Жж	Гг
Зз	Рр
Ии	Дд
Йй	Ее
Кк	Ёё
Лл	Жж
Мм	Зз
Нн	Йй
Оо	Кк
Пп	Лл
Рр	Мм
Сс	Нн
Тт	Оо
Уу	Пп
Фф	Ии
Хх	Сс
Цц	Тт
Чч	Чч
Шш	Уу
Ъъ	Фф
Ьь	Хх
Ээ	Цц
Юю	Шш
Яя	Ъъ
Ўў	Ьь
Ққ	Ээ
Ғғ	Юю
Хх	Яя

**Сарлавҳа (251-бет):**

Бир муҳаббат қиссаси – Ўдм зпьякўўқо эдннкнд

**Шанкар Ражу/Рамни Свапнанинг саройига олиб боради (260-бет):**

Ҳа, мен яхши бир жойни биламан. – Яқ, збй ўсуд ўдм гкейд ўджкзқй.

Юрақол. Мен яхши бир жойни биламан. – Шмкэж. Збй ўсуд ўдм жкейд ўджкзқй.

Ортимдан юр. – Кмодзхқй шм.

Унга хона керак экан. – Пйақ сқйқ ёбмкё цёқй.

**Шанкар Свагна Девини кўради (261-бет):**

Сизни яхши кўраман, ойижон. – Ндрйд ўсуд ёъмқзқй, кедгкй.

**Ражу/Рам туш кўради (266-бет):**

Сени яхши кўраман, болам. – Нбйд ўсуд ёъмқзқй, ўкжқз.

**Тўйни маслаҳат қилаётганда (269-бет):**

Менга бола ёқди. – Збйақ ўкжқ вэхд.

Мен Лажвантини яхши кўраман. – Збй Жқғқйодйд ўсуд ёъмқзқй.

**Биринчи марта полиция келганида (283-бет):**

Менинг исмим Шанкар. – Збйдйа дндзз Уқйёкм.

Шанкар. – Уқйёкм.

**Шанкар жароҳатланганда (285-бет):**

Мени кучук тишлаб олди. – Збйд ёпчпё одужқа южхд.

Анави кучукни кўряпсанми? Ўша мени тишлади. – Қйқғд ёпчпёйд ёъмълнқйзд? Буқ збйд одужқхд.

**Лажванти Свапна Девидан қарз ололмаганда  
(287-бет)**

Тезроқ кел. Лажванти йиғлаяпти. – Обрмкэ ёбж.  
Жқгғқйод едюжқълод.

**Иккинчи марта полиция келганида (291-бет)**

Шанкар. – Уқйёкм.

Исмим Шанкар дедим-ку. – Дндз Уқйёкм хбхдз-ёп.

**Шанкар бетоб бўлиб қолганида (293-бет)**

Мазам йўк. – Зқркз еъэ.

Ўлишни хохламайман, Ражу. – Ёждуйд сқяжқзқезкй,  
Мқгп.

**Онасининг ким экани маълум бўлиши (297-бет):**

Кундалигимни қайтариб бер. – Ёпйхқждадзйд  
экеокмдў ўбм!

Йўк, йўк, ойимнинг олдига борма! – Еъэ, еъэ, кедзйдйа  
кжхдақ ўкмзқ!

**Учинчи марта полиция келиши (309-бет):**

Кечирасиз? – Ёбчдмқндр?

Сен аҳмоқсан дедим. – Нбй қязкэнқй хбхдз.

Раҳмат. – Мқязко.

**Рам саволга тўғри жавоб берган пайт (316-бет):**

Ўзимни ажойиб ҳис қиляпман. – Ёрдзйд қгкедў ядн  
эдждълзқй.

# МУНДАРИЖА

Пролог	3
Қаҳрамоннинг ўлими	23
Руҳонийлик юки	39
Укалик ваъдаси	59
Мажруҳлар ҳақида ўйлар	79
Австралия лаҳжасида гапириш	111
Тугмага эҳтиёт бўлинг	141
Ғарбий экспресдаги қотиллик	159
Аскар ҳикояси	175
Қотиллик учун лицензия	203
Трагедия қироличаси	223
ЎДМ ЗПЯҚЎЎҚО ЭДННҚНД (Бир муҳаббат қиссаси)	251
Ўн учинчи савол	317
Хотима	331
Илова	335

Викас Сваруп

# Харобадан чиққан МИЛЛИОНЕР

Лойиҳа муаллифлари  
Отабек Комил  
Сардор Ходжимуродов  
Таржимон  
Кувонч Ғайратов  
Муҳаррир  
Зиёдахон Ғуломова  
Мусаҳҳихлар  
Элшод Салимов  
Бахтигул Самадова  
Саҳифаловчи  
Умида Абдусаломова  
Дизайнер  
Абдуллоҳ Абдуваҳобов

Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик ҳуқуқи "Iftixor-Books" нашриётига тегишли бўлиб, "Iftixor-Books" руҳсатисиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

Тасдиқнома №027295, санаси: 12.05.2022  
Босишга: 25.06.2022 да рухсат берилди. Бичими: 84x108 1/32.  
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли  
босма табағи: 17.85. Босма табағи: 10.6. Адади: 3000 нусха.  
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма №Д77.

“Offset Print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент вилояти,  
Зангиота тумани, Унқўрғон кўчаси, 4-уй.